

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҲЛАР
АКАДЕМИЯСИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ**

**БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

Г.Н.Наврўзова

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

БУХОРО

**ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ НАШРИЁТИ
2009**

Ушбу монографияда Нақшбандия таълимоти ва тариқати асосчиси, буюк инсон Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) ҳаёт йўли, камолот даражалари, бунёдкор ғоялари ва таълимотидаги асосий тушунчалар ва манбалар таҳлили ёритилган. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётига оид Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” ва Али Сафийнинг “Рашаҳот айн-ул ҳаёт”дан айрим қисмларининг муаллиф томонидан таржимаси ва бошқа манбалар илова этилган.

Масъул муҳаррир: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан
арбоби, фалсафа фанлари доктори,
профессор, М.Н.Болтаев

Тақризчилар: фалсафа фанлари номзоди, доцент,
О.Т.Шарипова

фалсафа фанлари номзоди
Г.С.Юнусова

© Ўзбекистон Республикаси
Фанлар Академияси Фалсафа ва
ҳуқуқ институти нашриёти,
2009 йил

КИРИШ

Жаҳоншумул аҳамиятга эга Нақшбандия таълимоти ва тариқати асосчиси Шоҳ Нақшбанд, Хожаи Бузург, Баҳоуддин Нақшбанд, Еттинчи пир номлари билан дунёга машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318-1389)нинг ҳаёт йўли ва меросини ўрганишга Истиқлол даврида кенг имконият яратилди.

Бу даврда Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва меросини ўрганиш тўрт йўналишда олиб борилди:

1. Давлат миқёсида Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўли ва меросини ўрганишга эътибор берилиб, таваллуд санасига бағишлаб юбилей тантаналари ўтказилди.

2. Шарқшунос олимлар томонидан Баҳоуддин Нақшбандга оид манбалар таржима қилинди.

3. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётига оид асарлар, мақолалар нашр қилинди.

4. Нақшбандия таълимотига оид илмий тадқиқот ишлари натижасида докторлик ва номзодлик ишлари ҳимоя қилинди.

Баҳоуддин Нақшбанднинг юбилейини нишонлаш Ўзбекистон халқи учун ўзлигини англаш, миллий мафкура яратиш йўлида яна бир қутлуғ қадам бўлди. 1991 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов илк бор Қасри Орифонга келиб, Нақшбанд ҳазратларининг хоки пойини зиёрат қилди. Иккинчи марта 1992 йилнинг 2 октябридаги ташрифидан кейин улуғ бобомиз халқимизга яна қайтарилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил, 3 ноябрдаги “Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида”¹ги қарори асосида тайёргарлик бошланди. Қарорда: 1. “Кўплаб фуқаролар, уламолар ва Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг 1993 йилда Шарқ халқлари тафаккури тараққиётига катта ҳисса қўшган аллома Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини нишонлаш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин”, - деб ёзилган. Тадбирларни ўтказиш учун Вазирлар Маҳкамаси 25 миллион сўм ажратди.

¹ “Халқ сўзи”. 1993 йил 3 ноябрь.

Юртбошимиз Ислом Каримов нафақат юбилейга тайёргарлик, меъморий обидада олиб борилаётган таъмирлаш ишлари билан қизиқиб турди, балки барча вилоятларнинг ҳокимлари билан бирга Қасри Орифонга 1993 йил 16 сентябрь юбилей кунлари ташриф буюрди. Президент Нақшбандия тариқати хусусида ҳикоя қилувчи музейнинг лентасини кесиб, бу ерга биринчи бўлиб қадам қўйди.¹

2004 йил, 27 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори чиқди. Унда қуйидагилар таъкидланган: “Ислом оламининг беназир намояндаси Баҳоуддин Нақшбанднинг жаҳон тафаккури хазинасига ва муқаддас динимиз ривожига қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб, унинг меросини чуқур ўрганиш, кенг тарғиб қилиш, эзгулик, маънавий комилликка чорловчи ғояларини ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш ҳамда буюк алломалар ёдгорлик мажмуаларини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Бухоро вилоятида мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Қайд этилсинки, ушбу Марказ таркибига Абдулхолиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуаси ҳам киритилади.

Марказ фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш, белгиланган вазифаларнинг самарали ижросини назорат қилиш мақсадида ташкил этилган Бошқарув кенгаши таркиби маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилангани маълумот учун қабул қилинсин:

- ноёб меъморий иншоот ҳисобланган Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдулхолиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуаларини талаб даражасида сақлаш, асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмаларини ривожлантириш;

- ушбу муқаддас қадамжоларнинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу ерга маҳаллий ва хорижий

¹ Жўрабоев Анвар, Отабоев Маннон, Бобомуродов Вали. Тасаввуф аҳлининг султони //”Халқ сўзи”. 1993 йил 21 сентябрь.

фуқароларнинг кенг қўламдаги зиёратларини уюштириш, зиёратчилар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш;

- Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг устоз-шогирдларининг илмий-назарий мероси, ибратли ҳаётини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг асарларида тарғиб этилган инсонпарварлик, ҳалоллик, поклик, маънавий баркамоллик каби азалий қадриятларни халқимизга етказиш;

- диний-маърифий ишларни ташкил этишда, айниқса, ёшларни меҳнатсеварлик, бунёдкорлик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда уларнинг ҳаётбахш ўғитларидан самарали фойдаланишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш”. (Илова №1)

Мазкур қарорга асосан Марказ ташкил этилиб, ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 1993 йил, 28 сентябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида маъруза қилди. У маърузасида Баҳоуддин Нақшбандни тилга олиб, унинг меросига юксак баҳо берди. Юртбошимиз, **“Биз ўзимизнинг тарихимизни ва жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшган буюк аجدодларимиз – Шарқнинг мутафаккирлари ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва бошқаларни эъзозлаймиз ва улар билан фахрланамиз,”**¹- дея таъкидлади.

Бундай жаҳон миқёсида, юксак минбарларда туриб Ўзбекистонимизнинг муносиб мероси сифатида Баҳоуддин Нақшбанднинг тилга олиниши Нақшбандия таълимотининг аҳамиятини тўғри очиб беради ва уни ўрганишга эътиборни кучайтиради.

1994 йил, 23 майда Ўзбекистонда Қозоғистон кунларининг очилишига бағишланган тантаналарда И.Каримов “Тарихимиз ҳам, келажагимиз ҳам муштарак” деб нутқ сўзлади. Унда шундай таъкидлади: “Жаҳон илм-фани ва маданиятига кибернетика асосларини яратган Хоразмийни, буюк файласуф бобомиз Форобийни, тиббиёт қонунларининг тенгсиз кашфиётчиси Ибн Синони, назм юлдузлари – Навоий ва Абайни, Амир Темур ва Бобур, Тулабий, Қозибекбий, Айтекебий каби улуғ зотларни, Беруний, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Бухор Жиров, Иброй Олтинсарин, Чўқон Валихонов сингари мутафаккирларни берган бу

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. Т.: “Ўзбекистон”, 1996. 48-бет.

муқаддас замин халқларининг яратувчилик даҳоси ҳамиша уйғоқдир.”¹

1994 йил, 13 октябрда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида Ислом Каримов Хожа Баҳоуддин Нақшбандни тилга олиб бошқа буюк алломалар қатори унинг меросини бебаҳо, деб таърифлади. “Буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга муносиб ўринни эгаллашда ал-Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, ал-Бухорий, ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг бебаҳо мероси ҳамиша бошимизни баланд, қаддимизни тик қилади. Халқимизнинг кучига куч, ғайратига-ғайрат, ишончига-ишонч қўшади.”²

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Ислом Каримов 1995 йил, 23 февралда “Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари” ҳақида маъруза қилди. Унда таъкидланадики, Ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди. “Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим”³, - деб таъкидлади И.Каримов.

Истиқлол даврида инсон салоҳиятини юксалтириш, инсонпарварлик ғояларига алоҳида эътибор берилди “Маълумки, инсонпарварлик ғоялари билан озиқланган Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби зотлар асос солган муқаддас ғоя ва тариқатларнинг ватани ҳам Туркистон заминидир”⁴ деб, Ислом Каримов Яссавия, Нақшбандия ва Кубравия тариқатларининг асл моҳиятини очиб беради. Мазкур маърузада, айниқса Баҳоуддин Нақшбанд таълимотига алоҳида тўхталиб, шундай деди: “Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ўғитларини эслайман. У

¹ Каримов И. Ўша асар. 237-бет.

² Каримов И. Улуғбек руҳи барҳаёт. Т.2. Т.: “Ўзбекистон”. 1996. 321-бет.

³ Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. Т.1: “Ўзбекистон”. 1996. 7-8-бетлар.

⁴ Каримов И. Ўша асар. 40-бет.

хар бир инсонни Худони дилга жо қилган ҳолда, уни доимо ўзига мададкор деб билиб, касб ўрганишга, ўз ишининг устаси бўлишга, қисқаси меҳнат қилишга чақиради”¹. Бу сўзлари орқали Президентимиз Нақшбандия таълимотидаги “Даст ба кору, дил ба Ёр”, яъни “Қўл ишдаю, юраги Ёр (Тангри)да” деган шиорга юқори баҳо беради.

Нақшбандия ғоялари кўплаб аждодлар фикрлари каби ҳозир ҳам нур сочиб турганлиги тўғрисидаги ғояни “Бизнинг илдизимиз муштаракдир” деган нутқида Президентимиз “Буюк боболаримиз Ал Беруний ва Ал Фарғоний, Ибн Сино ва Улуғбек, Баҳовуддин Нақшбанд ва Навоий, Бобур ва Абай, Абдулло Қодирий ва Мухтор Авезовнинг, бутун инсоният фахрланиб тилга оладиган аждодларимизнинг юлдузлари асрлар оша бизга нур сочиб келди ва ҳозир ҳам нур сочмоқда”², деб айтилган.

1995 йилда Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” асари босмадан чиқди. Унда иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичининг якунлари келтирилиб, иккинчи босқичининг асосий вазифалари кўрсатилди. Шу асарда ҳам иқтисодий ислоҳотлар маънавий юксалиш билан чамбарчаслиги қайд этилган ва ўзбек халқини жаҳонга машҳур этган алломалардан бири Баҳоуддин Нақшбанд эканлиги қуйидагича баён қилинган: “Ўзбек халқининг бутун маданий дунёда маълум ва машҳур бўлган Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Имом ал Бухорий, ат – Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий каби буюк аждодлари ижодий мероси ва ҳаёти жасоратини ҳурмат билан эсга олиш жамият турмушидаги одат ва миллий шон – шараф манбаи бўлиб қолди”³.

Юнеско Ижроия кенгашининг Парижда 1996 йил, 24 апрелда бўлган сессиясида И.Каримов “Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди”, деб нутқ сўзлади. Унда “Биз буюк аждодларимиз – Ал Бухорий, Ат – Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Бобур ва бугунги кунда бутун дунёга машҳур бошқа Шарқ донишмандларини ёд этамиз ҳамда улар билан фахрланамиз”⁴, – дея таъкидладилар. Ўз фикрларини Парижда 1996 йил, 24 апрелнинг ўзида Юнеско қароргоҳидаги “Темурийлар даврида илм – фан,

¹ Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. Т.1: “Ўзбекистон”. 1996.

² Каримов И. Дўстлигимиз қуёши минг йилликлар қаъридан нур сочади. Т.3.100-бет.

³ Каримов И. Т.3.281-бет.

⁴ Каримов И. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. Т.: “Ўзбекистон”, 1966. 332-бет.

маданият ва маорифнинг гуллаб – яшнаши” кўргазмасининг очилиши маросимида “Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин” мавзудаги нутқида – “Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термизнинг ноёб тарихий ёдгорликлари, буюк Шарқ мутафаккирлари Ал – Бухорий, Ат – Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Ал – Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур асарлари бутун башариятнинг бебаҳо мулки бўлиб қолди”,¹ деб фахр билан таъкидлади.

Кўриниб турибдики, истиқлолгача тилга олинмайдиган Баҳоуддин Нақшбанд энди БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида – Нью Йоркда, Юнеско Ижроия кенгаши сессияси ва тадбирлари тантаналарида – Парижда фахр билан тилга олинди. Шунинг учун ҳам 1996 йил, 4 сентябрь “Маънавият ва маърифат” республика жамоатчилик маркази раҳбарияти ҳамда бошқаруви аъзолари билан учрашувда сўзлаган нутқида И.Каримов “Амир Темур ҳайкалини очганимизда, унинг юзида илоҳий нур зоҳир бўлгандай, у биз томонга қараб таралгандай туюлганди. Балким, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, ат – Термизий каби муборак зотларнинг номини асрлар чангидан тозартриб, хурматларини жойига қўйганимиз ана шу ғайритабiiй ҳолатнинг боиси бўлгандир. Бу билан яратганимиз бизга куч – қувват ато этган, ҳар хил офату – балолардан, ёмон кўзлардан асрагандир”², деган фикрига тўла асос бор.

Халқ депутатлари Бухоро вилояти сессиясида 1996 йил, 14 декабрда И. Каримов “Ислоҳотлар йўлида қатъиятли бўлиш – бугунги кун талаби” деб нутқ сўзлади. Унда шундай таъкидладики, “Бухоро нафақат Ўзбекистонни, балки бутун Марказий Осиё минтақасини дунёга машҳур этган. Унга Бухоройи Шариф деган ном бежиз берилмаган. Негаки, бу муқаддас заминда Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Муҳаммад Наршахий, Имом Бухорий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг пиру устозлари – Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Самосий, Сайид Мир Кулол, кейинги замонларда Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Иброҳим Мўминов каби улуғ зотлар ўтганки, уларнинг номларини

¹ Каримов И. Т.4.341-бет.

²Каримов И. Юксак маънавиятсиз келажак йўқ. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. Т.: Ўзбекистон. 1997.147-бет.

ёдлаш ва эъзозлаш ҳар бир ватандошимиз, ҳар бир инсоннинг бурчидир”¹.

Ислом Каримов 1997 йилда ёзган “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарининг иккинчи қисмида маънавий кадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари сифатида кўрсатилган. Кўп тилларда таржима бўлган бу асарда маънавий кадриятларимиз ва миллий ўзликни англашни тиклашга ёрдам берадиган миллий меросимиз ҳақида ёзилганда қатор мутафаккирлар билан бир қаторда Баҳоуддин Нақшбанд ҳам тилга олинган. Бу асарда шундай таъкидланган: “Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал – Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум.”²

Бухорои шарифимизнинг 2500 йиллик юбилеи тантаналарида ҳам Ислом Каримов Баҳоуддин Нақшбандни тилга олдилар ва шундай дедилар: “Бухоро нафақат юртимиз, балки бутун Шарқнинг илм маркази бўлиб келган. Имом ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Мир Кулол, Бобои Самосий, Фағнавий, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Файзулло Хўжаев ва бошқа шу каби буюк зотлар етишиб чиққан, таҳсил олган бу макон бундан буён ҳам илму фан, маърифат ва ижод бешиги бўлиб қолаверади.

Халқимиз буюк аждодларимиз мўътабар номларини, умуминсоний маънавиятга ва умуман башарият ривожига катта ҳисса қўшган, гўзал Бухорони безаб, унга бетакрор нафосат, шакл ва салобат бахш этиб турган иморату иншоотларни, масжиду мақбараларни, мадрасаларни, ислом динининг, Шарқ фалсафасининг ўчмас кадриятларини бугунги авлодларга мерос қилиб қолдирган буюк аждодлар номини абадул-абад сақлайди.”³

¹ Каримов И. Т.5. 261-бет.

² Каримов И. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 127-бет.

³ Каримов И. Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи (1997 йил, 19 октябрь) / Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6 том. Т., Ўзбекистон, 1998. 370-бет.

Президентимизнинг “Тафаккур” журналининг Бош муҳаррири саволларига берган жавоблари маънавий меросимизнинг жамиятга хизмат этиши учун туртки бўлди. И.Каримов жавоблари “Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин” номи билан нашр этилди. Унда: “Миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш даркор. Мен ўз ўрнида Абу Наср Форобий, Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби улуғ аждодларимизнинг шу мавзуга дахлдор асарларини назарга тутаяпман”,¹ – дедилар.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг “Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда” деб номланган “Туркистон пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобан Оллоҳ ва унинг расули билан бирга халққа руҳан яқин бўлган улуғ аллома ва уламоларнинг қадрли эканлиги алоҳида таъкидланади. У киши – “Мана шу қутлуғ заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун ислом дунёси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Гиждувоний, Замахшарий каби пири комилларимизни назарда тутамиз. Маънавий ҳаётимизни мана шу улуғ номлар билан боғлаймиз”,² дедилар Ислом Каримов. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб шу улуғ аждодларимизнинг табаррук номларини тиклашга киришганлигимизнинг сабабини шундай изоҳландики, буларнинг азиз номлари ва ўлмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кетган, буларнинг қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишга, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан жой олишига шароит яратиш керак.

Ислом Каримов 1999 йилнинг 14 апрелида биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида бугунги ҳаётимизда қандай ўзгаришлар рўй берганини баҳолаш учун Собиқ Иттифоқдан, эски мустабид тузумдан қандай тарихий мерос қолганини қиёсий таҳлил этиб, шундай таъкидлади, “Миллий ўзликни англашга бўлган табиий

¹ Адолатли жамият сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 12-бет.

² Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 10-11-бетлар.

интилиш жоҳилона инкор этиларди. Наврўз, Рамазон, Қурбон ҳайити каби кўплаб муқаддас миллий байрамлар таъқиқ этилган эди. Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замахшарий, Хожа Аҳрори Валий, Абдулхолиқ Ғиждувоний каби буюк аждодларимизнинг, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Бехбудий, Усмон Носир каби миллий-озодлик фидоийларининг номларини халқимиз хотирасидан ўчириб ташлашга ҳаракат қилинар эди.”¹ Бугунги кунда эса бу азизларнинг маънавий меросини ўрганиш асосий масаладир.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов Москвада нашр этиладиган “Время МН” газетасига берган “Биз ўз ҳудудимизни халқаро меъёрлар доирасида бизда мавжуд барча усуллар билан ҳимоя қиламиз” баёнотида дунёга буюк имом, файласуф ва мутафаккирларни берган ҳудуд – Ўрта Осиё, Ўзбекистонда динни ўргатишга ҳожат йўқлигини исботлаб, шундай таъкидлади: “Нақшбандий мақбарасини, ат-Термизий мақбарасини ким ободонлаштирди?”² Бу билан халқимиз азалдан маърифатли эканлигини ва унинг меросига мустақиллик даврида алоҳида эътибор берилаётганлигини таъкидлаган.

2003 йил, 28 ноябрь улуғ мутасаввиф, хожагон тариқатининг асосчиси, Биринчи Пир номи билан машҳур Хожаи Жаҳон Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги Бухорода кенг нишонланди. Президент Ислоҳ Каримов Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида ўтказилган тантанали маросимда “Буюк алломага эҳтиром” мавзуида нутқ сўзлади. Унда Абдулхолиқ Ғиждувоний хизматлари билан биргаликда Баҳоуддин Нақшбандга доир ҳам қуйидаги фикрларни таъкидлади: “Бугун биз мана шундай улуғ боболаримиздан яна бири бўлмиш Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг янгитдан бунёд этилган қадамжоси пойида тўпланиб турибмиз.

Ушбу табаррук масканда бир йил мобайнида олиб борган кенг кўламдаги қурилиш ва ободончилик ишларимиз натижасида бу жойнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 5-бет.

² “Халқ сўзи”. 1999 йил 19 октябрь.

Айниқса, миллий ва замонавий услубда яратилган гўзал бинолар, муҳташам айвон, мовий гумбаз ва пештоқлар. нақшинкор дарвоза ва устунлар, бир сўз билан айтганда, чинакам санъат асари бўлган бу мажмуа ҳар қандай одамни ҳайратга солиши шубҳасиз.

Буюк бобомизнинг юксак обрў-эътиборига муносиб тарзда, ўз қўлимиз билан барпо этган бу меъморий мўъжиза тимсолида биз аввало замонлар ва авлодлар ўртасидаги узвийликни, халқимиз даҳосининг боқийлигини кўрамиз десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Агар шу қисқа вақт ичида Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг муқаддас қадамжоларида қилган ишларимизга баҳо берадиган, уларнинг ҳажми ва миқёсини сарҳисоб этадиган бўлсак, бу ишларга амалда йиллар, балки ўн йиллар керак бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Савол туғилади: барчани ҳайратда қолдирадиган бундай улўғвор ишларни жуда қисқа муддатда бажаришга муяссар бўлганимизнинг боиси нимада?

Бунинг боиси авваламбор, юртимиз тупроғида хоклари ётган пири комилларимиз азиз авлиёларимизнинг арвоҳлари, руҳи поклари доимо бизнинг ёдимизда, қалбимизда яшаб келаётганида, барча эзгу интилишларимизга Яратганнинг ўзи мададкор, халқимиз ибораси билан айтганда, дилкушод бўлаётганидир.

Шу билан бирга, бу борадаги даъватларимизнинг халқимизга етиб боргани, одамлар юрагида акс-садо бергани ва эл-юртимиз бу эзгу ташаббусларни чин дилдан, бутун борлиғи билан қўллаб-қувватлагани ҳам айни ҳақиқатдир.

Қарангки, бундай хайрли ишларга маблағ ҳам топилар экан, лойиҳаларнинг энг гўзал, энг мукамал шакллари ҳам пайдо бўлар экан. Бунга ҳисса қўшишни ўз виждони, ўз аждодлари олдидаги муқаддас бурч деб биладиган қанча-қанча одамлар бел боғлаб майдонга чиқар экан.

Энг муҳими, бизнинг ана шу саъй-ҳаракатларимиз бугунги ва келажак авлодларимиз учун, уларнинг маънавий юксалиши, миллий кадриятларимиз, динимиз арконларига муносиб бўлиб, онгли ва мазмунли ҳаёт кечириши учун беқиёс аҳамиятга эгадир.

Бизнинг ўзлигимизни англаш, асрий обидаларимизни, муқаддас қадамжоларимизни тиклаш йўлидаги барча ишларимиз замирида айнан ана шу руҳ эзгу ният ва мақсадлар мужассам эканини мен яна бир бор такрор айтишни ўринли, деб биламан.

Мен, Ўзбекистон тарихидаги шу каби олижаноб ишларни халқимизнинг нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёда ислом

динини асраш ва ҳимоялашга кўшаётган ўзига хос ҳиссаси, динимизга нисбатан турли бўҳтонлар уюштираётган, унинг обрўсини тўкишга уринаётган кучларга қарши аниқ ва амалий жавоби, деб қабул қилишингизни истардим.

Азиз юртдошлар!

Қадимий Бухоро замини Имом Бухорий, Ибн Сино ва Абу Бакр Наршахий каби алломаларга, буюк тариқат пирлари - Абдулҳолик Ғиждувоний ва Амир Кулол, Ориф Ревгарий ва Маҳмуд Фағнавий, Али Ромитаний ва Бобойи Самосий сингари азиз-авлиёларга бешик бўлгани билан ҳам бутун дунёга маълум ва машҳурдир.

Бухорони Бухорои шариф даражасига кўтарган ана шундай аждодларимиз орасида ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак сиймоси алоҳида нуфуз ва мақомга эга.

Бу улуғ шахс тимсолида инсон руҳиятининг нақадар теранлиги, бу дунёда ўз иродасини тарбиялаб, қалбини поклаб, нафс балосини енгиб яшайдиган одам қандай маънавий юксакликка кўтарила олиши яққол намоён бўлади.

Бу буюк зот эл-юртга холисона хизмат қилиш, аввало, маърифат йўлида одамларнинг қалбига чуқур кириб бориш орқали уларда эзгу интилишлар, орзу-умидлар уйғотиш мумкинлигини ўз ҳаёти мисолида исботлаб берди.

Буюк аждодларимиз яшаб ўтган даврдан буён ер юзида не-не сурон ва тўфонлар рўй берганига, замонлар, салтанатлар, ҳаётга қарашлар ўзгарганига қарамасдан, бу пири комилнинг "Дил ба ёру даст ба кор", яъни "Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин" деган ҳаётбахш ҳикмати худдики, шу бугун айтилгандек жарангламоқда.

Ҳозирги таҳликали дунёда, турли низо ва адоватлар ҳали-бери барҳам топмаган мураккаб бир вазиятда Нақшбанд бобомизнинг - миллати, тили ва динидан қатъий назар - инсон зотини азиз ва муқаррам билиш, ўзаро меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват муҳитини қарор топтириш. етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтожларга ёрдам бериш каби эзгу даъватлари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Биз Нақшбанд ҳазратларини халқимизнинг руҳи ва табиатига беҳад яқин бўлган ана шундай ғоя ва қарашлари учун ардоқлаймиз, барчамиз унинг бой меросидан маънавий куч-қувват оламиз.

Ота-боболаримиз бу буюк авлиёга чин дилдан ихлос қўйиб, юз йиллар давомида уни "Баҳоуддини Балогардон" деб улуғлаб келишида ҳам, албатта, теран маъно бор.

Дарҳақиқат, Яратганнинг қудрати билан каромат соҳиби бўлган бу азиз зотнинг руҳи поклари ўтмишда ҳам, бугун ҳам бамисоли юртимиз осмонида кезиб, она диёримизни ёмон кўзлардан, офатлардан бало-қазолардан асраб келмоқда, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Муҳтарам биродарлар!

Сизларга очиқ айтсам, Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг мана шу муборак қадамжосини обод қилиш фикри кўп йиллардан буён хаёлимни банд этиб келарди.

Ҳар сафар шу муқаддас даргоҳни зиёрат қилганимда ўзимни шу буюк зотнинг руҳи олдида қандайдир қарздор деб ҳис этардим.

Бир вақтлар, мустабид тузум даврида бу табаррук жой қандай аянчли аҳволга тушиб қолганини яхши эсласангиз керак.

Биз мустақилликка эришгач, кўплаб муқаддас қадамжолар қатори бу ерни ҳам обод қилиш мақсадида катта ишларни амалга оширганимиздан ҳам хабардорсиз, албатта.

Ана шу ишларни давом эттириш, бу зиёратгоҳни Баҳоуддин Нақшбанднинг оламшумул шуҳратига муносиб бир масканга айлантириш режаси йиллар давомида кўнглимни тарк этмаганини ҳам сизларга айтишим керак.

Ва ўтган йилнинг октябрь ойида ана шу ниятда атай вақт ажратиб, Тошкентдан бу ерга махсус келдим.

Бу ишга дахлдор бўлган раҳбарлар, лойиҳачи ва қурувчилар билан ёдгорлик мажмуасини янгитдан бунёд этиш масаласини шу жойниги ўзида муҳокама қилганимизда бошқа иншоотлар билан бирга, мана шу янги айвоннинг қаерда ва қандай шаклда бўлишини ўз қўлим билан чизиб берган эдим.

Одамни ҳайратга соладиган томони шундаки, қурувчилар шу лойиҳа бўйича иш бошлаганда айнан шу пайтда белгилаб берилган жойдан илгари масжид бўлган эски айвоннинг кўмилиб кетган пойдевори чиқибди.

Буларнинг барчаси мана шу масканнинг илоҳий хосиятидан, Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг руҳи барҳаётлигидан яна бир далолатдир, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласизлар.

Қадрли ватандошлар!

Мен бугун Абдулҳолиқ Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаларини обод этишда бутун мамлакатимиздан келиб қатнашган қўли гул уста ва меъморларимизга, моҳир қурувчи ва муҳандисларимизга, пудратчи ва лойиҳачи ташкилотлар, туман ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларига, шу хайрли ишларга хизмати

сингган барча-барча инсонларга ўз номимдан, эл-юртимиз номидан ташаккурлар билдираман.

Халқимиз даҳоси билан яратилган бетакрор обидаларни, мана шундай қутлуғ зиёратгоҳларни минг йиллар давомида асраб-авайлаб келаётган муҳтарам Бухоро аҳли олдида таъзим қиламан”¹.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти – АЙСЕСКО (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳри Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Президент И.Каримовнинг “Туркистон пресс” нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси “Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи” номи билан чоп этилди. Унда қуйидаги ғоялар таъкидланди:

“Бугунги кунда бизнинг тарихий мерос масаласига катта масъулият билан қараб, олиб бораётган ишларимизнинг амалий тасдиғини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин. Масалан, Самарқанд шаҳридаги XI-XV асрлар ёдгорлиги бўлмиш, қадим замонлардан буён бутун мусулмон дунёсининг эътиборини ўзига тортиб келаётган Шоҳи Зинда мажмуасида уч йил аввал бошлаган кенг кўламли ишларимиз бугун ҳам давом этмоқда.

Энг муҳими, мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида шу эзгу мақсад йўлида ибратли ишлар қилинмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, Самарқанддаги Имом Бухорий ва Имом Мотуридий зиёратгоҳлари, Бухородаги Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Минораи Калон ва Масжиди Калон мажмуалари, Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний ва Бурҳониддин Марғиноний ёдгорликлари, Сурхондарёдаги Ҳаким Термизий ва Имом Термизий, Хивадаги Ичан қалъа, Шаҳрисабздаги Дорут-тиловат, Қарши шаҳридаги Одина ва Кўкгумбаз обидалари, Кармана шаҳридаги Қосим шайх мақбараси сингари ўнлаб қадамжоларни обод этиш, бўйича бажарилган бунёдкорлик ишларини эслаш ўринли, деб ўйлайман”².

Ислом Каримов Бухоро шаҳри сайловчилари билан учрашувда шундай дедилар: “Бу кўҳна диёрдан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган юзлаб буюк мутафаккирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққанини, Имом Бухорий, Муҳаммад Наршахий, Ибн Сино, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Амир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад

¹ Каримов И. Буюк алломага эҳтиром. /тинчлик ва хавфсизлигимиз ҳамжиҳатлик ва қатъий продамизга боғлиқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон. 2004. 46-48 – бетлар.

² Ислом Нури. 2007 йил. Махсус сон.2-3 бетлар.

Дониш ва Абдурауф Фитрат сингари улуғ зотларнинг бебаҳо илмий ва маънавий меросини жаҳон аҳли яхши билади ва юксак қадрлайди.

Бу ҳақиқатни Бухоронинг яна бир юксак унвони – ислом динининг қуввати деган шарафга муяссар бўлгани ҳам яққол тасдиқлайди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Барчамиз яхши тушунамизки, бу таъриф замирида Бухоронинг асрлар давомида ислом маданияти, ислом фалсафасининг буюк маркази бўлиб келгани ўз ифодасини топган”.

“Бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган буюк аллома ва азиз авлиёларимиз орасида Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак сиймоси алоҳида ажралиб туради. Ота-боболаримиз улуғ авлиё Баҳоуддин Нақшбандга чин дилдан ихлос қўйиб, уни “Баҳоуддин Балогардон” деб таърифлаб келишида теран маъно бор. Унинг “Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин” деган ҳаётбахш ҳикмати динимизнинг олижаноб маъно-моҳиятини ёрқин ифодалаб, худдики шу бугун айтилгандек жаранглайди”¹, деб Ислом Каримов таъкидлайдилар.

Президент И.Каримов фикрларининг таҳлили кўрсатадики, истиқлол даврида Баҳоуддин Нақшбандга қуйидаги баҳолар берилган:

- Ўз халқимиз ва жаҳон цивилизациясини ривожланишига бебаҳо ҳисса қўшган алломалардан бири;
- Буюк Шарқ мутафаккирларидан бири;
- Бебаҳо мерос соҳиби;
- Инсонпарварлик ғоялари билан озиқланган муқаддас ғоя ва тариқатнинг асосчиси;
- Касб ўрганишга, меҳнат қилишга чақирадиган ўғитлар соҳиби;
- Шарқ фалсафаси ва ислом дини билан уйғун таълимот яратувчиси;
- Асрлар бўйи нур сочиб турувчи;
- Миллий шон-шараф манбаи;
- Фахримиз;
- Мероси башариятнинг бебаҳо мулки;
- Бухоройи Шариф номини машҳур қилган зотлардан бири;
- Миллий маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган;
- Халқимиз миллий ифтихори;

¹ Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008. 40-бет.

- Халққа руҳан яқин ва қадрли.

Таржима этилган манбалар ичида шарқшунос олим Маҳмудхон Маҳдум Ҳасанхон Маҳдум ўғли томонидан Абул Муҳсин Муҳаммад Алининг “Мақомоти Хожа Баҳоуддин” (“Хожа Баҳоуддиннинг ҳаёт йўли”) ўзбек тилида нашр этилиши диққатга сазовор ва мақтовга муносибдир. Бу асар Тошкентдаги “Ёзувчи” нашриётида 1993 йил Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллик юбилейига совға сифатида “Баҳоуддин Балогардон” номи билан нашр этилди. Шунингдек, Маҳмуд Ҳасаний 1993 йил Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи Қудсия” асарини таржима этиб, “Миллий тикланиш” газетасида чоп этдилар.

Маҳмуд Ҳасаний 2003 йили Тошкентдаги Абу Али ибн Сино номидаги “Тиббиёт” нашриётидан Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот айн-ул ҳаёт” асарини “Рашаҳот” (Оби ҳаёт томчилари) номи билан таржима қилиб, чоп этдилар. Бу китобнинг 78-82 - бетлари Хожа Баҳоуддин Нақшбандга бевосита бағишланган. Қолган қисмлари ҳам бу киши ҳаёти ва таълимотини мукаммал билишга ёрдам беради.

Алишер Навоий мукаммал асарлар тўплами 17-томи- “Насойим ул-муҳаббат”нинг 2001 йилда нашрдан чиқиши ҳам таҳсинга сазовор ишдир. Асарнинг 251-265 - бетлари Баҳоуддин Нақшбанд зикрига бағишланган бўлса-да, қолган қисмларида ҳам унинг устоз ва шогирдлари ҳақида етарли маълумотлар берилган.

Шарафуддин Роқимийнинг “Тарихи Роқимий”, “Тарихи Кабира”, “Тарихи Томм” номлари билан машҳур манба ҳам Тошкентдаги “Маънавият” нашриётидан Ҳайдарбек Бобобеков ва Наим Норқуловлар таржимасида “Тарихи Томм” номи билан нашрдан чиқди. Унинг 13-14 - бетлари “Ҳазрати Хожайи Бузург Хожа Баҳоуддин Шоҳи Нақшбанд қуддиси сирруху вафоти тарихи зикри” деб номланади.

Бухородан 1993 йили чиққан “Жаҳон мулкининг нигоҳбони” тўпламида шарқшунос олим Абдусодиқ Ирисов томонидан турк тилидаги Ислом энциклопедиясидан Таҳсин Ёзувчининг “Нақшбанд” мақоласининг таржимаси чоп этилган.

Бухоролик нақшбандшунослар Садриддин Салим Бухорий ва Исроил Субҳон “Мақомоти Мир Кулол” ва “Шоҳи Нақшбанд мақомоти”дан таржималар қилиб, “Дурдона” номи билан 1993 йил Тошкент “Шарқ” нашриёти матбаа концернининг Бош таҳририяти нашриётидан чоп этдилар.

Юбилей кунлари Бухородан шарқшунос олим Баҳодир Қозоқов Носириддин Тўранинг “Тухфат аз-зойирин” асарининг бир қисмини таржима этиб, Бухородан “Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд” номи билан ўзбек ва инглиз тилларида нашр эттирди.

“Турку тожик суянчи” номи билан Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд ал Бухорий ҳақидаги Муҳаммад Сиддик Рушдийнинг “Маноқиби қодирия”дан келтирилган нақллари Икромиддин Остонақул ўғли Окқўрғоний таржима этиб, “Авлиёлар султони. Туронлик валийлар” номи билан Тошкентдаги “Камалак” нашриётидан “Сирли олам” кутубхонаси сифатида 1995 йилда чоп этишга муяссар бўлди. Асарнинг 146-156 бетларида Баҳоуддин Нақшбандга оид нақллар келтирилган.

Сайид Аҳмад Васлийнинг “Назм ус силсила” асари 2001 йили Тошкентдаги “Янги аср авлоди” нашриётидан Бадиа Муҳитдинова таржимасида чоп этилди. “У жанобдан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қаддаса сиррахуга” деган назмий парча китобнинг 70-71 бетларига келтирилган.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва таълимотини махсус тадқиқ этиб асарлар ва мақолалар чоп этган олимлар ўртасида Садриддин Салим Бухорий хизматини алоҳида таъкидлаш лозим. 1993 йили Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллик тантаналарига бағишлаб Ғафур Ғулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриётидан “Турк дунёси дурдоналари” туркумидан “Дилда Ёр” (Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд) бадиалари ва шу йили “Ёзувчи” нашриётидан “Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир” номли мўъжаз рисоалари чоп этилди. Бу рисола 2003 йили кенгайтириб, “Янги аср авлоди” нашриётидан чиқардилар. 2006 йили Садриддин Салим Бухорийнинг “Икки юз етмиш етти пир” асари чиқди. Унинг 180-189 - бетларида Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида маълумотлар келтирилган. 2007 йили “Бухоро” нашриёти ва “Ўқитувчи” нашриёти матбаа ижодий уйи тавсияси билан Тошкентдан “Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд” (Дилда Ёр) тарихий-маърифий китоб ҳам Садриддин Салим Бухорий томонидан ёзилиб, китобхонларга армуғон этилди. Бу узоқ изланишлар якуни бўлиб, унда Ҳазрат Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт ва таълимотлари нисбатан мукамал берилган, Оби ҳаёт томчилари – рашҳалар таҳлил этилган, Ҳазрат Баҳоуддин авлодлари ва у киши зиёратгоҳларида дафн қилинганлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт ва фаолияти, таълимотига оид Султонмурод Олим қатор мақолаларни жамлаб, такомиллаштириб,

“Нақшбанд ва Навоий” номи билан Тошкентдаги “Ўқитувчи” нашриётидан 1996 йили чоп этдилар. Бу асарда “Комиллар комили” деб Баҳоуддин Нақшбандга таъриф берилган. Шу билан бирга яссавия ва Нақшбандия тариқатлари қиёсий таҳлил этилган. Китобдаги “Қитъаларда сингган қат-қат ғоялар”, “Лисон ут-тайр”да “Нақшбандия”, “Сафар дар ватан”, “Кўл ва кўнгил” боблари Нақшбандни англашга ёрдам беради.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида Азиз Қаюмовнинг Тошкентдан 1993 йили нашр этилган “Бу оҳанг ила бўлғайсен Нақшбанд..”, шу йили чиққан Ориф Усмоннинг “Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида”, 1993 йили Насафийнинг “Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд”, 1994 йили “Фан” нашриётида чоп этилган Иззат Султоннинг “Баҳоуддин Нақшбанд абадияти”, 1995 йили “Мовароуннахр” нашриётидан чиққан Ҳамидхон Исломиёнинг “Ипор хид ила туғилган ориф” (Хожа Баҳоуддин Нақшбанд) рисолалари бир-бирини тўлдириб, Нақшбандия таълимоти асосчиси ҳақида маълумотлар беради.

Баҳоуддин Нақшбанд юбилейидан олдин у киши ҳақида ёзган олим Иброҳим Ҳаққул хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. У кишининг 1991 йили “Адабиёт ва санъат” нашриётидан чоп этилган “Тасаввуф ва шеърият” китобларининг “Фақр йўлида ғани, имонга бой” деб аталган қисми Баҳоуддин Нақшбандга бағишлангандир.

1994 йили “Ўзбекистон” нашриётидан муаллиф-тузувчи Зуфаржон Жўраевнинг “Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар” тўплами чоп этилди. Тўпланда Хожа Исматуллоҳ Абдуллоҳнинг “Баҳоуддин Нақшбанд” мақолалари жой олган. Тўпландаги Маҳкам Маҳмуднинг “Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар” ва Ботирхон Акрамнинг “Ҳазрати Баҳоуддин ва Навоий” мақолалари Баҳоуддинга бағишланган. Тўлқин Ҳайитнинг “Насиба ҳаммага баробар берилади” мақоласида ҳам керакли ғоялар бор.

Академик М.М.Хайруллаев масъул муҳаррир ва нашрга тайёрловчи бўлган. Абдулла Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриётидан 1995 йили чоп этган “Буюк сиймолар, алломалар” тўпламида Ориф Усмоннинг “Баҳоуддин Нақшбанд” мақоласи жой олган.

Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Нодирхон Ҳасанлар 2003 йили “Янги аср авлоди” нашриётидан Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний”сини таржима этиб, чоп этдилар. Ушбу таржима билан бирга асар охирида хожагон-Нақшбандия машойихлари ҳақида маълумотлар киритилган бўлиб, улар орасида

Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд (51-60 - бетлар) ҳақида манбалар асосида мақола ҳам бор.

“Тасаввуф алломалари” деган асарни 2004 йили “Шарқ” нашриётининг матбаа концерни Бош таҳририяти тавсиясига кўра Ҳомидхон Ҳомидий чоп этди. Унинг 177-182 – бетлари Баҳоуддин Нақшбандга бағишланган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси И.М.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти олимлари ташаббуси билан 2005 йил Андижондан чиққан Ҳ.Алиқулов, Р.Носиров, М.Қодиров, Р.Омонбаева, А.Ашуровларнинг “Тасаввуф таълимоти ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни” ўқув қўлланмасида “Нақшбандия таълимоти ва унинг маънавий ривожидagi ўрни” номи билан махсус боб ажратилган ва унда Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг аҳамияти фалсафий таҳлил этилган.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт фаолиятини ёритишда рус тилида нашр этилган асарларнинг ҳам аҳамияти катта. 1991 йили Душанбе шаҳридаги “Дониш” нашриётидан А.Муҳаммедходжаевнинг “Идеология Нақшбандизма” (Нақшбандия мафкуриси) монографияси чиқди. Унинг иккинчи боби “Нақшбандиянинг генезиси ва тарқалиши” деб номланади. Бу бобнинг биринчи банди “Баҳоуддин Нақшбанд” деб номланади ва қолган бандлар ҳам шу масалани моҳиятини очишга қаратилгандир.

1994 йил Х.Б.Номад томонидан Идрис Шохнинг “Мыслители Востока” (Шарқ мутафаккирлари) асари инглиз тилидан таржима этилиб, С.Е.Т. фирмасининг “Лоризн” нашриёти томонидан чоп этилди. Бу асарда “Изгнание” (Ҳайдаш), “Утренняя торговля” (Эрталабки савдо), “Бахауддин”, “Бахауддин Нақшбанди” каби мақолалар ва Баҳоуддиннинг 20 маслаҳати берилган.

2001 йилда Москва шаҳрининг “Эксмо-Пресс” нашриёти “Суфии” (Сўфийлар) номи билан ривоят ва афоризмлар тўпламини чиқарди. Тўпламнинг 452-474 – бетлари махсус Нақшбандга бағишланган. Унинг афзаллиги шундаки, унда шарқшунос А.Семёновнинг форс кўлёмалари асосида 1914 йилда ёзган “Бухарский шейх Баха-уд-дин” мақоласи тўла ва В.Гордлевскийнинг “Бахауддин Нақшбанд Бухарский” мақоласидан қисмлар киритилган. Шунингдек тўпламнинг иловасида Идрис Шохнинг “Суфизм” китобидаги Баҳоуддин Нақшбандга оид қисми ҳам киритилган.

2001 йили Санкт-Петербургдаги “Азбука”, “Петербурское востоковедение” нашриёти “Мудрость суфиев” деган китобни нашр этди. Унда XIV-XV аср тасаввуфга оид манбалар форс тилидан

таржима этилган. Таржима бўлган манбалар ичида бевосита Баҳоуддин Нақшбанднинг маърифатга оид фикрлари бўлган Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи Қудсия” асарининг таржимаси ҳам бор.

Москвадаги “Наука” нашриётининг Шарқ адабиёти Бош редакцияси 1989 йили О.Ф.Акимушкиннинг муҳаррирлиги ва кириш сўзи билан А.А.Ставиской томонидан инглиз тилидан таржима этилган Дж.С.Тримингэмнинг “Суфийские ордены в исламе” асарини чоп этди. Бу асарда Нақшбандия тариқатига оид маълумотлар Баҳоуддин ҳаёти ва таълимотини ўрганиш учун маълум даражада ёрдам беради.

Юқорида тилга олинган нашриёт 1991 йили “Исламский Энциклопедический словарь” луғатини нашр этди. Унда О.Ф.Акимушкиннинг “Баҳоуддин Нақшбанд” ва “Нақшбандия” деган мақолалари мавжуд. 2005 йили “Орел: ИНБИ” нашриёти “Суфийские практики тариката Нақшбандия” китобини Ш.Барановнинг инглиз тилидан қилган таржимасини чоп қилди. Китобда “Муҳаммад Баҳоуддин Шоҳ Нақшбанд ал-Бухорий” деган махсус мақола мавжуд ва унда у кишининг ҳаёт йўллари ҳақида маълумотлар берилган.

Тасаввуфга ва тариқатларга оид чиққан барча асарлар ва мақолаларда маълум миқдорда Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида маълумот бор. Лекин биз фақат махсус шу масалага эътибор берган муаллифлар ҳақида маълумот бериш билан кифояланишни лозим топдик.

Биз бу манбалар ва тадқиқотчиларнинг асарларидаги ғояларни тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий таҳлил услублари асосида ўргандик. Шу таҳлилларнинг синтези асосида келиб чиққан хулосавий ғояларни илгари сурмоқчимизки, Баҳоуддин Нақшбанд – Нақшбандия таълимоти ва тариқати асосчисидир. Унинг тарихдаги ролини қуйидагича таъкидлаш мукин:

1. Нақшбандия **мумтоз тариқатлардан бўлиб**, инсонни камолотга етишининг **энг қисқа, энг кучли, энг мақбул** ва **меъёрдаги йўллари**ни кашф этган, унда бутун тасаввуф тариқатларининг энг яхши томонлари ўз аксини топган.

2. Шарқшунос олим О.Ф.Акимушкиннинг “Нақшбандияда 10 мақом бор” деган ғоясининг ўрнида, нақшбандий Зуннун Мисрий асослаган Ҳаққа етиш, тавҳидни англаш учун барча қувватларни жамлашнинг мақом ва ҳоллардан иборат маърифат йўли билан эмас, балки Ҳорис Муҳосибий асослаган ўз-ўзини, ўз нафсини кузатиш ва

назорат қилиш йўли орқали маърифатли бўлиб, тавҳид даражасига етиш йўлидан борган, деган ғояни илгари сурамиз. Шунинг учун Абдурахмон Жомий бу тариқатда зикр, таважжух ва мууроқаба ҳамда робитани муҳим, деган.

3. Туркиядан чиққан энциклопедияда ёзилганки, Нақшбандия-увайсийлик ва робита каби икки мўъжиза билан тариқатларга янгилик киритди. Биринчидан, увайсийликни Баҳоуддин Нақшбанд камолотидаги ўрни борлигини ўзи уни бу амалиёти инсоннинг **ҳолатини**, ботинини ўзгартира олишини кўрсатган ва шунинг учун ҳам бу йўлнинг асосида қўйган. Нақшбандия таълимотида робита инсонни ўз-ўзини бошқаришда катта аҳамиятга эга амалиёт бўлиб, “робитаи мавт”, “робитаи муршид”, “робитаи ҳузур”дан иборатдир. Робита ва увайсийлик “хилватни анжуманда” бўлишига, “зоҳиран халқ билан ботинан Ҳақ билан” бўлишига имкон берган. Шунинг учун бу тариқатни биз хожагон ҳам эмас, мустақил бир йўл ўлароқ, баҳолаймиз.

4. Баҳоуддин қалбга махсус эътибор берди. **Қалб** олами инсон камолотининг илк босқичи. Муршид муридни қалбига илоҳий файз бериб уни уйғотади. Мурид ғафлат майдонидан огоҳлик, ҳушёрлик томон бурилиб, камол топа бошлайди. Қалб зикри, хуфий зикр, жазба – яъни Оллоҳга томон тортиши Нақшбандияда йўлнинг бошида бўлади бу эса, хилват, чилласиз, суҳбат ва анжуманда хилватга имкон беради. Шунинг учун Жомий ёзган эди:

Нақшбандия ажаб қофилаосоранд,
Ки баранд аз раҳи пинҳон ба ҳарам қофиларо.
Аз дили солики раҳ жозибай суҳбаташон,
Мебарад васвасай хилвату фикри чилларо.

Мазмуни:

Нақшбандия шундай карвонбошидирки,
Яширин йўл билан карвонни ҳарамга этади.
Уларнинг суҳбати бу йўлнинг солиқларининг қалбидан,
Хилват ва чилланинг васвасасини олиб кетади.

Шунинг учун бу тариқатни “ақраб ут туруқ”, “бошқа тариқатларнинг интиҳоси ибтидосида мундарижа” бўлган, деб ёзилади. Қалб олаmidан рух, сир, хафи ва ахфо оламига кириб фано ҳолатига этади. Буларнинг ҳаммаси ўзини ўзи назорат этиш нафсини бошқариш асосида бўлади.

5. Бу таълимот ҳақиқий хушёрлик йўлининг изчил давомчисидир. Бунга сайру сулукда Оллоҳга саёҳатдан, Оллоҳ билан саёҳатга етиб, фано ҳолатидан бақога ўтиш ва қайтиб халқ билан бўлиб, уни Ҳақ йўлига бошқариш асос туради.

6. Бу тариқат аҳли учун олий инсоний камолот тамкин ҳолатидир. Бу уйғунлик ҳолати, яъни ботин, зоҳир ва бутун борлик билан уйғун ҳолатда бўлади. Тамкин ҳолатида валий бесифат бениш бўлади.

7. Тариқатларда бутун тариқатнинг маънавий қуввати мужассам бўлган ҳар бир тариқат шайхининг ўз Авроди бўлганлиги каби Баҳоуддин Нақшбандда ҳам “Аврод” бўлган.

8. Бу тариқатда нафс тарбияси махсус тадқиқ этилиб, уни аммораликдан чиқариб, лаввома, мулҳима, мутмаина, розия, марзия ва сафия даражасигача тарбиялаш, бунда “Хуш дар дам”, “Назар бар қадам”, “Сафар дар ватан”, “Хилват дар анжуман”, ёдқард, бозгашт, ниғадошт, ёддошт, вуқуфи замони, вуқуфи адади, вуқуфи қалби, муроқаб, муҳосаб, мушоҳаданинг аҳамияти катталиги кўрсатилган.

Умумий хулоса қилиб, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Узоқ муддат қарамлик, эркисизлик, бировнинг амрига итоат қилиб яшаган халқимизнинг мустақил республикада ҳақиқий, хур, эркин бўлиши, ботинан бой, ўз-ўзини бошқара оладиган инсон бўлишга Баҳоуддин Нақшбанднинг ушбу бунёдкор ғоялари ёрдам беради.

2. Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги қийинчиликлардан ўтиб, ўз-ўзини руҳан бошқара олиш услубларини бу таълимот ўргатади.

3. Таълимотдаги борлиққа муҳаббат, вақтни асраш, холис меҳнат қилиш, кишиларнинг оғирини енгил қилиш, бағрикенглик, каби ғояларидан ёшларга тарбия бериш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Демак, Баҳоуддин Нақшбанд ўзига хос ноёб, нодир (оригинал), ҳозирги даврда ҳам фойдаланиш мумкин бўлган баркамол инсонни тарбиялашнинг услубларини топган. У инсоннинг борлигини илоҳиёт, жамият, оила меҳнат билан боғланиб, мукамал ҳаракатда бўлиш йўллариини ихтиро этган. Бу таълимот инсон ўз-ўзини англаши орқали Ҳақни англайди ва ўз-ўзини идора этиб, камолотга етиши мумкин, деган ғояни назарий асослаб, шунга етиш учун амалий тавсиялар беради.

I. БАҲОУДДИН НАҚШБАНДНИНГ

ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

1. БАҲОУДДИННИНГ ЗУҲУРГА КЕЛИШИГА

ОИД БАШОРАТЛАР

Илмий асарларда инсон туғилиши ва буюк инсонларнинг яратилиши масаласига оид кўпгина тадқиқотлар қилинган бўлса-да, лекин кўпгина муаммолар ечилмай қолмоқда. Одатда шўролар даврида ёзилган асарларда буюк шахс ҳақида маълумот унинг туғилганлиги ҳақидаги маълумотлар билан бошланар эди. Бизнинг валийлар ҳаётига оид тадқиқотларимиз бу масала анча чуқурроқ мулоҳазани талаб этишини кўрсатди. Уларнинг таналари бизларга зоҳир бўлишдан анча илгари уларнинг туғилишини ғайб олами сирларидан огоҳ бўлган кишилар башорат берганлар. Демакки, руҳий оламда уларнинг зухурротига тайёргарлик жараёни узоқ муддатда борган.

Комил инсон даражасида юксалган, валийлик рутбасига эришган Баҳоуддин Нақшбанд номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорийнинг зухур этишини ҳам башорат этганларига оид манбаларда маълумотлар мавжуд.

XIX асрда яшаб, ижод этган шоир ва таржимон, мутасаввиф олим ва тилшунос Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг XII асрда яшаб “Шайхи Машрик” номи билан машҳур бўлган Саййид Абдулқодир Гилоний ҳаёт ва кароматларига оид “Ғавсул Аъзам” асарида бу ҳақда маълумот мавжуддир. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий “Маноқиби қодирия” манбасига таяниб шундай ёзади: “Бир кун ҳазрати Ғавсус сакалайн разияллоҳу анҳу ўтзада (томда) ўлтуриб эрдилар. Ногоҳ назарлари Бухоро тарафига тушиб амр қилдилар: “Фалон вақтда Баҳоуддин Нақшбанд отлиғ бир зот зухурга келгувсидур ки, бизнинг файзи-хосиятимиз бирла мумтоз бўлғувсидур”,¹ дедилар.

Ғавсул Аъзам номи билан машҳур Абдулқодир Гилонийнинг Баҳоуддин Нақшбанд туғилиши ҳақидаги башорати бошқа

¹ Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Турку тожик суянчи. (Авлиёлар султони). Туронлик валийлар Башорати. Табдил қилиб нашрга тайёрловчи Икромиддин Остонакул ўғли – Тошкент. Камалак нашриёти, 1995. 146-бет.

манбаларда ҳам кўрсатилган. У зот 157 йилдан сўнг Бухоро тарафида машрабнамо Баҳоуддин дунёга келади, деганлар.¹

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд зухур этишларини Муҳаммад /с.а.в./ томонидан айтилган деган нақл ва ривоятлар мавжуддир. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида шундай ривоят бор.

“Пайғамбаримиз Муҳаммад /с.а.в./ Меърож тунида Аршга кўтарилдилар. Бир жон, руҳ етмиш минг пардадан ўтиб Тангри билан сирдош бўлиб, Арш кўнгурасига кўниб ўтирди. Пайғамбаримиз Тангрига дедилар: “Ё Парвардигор! Бу не синоат? Ўзинг айтган эдингки, сендан кейин пайғамбар бўлмайди”, деб. Анави руҳ сенинг билан набийлар каби сирлашади-ку!!”. Тангри бу иштибоҳга жавоб берди: “Ё Муҳаммад! Огоҳ бўл ва англа! Сендан кейин бир валий келадики, унинг исми ҳам Муҳаммаддир, лақаби Баҳоуддиндир. Сенинг умматларингдан 70 минг кишига жаннатдан хабар беради. Шунинг учун унинг исми бизнинг даргоҳимизга этишганлар”²

Шоир Мухлис Намангоний томонидан жамланган ва 1329 ҳижрий йилда Бухорои Шариф матбаасида чоп этилган “Тухфат-ул обидин ва анис-ул мушфиқин” шеърий тўпламда Машрабнинг “Бухоро ҳақида” номли шеъри келтирилган. Унда баён этилишича, рўза ойида Муҳаммад пайғамбар ҳар тонг бомдод намозини ижросидан кейин “Бухоро” деб дуо қилганлар. Бунинг сабабини сўраганларида шундай жавоб берганлар:

Шаби меърож кўрдим кўкка ғабродин чиқар уч нур,
Дедим Жибрилга “Бу қайси нурдир, эй аҳий гапур”.
“Иккиси Ясрибу Батхо бири нури Бухородур,
Бу нурдин то қиёмат олами боло эрур маъмур”.
Тилим васфига қосир гўйе жаннат Бухородир,
К-эй хайрул башар шундоқ эшитдим Ҳақ Таолодин.
Деди пайғамбаре пайдо қилай гулзори Батходин,
Суриб даврин неча йил юз ўгирса фоний дунёдин.
Ки то машҳаргача равнақ топар шарҳи Бухородин,
Бу нур андин чиқар, ки маъдани раҳмат Бухородур.”³

¹ Ба-ул мулк Ваххоб – 1303 ҳижрий йил Мулло Паҳлавон хўжа ибн Абодулло хўжа Маҳкум Бухорий томонидан ёзилган. Бу манба Бухоро вилояти Бухоро ноҳиясида яшовчи Ҳайитов Қурбон шахсий кутубхоналарида сақланади. Бу манбани топишда холисона ёрдам берганлари учун ф.ф.н.Файзуллаев Р.Ф.-га миннатдорлик билдирамыз.

² Асрор Самад. Тангри Каломи. // Қалб кўзи. 1994 май. №5.

³ Машраб. Бухоро ҳақида. /Тухфат-ул обидин/. Араб имлосидан Фатилло Абдулло ўғли ўгирди. //Сусамбил – 1992. №4

Машраб бу назмий мисралари орқали Бухорода Махшаргача Муҳаммад пайғамбар ишларини давом эттира оладиган буюк зот зуҳур топишини Оллоҳ каломи деб Жаброил орқали айтмоқчи. Машрабнинг:

Бухороро Бухоро метавон гуфт,
Баҳораш аз зимистон метавон гуфт,
Баҳоуддин набошад дар Бухоро,
Фарангу кофиристон метавон гуфт¹

Мазмуни:

Бухорони Бухоро дейиш мумкин,
Баҳорни қишдан дейиш мумкин.
Баҳоуддин бўлмаса Бухорода,

Фарангу кофиристон дейиш мумкин, - деган таърифи билан маъдани раҳмат Бухоро бўлган дейилиши, Баҳоуддин Нақшбанддек комил инсонни пайдо қилганига ишоратдир. Машраб бошқа жойда шундай таъкидлайди:

Ул Балогардон олим ҳам писархонди расул,
Кимки ихлос ила борди мақсади бўлди хусул.²

Машраб бу ерда Баҳоуддинни Муҳаммаднинг писархонди деб у кишининг ишларини давомчиси эканлигини таъкидламоқда. Бу билан Оллоҳ Жаброилга айтган ва Меърож куни Муҳаммад туғилажани билган инсон бу Баҳоуддин эканлигига Машраб шак шубҳа қилмай баён этаётганини кўриш мумкин.

Нақл қилинишича, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий ўз муридлари Амир Кулол билан Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувондан ўтиб кетаётганда: "Бу тупроқдан бир эр иси келмоқдадир, шу зот барокотидан Қасри Ҳиндувон Қасри Орифонга айлангай, дебди. Ўша пайтда ҳали Ҳазрат Баҳоуддин туғилмаган, балки онасининг қорнида экан. Бир неча вақтдан кейин эса: "Ҳалиги эрнинг иси ортиқроқ бўлибди", деди. Дарҳақиқат, бу вақтда Ҳазрат Баҳоуддин туғилган экан.

¹ Қиссаи Машраб. Тошкент. Ёзувчи. 1992. 132 бет, Шох Машраб қиссаси. Тошкент. Шарқ. 1991. 36 бет.

² Тухфат ул обидин ва анису ошиқин. Бухорои шариф. Хийрийф 1329. 87 бет

2. ТАВАЛЛУД ТОПИШИ ҲАҚИДА

Баҳоуддин туғилган йили ҳақида Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир Ибн Муҳаммад Алининг “Мақомоти ҳазрати хожа Нақшбанд” асарида ёзилган. Асарнинг “Муқаддимаси”, “Таваллуд топишлари ва ҳазрат хожаи Бузург қуддуса сиррахунинг силсилалари нисбати ҳақида” деб номланади. Унда ёзиладики, “Билгилки, ҳазрати хожаи Бузург, яъни Хожа Баҳоуддиннинг таваллудлари етти юз ўн саккизинчи (718) йилининг муҳаррам ойида юз берган. Бу Азизон яшаган асрдир.”¹ Худди шу маълумот Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот айн-ал-ҳаёт” асарида “Нақшбанд номи билан машҳур Ҳазрат хожа Баҳо-ул Ҳаққ вад-дин Муҳаммад (қ.с.) зикри”да келтирилган.²

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётини форс қўлёзмалари асосида тадқиқ этган академик А.А.Семёнов (1873-1958) Вюстенфельд жадвали асосида ҳижрий 718 йилнинг муҳаррам ойини милодий 1318 йилнинг 5 мартдан 3 апрелигача бўлган вақтга тўғри келишини аниқлаган.

Ғулом Сарвар Лоҳурий томонидан 1864-65 йилларда ёзилган “Ҳазинат ал асфиё” – асарида ҳам Баҳоуддин таваллуди ҳақида маълумот берилади. Бу манбада Шоҳ Нақшбанд ҳижрий 728 йилда туғилган деб таъкидлаб, буни тасдиқловчи қуйидаги тарихий шеър келтирилган:

Нақшбанд Нақши наққоши азал,
Он Баҳоуддин Шоҳи ҳар жаҳон.
Зоҳиди Мушкулкушо таваллуди ўст,
Қутби оли Нақшбанд омад аён.³

Мазмуни:

Нақшбанд азал Наққошининг Нақши,
У Баҳоуддин икки жаҳоннинг Шоҳи.
Зоҳиди Мушкулкушо таваллудидир,
Олий Қутб бўлган Нақшбанд бўлди аён.

¹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир. Мақомоти ҳазрат хожа Нақшбанд. Бухоро: Бухорон Шариф, 1327 ҳ.й. – Б 3, (Бундан кейин Мақомот).

² Баҳоуддин Нақшбанд таржимаи ҳоли ҳақида маълумотлар ҳақида. Қаранг: Наврӯзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: Фан, 2005. 63-83 – бетлар.

³ Лоҳури Ғулом Сарвар. Ҳазинат ас асфиё. Канпур: Новал Кишор, 1894 – Т. 2. – Б 551.

Бу мисрада “Зоҳиди Мушкулкушо” абжад ҳисоби билан ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг туғилган йилини кўрсатади. Муаллиф бу сўзлар устида араб сонлари билан 728 деб ёзиб қўйган. Бу сўзларнинг абжад ҳисоби ҳам 728 ни беради. Демак, бу манбада муаллиф аниқ қилиб, Баҳоуддин Нақшбанд туғилган йилни 728 деб ёзади. Лекин ўзи у киши 73 йил умр кўрган, деб ҳам таъкидлайди. Агар у келтирган яшаш йилларига қарасак, 63 йил яшагани маълум бўлади. Демак, 728 йил деб муаллиф хатоликка учраган. Бизнинг фикримизча, XV-XVI асрлардаги манбалар Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётига доир асосий ва муҳим манбалардир ва уларга таяниб илмий иш олиб бориш таъбирга жоиздир. “Хазинат ал-асфиё”да ёзилган хижрий 728 йилни илмий факт дейиш мумкин эмас.

Манбаларда Баҳоуддиннинг туғилган ва вафот этган жойи Қасри Орифон деб кўрсатилган. Бухородан бир фарсанг масофада ҳозирги Бухоро вилояти Когон районида жойлашган бу манзил Баҳоуддин туғилишидан олдин “Қасри Ҳиндувон”, яъни ҳиндулар яшайдиган қаср номи билан юритилган. Шарқшунос В.А.Гордлевский (1876-1956) тадқиқотлари асосида айтиш мумкинки, бу ерда аввал будда динига сиғинган ҳиндулар ҳам яшаган ва шунинг учун бу ном билан юритилган.¹ Муҳаммад Бобо Самосийнинг башоратлари билан Баҳоуддин туфайли бу жой номи Қасри Орифон бўлди. Ҳозиргача бу мавзеъ шу ном билан машҳур.

3.БАҲОУДДИН НАҚШБАНД НАСАБИ

Баҳоуддин Нақшбанд насаби ҳақида 1864-65 йилларда ёзилган Ғулом Сарвар Лоҳурийнинг “Хазинат-ул-асфиё” асарида Шарофиддин Муҳаммад Нақшбандийнинг “Равзат-ус-сафо” асари асосида маълумот берилган. Нақшбанд насаби бир неча восита билан Ҳазрат Имом Жаъфари Содикқа бориб етади, дейилади. Бу манбада Баҳоуддин Нақшбанднинг насаби қуйидагича кўрсатилган: Ҳазрат Шох Нақшбанд бин Саййид Муҳаммад Бухорий бин Саййид Жалолоддин бин Саййид Бурхониддин бин Саййид Абдуллоҳ бин Саййид Зайналобидин бин Саййид Қосим бин Саййид Шаъбон бин Саййид Маҳмуд бин Саййид Белоқ бин Саййид Тақи бин Суфий Хилвати бин Саййид Фаҳриддин бин Саййид Акбар бин Имом

¹ Гордлевский В.А. Бахауддин Накшбанд Бухарский. (К вопросу наслоениях в исламе). // Избр.соч.-М. 1962. –Т.3-С.385.

Ҳасани Аскарӣ бин Имом Али Тақи бин Мусо Ризо бин Имом Мусоӣ Қозим бин Имом Жаъфарӣ Содик.¹

1906 йилда ёзилган Носириддин Тўра Бухорийнинг “Тўхфат аз-зойирин” асарида ҳам Баҳоуддин Нақшбанднинг насаби ёзилган. Унда “Тўхфат ал-ансоб” асари асосида қуйидаги маълумотлар берилган: Ҳазрат Баҳо-ал-Ҳаққ-вад-Дин саййид Муҳаммад ибн саййид Муҳаммад Жалол-ад-дин Бухорий ибн Саййид Бурҳон-ад-дин Холдор ибн Саййид Абд-Оллоҳ ибн Саййид Зайн-ал-обидин ибн Саййид Шаъбон ибн Саййид Бурҳон ибн Саййид Маҳмуд Румий ибн Саййид Исҳоқ, лақаби Илоқ ибн саййид Тақи ибн Саййид Хилвати ибн Саййид Фахр-ад-дин ибн Саййид Маҳмуд Жомий ибн Саййид али Акбар ибн ҳазрат Имом Али Тақи ибн Имом Муҳаммад Тақи ибн ҳазрат Имом Али Мусо ар-Ризо ва насабининг охиригача.

Улуғ Хўжа (Баҳо-ад-дин Нақшбанд) ҳазратлари волида (она) томонидан Сиддиқийдир.²

4. БАҲОУДДИНГА ТАРБИЯ БЕРГАН

УСТОЗЛАР

Баҳоуддинга тарбия берган устозларни шартли равишда иккига ажратиш мумкин:

1. Зоҳиран, бевосита мулоқотда бўлиб тарбия берган устозлар.

2. Бевосита учрашмасдан, руҳлари орқали тарбия берган устозлар.

Биринчи гуруҳга Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Халил Ота, Амир Кулол, Ориф Диггароний, Қусам Шайх ва ҳадис илмини ўргатган устозлари киради.

Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий - Баҳоуддинга тарбия берган биринчи устоздир. Бу киши ҳақида "Рашаҳот" асарининг 42-43 бетларда маълумот берилган. Муҳаммад Бобойи Самосий Хожа Азизоннинг энг комил ва фозил саҳобаларидан эди. У киши Ромитаннинг Самос қишлоғида дунёга келган. Муборак қабри ҳам ўша ердадир.

¹ Лоҳури Ғулом Сарвар. Хазинатас асфиё. – Канпур: Новал Кишор, 1894.-Т.2-Б.548.

² Носир-ад-дин Тўра ибн Амир Музаффар ал-Ҳанафий ал-Бухорий. Хўжа Баҳо-ад-дин Нақшбанд ва у киши ҳазратларининг устозлари ҳамда муридлари. /Б.Қозоқов, таржимаси – Бухоро: 1993. 17-бет.

Ҳазрат Баҳоуддинни фарзандликка қабул назари Муҳаммад Бобойи Самосийдан бўлган. У киши Ҳазрат Баҳоуддин туғилишини олдиндан башорат қилган. Уч кунлик Баҳоуддинни Бобойи Самосий маънавий фарзандликка қабул қилиб, Амир Кулолга унинг тарбияси билан шуғулланишни топширган.

Бобойи Самосий вафот йиллари "Ҳазинат - ул асфиё" ва "Тўхфат-аз-зойирин"да ҳижрий 755 йил деб кўрсатилган. Демак, 1354 йилда у киши вафот этган. ("Ҳазинат-ул асфиё" 542 - 543 бетлар, "Тўхфат-аз-зойирин" 43-45 бетлар).

"Мақомоти ҳазрати хожа Нақшбанд"да келтирилган нақлдан маълум бўладики, Баҳоуддин асос солган таълимотда р и з о тушунчасини шаклланишида шу кишининг алоҳида ўрни бор. Манбада бу ҳақда шундай келтирилган: "Ҳазрати Хожамиз нақл қилиб дедилар: "Ёшим ўн саккизга етганда уйланмоқчи бўлдим. Бобом мени Самосийга - Ҳазрати Хожанинг ҳузурига юбориб, уларнинг муборак қадамлари бизнинг манзилимизга етишини ва бу хайрли иш уларнинг муборак назарлари остида анжом топишини истадилар. Уларнинг юзларини кўрганимда сезган биринчи каромат шу бўлдики, уларнинг суҳбатлари шарофатидан менда илтижо ва зору тазарруъ ҳолати пайдо бўлди, ўрнимдан туриб уларнинг масжидларига кирдим ва икки ракаат намоз ўтадим. Сўнг бошимни саждага қўйиб, кучли ҳожатмандлик илтижоси билан тилимдан: "Илоҳо, бало ва кулфатнинг юкини кўтара олиш ва муҳаббатнинг меҳнатини торта олиш қувватини менга арзон тут", деган сўз ўтди.

Тонг отгач, Ҳазрати Хожа ҳузурларига кирдим. Шундай дедилар: "Эй фарзанд, дуода: "Илоҳо, Сенинг улуғ ризоинг нима ишда бўлса, бу бандани ўша ишга мубтало эт", демак лозимки, Ҳақ Субҳонаҳу ва таоло ўз ҳикмати билан ўз дўстига муҳаббат балосини юборади ва ўз инояти билан ўша юкни тортишни ўз дўстига ато қилади. Бунинг ҳикматини эса унга аён қилади. Ўз ихтиёри билан бало талаб қилмоқ душворким, бу борада густоҳлик қилмаслик керак!"¹

Баҳоуддинга Балогардон, яъни тушаётган балоларни дафъ қилиш, йўқотиш каби илоҳий қувватлар намоён бўла олишини ҳам биринчи марта Бобойи Самосий айтган ва у киши Нақшбандга Хожа Али Ромитанийнинг кулоҳларини берган, шу билан Нақшбанднинг ҳолати ўзгарган. Бобойи Самосийнинг башоратлари амалга ошган ва

¹ Мақомот. 6-бет.

Баҳоуддин, дарҳақиқат, балогардонлик сифатларга эга вали, соҳибкаромат бўлиб етишди.

Бобойи Самосий томонидан айтилган қуйидаги ибора сўфийлар орасида машҳурдир: "Инсон кўп нарса ҳақида ўйлайди, У: "Мен-ягонаман" деб билади. Аслида эса у бир неча бирликларга бўлинади. Токи шу йўсинда ягона бўлиб етишгунча у ким эканлигини тўғри тасаввур этишга қодир бўлолмайди". Бу ҳикматли сўз орқали инсоннинг Ҳаққа етиши учун ўзини тўла ўрганиши керак дейди. Бунинг учун эса турли кўринишда намоён бўладиган ҳолатлардан илоҳий ваҳдоният сифатига ўтиш лозимлигини таъкидлайди.

Хожа Муҳаммад Бобо қариб қолган пайтларида Баҳоуддин Нақшбандни боболари Самарқандга этган. Қаердаки бир дарвишни кўрсалар уни уларнинг суҳбатига олиб борган ва беҳад ҳожатмандлик изҳор этган.

Қасри Орифонда бўлган вақтда Баҳоуддинга Ҳазрат Азизон, яъни Хожа Али Ромитанийнинг муборак кулоҳлари етишган.¹ Ундан унинг ҳоли ўзгарган ва кучли умид пайдо бўлган. Шу аснода Ҳазрат Саййид Амир Кулол ташриф буюриб айтган: "Менга Хожа Муҳаммад Бобо васият қилиб, фарзандим Баҳоуддиндан шафқатингни аяма, агар бу ишда нуқсонга йўл қўйсанг, сени кечирмайман, дедилар. Агар Ҳазрати Хожа Муҳаммад Бобо васиятида нуқсонга йўл қўйсам эркак эмасман" деди. "Мақомот" ва "Анис ут толибин"да бу воқеалардан кейин Баҳоуддин тушидаги ишорага асосан 12 йил Халил отадан тарбия олганлиги кўрсатилган. У кишидан кейин яна руҳий оламдаги Абдулхолик Ғиждувоний ишоралари билан Амир Кулолдан тарбия олганлари ёзилади.

“Рашаҳот”да Баҳоуддин Амир Кулолдан сўнг Ориф Диггароний ва Қусам Шайхдан ва "кейинчалик эса Халил Отадан тарбия олган" дейишлари воқеалар мантиқига мос келмайди. Чунки "Мақомот"да Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзлари томонидан келтирилган қуйидаги нақл бу воқеанинг бошқа тарзда бўлганлигини кўрсатади: "Мен отам билан кимхоббофлик касби билан машғул эдик ва ёшлар расмига мувофиқ алоҳида хонамиз бор эди. Бир куни кечаси турк машойихларининг улуғларидан бўлган Ҳақим Ато қуддиса сирруҳини тушимда кўрдим. Улар мени бир дарвишга топширар эдилар. Уйғонган пайтимда дарвишнинг афту ангори эсимда қолган эди. Солиҳа бувим бор эдилар, бу тушни уларга айтдим. "Турк

¹ Хожа Али Ромитаний. Ҳазрат Азизон ҳақида батафсил маълумот учун. Қаранг: Наврўзова Г. Нақшбандия – камолот йўли. Т.: Фан, 2007 – 52-75, 174-182-бетлар.

машойихларидан сенга насиба ҳосил бўлади", дедилар. Мен доимо ўша дарвишни кўриш орзусида юрардим.

Бир куни Дарвозаи Оҳангарондан чиқаётиб, ўша дарвишга дуч келиб қолдим. Сочлари мулоҳ шаклида, бошида минг баҳяли кулоҳ, кўлида ўн бадли уд дарахтидан қилинган ҳасса бор эди. Орқасидан равон бўлдим. У менга қайрилиб боқмасди, мен эса Ыолмасдан кетавердим. Мурғкуши кўчасига етиб, бир уйга кирди. Мен эса орқага қайтдим.

Тунда танишларимдан бири менинг олдимга келди. "Халил номли бир турк шайхзодаси сени йўқлаяпти", - деди. Хурсанд бўлиб ўрнимдан турдим. Куз фасли эди. Бухоро неъматларидан бироз ҳадя олдим ва бордим. У ерда бир хона бўлиб, дарвиш хонанинг бурчагида ўтирган экан. Олдида бир гуруҳ киши бор эди. Салом қилиб ўтирдим. Сўнг ўша тушни айтиш истаги туғён урди. Шу пайт менга туркчалаб: "Улким сенинг кўнглингдадур, ўзи бизга аёндир, айтмоқ не ҳожат?" деди. Ҳолим ўзгарди, унга майлим янада зиёда бўлди.

Мен унинг мулозаматида бўлдим. Унинг ҳузурида ажойиб ҳолатларни кўрдим. Олти йилдан сўнг унга Мовароуннаҳр подшоҳлиги муяссар бўлди. Уни Султон Халил дер эдилар. Ўша пайтда ҳам ундан улуғ ҳолатлар рўй берарди. Унинг олти йиллик салтанати даврида яна унга мулозим бўлдим ва подшолар хизматидаги одобларни ўргандим ва унга хизмат қилиш одобларини жойига қўйдим. Хилватда унинг хос маҳрами мен эдим.

Шундай қилиб мен авлиёуллоҳнинг хизматини қилардим. Баъзан қаттиқ гапириб, баъзан лутфи билан менга кўп шафқатлар қиларди. Шундан сўнг уларга қарши душман пайдо бўлди. У енгилди. Бир онда унинг тамоми салтанати ҳавога совурилди. Шунда дунёнинг барча қору боридан менинг кўнглим совуди. Бухорога қайтиб келдим ва Ревартунда яшай бошладим."¹ Бу нақл Баҳоуддиннинг 12 йил Халил Ота тарбиясини олганлигини кўрсатади.

Носириддин Тўранинг "Тўхфат аз зойирин" асарида Халил Отанинг нур тўла мозори Нахшабда (Қашқадарё вилояти), деҳаи Шуллук мавзеида (Қарши кўрғондан тахминан чорак тош масофада) бўлган ўша ер аҳолисининг маъруф зиёратгоҳи эканлиги қайд этилган.

¹. Мақомат - 8 бет.

Дж.С.Тримингэм "Суфийские ордены в Исламе" асарида Халил ота ҳақида Ибн Батутанинг маълумотлари асосида ёзади. Халил отани Чигатой хони Ясавурнинг ўғли дейди ва 1340-1347 йиллар султон бўлганлигини қайд этади.

Юқоридаги фактларга асослансак ва Баҳоуддин Халил отани кўриб, олти йил хизмат қилгандан кейин уни Султон бўлганлигини инобатга олсак, демак тахминан 1335 йилда ҳазрат бу дарвиш билан учрашган ва бу вақтда Баҳоуддин 17-18 ёшда бўлган деган мантиқий далил туғилади.

Халил Султоннинг давлати таназзулга учрагандан кейин Баҳоуддинга моддий олам, бойлик, мансаб ва бошқаларнинг вақтинчалиги ва ўткинчи эканлиги аён бўлди. У буларнинг барчасидан кўнглини батамом узди ва тавбасига таянди.

Баҳоуддин Нақшбанд тавбага етишиб, Ревартунга келгандан кейин илм олиш билан машғул бўлди. "Мақомот"да у ҳадис илмини Баҳоуддин Қишлоқийдан ўргангани ёзилган. Носириддин Тўра "Тўхфат-уз-зойирин"да Баҳоуддин Қишлоқийни у кишининг устози деб қуйидаги маълумот берилади: "Мавлоно Баҳо-ад-дин Қишлоқий - ўз даврининг муқтадоси (рахбари) бўлгандир. У зоҳирий (ақлий-мантиқий) ва ботиний (руҳий) илмлардан олим, (шунингдек) каромат соҳиби бўлган эди. У Улуғ Хўжа (Муҳаммад Баҳо-ад-дин Нақшбанд)га суҳбат шайхи ва ҳадис (илмининг) устози бўлган эди."¹

Бундан кейин Баҳоуддин руҳий камолотида увайсийлик даври бўлган. (Бу ҳақда қуйида батафсил баён этилади). Нақшбандга ўзларидан олдин ўтган хожагон тариқатининг асосчиси Хожаи Жаҳон номи билан машҳур бўлган Абдулҳолик Ғиждувоний (ваф. 1180 ёки 1220) руҳий тарбия берган. Унинг амри билан Баҳоуддин хуфия зикр билан машғул бўлган ва Саййид Амир Кулолнинг (ваф. 1370) ҳузурига бориб ундан таълим ола бошлаган. Тариқат одобини зоҳиран Амир Кулолдан ўрганган. Амир Кулол ўзи Муҳаммад Бобойи Самосийдан ўрганган бор илмларини Баҳоуддинга берган. Лекин кўрганки, унинг руҳиятининг парвози баланд бошқа устозлардан таълим олишга ижозат берган.²

¹. Носир-ад-дин Тўра ибн Амир Музаффар ал-Ханафий ал-Бухорий *Хўжа Баҳо-ад-дин Нақшбанд* ва у киши ҳазратларининг устозлари ҳамда муридлари. Б.Қозоқов, - таржимаси - Бухоро- 1993- й-17-бет.

² Батафсил маълумот учун қаранг: Наврўзова Г., Сафарова Н. Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий дунёқарашлари. Бухоро: "Бухоро", 1996, Хасанов Х., Наврўзова Г. Ҳазрат Саййид Амир Кулол. Бухоро: "Бухоро", 2003.

Унинг ижозат бериши ҳақида манбада шундай кўрсатилган. У киши бутун асҳоблари мажлисида Баҳоуддин Нақшбандга юзланиб шундай деди: "Фарзандим Баҳоуддин, Ҳазрати Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий қаддасалоҳи сиррахунинг сиз ҳақингиздаги гапларини тўлалигича бажо қилдим. Менга айтган эдиларки, мен сенинг тарбиянгни қандай бажо келтирган бўлсам, сен ҳам фарзандим Баҳоуддиннинг тарбиясини шундай жойига қўй. Мен худди шундай қилдим!". Амир ўз кўкракларига ишорат қилиб дедилар: "Сизнинг руҳоният қушингиз башариятлик тухумидан чиқди. Сизнинг ҳиммат қушингиз баланд парвоз чиқиб қолди. Энди сизга рухсат ва ижозатдир, турк ёки тожик (Шайх)лардан ҳар кимнинг иси димоғингизга етса уни талабида бўлинг. Мақсадга етиш борасида ҳимматингизга нуқсон етказа кўрманг!"

Улар айтган эдилар: "Менинг ёронларим орасида мана шу икки киши, яъни Хожа Баҳоуддин ва Мавлоно Ориф Диггаронийга ўхшаган ҳеч ким йўқ. Булар ҳаммадан ўзиб кетдилар".

Баҳоуддин шу кундан эътиборан Саййид Амир Кулолнинг нафаси бўйича янгидан талаб йўлига кириб, ҳол тили билан бундай айтган экан:

Рубоий

Эй, ошиқи шўридаву авбоши талаб,
Ин ваъда, ки кардааст, ту ҳар жош талаб.
Дар ғам агараш наёби, дар шода жўй,
Саргардони гузин ҳар жош талаб.¹

Мазмуни:

Эй шўрида ошиқ ва талабларнинг боши,
Бу берилган ваъдани ҳамма жойда тилагин.
Ғамда агар топаолмасанг, шодликда ахтаргин,
Бошингни қаерга урсангда ҳамма жойда тилагин.

Баҳоуддин ўша нафас туфайли етти йил Мавлоно Ориф Диггаронийнинг хизмати ва мулозаматида бўлди. Бу мулозаматда хилма-хил риёзату жидду жаҳдни ўз бўйнига олди. Деггарон ва унинг атрофларида юрди. Кўп вақтлар Мавлоно Ориф билан бирга Работи Малик қурилишида мардикорлик қилди. Ажиб ва ғариб воқеалар бошларидан ўтар эди. Мавлоно Орифнинг иззати учун мулозамат ва хизматни давом этар эди. Шу етти йил давомида ариқ

¹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. Т.: Ёзувчи. 50-бет.

лабига таҳорат учун борса-да, Мавлонодан юқорида таҳорат қилмас эди. Йўлда кетаётганида унинг қадамларининг изи устига оёқларини қўймас эди.¹

Мавлоно Орифдан кейин, Саййид Амир Кулолнинг нафаслари бўйича Хожа Аҳмад Яссавий хонадонига мансуб турк шайхларидан Қусам Шайх олдига борди. Ундан беш ойга яқин таълим олган.

Демак, Баҳоуддин зоҳиран бевосита мулоқотда бўлиб, Муҳаммад Бобойи Самосий, Халил Ота, Баҳоуддин Қишлоқий - Диггароний, Саййид Амир Кулол, Ориф Диггароний ва Қусам Шайхлардан тарбия олган.

5.БАҲОУДДИН НАҚШБАНДНИНГ УВАЙСИЙ ЭКАНЛИГИ ҲАҚИДА

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўлларида оид бўлган "Мақомот", "Маноқиб" тазкира ва рисолаларда унинг у в а й с и й эканлиги таъкидланган.

XV аср ёзма манбаси бўлган Муҳаммад Порсонинг "Рисолаи Қудсия" асарида Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида шундай ёзилади: "Ҳазрат хоҷамизнинг йўллари увайсийлар тариқасидир". Демак, Баҳоуддин руҳий камолотга етишда увайсийлик йўлидан борган. Шу манбада бу йўл қуйидагича изоҳланади: "Увайсийнинг маъноси - авлиёуллоҳлардан бир тоифа бўладиги, тариқат машойихлари ва ҳақиқат бузрукворлари уларни "увайсийлар" деб аташади. Улар учун зоҳирда пирга эҳтиёж бўлмайди, чунки Рисолатпаноҳ уларни ўзларининг иноят ҳужраларида ўзгаларнинг воситасисиз парвариш қиладилар, чунончи, Увайсга (Қаранийга) шундай парвариш берган эдилар. Бу улуғ ва олий мақом бўлиб, унга кимни еказади-ю ва бу давлат кимга юз ўгиради. Бу Аллоҳнинг фазлидандир, кимни хоҳласа ўшанга беради. Аллоҳ, улуғ фазл эгасидир".

Манбада таъкидланадиги, увайсийлар сулукида Раббоний файз ва Раҳмоний тажаллиётга етишишда уларга муқаддас арвоҳлар воситачи бўлади, аммо хос йўл бўлган жазаба тариқида икки ўртада ҳеч қандай воситачи йўқ эди.

Алишер Навоий "Насойим - ул муҳаббат мин шамоийил ул футувват" асарида увайсийлик Увайс Қараний номи билан

¹ Батафсил маълумотлар учун қаранг: Наврўзова Г. Нақшбандия камолот йўли. Т.: Фан, 2007. 75-81-бетлар.

юритилишини таъкидлайди, чунки у Муҳаммад пайғамбарни зоҳир кўзи билан кўрмасдан туриб, маъно ва руҳоният юзидан тарбият олган эди. Навоий ёзадики: "Ҳар кишинингки, бу тоифадан зоҳир юзидан пири маълум бўлмаса ва машойихдан бирининг руҳи ани тарбият қилган бўлса, уни увайсий дерлар".¹

Демак, увайсийлик - бевосита маънавий, руҳий тарбия бўлиб, зоҳирий тарбияга нисбатан олий мақомдир.

Фахриддин Али Сафий "Рашаҳот айн ал ҳаёт" асарида Нақшбанд номи билан машҳур ҳазрат хожа Баҳоуддин зикрини келтириб: "Аммо ҳақиқат юзасидан хожа у в а й с и й бўлганлар ва ҳазрат хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийдан тарбият топганлар",²- дейди. Бу билан Нақшбанднинг увайсийлигини ўзидан олдин ўтган Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний руҳониятидан тарбият топганлиги билан изоҳлайди. Абул Мўҳсин Муҳаммад Боқир ва Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорий томонидан XIV асрда ёзилган "Мақомот" ва "Маноқиб"га асослансак, Баҳоуддиннинг увайсий эканликларини кенгроқ изоҳлаш мумкин. Манбалар таҳлили кўрсатадики, хожанинг биринчи руҳий ҳолатларини ўзгаришига сабаб Хожа Али Ромитаний руҳонияти бўлди. Шунинг учун Нақшбанд ўзларини "Биз Ҳазрат Азизоннинг муридларимиз" деб таъкидларди. Кейин у кишининг тушида Ҳаким Ота - Сулаймон Боқирғоний (ваф. 1186) руҳлари ишорат қилган ва у киши Халил Ота тарбияларини олган. Бундан кейин Хожаи Жаҳон руҳониятидан тарбия олган. У кишининг айтган ўғитларига тўла амал қилиб руҳан камолга етган.³

Манбалар гувоҳлик берадики, ладуний-илоҳий илм, асосан, Хизр (а.с.) орқали берилган. Баҳоуддин ҳам бу кишининг суҳбатига мушарраф бўлган. Шунингдек йўлнинг бошида Нақшбанд Увайс Қараний руҳониятига юзланиб, уларнинг сифатларига кириб сайр этган. Баҳоуддин ҳақидаги манбаларда ёзилади: "Саккиз ойдирки, биз таважжухимизни Увайс Қаранийнинг руҳониятига қаратган эдик ва уларнинг сифатига кириб сайр қилардик. Бугун уларнинг сифатидан чиқдик".⁴

Баҳоуддин Нақшбанд буюк мутасаввуф Мансур Ҳаллож (858-922) руҳониятидан ҳам таълим олган. Нақл қилинишича, у айтган:

¹ Навоий А. Насойим ул муҳаббат мин шамойил ул футуват мукамал - асарлар тўплами. 17 - Т-: Фан, 2001, 24 - бет.

² Кошифи Фахриддин Али бин Ҳусайн Воиз ас-Сафи. Рашаҳот айн ал ҳаёт. Тошкент. Орифжонов. тош босмаси. 54-бет.

³ Наврўзова Г. Нақшбандия – камолот йўли. Т.: Фан, 2007. 44-47-бетлар.

⁴ Мақомот. 15 - бет.

"Талаб айёмларида Мансур Ҳаллож сифати икки марта менда туғён урди. Бир дор бор эди. Икки марта ўзимни дор остига етказдим ва дедим: "Жойинг мана шу дордир!". Тангри инояти билан бу мақомдан ўтиб кета олдим".¹

Нақшбанд буюк шайхлар Боязид Бастомий (ваф.875), Жунайд Бағдодий (ваф.910), Шиблий (861-948) руҳоний оламидан баҳра олган. Нақл қилинишича, у киши айтган: "Султон Абу Язид мақомларига сайр қилдим. У қаерга етган бўлса, ўша ерга етдим. Шайх Жунайд, Шайх Шиблий ва Шайх Мансур қаерга етган бўлсалар мен ҳам ўша ерга етдим".²

Нақшбанднинг руҳий камолоти энг комил инсон Муҳаммад (570-632) пайғамбар даражасига етган. Лекин у доимо хушёрлик мақомида турган. Манбада унинг қуйидаги сўзи келтирилади: "Охири бир боргоҳга етдимки, бу боргоҳдан муаззамроқ боргоҳ йўқ эди. Билдимки, бу Муҳаммад боргоҳлари эди. Боязид қилган ишни қилмадим, яъни беадабликка йўл қўймадим".³ Демак, Нақшбанд беҳушлик - суқр йўлидан бормасдан, Жунайд Бағдодий каби огоҳлик, хушёрлик мақомида турган.

Манбаларда кейинги руҳий тарбия берган валий Хожа Ҳаким Термизий эканлиги кўрсатилган. Ҳижрий 789 йилда Баҳоуддин айтган эдики: "Йигирма икки йилдирки, биз Ҳаким ал Термизий тариқатига эргашамиз ва улар бесифат эдилар. Агар бирор киши билса мен ҳам бу замонда бесифатдурман".⁴ Ҳаким Термизий (831-932) нинг ўзи ҳам Хизрдан тарбия олган.

Нақшбанд, шунингдек Абулқосим Абдулкарим ибн Хавазан Қушайрий (986-1072) ва Фаридуддин Аттор (ваф. 1220) руҳониятидан тарбия олган. Мақомотда ёзиладики, у айтар эди: "Бизнинг сулуқимиз тариқатда Имом Қушайрий ва Шайх Аттор айтган сўзларига жуда мувофиқ келади".⁵

Манбадан маълум бўладики, у кишига Абу Али ал Ҳорис Муҳосибий (781-857), Абу Саййид Абулхайр (967-1049), Абдуллоҳ Ансорий (1006-1089) ва Абдулқодир Гилоний (1077-1166)лар руҳий таъсир этган.

¹ Мақомот. 21 – бет.

² Мақомат. 28 - бет.

³ Мақомот. 28 - бет.

⁴ Мақомот. 15 - бет.

⁵ Мақомот. 28 - бет.

Абдулқодир Гилонийнинг Баҳоуддинга берган тарбияси ҳақида Сиддик Рушдий "Авлиёлар султони. Туронлик валийлар" китобида маълумот беради:

Хожа Баҳоуддин Муҳаммад ал-Бухорий (қ.с.) дунёга келиб Саййид Амир Кулол (қ.с.)нинг хизмати ва мулозаматларига мушарраф бўлиб, "Исми зот"ни таълим олдилар ва "зикри хуфия"га машғул бўлиб, бир неча муддатни ўтказдилар. Лекин уларнинг хоотири шарифларида "Исми зот"нинг нақши қарор топмади. Бу ҳол уларни диққат қилиб қўйди. Бир кун ғамгин бўлиб ва маҳзун бўлиб, сахрога чиққан эдилар, ҳазрати Хизр (а.с.) дуч келиб, шундай дедилар: "Эй Баҳоуддин, менга "Исми Аъзам"ни Ҳазрати мажзуби субҳони Саййид Абдулқодир Гилоний (р.а.) таълим қилмишлар. Сиз ул ҳазратнинг жаноби олияларига сиғингайсиз, мақсудлари эшиги уларнинг баракотларидан очилғусидир". Ҳазрат Хожа Баҳоуддин (қ.с.) уйларига келиб, ул кеча Ҳазрати Ғавсул Аъзам (р.а.)нинг жанобларига бутун диққатларини бериб сиғиндилар. Воқеада кўрдилар - ул ҳазрат ўнг қўлларининг бармоқларида "Исми зот"нинг нақши зоҳир ва ҳувайдо эди. Ҳазрат Хожа Баҳоуддиннинг тарафига кўрсатдилар. Шу бир кўргазманлик билан ҳазрат Хожа Баҳоуддиннинг зоҳир ва ботинларига "Исми зот" нақш боғлади. То шу мартабага етдилар - кимхоб тўқиган маҳалда "Исми зот" гуллар ўрнига нақш бўлмиш эди. Бу воқеадан кейин "Зикри хуфия" машҳур бўлди. Улардан халқ кўп баҳра топди. Ҳазрат Хожа Баҳоуддин: "Бу файз бизга Ҳазрати Ғавсус сақалайннинг файзларидан бўлмишидир", - деб эдилар.¹

Демак, Баҳоуддин Нақшбанд сўфийлик йўлида зоҳир юзидан Муҳаммад Бобойи Самосий, Халил Ота, Амир Кулол Ориф Диггароний, Қусам Шайхлардан бевосита тарбия олиш билан бирга, аслида илоҳий иноят ила руҳоний устозлар воситаси билан Оллоҳнинг файзини қабул этган ва илоҳий нурларни зухур қилиш манзилига айланган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг тариқат нисбати ва зикр таълимини манбалар асосида қуйида келтирилган жадвал сифатида тасвир этдик.

¹ Рушдий Муҳаммад Сиддик. Авлиёлар Султони. Туронлик валийлар. (Тўплаб табдил этиб, нашрга тайерловчи Икромиддин Остонакул ўғли Оққўрғоний / - Т: "Камалак" – 1995. 172 - бет.

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАРИҚАТ НИСБАТИ ВА ЗИКР ТАЪЛИМИ

I _____ I

I

Ҳазрат Саййид Амир Кулол
Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий
Хожа Али Ромитаний
Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий
Хожа Ориф Ревгарий
Хожа Абдулхолик Ғиждувоний
Хожа Юсуф Ҳамадоний
Шайх Абу Али Фармадий

I

Ботин илми нисбати 2 томони

I

Шайх Абул Ҳасан Ҳарақоний
Мағрибий
Шайх Абу Язид Бастомий
Имом Жаъфари Содик

I

Шайх Абу Усмон

Абу Али Котиб
Абу Али Рудборий
Жувайд Бағдодий
Сари Сачатий

Маъруф Кархий

Довуд Тойи

Ҳабиби Ажами

Ҳасан Басрий

Али

Муҳаммад

I

Имом Муҳаммад Боқир
Имом Зайнул Обидин
Имом Ҳусайн
Али
Муҳаммад

I

Қосим ибн Муҳаммад
Ибн Абу Бақр Сиддик
Салмоний Форсий
Абу Бақр Сиддик

6. НАҚШБАНД ВАФОТИ ҲАҚИДА

Баҳоуддин Нақшбанднинг риҳлатлари ҳақида барча манбаларда бир хил маълумот берилган. "Рашаҳот"да ёзиладики, у киши 73 ёшда бўлиб, 74 ёшга томон қадам қўйган (қамарий йили билан) вақтда бу фоний дунёни тарк этдилар. У кишининг вафотлари душанба кечаси робиъул аввалининг учинчиси етти юз тўқсон биринчи (791) ҳижрий йилда бўлган. Бу сана милодий 1389 йил 2 мартга тўғри келади.

"Рашаҳот"да ҳазрат хожанинг вафотлари тарихи ҳақида шундай ёзилган:

Рафт Шоҳи Нақшбанд, он хожаи дунёю дин,
Он ки буди Шоҳи роҳи дину давлат, миллаташ.
Маскану маъвои ў чун буд Қасри Орифон,
"Қасри Ирфон" з-ин сабаб омад ҳисоби реҳлаташ.¹

Мазмуни:

Дунё ва диннинг хожаси бўлган Шоҳ Нақшбанд кетди,
У давлат, миллат ва диннинг йўл кўрсатувчи Шоҳи эди,
Туғилган ва ўлган маскани Орифон Қасри бўлгани учун,
"Қасри Ирфон" унинг риҳлати ҳисобига айланди.

Бу сатрлар, бир томондан, Хожа Баҳоуддиннинг Ҳаққ йўлини кўрсатувчиларнинг Шоҳи эканини англатса, иккинчи томондан, унинг 791 йилда оламдан ўтганини билдиради. Чунки Қасри Ирфон абжад ҳисоби билан 791 санадир.

"Ҳазинат ул асфиё"ни ёзган Ғулом Сарвар Лоҳури Нақшбанднинг вафоти ҳақида қуйидаги назмий парчаларни ёзган.

Шоҳи валояташ Баҳоуддин имоми босафо,
Он ки шуд равшан ба номи у камоле Нақшбанд.
Соли тарҳилаш чу Сарвар чувт фармудаш херад,
Ў Баҳоуддин имоме бо камоле Нақшбанд.²

Мазмуни:

Юқори даражадаги Шоҳ Баҳоуддин сафоли имом,
Унинг туфайли Нақшбанд камоли равшан бўлган.
Реҳлат йилини Сарвар ахтарганда ақл буюрдик,
Айт Баҳоуддин Нақшбанд камолотга етган имомдир.

"Рашаҳот"да Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаётларининг охириги дамлари ва унинг ўлими тананинг бир ҳолатдан иккинчисига қайтиши каби оддий воқеадек қабул қилишлари ҳақида маълумотлар берилган.

Замон акобирларидан Мавлоно Муҳаммад Мискин айтади:

- Шайх Нуриддин Хилватий Бухорода вафот этганларида унинг таъзия йиғинида ҳазрат Хожа Баҳоуддин (қ.с) ҳозир эдилар.

¹ Кошифий Фаҳриддин Али бин Ҳусайн Воиз ас-Сафи, Рашоҳат айн ал ҳаёт. Тошкент-Орифжонов. Тош босмаси. 57-бет.

² Лоҳури Ғулом Сарвар. Ҳазинат ас асфиё. Канпур. Новал Кишор. 1894. Т.2. 551 - бет.

Таъзияда заифалар ва асҳоблар баланд овоз билан наъралар тортиб, фарёд чекардилар. Бу ҳолдан ҳозир бўлганларга оғир бўлди ва улар ман этдилар. Шу пайт Ҳазрат Хожа /Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) - дедилар.

- Менинг охирги дами етганда дарвишларга қандай ўлиш лозимлигини кўрсатаман.

Ҳазрат Муҳаммад Мискин айтади:

- Бу сўзлар мудом менинг ёдимда эди. Ҳазрати Хожа (Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с)) бетоб бўлдилар. Бу сўнггиси эди. Карвонсаройдаги хужралардан бирида ётардилар. Асҳоби хослари яхши мулозамат қилардилар. Охирги нафасларида икки муборак кўллари дуо очиб кўтардилар, бир муддат шундай турдилар ва икки кўллари юзларига тушириб бу оламдан кетдилар.

Хўжа Алоуддин Ғиждувонийдан шундай нақл сақланган: У кишининг (Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с)) охирги касаллик лаҳзаларида ҳозир эдим. Менга дедилар:

- Ало, суфрани (дастурхонни) олдингга ол, таом егин! Мени у зот (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с)) доим Ало дердилар. Мен буюрганларига амал қилдим. Икки уч лукмадан сўнг ортиқ ея олмадим. Суфрани йиғиштириб кўйдим. (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с)) кўрдиларки яна суфрани йиғиштириб қуйибман. Дедилар:

- Ало, суфрани келтир ва таом егин!

Мен яна бир неча лукма едим ва суфрани йиғиштириб кўйдим. Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) кўрдиларки яна суфрани йиғиштириб қуйибман. Дедилар:

- Суфрани келтир ва таом егин. Таомни яхши ейиш ва ишни яхши қилиш керак! - деб тўрт марта такрорладилар.

Бу пайтда мулозим ва асҳобларнинг хотирида "Ҳазрат Хожа қайсимизга иршод ижозатини берадилар ва фуқаро тарбиясини кимга топширадилар?" деган ўй чарх урарди. Ҳазрат Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с)) бундан огоҳ бўлдилар ва дедилар:

- Мени нега шу вақтда ташвишга соласизлар? Бу амр менинг ихтиёримда эмас. Қачонки Ҳаққ Субҳонаху сизни бунга мушарраф этса, бу ҳолат ҳукм бўлади ва сизга буюрилади.

Хожанинг (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с)) ходимларидан бири ҳазрат Али Домод шундай дейди:

- Ҳазрат Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с)) охирги касаллик пайтларида қабрларини таъмирлашни амр қилдилар. Бу ул зотнинг муборак мозорлари эди. Ишни тугатиб, олдиларига келдим. Хотиримга келдики. "Бу кишидан кейин иршод кимга амр бўлади?"

(Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с)) бирдан муборак бошларини кўтардиларда, айтдилар.

- Ҳижоз йўлида тугатилган ўша сўзлар бўлади. Кимнинг мени кўриш орзуси бўлса Хожа Муҳаммад Порсога назар қилсин.

Шу сўзлардан сўнг, эртаси куни руҳлари Ҳақ субҳонаҳу сари парвоз этди.

Нақл бордирки, Алоуддин Аттор деган:

- Ҳазрат Хожа Баҳоуддин бу оламдан илоҳий оламга кўчиш вақтларида "Ёсин" сурасини ўқир эдим. Ярмига етганимда анвор ҳосил бўла бошлади. Калима айтиш билан машғул бўлдик, шундан кейин Хожа сўнгги нафасларини олдилар.¹

"Мақомот"да ҳаётларининг охириги дамлари ҳақида шундай маълумотлар мавжудки, Шайх Абу Саид Абул Хайр деган эканларки, "Тобутимиз олдидан мана бу байтни ўқисинлар:

Чист аз ин хубтар дар ҳама офоқ кор,
Дўст расад назди дўст, ёр ба наздики ёр."

Мазмуни:

Бутун дунёда энг яхши иш нима?
Дўст дўстига ва ёр ёрига етишдир.

Баҳоуддин Нақшбанд вафотлари олдидан васият қилганларки, "Тобутим олдидан бу рубоийни ўқинглар:

Р У Б О И Й

Муфлисониём омада дар кўи ту,
Шайъалиллоҳ аз жамоли рўи ту.
Даст бикушо жониби занбили мо,
Офарин бар дасту бар бозуи ту!"²

Мазмуни:

Фақирлармиз сенинг йўлингга келганмиз,
Сенинг юзинг жамолингга йўқ бўлганмиз
(сенинг нарсанг бўлиб қолганмиз)
Занбилимиз томон қўл очгин.
Сенинг қўл ва бозуларингга офаринлар бўлсин.

¹ Қаранг: Кошифий Фахриддин Али бин Ҳусайн Воиз ас-Сафи. Рашаҳот айн ал ҳаёт. Тошкент. Орифжонов. Тош босмаси. 56-бет.

² Мақомот. 69 – бет.

Бу мисралар Баҳоуддиннинг моддий оламда фано бўлганини кўрсатади.

Нақшбанд айтган байтлардан бирида шундай ёзилади:

Ҳеч мо не ва ҳеч мо кам не,
Аз паи ҳеч ҳеч мо ғам не.
Жанда дар пушт, пушт қабристон,
Гар бимирем ҳеч мотам не.¹

Мазмуни:

Ҳечмиз ва ҳеч кимдан кам эмасмиз,
Ҳечнинг орқасида ғамимиз ҳам йўқ.
Жандамиз орқамизда, орқамиз қабристонда,
Ўлсак-да, бу учун ҳеч мотам йўқ.

Бу мисралар Баҳоуддиннинг “ўлмасдан олдин ўлиб”, жисман аллақачон қабристонда бўлгани ва ўлим у учун ҳеч қандай мотам эмаслигини тушуниб англаб етган комил инсон эканлигини кўрсатади.

Баҳоуддиннинг 2 фарзандлари - бир ўғил ва бир қизи бўлган. Ўғли ёшлигида вафот этган. Қизини вояга етганда Алоуддин Атторга берганлар. Алоуддин Аттор у кишига ҳам куёв, ҳам халифа бўлган. Набиралари Хўжа Ҳасан Аттор, абералари Хўжа Юсуф ўз даврининг валийлари бўлган. Унинг авлодлари қизи орқали ҳозиргача сақланган.

Баҳоуддин халифалари Алоуддин Аттор, Муҳаммад Порсо ва Яъқуби Чархий унинг таълимоти ва тариқатини давом этирганлар. Бу таълимот ва тариқат ҳозирги кунгача жаҳоншумул аҳамиятга эга.

¹ Мақомот, 38 – бет.

II. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД – КОМИЛ ИНСОН.

1. БАҲОУДДИН НАҚШБАНДНИНГ РУҲИЙ

КАМОЛОТ ЙЎЛЛАРИ

Ҳозирги кунда экологик муаммолар, инсонлар ўртасидаги муносабатлар ва кадриятларга махсус эътибор берилаётган вақтда, бу масалалар авлод-аждодларимиз учун оддий кундалик турмуш тарзи бўлганлигини ҳаёт кўрсатади. Аждодларимизнинг фахри бўлган ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд номи билан маълум Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий ҳаёти ҳам бу борада ўрганишга арзигулик ибрат бўлиб хизмат қилади.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўлларига оид "Мақомот" ва "Маноқиб"ларда у кишининг руҳий камолотга етиш йўллари кўрсатилган.

Манбалардан маълум бўладики, руҳий камолотнинг асоси нафси бошқаришдир. Баҳоуддин ҳаёт йўли нафси бошқариш учун с а б р фазилатининг аҳамияти катта эканлигини кўрсатади. Бу ҳақда манбада Нақшбанд тилидан қуйидаги нақл келтирилган: "Жазаба ҳолатининг бошларида Ҳаққ жалла жалолуҳунинг дўстларидан бири билан учрашув юз берди. У менга қараб: "Ошнолардан кўринасан?", деди. Мен унга: "Дўстлар назарининг баракотидан ошно бўлишга умидворман", дедим. Ул азиз мендан: "Муомалада қандай йўл тутасан?" деб сўради. Мен унга: "Агар топсам, шукр қиламан, агар топмасам сабр қиламан", дедим. Ул азиз табассум қилди ва деди: "Сен тутадиган бу йўл жуда енгил, аслида иш бундай: нафсингни бир чангалзорга киритки, нону ош тополмасин ва қайсарликни ташласин!"¹

Мен ёлвориб ул азиздан мадад талаб қилдим. У менга деди: "Бир биёбонга киргинки, умидинг халқдан бутунлай узилсин, шу тариқа уч кун йўл юр, тўртинчи куни бир тоғ этагига етасан, бир отлиғ олдиндан чиқади, яланғоч отга минган бўлади. Унга салом берасан ва ўтасан. Уч қадам ўтганингдан сўнг сенга: "Эй йигит, битта ноним бор, уни ол", дейди. Унга илтифот қилма".

Шундан сўнг мен ул азизнинг ишорати билан биёбонга қадам қўйдим ва айтганича кетдим. Уч кун ўтди ва тўртинчи куни бир тоғ этагига етиб келдим. Айтган отлиқ олдимга келди. Унга салом

¹ Мақомот. 17 – бет.

бердим. Узоқдан ўта бошладим. Нонни таклиф қилди, эътибор бермадим". Демак, Баҳоуддин руҳий камолотининг ибтидосида ўз нафсини сабр ва очлик билан бошқарган.

Нақшбанднинг кейинги камолотида манбада кўрсатилган қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлган. Ҳали ёш бўлган Баҳоуддинга устозлари камолотлари учун шундай йўл кўрсатади: "Одамлар кўнглини топ, ожиз ва нотавонлар, хусусан, халқ эътибор қилмайдиган кимсалар ҳолига машғул бўл, ҳожатмандлик ва камтаринлик билан муомала қил".¹ Ҳазрат Баҳоуддин бу ўғитларга тўла амал қилиб, ҳар бир одамнинг қалбини топиш учун уриниб, ожиз нотавонларга ёрдам берди. Ҳеч ким эътибор бермайдиган, яъни Тангридан мадад сўраб турган кишиларга ёрдам берди. Доимо ҳожатмандлик қилиб, камтарин бўлди. Бу фазилатларга амал қилиш жараёнида унда инсонпарварлик, меҳрибонлик, холисона, риёсиз яхшилик қилиш, хуфийа эзгу ишлар билан шуғулланиш каби сифатлар шакллана бориб, руҳи камолотга сари йўл тутди.

Бу ўғитларга тўла риоя этиб, шу сифатлар унда ҳосил бўлгандан сўнг устози яна унга айтади: "Ҳайвонлар тарбиясида барқарор тур ва ниёзмандлик йўлида бўлгинки, улар ҳам худонинг махлуқларидир ва улар ҳам парвадигорнинг назарида бўлади. Агар уларнинг орқаю ёнларида яра ва жароҳат бўлса, даволаш тадбирига машғул бўл"².

Одамларга эзгулик қилишни ўрганган Баҳоуддин ҳайвонларга ҳам меҳрибонлик билан муомалада бўлади. Манбада ёзилишича, агар бирор ҳайвон ёнларидан ўтса, ён бериб унга йўл берган ва изларини кўзларига суртган. Баҳоуддин тилидан манбада ёзиладигани, "Агар йўлимда бир ҳайвон учраб қолса, у биринчи бўлиб ўтиб кетиши учун тўхтаб турардим ва ундан олдинлаб кетишга уринмас эдим. Юзимни кечалари ҳачирлар оёғи теккан жойларга суртар эдим. Етти йил шу йўсинда бу йўлдан юрдим". Ҳар бир ҳайвоннинг хусусиятини ўрганиш олам моҳиятини чуқур англашга, Аллоҳнинг қудратини кўришга имкон беради ва у кишида бутун ҳайвонларни илоҳий қудрат ила яратилган мавжудот сифатида тан олиш тушунчаси шаклланди. Бунинг натижасида одамлар оламини тушуниш даражасидан ҳайвонот оламини тушуниш даражаларига руҳи юксалади.

¹ Мақомот. 17 – бет.

² Мақомот. 17 – бет.

Бу иш билан етти йил машғул бўлгандан кейин устози унга шундай вазифа беради: “Бу даргоҳнинг итларига бечоралик билан хизматда бўл, мақсадингни талаб қил. Бу йўлда бир итга дуч келасанки, у билан саодатга эришасан.”¹

Устози ўтитларига амал қилган Баҳоуддин итлар олами билан танишади ва уларга бечоралик билан хизмат қилади. У ит зотига хос бўлган вафо сифатларини чуқур ўрганади ва натижада ўзини ўта камтарлик билан ҳар бир итдан ҳам паст эканлигини пайқайди. Алишер Навоий "Лисон – ут - тайр" достонидаги "Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сўзи фанойи комил мақомида" бобидаги Хожанинг комил фано даражасида юксалганларини баён этган. Унда шундай ёзилган:

Хожаи олий сифоти аржманд,
Шаҳ Баҳо ул Ҳаққ вад-дин Нақшбанд.

Чун бу иқлим уза бўлди тахтгир,
Тузди йўқлук кишвари узра сарир.

Ўз вужудин пок сайри ҳақшунос,
Ҳар не бирлаким қилур эрди қиёс.

Ондин ўзни кам топар эрди баче,
Сарву гулдин ўйлаким хору хаче.

То кўрунди кўзга бир жифа қалб,
Пайкаридин поклик ойини салб.

Чун онинг бирла тенгуштурди ўзин,
Нола қилди ашкбор айлаб кўзин.

Деди: "Ул аҳли вафодур, мен – ёмон,
Ўзни онинг бирла эмди тенг демон.

Ул худовандига қилмас жуз вафо,
Лек мендин зоҳир ўлмай жуз жафо.”

Ҳукм мундоқ айлагач соҳиб назар,
Қилди ит йўл бирла оллидин гузар.

¹ Мақомот. 17 – бет.

Кўрди топқоч нисбат ойинин туза,
Ит аёғининг изин туфроқ уза.

Деди: "Мен ортуғ эканму ё бу из?"
Яна ўзни деди: "К-эй инсофсиз,

Ул вафо аҳли аёғидин нишон,
Сен вафосизлиғ сари доманкашон".

Ҳатм қилди чун бу маънига сўзин,
Ер ўпуб ул из уза қўйди кўзин.

Аҳли Ҳаққ бу навъ этиб салби вужуд
Бўлдини бу важҳ ила айлаб нобуд.

Бўйла ошом эттилар жоми фано,
Қолмоғондин сўнг асар ўздин яно.

Ҳақ вужудидин бақое топмайин,
Жоми ваҳдатда лиқое топмайин,

Чун фано хайлига дохил бўлдилар,
Боқийи мутлаққа восил бўлдилар¹.

Баҳоуддин нафс илкида бўлганида инсон итдан паст турадиган ваҳший ҳайвонга ўхшабини англайди. Устозлари сўзларига амал қилиб, итларга қараганида, дарҳақиқат бир итга дуч келадики, у Тангрига ибодат қилаётган бўлади. У ҳам ўтириб дуо қилади. Робия Адавия ҳаётида итнинг дуоси ижобат бўлганидек, Баҳоуддин ҳаётида ҳам бу воқеа содир бўлганлиги манбаларда ёзилган.

Баҳоуддинга устози яна шундай ўғит берди: "Энди йўл хизматига кириш, йўлларда одамларга ёқмайдиган нимаики бўлса, одамларнинг назаридан пинҳон қил, токи улар зиён топмасинлар"². Баҳоуддин буюрилган иш бўйича анча муддат ишга машғул бўлди. Бу иш билан у етти йил шуғулланди. Манбада Нақшбанд тилидан ёзиладики, "Шу етти йил ичида енгим ва этагим тупроқдан асло холи бўлмас эди. Бу Ҳаққнинг дўсти қандай амални буюрса садоқат билан

¹ Навоий Алишер. Лисонут-тайр; (Насрий баёни билан) -Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1991. 224-225-бетлар.

² Мақомот, 17 - бет.

бажо келтирардим, ҳар бир амалнинг натижасини ўзимда мушоҳада қилардим ва аҳволимда тўлиқ тараққий юз бераётганини сезардим”.

Баҳоуддин одамларга, ҳайвонларга, итларга ва йулларда хизмат қилиш туфайли бутун мавжудотга муҳаббат кўзи билан қарайдиган бўлди.

Баҳоуддин бу ҳақда шундай ёзади: “Бу йўлда вужудни инкор қилиш, борини нисор этиш, кам кўриш ва йўқлик улуғ ишлардан бўлиб, булар давлатга етиш ипи ва қабул воситасидир. Мен бу йўлда мавжудот табақаларидан бўлмиш ҳар табақага нисбатан сулукда сайр қилдим ва ўзимни зарралардан бўлган ҳар бир заррага қиёсладим, ҳақиқатда уларни ўзимдан яхшироқ эканини кўрдим, шундай қилдимки, ҳатто, чиқиндилар табақасида ҳам сайр қилдим, улардан ҳам бир манфаат топдимки, бу манфаат менда йўқ. Ит чиқиндисига етдим, шояд унда фойда йўқ бўлса деб тасаввур қилдим. Шундан кейин эса билдимки, унда ҳам фойда бор экан. Қанчалар фикрламай, нафсимда бирор фойда борлигини кўрмадим”.

Аз ҳеч касии хештан бохабарам,
В-аз ҳеч касе беҳ наям, илло батарам.
Ҳар чанд ба ҳоли хештан менигарам,
Як ҳабба наярзад зи қадам то ба сарам.¹

Мазмуни:

Ўзимнинг ҳеч ким эканлигимдан хабарим бор,
Ҳеч кимдан яхши эмасман, аксинча бадтарман.
Ўзимни ҳолимга қанчалар қарайман,
Бошдан оёғимгача битта ҳабга арзимайман.

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу сўзлари кўрсатадики, бутун борлиқни, ҳар бир заррани ўрганиш ўзини ҳам бутун оламнинг зарраси эканлигини ҳис этишга олиб келади ва нафси амморасини йўқотиб, руҳини камолотнинг олий ҳадига етказди. Ўз моҳиятини чуқур англаган Баҳоуддин олам моҳиятини ҳам билади ва борлиқнинг ҳар бир заррасини эъзозлайди, чунки уларда Тангри қувватининг тажаллиётини кўради.

Меҳр-шафқат сифатлари ила безанган, одамларга ва борлиққа яхшилик қилиш иштиёқида ёнаётган Баҳоуддин "Шамдек бўл, барчага нур бериб ўзинг қоронғида қол" деб таъкидлайди.

¹ Мақомот. 77 – бет.

Баҳоуддин Нақшбанд: "Ўзгаларга нур бериб ўзинг қоронғида қол, дейиш билан, бировга яхшиликни холисона қилгин, ундан бирор манфаат кўзламагин" дейди. Тангри йўлида эзгу ишларни қилиш истаги "Даст ба кору, дил ба Ёр" шиорини тариқат асоси сифатида қабул қилишга олиб келган.

Баҳоуддин Нақшбанд одамларга, ҳайвонларга, ўсимлик ва барча мавжудотга меҳр - муҳаббат ва шафқат кўзи билан қараш натижасида руҳий қуввати шу даражада камолотга етадики, балоларни қайтара оладиган, мушкулларни осон қила оладиган бўлади ва шунинг учун уни Балогардон номи билан тилга оладилар.

Манбаларда кўрсатилдики, душман Бухоро аҳлига хавф солганида у айтади: "Бизнинг елкамизда оламнинг юкидир".

Агар табоҳ шавад мамлакат зи шоҳ маранж,
Ки назди аҳли ҳақиқат гуноҳи дарвиш аст.

Мазмуни:

Агар мамлакат хароб бўлса шоҳдан хафа бўлма,
Ҳақиқат аҳли орасида бу дарвишнинг гуноҳидир.

Демак, у мамлакатга хароблик келтирувчи бирор ҳол бўлса ўзини гуноҳкор ҳисоблаган. Чунки у нега вақтида бу хавфни олдини билмадим, сезмадим деб ўйлаган. Нақшбанд доимо кишиларни ҳимоя этишга тайёр турган. Манбада хавfli душман хужум қилганда, қўшинлар қаршилик қила олмаганида, у шу қаршиликни қайтара олганликлари кўрсатилган.

Бутун борлиққа муҳаббат кўзи билан қараш ва унга эзгулик қилиш инсон руҳий камолотининг шарти экан. Таълим-тарбия жараёнида бу масалага эътибор бериш ҳозирги кунда экологик, умумбашарий муаммоларни ҳал қилишнинг энг яхши йўлидир.

Руҳий камолотига ёрдам берган йўллардан бири ҳалол луқмага эътибор беришдир. Баҳоуддин Нақшбанд луқма бобида кўп эҳтиёт бўларди. Гоҳида рўза тутиб оларди. Агар ўша куни меҳмон келиб қолса, ҳоҳ куннинг биринчи ярмида, ҳоҳ иккинчи ярмида бўлсин, овқат тайёр бўлса ва олдиларига келтириб қўйилса, меҳмон билан бирга олар эди. Рўза бўлмаса ҳам унинг овқатга нисбатан майллари оз бўлар эди. Овқат ҳозирлашга ўз диққатини кам сарфлар эди. Ҳар ким унинг шариф суҳбатида бўлса, унинг бу кам таомлик сифатлари

сухбатдошга ҳам ўтиб қоларди. Етти йилни шундай тариқада ўтказди, бироқ риёзату мушоҳадасидан одамлар беҳабар эдилар.¹

Бу вақтда Баҳоуддин Қасри Орифондаги бир хужрада турганлар. Хужрада бир синиқ кўза, эски бўйра бўлиб, ажаб аҳволда кун ўтказар экан. Кучли риёзатга эга бўлишига қарамай, ҳалол ризқ талабида бошқаларнинг замбилини кўтарар экан. Баъзи вақт замбил ўз-ўзидан юриб кетар, бироқ у бунга асло илтифот қилмас экан. Ўз сифатини билдирмасликка интилар экан. У: "Риёзат натижаларига эътимод қўймаслик керак", дер экан.

Манбада Баҳоуддин руҳининг танасидан чиқиб парвоз этганлиги ҳақида ўзлари томондан айтилган қуйидаги нақллар сақланган: "Жазаба юз беришининг аввалларида бир тунда Маздохун мозорида эдим. Мен билан Дарвиш Муҳаммад Зоҳид ҳам бирга бўлиб, менга суяниб олган эди. Шу аснода руҳим танамдан чиқиб, айлана-айлана осмон томонга чиқиб кетди. Шу тариқа биринчи осмонни сайр қилди, ундан иккинчи осмонга, учинчи, сўнг тўртинчи осмонга ўтди. Менинг бу аҳволимдан Муҳаммад Зоҳиднинг асло хабари йўқ эди.

Мисра:

Касро вуқуф нест, ки моро чи ҳолат аст"².

Мазмуни:

Бизнинг қай ҳолатда эканимиздан ҳеч кимнинг хабари йўқ.

“Аввал ҳолда тунларнинг бирида Ревартунда устун орқасида қиблага юз қилиб ўтирар эдим. Ногоҳ беҳудлик ва фано зоҳир бўла бошлади. Оз-оздан мени истило қилиб, охири бутунлай ўзимдан маҳв қилди. Бу тўлиқ маҳв ва фано ичида менга: “Огоҳ бўл, мақсад ва матлабинг нима бўлса унга етдинг ва уни топдинг”, дедилар”³.

"Аввал ҳолда Ревартун воқеасидан сўнг, ўша боғда (ҳозир Мозор боғи) эдим ва менга алоқадор бўлган жамоат ҳам мен билан бирга боғда эди. Ногоҳ менда Илоҳий жазаба асарлари ва ниҳоятсиз илтифот ва иноятлар зоҳир бўлишга киришди. Изтироб ва беқарорлик пайдо бўлиб, истироҳатга тоқатим қолмади. Туриб қиблага боқиб ўтирдим. Ногоҳ бир беҳудлик пайдо бўлди ва бу беҳудлик ҳақиқий фано билан якунланди. Бу фанода менинг руҳимни осмон фаришталари олдидан олиб ўтаётганларини аниқ кўра бошладим. Шу даражага етдики, у юлдуз шаклига кирди ва

¹ Мақомот. 29 – бет.

² Мақомот. 17 - бет.

³ Мақомот. 14 - бет.

чегарасиз нур дарёси ичра ғарқ бўлиб йўқ бўлиб кетди. Гавдамда эса ҳаётдан асар ҳам қолмаган эди. Аҳлим ва яқинларим менинг бу ҳолимга йиғлашар, изтироб ҳамда беҳудликда қолган эдилар. Охири руҳимни бўлак-бўлакка бўлиб вужудимга киргиза бошладилар. Бу тўлиқ фано ва беҳудлик ортиғу ками билан ўша онда олти нужумий (астрономик) соатга ётган эди"¹.

Булардан маълум бўладики, Шох Нақшбанднинг руҳий камолотида муҳим бўлган ф а н о ва йўқликдир.

Манбалардан маълум бўладики, Баҳоуддин руҳий камолотининг воситаларидан яна бири кучли талаб ва ҳиммат экан. Нақшбанднинг ўзидан бу ҳақда қуйидаги нақллар сақланган: "Биз бу йўлнинг талабига қадам қўйганимизда икки юз киши эдик. Менинг ҳимматим буларнинг ҳаммасидан ўтиш эди. Илоҳий иноятга ноил бўлиб, бу жамоатнинг ҳаммасидан ўтиб кетдим ва асл мақсадга етдим".

Байт:

Мардони раҳаш расидаанд аз ҳиммат,
3-он дар раҳи ў нишон бепайдо нест.²

Мазмуни:

Ҳиммат билан етдилар бу йўлга мардлар,
Ҳиммат билан топурсан унинг нишонин,

Бу ҳақда яна шундай байт келтирилган:

Ҳиммат туро ба кунгираи Кибриё кашад,
Он сақфгоҳро беҳ аз ин нардбон махоҳ.³

Мазмуни:

Сени улуғлик аршига етказар ҳиммат,
Бу ҳиммат нарвондан юксак таппа-тахт.

Баҳоуддин айтган: "Мақсад талаби йўлида ҳимматингиз менинг бошимга қадам қўйиб, мендан ҳам ўтиб кетиш бўлмаса, мен сизни кечирмайман!"⁴

Демак, нафсни бошқариш, сабр, хизмат, кучли талаб ва ҳиммат Баҳоуддин Нақшбанд руҳий камолотининг асосларидан бири экан.

¹ Мақомот, 15 - бет.

² Мақомот, 16 - бет.

³ Мақомот. 16 - бет.

⁴ Мақомот. 17 – бет.

2.БАҲОУДДИННИНГ КАМОЛОТ

ДАРАЖАСИ

Манбаларда Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳий камолотга етишган даражаларига ишоратлар мавжуддир.

1393-1394 йилларда Нақшбанд вафотидан 5 йил ўтгандан кейин унинг халифаси Муҳаммад Порсо томонидан ёзилган "Рисолаи қудсия" асарида Баҳоуддинга таърифлар берилган. Асарда у кишини ҳазрати олийқадр зот, иршод ва хидоят мақомининг улуғ мансабдори, мақтовга арзигувчи ва валоят хислатларини ўзида йиққан, ҳақиқат ва маърифат аҳлининг қутбига мулозим-доимий ҳамроҳ, раббоний лутфлар мазҳари, субҳоний хулқларнинг нигоҳбони деб тавсифланган. Бу манбада Баҳоуддин ҳақида қуйидаги байтлар келтирилган:

Гашт бе кибру, риё ва кина,
Нури қудсиро рухаш оина.
Он лиқои ў жавоби ҳар савол,
Мушкил аз ў ҳал шавад бе қилу қол¹.

Мазмуни:

Кибр, риё ва кинасиз бўлди,
Юзи пок нурнинг оинасига айланди.
Унинг бу кўриниши ҳар бир саволга жавоб.
Мушкул ундан ҳал бўлур ҳеч сўзсиз.

Шунингдек уни орифларнинг пешвоси, ҳақиқатга, етган инсон, мурсал набийларнинг вориси, шайх, саййид Баҳо-ул-Ҳаққ ва Дин, Нақшбанд номи билан танилган, деб ёзилган.²

“Фарҳанг”да "Баҳо" арабча сўз бўлиб раванқ, гўзаллик маъносини англатишини кўрсатади. Нақшбанднинг Баҳо-ул-Ҳаққ ва Дин деб ёзилиши унинг Ҳаққ ва Диннинг раванқи, гўзаллигининг тимсоли эканлигидан далолат беради.

Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ҳижрий 804 милодий 1401 йилда ёзган "Мақомати ҳазрат хожа Нақшбанд"да Баҳоуддинга нисбатан "Шайхимиз, пешвомиз ва мавлонойимиз" деб таъриф қилади. Бу билан Нақшбандни шайхлик даражасига етганлигини,

¹ Порсо Хожа Муҳаммад. Рисолаи қудсия. Бухоро. Бухорои Шариф. 1327 х. й. 38 - бет.

² Ўша асар. 38-39-бетлар.

тариқат аҳлининг пешвоси эканлигини таъкидлайди. Уни Мавлоно-соҳиб, хожа, устоз сифатида тилга олади. 1389 йил вафот этган Нақшбандга нисбатан 1401 йилда бу таърифнинг ёзилиши унинг ўз даврида шайх, пешво ва мавлоно сифатида камолотга етганлигини билдиради.

Навоийнинг Баҳоуддин камолоти даражаларига оид фикрларини олимлар тадқиқ этганлар. Иззат Султон, Азиз Қаюмов, Султонмурод Олим, А.Ҳайитметовлар фикрлари бу соҳада диққатга сазовордир.

Алишер Навоий "Ҳайрат-ул аброр"нинг XXI бобига "Хожа Баҳоуддин қаддаса сирриху мадҳидаким, сунъ Наққоши ҳикмат хомаси била рўзғор саҳифасида анинг вужуди нақшин исломий тарҳ этти" сарлавҳасини қўйган. Бу бобда асосан Баҳоуддиннинг Нақшбанд эканлиги сири очилган.

Хожаки, наққоши сипехри баланд,
Бўлгали ҳар саҳфаси Нақшбанд.

Айлади авроқ мунаққаш баса,
Нақш рақам айлади дилкаш баса.

Лек анинг нақши киби дилнавоз
Чекмади то хомасидур нақш соз.

Собит анинг кўнгли аро нақши жуд,
Маҳв ўлуб ул сафҳада нақши вужуд.

Нақшига тенг тутмай ўзин нақши чин
Олам ўлуб илгида нақши нигин,

Бўйла нигин нақшига фармонбари,
Мунча ажаб нақш ила деу пари.

Саъй ила бу гунбади бисёр нақш,
Ҳар нечаким айлабон изҳор нақш.

Нақшининг оллида намудор уза,
Нақш бўлиб савҳаи девор уза.

Мунча ажаб нақш била аржуманд,

Кимса эмас ғайри Шаҳи Нақшбанд,
Жонга чекиб ранжу ано нақшини
Сезмоқ учун анда фано нақшини.

Жони чу ул нақш макони бўлуб,
Нақшдин ўзга бори фоний бўлуб.

Турфа буким нақшга кўз солмайин,
Жонида жуз нақши бақо қолмайин.

Кўнгли чекиб маскан аро нақши сайр,
Сайрда йўқ кўнгли аро нақши ғайр.

Сайр анга бу токи мунаққаш уза,
Нақши кафи лавҳаи заркаш уза.

Чун изининг нақшига суртуб жабин,
Равшан этиб кўз фалаки нақшабин¹.

Ғулом Сарвар Лоҳурийнинг 1864-85 йилларда ёзилган "Сафинат-ул-асфие" китобида ҳазрат шундай таърифланади: "...узамой авлиё ва кибриёи хулафои Сайид Кулол аст, имоми тариқат, пири ҳақиқат, муқтадои шариат, пешвои аҳли суннат ва жамоат, каромати валоят ва хавориқи одот дар туфулият аз вай сар зад."² Мазмуни: Валийларнинг энг азими, Амир Кулол хулафосининг буюги, тариқат имоми, ҳақиқат пири, шариатни муқтадоси, суннат ва жамоат аҳлининг пешвоси, болалиқдан ундан ғайри оддий воқеалар ва валийлик кароматлари содир бўларди. Муаллиф Баҳоуддинни таърифлаб шундай ёзган:

Шоҳе волошан Баҳоуддин имоме бо сафо
Он ки шуд равшан ба номи ў камоли Нақшбанд

Мазмуни:

Баҳоуддин волошан Шоҳ ва сафоли имомдир.

Унинг номи билан Нақшбанднинг камоли равшан бўлди.

¹ Навоий Алишер. Хамса. Т.: Фан, 1980. 48-49-бетлар..

² Сафинат ул-авлиё. 548-бет.

Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуфнинг барча тариқатларнинг зубда ва хулосаси бўлган Нақшбандия сулукини асослади. Унда хуфия зикр бўлиб, риёсиз ҳалол меҳнат билан кун кечириш асосий талабдир." Даст ба кору дил ба Ёр" - "Қўл ишда ва қалб Ёр-Тангрида" асосий шиордир. Нақшбандия тариқатида Баҳоуддин Нақшбанд Юсуф Ҳамадонийнинг "хуш дар дам", "назар бар қадам", "сафар дар ватан" ва "хилват дар анжуман", Хўжайи Жаҳоннинг "ёдкард", "бозгашт", "ёддошт" ва "нигахдошт" умдатларини асос қилиб олган. Ўзи яна учта янги умдатни яратган ва уни ҳам тариқатнинг асоси сифатида қабул қилган. Баҳоуддин Нақшбанд киритган учта янги умдат: "Вуқуфи замоний" - замондан огоҳ бўлиш, "Вуқуфи ададий" - сондан огоҳ бўлиш ва "вуқуфи қалбий" - қалбдан огоҳ бўлишдир.

Баҳоуддин Нақшбанд асослаган йўл ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини сақламоқда.

3.ШОҲ НАҚШБАНД: МАЗМУН-МОҲИЯТ

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд - манбаларда Шоҳи Нақшбанд – яъни Нақш боғлайдиганларнинг Шоҳи номи билан юргизилади. Бунга иккита асос бор. Биринчидан, Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти ҳазрати Хожа Нақшбанд» асари кўпинча «Мақомоти Шоҳ Нақшбанд» деб ҳам ёзилади. Бу муҳим қимматбаҳо ёзма манбада ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида шундай маълумот бор: «Ҳазрат хожа мефармуданд, ки ман бо падарам бо касби кимхоббофи машғул будам».¹ Мазмуни: «Ҳазрат хожа айтар эдиларким, мен отам билан бирга кимхоб тўкиш касби билан шуғуллансам». Демак, Баҳоуддин Нақшбанднинг хунарини эгаллаган бўлганлиги учун уни Нақшбанд – Нақш боғловчи деб атаганлар.

Кимхоб – ўриши зар ипдан, арқоғи ипакдан гулнақш ҳосил қилиб тўқилган мато. Кимхоб зар ипларининг ранги сариқ бўлса, сариқ кимхоб, кумуш ранг (оқ) бўлса, оқ кимхоб деб номланган. Ипак ипларнинг рангига қараб кўк кимхоб, пушти кимхоб, қизил кимхоб каби хилларга бўлинган. Кимхоб қимматбаҳо мато саналарди. Ундан бадавлат хонадонлардаги аёлларнинг уст кийимлари – нимча, камзул, паранжи кабилар тўқилган. Кимхоб

¹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир. Мақомоти ҳазрати хожа Нақшбанд. Бухоро. Бухорои Шариф матбааси. 1327-1909. Литография. Бухоро музейи фонди хазинаси. 12455-11-сони. 7-бет.

тўқиш Бухоро, Шаҳрисабз, Гиждувон шаҳарларида қадимдан ривожланган. Кимхоб инқилобдан олдин Ўрта Осиёнинг чет элларга чиқарадиган асосий матолардан ҳисобланган. Ҳозир кимхоб ўрнига ранг-баранг парчалар тўқилмоқда.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд кимхоб тўқиш жараёнида бу матога чиройли нақш боғлай олишларидан у кишига Нақшбанд деб ном қўйганлар ва ҳазратнинг нақш нусхаларидан барча ҳунармандлар фойдаланганлар. Ҳозирги кунгача Баҳоуддин Нақшбанд тўқувчиларнинг пири саналади. Бу ҳақда Касбга оид рисолаларда ёзилган.

Иккинчидан, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ўз касбларини такомиллаштириб, оламга чуқурроқ қараб, энг гўзал нақшни топиш ва уни шундай боғлашни ўз олдиларига мақсад қилганларким, у замонлар зайли билан йўқолмасдан боқий бўлиб қолсин. Шу жараёнда шундай даражага етганларким, энг Гўзал Нақш Илоҳий Гўзаллик эканлигини кўриб, уни Қалбда Нақшлаш абадийлигини ҳис қилганлар. Шунинг учун ҳам барча ҳунармандлар пири комилни Шоҳи Нақшбанд деб ўзларига раҳнамо деб билганлар. Буюк мутасаввиф асос солган тариқат шунинг учун Нақшбандлар, яъни меҳнат жараёнида Аллоҳни қалбида нақшлайдиган кишилар деб аталади. “Нақш банд ба Дил банд”, “Нақшни боғласанг, Дилга боғла” уларнинг асл мақсадидир.

Нақшбандия тариқатини чет элда чуқур ўрганиб, у киши ҳақида асарлар ёзган Идрис Шоҳ “Нақш” номли ботиний мазмундаги бир ҳикоятни келтиради ва шу орқали Нақшбандия тариқатидаги Нақш сўзининг мазмунини очиб беради.

Идрис Шоҳ ҳикоятига асосан бир киши қамокқа тушиб қолади. Унга хотини ўзи тўқиган қолинча-жойнамозни беради. У қамокда шу жойнамозда кунда 5 маҳал намоз ўқиб, саждага тушади. Унинг ўзи темирчи эди. Кунлар ўтиб, у қамок қоровулларига унга темир-терсак ва асбоб келтирсалар, буюмлар тайёрлай олиши ва улар сотиб кун кўришларини айтади. Қоровуллар рози бўладилар. Бу одам ўз ҳунари билан шуғулланади. Кунлар ўтиб, қоровуллар келсалар, эшик очиқ ва асир йўқ. Орадан анча муддат ўтиб, унинг гуноҳсизлиги тасдиқланади. Бир куни уни кўриб қоладилар ва қандай қамокдан қоча олганини сўрайдилар. У жавоб беради: “Мен хотиним келтирган жойнамозга кунда беш марта сажда қилганимда ўша сажда қилиш жойида бир нусхани кўрдим. Қарасам бу эшик қулфининг нусхасининг нақши экан. Мен ўша нақшга асосланиб, калит ясадим ва қамокдан бемалол чиқдим. Келиб аниқласам,

хотиним кулфни ясаган устани аниқлаб, уни нусхасини жойнамозда гилам тўқиб, ўша нақшни солган экан”.

Бу ривоятдаги қамоқхона одам вужудидир. Инсон тананинг сирларини билмаса, у одамни асир қилиб, киши нафс балосига гирифтор бўлади. Шариат аҳкомларини бажариш вақтида у танасининг калитини билиб олади ва аста секин тариқат йўли билан бориб, танасига тўла ҳукмрон бўлади, яъни нафс балосидан тўла қутулади. У озод бўлади. Аммо бу озодликка у хунармандчилик ва касб-кор билан шуғулланиш жараёнида эришади.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётларини ўзи ҳам бунга мисолдир. Ҳазрат Алишер Навоий “Ҳайратул аброр” асарида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд мадҳида шундай ёзади:

Собит анинг кўнгли аро нақши жуд,
Мавҳ ўлиб ул сафҳада нақши вужуд.

Навоийшунос йирик олим А.Ҳайитметов бу мисраларни шундай изоҳлайди:

Унинг (Баҳоуддин кўнглидан, аввало) сахийлик нақши
мустаҳкам ўрин олган бўлиб,
Унинг (борлиқ) саҳифасидан вужуд нақши ўчиб кетган эди.

Демак, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд меҳнат жараёнида такомиллашиб фоний, ўткинчи нарсаларни чуқур англаб, маънавий, руҳий абадий олам моҳиятини англаган ва комилликка етган эканлар. Шунинг учун ҳам Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд хунар аҳлига жуда юқори баҳо бериб, шундай деганлар:

Ҳосили дунё ва ҳама дур бувад,
Як хунар аз одами пур бувад.¹

Мазмуни:

Бу дунёнинг барча ҳосили-натижаси одам учун мол-дунё
тўплаш эмас,
Бир хунар одамда барча нарсадан устундир.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳалол луқмага жуда катта эътибор берардилар ва ўз меҳнати билан топилган нарсани ҳалол деб

¹ Баҳоуддин Балогардон. 94-бет.

ҳисоблар эдилар. Шайх ўз муридлари-шогирдларига Муҳаммад пайғамбаримиздан қолган қуйидаги ҳадисни такрорлар эдилар: “Аллоҳ таолога ибодат ўн қисм бўлади, деб Расули Акрам Муҳаммад (с.а.в.) айтганлар. Тўққиз қисми ҳалол ризқу рўз талаб қилиш ва бир қисми қолган барча ибодатлар”. Яъни агар қанча тоату, намоз деб, рўза тутиб ҳажга борсаю, лекин ҳалол лукмага риоя этмаса, унинг бажарган фарзлари ҳеч нарса бўлади. Ҳалол лукма учун ҳаракат уларга нисбатан Аллоҳга тўққиз қарат мақбул иш экан.

Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд номи билан маълум ва машҳур бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий асослаган тасаввуфнинг Нақшбандия тариқати бутун мусулмон оламида энг кенг тарқалган ва ҳозирги кунгача мавжуд бўлган сулуклардандир. Бунга асосий сабаб бу тариқатнинг меҳнатга бўлган муносабати ва ҳунарманд аҳли ўртасида мақбулликда. Манбаларда таъкидланадики, тариқатга фақат маълум ҳунари бўлиб, ўша ҳунари орқали ҳалол лукма билан кун кечира оладиган кишиларгина қабул этилган. Мабодо ҳунари бўлмаса, аввал ҳунар ўрганиб, сўнг бу тариқатга кирган. Бу эса ўша даврда маълум бўлган тасаввуфнинг бошқа тариқатларидан Нақшбандияни кескин фарқи ҳисобланади. Чунки тасаввуф йўлига кирган кўпчилик таркидунё қилиб, жамиятдан узоқлашиб кун кечирган. Бундай ҳаёт тарзи ҳунармандларга ҳам мақбул бўлмаган, жамият тараққиёти учун ҳам бу зарарли эди. Нақшбандия тариқати Ўрта Осиёда Мўғуллар сулоласи ҳукмронлик қилган даврда бошланди. Бу тариқат аҳлининг халқни ҳунар эгаллаб, ҳалол меҳнат билан кун кечиршига чақириши, мамлакат тараққиётида муҳим туртки бўлган. Шунинг учун ҳам темурийлар даврида нақшбандийлик асосий мафкура сифатида бутун мусулмон оламида кенг тарқалди.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида ҳунармандчиликка муносабат масаласини бу тариқатнинг “Даст ба қору, дил ба Ёр” шиори ва “Нақшбанд” сўзининг моҳияти ойдинлаштиради.

Нақшбандия тасаввуф тариқатининг шиори бўлган “Даст ба қору, дил ба Ёр” кўпинча адабиётларда “Дил ба Ёру, даст ба қор” тарзида ёзилади ва шунга асосан шиорлар ҳам хато ёзилгандир. Бизнинг манбалар асосида олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, бу шиор “Даст ба қору, дил ба Ёр”, яъни “Қўл меҳнатдаю, кўнгил Ёр-Аллоҳда” шаклида экан ва уни ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг раҳнамо пирлари, бутун жаҳонда Хўжаи Жаҳон номи билан маълум ва машҳур бўлган Абдулҳолик Гиждувоний (вафоти 1220) айтган эканлар. XVI асрда ёзилган муҳим

ёзма манбалардан Нақшбандия тарихига оид Фахриддин Али ибн Хусайн Кошифийнинг “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” (“Ҳаёт булоғи томчилари”) асарининг нақшбандийликни бутун оламга ёйилишига сабаб бўлган Хўжа Аҳрор Валийга бағишланган иккинчи қисмида шундай ёзилади: “Мифармуданд, ки Ҳазрати Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний (қ.с.) фармуданд, ки гароний аз халқ бар мибояддошт ва он намешавад, илло бо касби ҳалол даст ба кору, дил ба Ёр дар тариқи Хожагон (қ.о.арвоҳаҳум) амри муқаррар аст”.¹ Мазмуни: “Айтур эдиларким, Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний айтибтурларким, халқдан оғирликни кўтармак керак, бу муяссар бўлмас, магар ҳалол касб ила, “Даст ба кору, дил ба Ёр” “Кўл меҳнатдаю, қалб Аллоҳда”, деган сўз Хожагон тариқатида муқаррар этилган амр эрур”. Навоийшунос олим, академик Иззат Султонов² ва шарқшунос олим Ориф Усмон³ олиб борган тадқиқотлар асосида ҳам шу фикр ётади.

“Рашаҳот айн ул-ҳаёт” асаридан келтирилган парча “Даст ба кору, дил ба Ёр” шиорининг моҳиятини очиб беради. Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний бу шиорни айтишдан олдин “Гарони аз халқ бармебояддошт” дейдилар. Гарони – сўзининг мазмуни оғирлик, мушкулликдир.⁴ Яъни асосий вазифа - халқнинг оғирини енгил қилиш керак, дейилмоқда.

Демак, тасаввуф аҳли покланиш ва камолотга эришувнинг асоси эзгулик, яхшилик қилиш, халқ мушкулени осон этиш деб тушунади. Бу эса фақат Аллоҳни қалбга жойлаб, тақво ва тоат қилиш билан эмас балки, аввало, Аллоҳ берган қўлни меҳнат билан банд қилиш, яъни маълум ҳунарни эгаллаб, маълум касб-кор билан шуғулланиб, одамларга фойда келтириш заруратини тақозо этади.

Тасаввуф таълимоти оламда яратилган барча нарсалар Аллоҳнинг зухурроти эканлигини кўрсатиб, улар маълум мақсадда яратилиши таъкидланади. Ҳар бир киши нарсанинг моҳиятини кўра билиши, унинг ботиний, ички томонини англай олиши керак. Аллоҳ сўзламайди, у яратгани орқали бизларга нима демоқчи бўлса англатади. Демак, инсонни ҳам қўл билан яратибдими, бу қўллар

¹ Фахриддин Али ас-Сафий. Рашаҳот айн ул-ҳаёт. 1308 хижрий 1890. Лакнау. Литография. ЎзРФА шарқшунослик институтидаги қўлёзмалар хазинаси. 3968-соа, 255-бет.

² Биринчи маротаба матбуотда Иззат Султонов “Даст ба кору, дил ба Ёр”, шиорини тўғри асослаб берди. Қаранг: Бобоева Э., Зиёева М. Нақшбандия таълимотига оид давра суҳбати. //Ўзбекистон ижтимоий фанлар, 1993. 5-сон, 39-бет.

³ “Даст ба кору, дил ба Ёр” шиорини Ориф Усмон ўзбекча, татарча, туркча “Рашаҳот”нинг таржималари асосида кўрсатган. Қаранг: Ориф Усмон Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. Т.: Университет, 1993. 19-21-бетлар.

⁴ Фарҳанги забони тоҷик. Т.1. Москва. 1969. 269-бет.

эзгулик, яхшилик учун хизмат қилиши ва ҳалол меҳнат билан шуғулланиши керак. Буюк мутасаввиф, мавлавия тариқатининг асосчиси Жалолоддин Румий ўзининг машҳур “Маснавий маънавий” асаарида шундай ёзади:

Пой дори, чун куни худро ту ланг?
Даст дори, чун куни пинҳон ту чанг?
Хожа чун беле ба дасти банда дод,
Безабон маълум шуд ўро мурод.

Мазмуни:

Оёғинг бор, нега ўзингни чўлоқ кўрсатасан?
Қўлинг бору, нега панжаларинг яширасан?
Хожа (яъни Аллоҳ) қўлингга кетмонни берса,
Сўзсиз унинг нима дейиши маълум.

Демак, Аллоҳ инсонларга қўлларни ато этиб, бизни меҳнат қилишга чорлаган. Лекин, сўфийлар дунёдаги бойлик ва мол-мулкдан воз кечган кишилар бўлганидан, улар бу меҳнатни ўзгалар учун қиладилар. Бундай меҳнат қалбда Аллоҳни жойлаб, холисона бўлганлигидан улар бу меҳнат жараёнида янада юксаладиган, топган нарсаларини муҳтожларга улашиб, фақат эзгу ишлар билан шуғулланадилар. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар:

Ту то кай гўри мардонро парастй?
Ба кирду кори мардон гашти расти.

Мазмуни:

Сен қачонгача буюкларнинг қабрига сиғинасан?
Уларнинг қилган ишлари билан машғул бўлсанг мақсадга
етасан.

Юқоридаги мисралар орқали Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд азиз авлиёлар қабри олдида ўтириб кун кечирувчиларни танқид қилиб, аввало улардек меҳнат қилишни, улар йўлидан бориш афзаллигини кўрсатади.

Нақшбандия тариқатида “Даст ба кору, дил ба Ёр” шиорининг вужудга келиши ва доимий бўлиб қолишида Абдулқодир Гилоний томонидан асосланган қодирия тариқатининг “Машғуллик ила фориғлик” шиорининг ҳам аҳамияти бор. Манбаларда ёзилишича, Аллоҳ олдида Пири Дастгир, Ғавсул Аъзам номи билан машҳур бўлган Абдулқодир Гилонийнинг мартабаси жуда баланд бўлади. Бу

ҳақда Боязид Бистомий савол берганида шундай нидо келади: “Сен дунёдан фориғ бўлиб, менинг хизматимга машғулсан, Саййид Абдулқодир эса машғуллик ила (дунёдан) фориғдир”.¹ Демак, Ғавсул Аъзам дунёни кўзга илмаган ҳолда, дунё ишлари билан машғул бўлиб, шу билан бирга Аллоҳни доимо қалбда асраганлари учун шундай буюк мартабага эришганлар. У кишининг қалбларини зиёрат этиб, ҳаёт йўллари ва таълимотларини чуқур ўрганган Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд учун албатта, бу ҳаёт йўли ибрат бўлган бўлиши, шубҳасиздир.

“Даст ба кору, дил ба Ёр” шиори, меҳнат жараёнида ҳалоллик ва эзгулик билан ишлайдиган киши, албатта, Аллоҳни қалбда сақлайди, яъни тилида эмас, дилида Аллоҳ эканлигини англатади. Чунки у Аллоҳ берган ҳар бир нафас ва ҳар бир неъматни англаб улардан тўла эзгулик йўлида фойдаланади. Мантиқан чуқур тааммул қилсак, кўринадики, Аллоҳнинг дийдорига муяссар бўлиш, ҳаққа етишнинг энг яқин ва тўғри йўли, бу бир ҳунарни мукамал ўрганиб, ўшани ҳалоллик билан бажаришдир. Бунга яққол мисол Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаётлари бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтсак, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида ҳунармандчилик ва меҳнатга муносабат энг асосий масалалардан биридир. Бу таълимот кўрсатадики, ҳунармандчилик, биринчидан, одамнинг ўзгаларга яхшилик қилишига, жамиятга керакли киши бўлишига имкон беради, иккинчидан, ҳунарманд киши агар Аллоҳни қалбида асраб, холис меҳнат қилса, унинг ясаган нарсалари, унинг маҳсули манбаи бўлади, учинчидан, меҳнат жараёнида киши такомиллашиб ҳақиқатни англайди, ўткинчи, фоний ва абадий, боқий нарсаларни кўра олади ва Ҳақиқатга етади.

4. БАҲОУДДИН БАЛОГАРДОН

Тасаввуфда нақшбандийлик тариқатини асослаган Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳазрат хожа Шохи Нақшбанд ва Баҳоуддин Балогардон номлари билан маълум ва машҳурдир. Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389)ни Балогардон номи ким томонидан, нима учун берилган ва унинг заминида қандай асос етади? Шу саволлар кўпчиликни эътиборини тортиши табиийдир.

¹ Икромиддин Остонакул ўғли Оққурғоний. Машғуллик ила фориғ. Ҳазрат Ғавсул Аъзам Саййид Абдулқодир Гилоний разияллоху анху ҳақида. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992. 20 ноябрь.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт ва таълимотлари XIV асрнинг охири, XV, XVI асрларда ёзилган манбалар – Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорийнинг “Анис ут-толибин ва уддат ус-соликин” (“Толибларнинг дўсти ва солик – ҳақиқат изловчиларнинг жамғармаси”), Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг “Мақомоти ҳазрат хожа Нақшбанд”, Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия”, Яъқуби Чархийнинг “Рисолаи унсия”, Шаҳобиддин бинти Амир Хамзанинг “Мақомоти Амир Кулол” ва Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул унс”, Алишер Навоийнинг “Насойим ул муҳаббат” асарларида ёритилган.

Муҳаммад Бобои Самосий соҳиббашорат, соҳибкаромат бўлганлар ва Баҳоуддиннинг балоғардон бўлишини башорат қилганлар. Нақл қилинишича, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий ўз муридлари Амир Кулол билан Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувондан ўтиб кетаётганда: "Бу тупроқдан бир эр иси келмоқдадир, шу зот барокотидан Қасри Ҳиндувон Қасри Орифонга айлангай", дебди. Ўша пайтда ҳали Ҳазрат Баҳоуддин туғилмаган, балки онасининг қорнида экан. Бир неча вақтдан кейин эса: "Ҳалиги эрнинг иси ортиқроқ бўлибди", деди. Дарҳақиқат, бу вақтда Ҳазрат Баҳоуддин туғилган экан.

Бу ҳақда манбада қуйидаги ривоят Баҳоуддин Нақшбанд тилидан келтирилган: “Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг бу фақирга нисбатан қилган меҳрибонликларидан бири шу эдики, болалик чоғларимда бузургвор шайх Хожа Муҳаммад Бобои Самосий қуддиса сиррахунинг назари муборакларига мушарраф бўлдим ва улар мени фарзандликка қабул қилдилар. Туғилишимдан бир неча вақтлар илгари Қасри Ҳиндувондан кўп марта ўтган эканлар ва ҳар гал: “Бу ердан бир эрнинг ҳиди келмоқда, тез фурсатда Қасри Ҳиндувон Қасри Орифонга айланади”, - дер эканлар. Бир куни ўз халифаларидан бўлган Ҳазрати Сайид Амир Кулолнинг манзилларидан Қасри Орифонга кетаётиб айтибдиларки: “Ўша ҳид зиёда бўлибди, ўшал эр туғилганга ўхшайди”. Шундан сўнг Қасри Орифонга тушибдилар.” Шу куни Ҳазрати Хожамизнинг туғилганига уч кун бўлган экан. Хожамизнинг бобоси Хожа Муҳаммад Бобои Самосийнинг мухлисларидан эканлар. Уларнинг кўнгилларидан, бу фарзандни уларнинг муборак назарларига олиб бораёй, деган хаёл ўтибди. Бу хаёл билан қаттиқ ниёзмандлик кўрсатиб, уларнинг олдиларига олиб борибдилар. Ҳазрати Муҳаммад Бобо: “У бизнинг фарзандимиз ва биз уни қабул қилдик”, - дебдилар. Сўнг Сайид Амир Кулолга қараб айтибдиларки: “Фарзандим

Баҳоуддинга шафқатингни дариг тутмагайсан, агар нуқсонга йўл қўйсанг, сени кечирмайман!”

Шундан сўнг уларнинг муборак ботинларида нур мавж ура бошлаган ва ёшлигидаёқ улардан ажойиб ва ғаройиб воқеалар мушоҳада қилинди.¹

Муҳаммад Бобои Самосий башоратларига оид яна бир нақл бор. Нақл қилинишича, Ҳазрати Хожамиз айтган эдилар: “Аҳволнинг аввалида жазаба ғалабаси ва беқарорликда Бухорода тунлари кезиб юрардим. Тунларнинг бирида табаррук мазорлардан бирининг бошига бордим. Қайси мазорга бормай, ўша мазорда ёниб турган бир чироғни кўрардим. Чироғдонда ёғ ва пилик тайёр ва муҳайё бўларди. Бироқ пиликни бироз ҳаракатга келтириш лозим бўлиб, у ёғдан чиқар ва янгидан ёна бошларди.

Тунда табъа тобиъинлардан бўлган ва уларнинг Мовароуннаҳрга келганликлари ишончли нақл билан исботланган Хожа Муҳаммад Восиъ қуддиса сиррахунинг мазорлари бошига келдим. Хожа Аҳмад Ажфарнуй (уни ҳозирда Хожа Ажундий дейишади) мазорига боришга ишорат бўлди. Мазкур мазорга етганимда менга икки киши яқинлашди. Белларига иккитадан қилич осиб олган эдилар. Мени бир уловга миндиришди ва уловнинг бошини Муздоҳун мазори томон буришди. Муздоҳун мазорига етганимда чироғдон ва пиликни юқорида айтилган ҳолда кўрдим. Қиблага юзланиб ўтирдим. Шу онда беҳудлик юз берди ва қарасам қибла девори ёрилиб, бир катта тахт пайдо бўлди. Тахт олдида яшил парда тортилган эди. Бу тахт атрофида бир гуруҳ кишилар ўтирар эдилар. Уларнинг орасида Хожа Муҳаммад Бобони танидим. Бу одамлар дунёдан ўтган одамлар эканлигини билдим.

Жамоат ичидан бир киши менга: “Тахтдаги Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний қуддиса сиррахудир ва бу жамоат эса уларнинг халифаларидир”, деди. Сўнг ҳар бирига ишорат қилиб, мана бу Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Авлиёи Калон, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, қаддасаллоҳу арвоҳаҳум, деб таништирди. Хожа Муҳаммад Бобога етгач, деди: “Уларни сен ҳаётлик чоғида топгансан, Шайх сенга бир кулоҳ берган ва сенга каромат қилиб, тушаётган бало сенинг баракатинг туфайли даф бўлади, деган эдилар”.² Манбаадаги бу нақлдан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбандни Балогардон бўлишини ҳам

¹ Баҳоуддин Балогардон. 23-бет.

² Баҳоуддин Балогардон. 28-бет.

Муҳаммад Бобой Самосий башорат қилганлар ва бунга ёрдам берган ҳазрат Азизон кулоҳини ҳам ўз муборақ қўллари билан берганлар.

Бу манбалар далолат берадики, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга Балогардон деган номни у кишини маънавий фарзандликка қабул этган, у киши туғилмасданок дунёга келишларини башорат этган тасаввуфни хожагон тариқатининг йирик пири – Муҳаммад Бобойи Самосий берганлар. Баҳоуддин Нақшбанд дунёга келганларида энди уч кун бўлган эдики, Муҳаммад Бобойи Самосий Қасри Ҳиндувонга яъни Ҳазрат туғилган қишлоққа келадилар (бу жой кейин Валий хожанинг шарофатлари ила Қасри Орифон деб аталган). Баҳоуддиннинг боболари уч кунлик Муҳаммадни Бобойи Самосийнинг этагига солади. Бобойи Самосий у кишини “Фарзандим” деб атади. Шу билан бирга Муҳаммад Бобойи Самосий Баҳоуддинга қараб айтади: - “Сен туфайли осмондан тушаётган балолар қайтади”. Шунинг учун ҳам Ҳазрати хожа Баҳоуддинни Балогардон – балоларни қайтарувчи деб атай бошлаганлар. Бундан яна иккинчи савол туғилади. Муҳаммад Самосий ҳазрат Баҳоуддинни нега Балогардон деб атади. Биринчидан, Ислом динига асосан Оламдаги бутун борлиқни яратувчи ҳам, унга қувват берувчи ҳам унинг тақдирини белгиловчи ҳам бу якка ягона Оллоҳдандир. Оллоҳнинг ўзигина Балоларни қайтара олувчидир. Лекин шу билан бирга Оллоҳ ўз қудратини намойиш этиш учун табиатни яна шундай зукколик ва қонуният билан яратдики, бирорта ҳам яратилган заррача ўринсиз ва кераксиз эмас. Оллоҳ ўз қудратини намойиш этиш учун тоғ, дарё, ўсимликлар каби инсонларни ҳам яратди. Табиатдан мавжуд бўлган ҳар бир моддий жисмнинг ўзига хос, ранги, ҳиди, хусусиятлари мавжуд. Уларга қараб биз унинг сифатини, нима учун яроқли эканлигини айтаемиз. Биз оддий одамларга берилган ҳиссий узвларимиз билан кўра оладиган, ақл-идрокимиз билан тушуна оладиган маълум чегара бордирки ундан латиф, нозикроқ нарса ҳодисаларни кўзларимиз билан кўра олмаймиз. Лекин ана шу латиф майдонни кўриб, айра оладиган ва унинг қудратини сеза оладиган ғайри оддий қобилиятли кишилар – анбиё ва авлиёлар мавжуддирлар. Ҳазрат Муҳаммад Бобойи Самосий ҳам ана шундай фавқулотда қобилиятга эга бўлган киши бўлганларидан ҳали Баҳоуддин онасининг батнида энди вужудга келганидаёқ унинг ҳидини сезган ва уни кўрганида ундаги аура ранги ва қудратини кўрган ва бу боланинг порлоқ келажагини айтган. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга Оллоҳ томонидан ўзининг қудратини намойиш этиш учун балолардан қайтара олиш куч-қудрат

берилган бўлган. У кишининг юз-кўзларидан Оллоҳнинг нури порлаб турган. Илоҳий нурнинг ўзи нурларнинг Нури бўлиб, ҳаётбахш ва Балолардан қайтарувчидир.

Баҳоуддин Нақшбанднинг қалби Олоҳнинг нуридан лиммо-лим бўлиб бу нур унинг бутун вужудига таъсир этиб, ундаги биомайдон-аураининг рангини белгилаган. Кейинчалик Ҳазрат Баҳоуддиннинг фақат ҳалол луқманинг истеъмол қилишлари, ҳалол йўлдан юриб доимо Ҳақ ризолиги учун холисона меҳнат қилишлари бу Оллоҳ берган нурнинг қувватини янада оширган ва натижада Балоларни дарҳақиқат қайтара олиш қудратига эга бўлган.

Манбаларда Балогардонлик хусусиятларини очувчи ривоятлар келтиргандир. Шулардан мисоллар келтирамиз. Нақл қилишларича, Дашти Қипчоқ томонидан Бухорога катта лашкар келган вақтида қанчалар халқ қалъада ҳалок бўлди. Чорвага етган зарарнинг ҳам ҳисоби йўқ эди. Ҳазрати Хожага қарашли дарвишлардан бирининг озгина ҳукизи бор эди. Бир куни ҳазрати Хожа дарвишга:

- Ҳўкизингга яхши қара, ўн кундан сўнг бу бало даф бўлади дедилар.

Бир донишманд деди:

- Мен ҳисоб қилдим, ўн кундан сўнг аҳли ислом душмандан халос бўлди.¹

Демак, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд Бухоро аҳолисини хужум қилган душманнинг балосидан қутқаришга ҳаракат қилиб бу қачон амалга ошишини билган. Бу балони даф қила олиш қобилиятини борлиги, у кишининг балогардонликларининг асосидир.

“Мақомот”да яна шундай воқеа келтириладики, ўша лашкар бостириб келган вақтда бир кишининг қули қочиб кетади ва у Баҳоуддинга ёрдам учун мурожаат қилади. Ҳазрат айтадилар:

- Сен хотиржам бўл, агар зарар юз берса, мен бўйнимга оламан. Сенинг қулининг албатта келади.

Ҳоқимлик томонидан қул қочганлиги учун ҳеч ким бу одамга гапирмайди. Бу киши яна Баҳоуддин Нақшбанд ёнларига келганларида у киши айтадилар:

- Шу замонда фақат қулининг ғам юки бизнинг бўйнимизда эмас, балки оламнинг юки елкамиздадир.

Агар табох шавад мамлакат зи шох маранж,

Ки назди аҳли ҳақиқат гуноҳи дарвиш аст.¹

¹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. – Т.: Ёзувчи, 1993. 114-бет.

Таржимаси:

Агар мамлакат вайрон бўлса шоҳдан хафа бўлма,
Ҳақиқат аҳлининг қошида бу – дарвишнинг гуноҳидир.

Бу нақлдан маълум бўладики, у киши бутун Оламнинг оғирлиги, юкини кўтарганлар ва мамлакатда бирор озор етганида ўзларини гуноҳкор ҳисоблаб, уни шу балолардан қайтаришни ўз бурчлари деб билганлар. Қулни қайтариш бу оддий иш, аммо бутун одамларни душман ҳужумидан қутқозиш, қон тўкишни олдини олиш, қарама-қаршилиқни тўхтата олиш жуда катта куч-қудрат талаб этган. Кўриниб турибдики, у кишида шундай қудрат ҳам бўлган ва у киши ўзларини одамларни балолардан қутқариш зарурлигини бурчлари сифатида тушунган. Бунга юқоридаги байт асос бўлади.

Нақл қилинадики, аҳли Бухоро лашкарининг илғор қисми душман фитнасини қайтаришдан ожиз бўлган пайтда, шаҳар ҳокими Ҳазратнинг олдиларига бир гуруҳ кишини юбориб, дедилар:

- Биз жанг қилишдан ожиз қолдик, дуо қилсангиз, токи бизларнинг бу мушкулумиз ҳал бўлса, айти мадад вақтидир.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд айтдилар:

- Бугун кечаси буйнимизга полҳанг ташлаб, Худойи Таолодан сўраймиз, шоядки, йўл очилса.

Бомдод бўлганда Хожа Баҳоуддин Нақшбанд айтдилар:

- Олти кундан сўнг бу бало даф бўлади.

Ростдан ҳам шундай бўлди. Аҳли Бухоро душмандан нажот топди.²

Юқоридаги манбадан келтирилган парча кўрсатмоқдаки, душманга қарши курашган лашкарларнинг илғор қисми ҳам ожиз қолганда ҳоким ҳазрат Хожага мурожаат этади. Натижада шундай илғор қуролланган лашкарларнинг қисми қила олмаган ишни ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қиладилар. У кишининг дуоларини Оллоҳ ижобат қилади ва 6 кунда аҳоли бу балодан қутулади. Бу ерда яна Балогардонликнинг шундай хусусияти очилдики, Баҳоуддин авлиё бўлганлар валилар ичида энг юксак поғонада турганлар. Вали деган сўзнинг таржимаси Оллоҳга яқин бўлган, Оллоҳнинг дўсти деганидир. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг Оллоҳга яқинликларидан у кишидаги қалбларидан чиқадиган дуоларни

¹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. – Т.: Ёзувчи, 1993. 115-бет.

² Қаранг: Баҳоуддин Балогардон. 115-бет.

Оллоҳга яъни оламнинг асл моҳиятига бориб етишига ва албатта Оламдан бутун қувватни шу балога қарши сафарбар қилишга эриша олганлар.

Манбада келтирилишича бир дарвиш нақл қилади: Бухоро халқи ночорликда қолган пайтда бир куни Ҳазрати Хожа буюрдилар:

- Менинг ўтар йўлимни хароб қилманглар қадамларим бенамоз бўлади, сизлар учун дуо, қиламан Ҳақ Субҳонаҳу ва Таоло сизларни бу ҳалокатдан халос этади.

Шу куни яна айтдилар:

- Биз бугун кечаси бўйнимизга варзаъ ташлаймиз ва илтимос қиламиз.

Тонг отгач, ўша золимлардан Бухоро халқи халос топди.¹

Ҳозирги фан тараққиёти Латиф Олам, олов олами борлиги ва уларда руҳлар яшаши яхши ва ёмон кучларга эга бўлган майдонлар ва оқимларнинг мавжудлигини исбот этмоқда. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд руҳий қувватлари жуда кучли бўлиб, Латиф Олам ва Олов Оламидаги барча яхши майдон ва руҳларни Бухоро аҳлини қутқаришга сафарбар қила олганлар. Натижада бомдодга келганида бало даф бўлган. Мақомотда Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ёрдамлар билан фарзандли бўлганлар, касалликлардан қутқарганлар ва бошқа оғирликларни енгил қилганлари ҳақида маълумотлар мавжуд.

Биз уйлаймизки, бутун Бухоро аҳлини душманлардан қутқариш кучига эга бўлган киши, албатта бир кишининг бошидаги балони даф қила олади.

Манбада Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд зарур бўлганда сувсиз қолган Қарши аҳолисига ёмғир ёғдирганини, муридларини сув устига юришларини, учиб юришини, озиқ-овқат ва таом билан таъминлаш ишларни ҳам амалга оширганлари ҳақида маълумотлар бор. Бу фактлар у кишидаги руҳий қувват кучини кўрсатади.

Бир дарвиш нақл қилиб деди: Бир куни ҳазрат Хожамиз каминанинг кулбасига ташриф буюрдилар. Уйда ун йўқ эди. Бир жойдан бир харвор ун топиб келдим. Ҳазрат Эшон қошларида ниёзмандлик қилдим. Дедилар:

- Бу ундан овқат қил, бирор кишига унинг оз ёки кўплиги ҳақида ҳеч нарса айтма.

То икки ойгача дарвишлар ва азиз кишилар ҳар томондан Ҳазрати Эшонни кўргани келиб турдилар. Шу ундан овқат қилардик аммо у ўз ҳолича турар эди. Ҳазрати Хожа кетганларидан кейин ҳам

¹ Баҳоуддин Балогардон. 115-бет.

бир муддат шу ундан ишлатилди, бироқ бирдек турарди. Бу воқеани болаларимга айтганимдан сўнг ҳалиги барака қолмади ва ўша хосият йўқолди.

Бунга ўхшаш воқеалар манбада кўп келтирилади.

Юқорида манбалардан келтирилган парчалар кўрсатадики, Ҳазрат Баҳоуддинга у кишининг устозлари Муҳаммад Бобойи Самосий берган Балогардон номига ўз ҳаётлари давомида муносиб бўлганлар.

Манбаларда Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ўлганларидан сўнг ҳам муридларини уйқуларига кириб уларга мадад берганликлари¹ ва у кишининг қабрларини зиёратга келиб умид билан пок қалб ва холисона мурожаат этганда ёрдам берганлари ҳақида ёзади. Шунинг учун бўлса керак, “Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қабрларидан бирта тош бор экан. Бухоро балолардан халос бўлади” деб айтилади.

Баҳоуддинни Балогардон номи олганлигига доир турли ривоят қувватига эга бўлган нақллар ҳам мавжуд. Бухоро Давлат университетининг доценти, тарих фанлари номзоди Нарзулло Йўлдошев рисолаларида шундай ёзадилар: “Тариқат таълимининг маълум бир босқичига боргач Баҳоуддин 40 кун бир оёққа туриб чилла ўтиради. 39-чи кунда шайтон келиб Баҳоуддинни васвасага солиб “Сен бир Кулолга хизмат қиляпсан, у сенга ҳеч қандай яхшилиқни раво кўрмайди, оёғингни ерга қўй”, деб айтади. Шайтоннинг васвасасига учган Баҳоуддин 39 кунда оёғини ерга қўяди ва Амир Кулолнинг уйдан билдирмасдан чиқиб йўлга равона бўлади “Йўлда бир кишининг итининг қанчалик вафодорлигини куради ва ўзини шайтоннинг васвасасига учиб, бевафолик қилганини англаб, устози Амир Сайид Кулолнинг уйига қайтиб келади. Ҳазрати Амир Кулол “сен агар оёғингни яна бир кун ерга қўймаганигда қазогардон бўлур эдинг, энди сен балогардон бўлдинг, ҳар қандай балони даф қила оладиган кучга эгасан” деб айтадилар.”²

Юқорида келтирилган рисоладан парча Баҳоуддиннинг маълум бир ёшга тариқатга киргандан сўнг, Ҳазрат Сайид Амир Кулолнинг хизматларида бўлганида чилла ўтириш натижасида қувват олиб, Балогардон бўлганлигини кўрсатса. Яна тасаввуфда қодирия тариқатининг асосчиси Ғавсул Аъзам, Пири Дастгир номлари билан машҳур Абдулқодир Гилонийга доир манбаларда Баҳоуддин

¹ Баҳоуддин Балогардон. 200-бет.

² Қаранг: Йўлдошев Н. Баҳоуддин Нақшбанд (ҳаёти ва фаолияти ва унинг ҳақида айрим ривоятлар). Бухоро. Бухоро, 1993.

Балогардон бўлишларини шунга ўхшасада бошқачароқ нақл билан талқин қилинади.

Буни назмий қуйидаги парчада келтирамиз. Унда Баҳоуддин Нақшбанднинг Бағдодда Абдулқодир Гилонийнинг қабрига чилла ўтириб Балогардон даражасига етганлиги баён этилган.

Баҳоуддин Бухородин борибон чилла ўлтирган,
Билинг бешак писархони жаноби Ғавсул Аъзамдур.
Ки бир кам қирқ кун ўтди қуролмай илтифотини,
Бир ит равзага келди, “Ё пирим, ё Ғавсул Аъзам”, деб.
У дам топди сихатлик, билинг Ғавсул Аъзамдан.
Ки сар то по жароҳат эрди, ҳам бир оёғи шал.
Каромат бирлан топди сихатлик Ғавсул Аъзамдур.
Дедилар ул Баҳоуддин, “Бугун ман итча бўлмамдур”,
Ўшал дам ғарқ жўш бўлган Жаноби Ғавсул Аъзамдур.
Муборак равзасидин чиқди овоз “Ё Нақшбанд!”
Балогардон лақаб қўйган жаноби Ғавсул Аъзамдур.
Туфайли Ғавси Раббони Балогардон бўлдилар,
Ба номи Нақшбанд қўйган ҳам жаноби Ғавсул Аъзамдур.¹

Юқорида келтирилган назмий парча Бухоро шаҳрида бўладиган “Оши Бибиён” диний маросимида кўп ўқилади. Бу парчадан Балогардон ноини Баҳоуддин Бағдодда Пири Дастгирнинг қабрларида 39 кун ўтирганлари натижасида эришганларини кўрсатади. Демак, Баҳоуддин Нақшбанд бу қабрдан чиқадиган нурдан қувват олганлар ва 39 кун бир ҳолатда тўхташлари билан бу кучларни марказлаштирганлар ва балоларни қайтара олиш даражасида тўплаб сафарбар қила олганлар.

Бу ривоятлар ҳам, манбаларда келтирилган маълумотлар ҳам бу воқеаларни бўлиши мумкинлигини кўрсатади ва бизлардан уни илмий таҳлилига чуқурроқ аҳамият беришга чақиради.

Умумий хулоса шуки, Баҳоуддин Нақшбандни Балогардон дейишга қуйидаги асослар бўлган:

1. Баҳоуддин Фитратида жуда катта потенциал энергияга эга қувватлар мавжуд бўлган. Буни исини Баҳоуддин туғилмасдан олдин Муҳаммад Бобойи Самосий сезган ва у туғилганидан кейин 3 кунлик тифлни қўлига олиб, уни Балогардон бўлишини бажорат қилган.

¹ Бухорода оямулло – отин ойи сифатида танилган Фозилова М. Маълумотлари.

2. Баҳоуддин Нақшбанд турмуш тарзи – ҳалол луқмага эътибор, огоҳлик ва ҳужёрлик, илоҳий қувватлар билан маҳкам боғланиш, холис меҳнат ва хизмат бу қувватларни асраб авайлашга ва зарурий ҳолда кинетик энергияга айланишига олиб келган.

3. Баҳоуддин Нақшбанд ёшлигидан жуда кўб савобли ишлар қилиб кўп дуо олиб, энергиясини кўпайтира олган.

4. Баҳоуддин Нақшбанд ўз-ўзини англаб умри мазмунини моҳиятига етган. Шунинг учун барча қувватларини ўз тасарруфига олиб улардан зарурий вақтда эзгу ишларга, балоларни қайтаришга фойдаланган. У бу оламда нима вазифада келганини билиб, шуни бажаришга ҳаракат қилган.

5. Манбалар Нақшбандияда узлат, чилла бўлмаганлигидан далолат беради. Матнда келтирилган ривоятлардан маълум бўладики, биринчидан, Баҳоуддин ўз-ўзини назорат этиб турган, шунинг учун хатосини англаб Амир Кулолдан узр сўраб, уни ёнига қайтиб борган. Бу эса устознинг рози бўлиши ва у ҳақда дуо қилишга олиб келган. Иккинчидан, Баҳоуддин улуғ одамлар азиз-авлиёларни зиёрат қилиш улардан файзу-барака олиб турган. Шунинг учун ҳақиқа боришда Бағдоддаги Гилоний қабрини зиёрат қилиб, ундан файз олмоқчи бўлган. Улуғлар тирик ҳолатида ҳам, ўлганида уларнинг мозорларида ҳам илоҳий нур ва файз манбаи бўлганини билиб, Баҳоуддин ундан қувват олган.

6. Баҳоуддин йўлларни тозалаб, кичик гуноҳлардан сақланиб, резачинлик қилиб, қувватларини беҳуда кетишидан сақлаган. У мукаммал билимга эга бўлиб, мукаммал ҳаракат қилган ва илоҳий иноятга сазовор бўлиб, балоларни қайтара олган.

5.МАШРАБ БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

ХУСУСИДА

Йирик мутасаввиф Бобораҳим Машраб ўлмас таълимотида Иброҳим Адҳам, Боязид Бастомий, Мансур Ҳаллож, Шиблий, Шамс Табризий, Жалолиддин Румий ва бошқа тасаввуф оламининг намояндалари қаторида ҳазрат хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак номлари тилга олинади ва уларнинг камолот даражаларига баҳо берилган.

Машрабнинг тасаввуфий-фалсафий қарашларида Ҳазрат хожа Баҳоуддин Нақшбанд номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий таълимотлари ва тариқатларининг таъсири сезилади. Биз Машрабнинг Нақшбандия тариқатининг асосчисига бўлган муносабатининг фақат уч ҳолатига алоҳида эътибор бериб, уни ёритишга уринамиз.

1. Машраб бутун оламдаги Гўзаллик ва Мутаносиблик, Улуғлик ва Буюклик илоҳий нурдан эканлигини тан олади ва барча анбиё ва авлиёларнинг каромат ва мўъжизалари Аллоҳ қудратининг намоён бўлиши деб таъкидлайди:

Ул агар бир лутф қилса талхни ширин қилур,
Тўқса раҳматни худо, кофирни ҳам мўмин қилур.

Машраб ҳазрат хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳам Аллоҳнинг лутфи ила авлиёлик даражасига етишгани ва Аллоҳ истаганида бошқаларни ҳам шу сифатга эга қила олишини кўрсатиб: - “Бир нафасда неча сендекни Баҳоуддин қилур”, – дейди. Бу билан Машраб хожа Баҳоуддин Нақшбандни илоҳий нурни ўзида тажалли этаётган зот эканлигини, бу Аллоҳнинг истаги билан амалга ошишини таъкидлайди.

2. Машрабнинг асосий мақсади ўзининг асл гавҳари бўлган илоҳий нур билан бирлашиш ва шу поклик уммонига фарқ бўлишдир. У бу олий руҳий камолотга эришиш жараёнида Шамс Табризий, Жалолиддин Румий, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд сифатида намоён бўлганини ёзади:

Вақти талаввундин ўтибман, муждаи тамкин манам,
Кайфиятни излаган холоти тажридин манам.
Нақш давлат муҳрини нафсимга босди чун ажал,
Шамс Табризий манам, гоҳи Жалолиддин манам.

Хилвати роҳи ватан топдим, нишоним қолмади,
Гоҳ Нажмиддин манам, гоҳи Баҳоуддин манам.

Машраб бу насрий парча орқали, бир томондан, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандни Шамс Табризий ва Жалолиддин Румий каби йирик мутасаввифлар даражаси билан тенг кўрса, иккинчи томондан, Улуғ Хожанинг сифат ва маънавий оламини чуқур билганлиги ва ўша ҳолатда маълум вақтда ўзлигини англаганлигини кўрсатади.

Юқоридаги шеърда Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд билан боғлиқ мисраларда “хилват” ва “ватан” тушунчалари тасодифий тушиб қолмаган. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида бу икки тушунча жуда муҳим бўлиб, Аллоҳ даражасида руҳий камолотнинг энг яқин йўлини кўрсатади. Нақшбандийликка оид манбаларда таъкидланадики, ҳазрат Баҳоуддиндан – “Сизнинг тариқатингизнинг асоси недир?” – деб сўраганларида, у киши – “Хилват дар анжуман” – яъни жамоат ичида хилватда бўлишдир, деб жавоб берганлар. Шу билан бирга Нақшбандийликда “сафар дар ватан” ахлоқий талаби мавжуд бўлиб, унда ўзлигини чуқур англаш орқали илоҳий сифатларга эришиш йўллари кўрсатилади.

Машраб ҳаётига доир манбаларда унинг Бухорога келгани ва Баҳоуддин Нақшбанд остонасида етганида, у ерда туриб айтган қуйидаги мисралари сақлангандир:

Бухороро Бухоро метавон гуфт,
Бахораш аз зимистон метавон гуфт.
Баҳоуддин набошад дар Бухоро,
Фарангу кофиристон метавон гуфт.

Мазмуни:

Бухорони Бухоро дейиш мумкин,
Унинг баҳорини қишдан, дейиш мумкин.
Агар Баҳоуддин Бухорода бўлмаса,
Уни фаранглар ва кофирлар юрти дейиш мумкин.

Машрабнинг Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга берган ушбу баҳоси, бу орифга берилган барча баҳолар ичида ўзининг чуқур фалсафий мазмуни билан ажралиб туради. Машраб Бухоро ва унинг бутун мусулмон оламидаги муқаддас ўрнини жуда яхши билган. Бунга унинг “Бухоро ҳақида” ёзган ва “Тухфатул обидин” асарида келтирилган шеъри мисол бўлади. Машраб Баҳоуддин каби ёрқин юлдузлари бўлсагина Бухорони Макка ва Мадина билан тенг турадиган БУХОРО дейиш мумкин деган фикрда, Бухоронинг баҳори – яъни жуда юксалган даври – унинг қишдан эканлигини рамзий кўрсатиб, таъкидламоқдаки, қишнинг қанақалиги баҳорнинг сифатини белгиласа, Бухорода ҳам Имом Исмоил Бухорий, Абул Ҳафси Кабир, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Саййид Амир Кулоллар унинг баҳорини тайёрладилар ва натижада Баҳоуддин Нақшбанддек порлоқ юлдуз бу муқаддас тупроқда дунёга келиб, уни

БУХОРОга айлантирди. Демак, Машрабнинг фикрича, Баҳоуддин Бухоро маънавиятининг янги-баҳорий даражасининг кўрсатгичидир.

Умуман, XVIII асрнинг йирик мутасаввифи Бобораҳим Машраб ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд шахсига баҳо беришда умумийлик, хусусийлик ва индивидуаллик принципи асосида ёндашган бўлиб, унинг бутун олам билан умумий бўлган илоҳий нурнинг ўзига хос бир кўриниши ва тажаллиёти эканлигини таъкидлаш билан бирга, унинг тариқат йўлининг хусусияти ва Бухоро тарихида фақат Баҳоуддин Нақшбандгагина хос ўрнини кўрсатган. Бу Баҳоуддин ҳаёти ва таълимоти Машраб томонидан чуқур ўрганилганлигидан далолат беради.

Ш.БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ИМОМ БУХОРИЙ ИЗДОШИ СИФАТИДА

Умуминсоний кадриятларнинг муҳим таркибий қисми ҳадислардир. Комил инсон Муҳаммад (570-637) пайғамбарнинг айтган ҳикматли сўзлари, феъл – атворлари, ахлоқлари ва ҳаёт йўллари ифода этадиган ҳадисларнинг руҳий – маънавий камолотда ўрни катта.

Буюк муҳаддис Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий ҳадис илмининг Олтин асрида бу илмни чуқур ўрганиб саҳиҳ – ишонарли ҳадисларни йиғиб, жуда катта ҳикмат хазинасини тўплади. Кейинги унинг издошлари бу хазинани асраб, ундан маънавий – маърифий тарбия мақсадида фойдаланган.

Бутун умрини ҳадисларни йиғиб уларнинг тўғриси ямлаган ва ҳадисшуносликда саҳиҳ йўналишини бошлаган Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил Бухорийнинг “Ал жомий ас-саҳиҳ” (Ишонарли тўплам) ва “Ал-адаб ал-муфрад” (Адаб дурдоналари) асарларини таржима этилиб, нашр бўлганлиги истиқлолимиз берган олий неъматлардан биридир. Имом Бухорий илмий меросини ўрганиб, унинг тасаввуфнинг Нақшбандия тариқатини шаклланишида таъсири борлигини аниқлаш имконига эга бўлди.

Имом Исмоил Бухорийнинг издошларидан бири сифатида бухоролик Баҳоуддин Нақшбандни тилга олиш мумкин. Баҳоуддин Нақшбанд сўфийлик таълимотининг Нақшбандия тариқатининг асосчиси сифатида тарихга кирган. Лекин унинг шахсий камолотида, яратган таълимотида ҳадисларнинг ўрни каттадир. Манбалардаги маълумотлар таҳлили асосида Баҳоуддин камолотида ҳадисларнинг ўрни ва унинг ўзининг бу илм ривожига ҳиссасини имкон доирасида очишга ният қилдик.

Баҳоуддинга руҳий камолот йўлини увайсийлик дейдилар, чунки у киши ўзларидан олдин ўтиб, вафот этган Хожай Жаҳон Абдулхолик Ғиждувонийдан таълим олганлар. “Мақомот” ва қолган манбаларда ёзиладики, Абдухолик Ғиждувоний у кишига шундай буюрганлар: “Барча ҳолатда ҳам қадамнинг амру наҳйи кўчасида бўлсин, суннатни ҳамиша жойига қўйишга интил, бидъатлардан узоқ бўл, Мустафо (с.а.в.)нинг ҳадисларини ўзинга пешво қилиб ол, Расулуллоҳ (с.а.в.) ва унинг улуғ саҳобалари (р.а.а.) асарлари ва хабарларини изловчи ва ўрганувчи бўл!” Баҳоуддин Нақшбанд маънавий устозининг ўғитларига тўла амал қилади ва айтадики,

“Расул с.а.в. ҳадисларини ўрганиш ва саҳобаи киром р.а. ишларига амал қилишга буюрилганим учун улумоларга мулозамат қилар ва ҳадис ўқир эрдим. Саҳобаларнинг йўл-йўриқларини ўргандим ва ҳар бирига амал қилардим. Буларнинг натижасини Илоҳий иноятлар туфайли ўзимда мушоҳада қилар эдим”.

Манбада Баҳоуддин Нақшбандга ҳадис илмидан таълим берган устозлар ҳақида ҳам маълумотлар бор. Нақшбанднинг ўзлари айтганларки, “Ҳазрати Мавлоно Баҳоуддин Диггароний қошида бир неча вақт ҳадис ўқиган эдим”.

Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳадис устози ҳақида Носириддин Тўранинг “Тўхфат уз - зоирин” асарида маълумот берилган. У кишини Баҳоуддин Қишлоқий деган ном билан тилга олиб қуйидагиларни ёзган: Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқий ўз даврининг муқтадоси (раҳбари) бўлгандирлар. У киши зоҳирий (ақлий мантиқий) ва ботиний (руҳий) илмларда олим, шунингдек каромат соҳиби бўлган эдилар.

Баҳоуддиннинг ҳадис илмини ўргатган устозига бўлган садоқатини шу воқеа кўрсатади, унинг йўллари Насафга тушиб қолади ва Мавлоно Баҳоуддин Диггаронийни кўради. У киши том бунёд қилаётган бўлади. У кишида болтага эҳтиёж туғилади ва тилларидан “Бизнинг болтамиз Бухорода Мавлоно Ҳисомуддин Асилий қошида эди” деган сўз ўтади. Баҳоуддин устозининг хотири паришон бўлганини билиб, ҳеч кимга билдирмасдан Бухорога келади ва эртаси куни болтани Насафга Мавлонининг хизматига етказди.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳадис илмини ўрганган ва ўз ҳаётида уларни амалиётда қўллаб яхши натижалар беришини кузатган. Шунинг учун шундай ёзади: “Кимки битта ҳадисга умр бўйи амал қилса кафил бўламанки, у мақсадига етади.” Масалан у : “Ман Аслаҳа жаворихаҳу аслаҳаллоҳу жавонибаҳаҳу” – яъни “Кимки қўл-оёғини тўғри ишлатса, Тангри таоло унинг насибасини тўғри қилиб беради” – ҳадисига амал қилса, кафил бўламанки, унинг иши дин ва яқин йўлида охирига етади деган. Демак, Баҳоуддин инсон ўзига берган олий неъмат бўлган қўл ва оёғни тўғри, Ҳаққ йўлида ишлатса дини ҳам охирига етади ва яқин – яъни маърифатга етиб, олам асл моҳиятини билиб олади дейди. Дарҳақиқат қўл – оёғини нотўғри ишлатган одам мундидан ҳам ёмондир. Чунки мунди ожиз, чорасиз. Лекин қўл – оёғи бутун одам уларни билиб туриб гуноҳ ишларга равона этса, динидан ва иймонидан ажралиши аниқ.

Баҳоуддин Нақшбанд ўзи ҳам доим “Даст ба кор, дил ба Ёр” шиорига риоя этган ва тариқат аҳлини ҳам шунга чорлаган.

Халифалари Алоуддин Аттор нақл қиладики, “Ҳазрат Эшоннинг қадамлари суннатга тобе бўлишликда мустаҳкам эди. Ҳалолга интилиш ва шубҳали нарсалардан қочишни, айниқса ҳалол луқмани таъкидлаб гапирардилар. Суҳбатларда доимо “Ал – ибодату ашарата ажзоин тисъату минҳо талабу – я – ҳалоли ва жузъуж воҳидин минҳо соиру – л – ибодати” – “Ибодат ўн қисм, ундан тўққиз қисми ҳалол талабида бўлиш, бир қисми эса бошқа ибодатдир”, – ҳадиси ўтар эди.

Бу ҳадисни такрорлаб Баҳоуддин ибодатнинг ўзини ўн қисм десак, унинг тўққиз қисми ҳалол луқма талабидаги амаллар, қўл ва оёғини ҳаракати, меҳнат қилиш, тил ва дилдаги ҳалол ниятини киритади. Бир қисмини эса фарз қилинган ибодатлар, дейди. Демак, фарз ибодатларни бажариб, ҳалол меҳнат қилмаса, омонатга хиёнат қилса, тили, кўзи, қулоғи, қўл, оёғини ҳаромдан эҳтиёт қилмаса, унинг барча ибодатини Тангри қабул қилмас экан. Шунинг учун Баҳоуддин бу ҳадисга амал қилиб доимо, ўзи ҳам, тариқат аҳлини ҳам, ҳалоллик талабида бўлишга ундаган.

Имом Бухорий “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарининг биринчи томида “Иймон” китобининг 40 - бобида шундай ҳадис келтирилган: “Ҳалол билан ҳаром бор нарсадир. Аммо иккаласини фарқлашда ноаниқликлар мавжуд. Одамларнинг кўпи уларни билмаслар. Шунинг учун кимки шубҳали нарсалардан ўзини тийгайдир, динини камчиликлардан, обрўйини таънадан сақлагайдир ва кимки шубҳали нарсалардан тийилмагайдир, у бировнинг экини чеккасида қўй боқаётган чўпонга ўхшашдир. Унинг қўйларини экинга тушириши эҳтимоли бордир. Огоҳ бўлингизким, ҳар бир подшоҳнинг ўз чегараси ҳаром қилинган нарсалардир. Киши баданида бир парча гўшт бор, агар у тузалса, аъзоларининг барчаси тузалгайдир, агар у бузилса, аъзоларининг барчаси бузилгайдир, у қалбдир.” Имом Бухорий келтираётган бу саҳиҳ ҳадисда ҳалол, ҳаром ва қалб беҳудага бир жойда келтирилмаётир. Чунки ҳалол луқма ва ичимлик қалб кўзини очилишга, маърифатли бўлишга имкон беради. Ҳаром луқма ва ҳаром амаллар қалбни бузади ва бу бузуқ қалбдан ўтадиган қон орқали бутун вужуд ҳам бузилади. Шунинг учун қалбни асраш лозим деб, Баҳоуддин Нақшбанд “вуқуфи қалбий” яъни қалбдан огоҳ бўлишни тариқат талаби сифатида киритган.

Имом Бухорий “Ҳадис”ининг иккинчи томида “Савдо – сотик китоби”да ҳам, шубҳали ишларни қоралаган, 14 – боби эса “Кишини касби ва ўз қўли билан меҳнат қилиши” ҳақидадир. Унда шундай ҳадис келтирилган “Ҳеч ким ўз қўли билан топган ризқдан кўра

лаззатлироқ таом емаган. Тангри пайғамбари Довуд (а.с.) ҳам ўз қўлларининг меҳнати билан тирикчилик қилганлар”. “Савдо - сотиқ” китобидаги ҳадисларда Тангри савдо – сотиқни ҳалол ва судхўрликни ҳаром қилганлиги, савдо-сотиқ вақтида икки томон ҳам ҳалоллик қилиб, сотувчи молини нуқсонини яширмаса ва харидор пул тўлашга фирромлик қилмаса, уларнинг савдоси баракали бўлиши, башарти улар бир-бирини алдаса, ўрталаридаги савдодан барака кўтарилиши таъкидланган.

Баҳоуддин ҳаёт йўли ва Нақшбандия тариқати назария ва амалиёти тўла ҳалоллик ва шубҳали нарсадан узоқлашишга асосланган. Имом Бухорий каби Баҳоуддин ҳадисларни ёд билган, суҳбатларда уларни айтган. Баҳоуддин ҳадисларни билиш билан бирга уларни шарҳ қилганлигини манбалар кўрсатади. “Мақомот”да ёзиладики, бир киши рўза тутган бўлади, лекин ҳеч ким бундан хабардор бўлмайди. Нақшбанд бир дарвишга “Таом келтир” деб буюрадилар ва рўзадорга юзланиб: “Баъса-л-абду хува музиллун” дедилар ва бу ҳадисни шарҳлашга киришдилар: “Хува музиллун” бу ерда ишларда ҳақни тарк этишдир. У “сайри илаллоҳ” мақомида ҳақни тарк этган бўлади. Таом ҳозир бўлгач: “Таомдан егинки, умр шунинг учун керакки, аввал тажриба қилсин, сўнг амал. Биз тажриба қилдик, ейиш лозим” дедилар. Улар менинг ҳолимга ишорат қилдиларки, гўё сен Ҳаққ йўлининг солиқисан, бу рўзанг сенга ҳаво ва мағрурлик юзасидан, сен Ҳаққни тарк қилгансан, сен учун бизга мутобаат (эргашишлик) зарур, дарвиш мутобаатсиз бизнинг нисбатимизни тополмайди, дедилар.

Бу воқеа, бир томондан, Баҳоуддинни соҳибкаромат, киши ботинидан огоҳ эканлигини кўрсатса, иккинчидан, ҳадис билимдони эканлигини намоён этмоқда. Шу билан бирга ибодат холис, риёсиз бўлиши лозим эканлигини таъкидлаб, унга кибр, ғурур, ҳаво қўшилса инсон ва Тангри ўртасида тўсиқ пайдо бўлиши ва натижада ҳидоят йўлидан адашиб, залолатга ботиши мумкинлигини кўрсатади.

Баҳоуддин тариқат аҳлига “Ас-савму-ли ва ана ажзи биҳи” – “Рўза мен учундир ва мен унинг учун мукофот берурман” ҳадисини ҳақиқий рўзага ишора бўлиб, бу Тангридан ўзга нарсаларнинг барчасидан тўлиқ юз ўгиришдир, деб шарҳлайди. Бу билан рўза холис, риёсиз бўлиши ва рўзадорнинг кўзи, қулоғи, оғзи, бурни, қўли, оёғи ва бошқа ҳамма узвлари нафсга қарши жиҳод қилиши лозимлигини кўрсатади.

Нақшбанд асослаган тариқат ҳам ҳадислар талабига мос келади. Шунинг учун Баҳоуддиндан – “Сизнинг тариқатингизни қандай

топиш мумкин?” деб сўралганда: - “Шариатни маҳкам тутиш ва Расули Оллоҳ (с.а.в.) суннатларига тўлиқ амал қилиш билан” деб жавоб беради. Бошқа жойда Баҳоуддин айтади: “Бизнинг тариқатимиз урват-л-вусқо (кучли тутқич)нинг нодир кўринишларидандир, яъни панжани Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) суннатининг тобелик этагига уришдир ва улуғ саҳобалар, изларидан юришдир. Бу йўлда бизни фазл эшигидан киритганлар. Биз бошдан то охиргача ўз амалимизни эмас, унинг фазлини мушоҳада қиламиз. Бу тариқада гарчи озгина амалда бўлса ҳам, файзу футуҳ кўпдир. Аммо суннатга риоя этиш улуғ ишдир.”

Байт

Аз дарун шав ошнову, аз берун бегонаваш,
Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.

Мазмуни:

Ичдан ошно бўлу, ташқаридан бегонадай тур,
Бундай гўзал равиш жаҳонда кам бўлади.

Демак, суннат – ҳадислар инсонни ботинан гўзалликка чакиради ва кибр, риё, манманликдан сақлайди. Амаллар одамларга кўрсатиш учун эмас, холис Тангри учун ижро этилгандагина Гўзал бўлади.

Баҳоуддин валийлар қанча комил бўлсада, лекин узлатда бўлсалар, уларда пайғамбарлик йўлининг завқи етишмайди, дейди ва Расулга (с.а.в.) тобе бўлишга буюрилган ва халқни Ҳаққа даъват қиладиган ишратдаги авлиёни нубувват йўли завқидан насиба топган деб айтади. Шу фикрларини исбот этишда Имом Бухорийнинг “Ал жомеъ ас саҳиҳ”идаги қуйидаги ҳадисни келтиради. “Кимнинг икки куни бир хил бўлса, бас у алданган, кимнинг бугунидан эртаси ёмон бўлса, бас у малъундир, кимки зиёдаликда бўлмаса, бас у нуқсонда, ким нуқсонда бўлса, бас унга ўлим яхшидир”. Бунинг маъносини Баҳоуддин “Ҳаққ йўлига юривчининг яқин (шак-шубҳасиз ишончи)ни зиёдалашга интилишига ишорадир”, деб шарҳлайди.

Демак, ҳадисларга риоя этиб тилидан ва қўлидан бировга озор бермай, муносабатда тўғри бўлиб, ҳалол луқмага риоя қилиб яшаган киши кундан кунга руҳан ўсади, улғаяди ва унинг қалбидаги шак-шубҳалар занги кетиб, у илоҳий нурлар мазҳарига айланади. Бундай қилмаган киши залолатда қолади.

Баҳоуддин Муҳаммад пайғамбарнинг “Менинг умматларим тубанлик қилиш учун йиғилмайдилар” ҳадисидан мурод тобелик

кўрсатувчи умматлардир, деб шарҳлайди. Бу билан комил инсон йўлидан борган киши ҳеч вақт тубан бўлмайди ва тубан иш учун йиғилмайди, деган фикрни таъкидлайди.

Баҳоуддин айтар эдилар: “Ҳазрат Расул (с.а.в.) буюрардилар: “Тангрининг 99 та (яъни бир кам юзта) исми бор, кимки уни санаса жаннатга киради.” У киши ҳадисдаги “аҳсо” сўзига шундай шарҳ берди. “Аҳсо” – сўзининг бир маъноси – Ҳаққ Таоло номларини санаш. Яна бир маъноси – бу номларни билиш. Яна бири – бу номлар амалиётидан фойдаланиш, масалан “Раззоқ” деса, ризқ ғами асло хотирага келмайди, “Мутакаббир” – исми Тангрининг дабдаба ва кибриёда ёлғизлигини англатади ва инсондаги кибру ҳаво-ю манманлик иллатини супуриб ташлайди, буюклик ва улуғлик Ҳақ субҳанаҳудан эканини билади. Бу шарҳнинг илоҳий ахлоқ билан безанишга аҳамияти катта. Қуръони Каримнинг “Аъроф” сурасида, “Энг Гўзал исмлар Аллоҳникидир. У ҳолда ўша исмлар билан дуо қилинг” деган оят мавжуд. Имом Бухорийдан Муҳаммад пайғамбарнинг юқоридаги ҳадиси сақланган: “Тангри Таолонинг 99 исми бор. Уларни эҳтиром қилганлар жаннатга киради. Аллоҳ ёлғиздир, ёлғизлик Аллоҳга ярашади”. Шунга амал қилиб ибодат аҳли, тақводорлар Тангрининг гўзал исмларини айтиб тасбеҳ қайтарадилар. Кўпинча бу жараён шаклан амалга ошади. Баҳоуддин Нақшбанднинг шарҳидан маълум бўладики, мақсад бу номларнинг мазмунини билиш ва ҳаёт жараёнида уларга амал қилиш экан. Масалан “Раҳим” – Тангрининг меҳрибон эканлигини англатади. Уни шундай санаш эмас, балки мазмунини англаб, шунга амал қилишга шайланиб раҳм-шафқатли бўлиш лозим. “Қуддус” – Тангрининг айб ва нуқсонлардан поклигини кўрсатиб, инсонни ахлоқан айб ва нуқсонсиз бўлишга ундайди. “Мўъмин” – барча пайғамбарларни тасдиқловчи эканлигини билдиради ва шу билан ҳар бир пайғамбар сифати билан безаниш лозимлигини кўрсатади. Тангрининг “Муҳаймин” номи ҳаддан зиёда кузатувчи эканлигини билдиради бу, бир томондан, ҳар бир қилаётган ишингизни Тангри кузатиб турганини билдирса, иккинчи томондан, инсонларни ҳар нарса ва ишоратни ҳаддан зиёда кузатувчи бўлишга ундайди. Тангрининг “Азиз” – исми унинг мутлақ ғолибиятнинг ягона соҳиби эканлигини англатади ва илоҳий сифат яъни нафс қули бўлмай ҳаракат қилиш, безаниш ғалаба соҳиби бўлишга олиб келишини кўрсатади. “Холиқ” – исми коинотни яратувчи ва бор этувчи Тангри эканлигини кўрсатади ва инсонни ҳам яратувчилик ва бор этиш сифати билан безанишга ундайди. “Барий” исми Тангрининг

махлуқотни айбсиз яратувчиси эканлигини англатади ва инсон ҳам қилаётган ишларини айбсиз бажаришга ундайди ва ҳар бир нуқсондан нолиш эмас, балки унинг вужудга келиш ҳикматини англашга ундайди. “Мусаввир” – исми Тангрининг ҳар нарсага шакл ва сурат берувчи эканлигини англатиб, ҳар бир шакл ва сурат замирида асл фоилни кўриш ва унинг моҳиятига етишга ундайди. “Ғаффор” – исми Тангрининг кўп кечирувчилигини акс эттиради ва инсонни ҳам кечиримли бўлишга ундайди. “Қаҳҳор” исми Тангрининг бутун махлуқотни қудратли қўлида ожиз ва ночор қилувчи эканлиги ва истаганини қилиш қудрати соҳиби эканлигини билдиради. Бу сифатни ахлоқига киритган одам нафсига тўла қарши туриб, руҳини камол топтира олади. “Ваҳҳоб” – Тангрининг ғайб хазиналарини мўл қилувчи эканлигини англатади ва инсонни илоҳий сифатларни эгаллаб, ғайб хазиналаридан баҳраманд бўлишга ундайди. “Фаттоҳ” – Тангри исми зўрликни енгиб, хайр эшикларини очувчи эканлигини билдиради ва инсонни ўзидаги нафс зўрлигини енгиб, руҳ каби хайр учун эшикларни очиш ва кўнгиллардан нур чиқадиган бўлишга чорлайди. “Олим” исми Тангри бутун нарсаларнинг энг нозик тарафларини билувчи эканлигини англатади ва инсонга ҳам кучли иштиёқ уйғотади, токи 18 минг оламни била оладиган бўлиб, илмларни нозик томонларигача ўргансин. “Басит” – руҳ ва ҳаёт берувчи, “Рафиъ” – юксалтирувчи – “Муиз” – азиз қилувчи, “Музилл” – ночор ва ҳақир қилувчи, “Самиъ” – эшитувчи, “Басир” – кўрувчи исмлари инсон ўз-ўзини бошқариб нафсни енгиб, руҳни камол эттиришини англатади. “Ҳакам” – ҳукмнинг мутлақ соҳиби, “Адл” – чин адолат соҳиби исмлари инсонда одиллик сифатини шакллантиради. “Латиф” – исми лутф ва эҳсон қилувчиликка, “Хобир” ўз ботинини тўла англашга, “Ҳафиз” кўп асрагувчи бўлишга чорлайди. Шунингдек Тангрининг энг машҳур “Ҳай”, “Қайюм”, “Воҳид”, “Самад”, “Аввал”, “Охир”, “Ботин”, “Зоҳир”, “Нур”, “Қодир”, “Сабур” исмлари инсонни гўзал ахлоқ билан безайди. Сўфийлар бу исмлар ботинидаги сифатларни эгаллаганда Тангрининг “Боқи” абадий номига мушарраф бўладилар. Шунингдек сўфийлар Тангрининг Ҳаққ номини кўп айтганлар, чунки у Тангри борлигини ўзгармовчи эканлигини билдиради. Бу исм Ҳаққга етиш учун тамкин даражасида бўлиб тўла нафсни ўлдириб, илоҳий, ўзгармас, абадий ҳолатга етиб, вақтга ҳукмрон, ўзгалар қалбини тасарруф қила оладиган бўлиш қудратини беради.

Баҳоуддин “Ким мени ёдласа, мен унинг ёнидаман” – деган ҳадиси қудсияни – “Ботин аҳлига ишоратдур” деб изоҳлайдилар. Бу

билан Тангрининг 99 исми ва сифатлари билан ёдлаш деганда, Тангри зоти, сифати, жамолу жалолени ботинан англаш, унинг моҳиятига етиш ва шунга муносиб бўлиш ҳақида ишорат эканлигини айтади. Чунки Тангри Одамни Ердаги ўзининг халифаси – яъни унинг жамолу жалолени ошкор этувчи зот деб яратган ва ўз исмларини ҳам шунинг учун ўргатган. Бу билан Одам фаришталардан ҳам устун бўлиб, бутун борлиқ унинг хизматига буюрилган.

Бақо даражасига юксалиш ва Ҳаққ висолини кўриш учун Баҳоуддин аввал фано ҳолатига етиш зарур, дейдилар. У киши фанони икки хил бўлишини айтадилар. Биринчи зулмоний ва табиий вужуддан фоний бўлиш, яъни зулмоний тўсиқларни йўқ қилиш ва иккинчиси нуроний ва руҳоний вужуддан фоний бўлиш, яъни нуроний ва руҳоний тўсиқларни йўқотиш. Буни исботлашда пайғамбарнинг қуйидаги ҳадисини келтирадилар: “Инналлоҳа таъала сабъина алфа ҳижобун мин нурун ва зулматин” яъни “Тангри Таолонинг нур ва зулматдан етмиш минг ҳижоби (пардаси) бор”. Тангрини кўриш, уни англаш учун 70 минг нур ва зулматдан иборат пардаларни олиб ташлаш керак.

Халифаси Яъқуби Чархийга Нақшбанд ладуний – раббоний – илоҳий илмнинг бошини “вуқуфи ададий” – Тангрининг ягоналигидан огоҳ бўлиш ташкил этишини сабоқ бераётганда, Хўжаи Жаҳон ҳақида гапирдилар ва зикри хуфияга етишдан олдин устози имом Садриддин билан суҳбатида ишлатган қуйидаги ҳадисни айтадилар: “Аш-шайтону яжри фи ибни Одама мажра-д-дамми” – “Шайтон Одам фарзандлари ичида қон билан оқиб юради” – дейдилар. Фақатгина ҳақиқий зикри хуфия натижасида покланиш ва бу поклик қалб орқали қоннинг ҳаракатига ўтиб, унинг таркибидаги шайтонни йўқ қила олиши мумкинлигини кўрсатадилар. Бу жараённи қуйидаги рубоий билан баён этадилар:

Сад ҳазорон қатраи хун аз дил чакид,
То нишони қатрае з-он ёфтам.

Мазмуни:

Қалбдан юз минг қон қатраси томди,
То ундан қатра нишон топа олдим.

Баҳоуддин машойихларнинг сўзларини шарҳлашда қуйидаги ҳадисни келтиради: “Инналоҳа юҳибу-т-таввобийна юҳиббу-л-мутаҳҳирийн” – яъни “Аллоҳ тавба қилувчиларни яхши кўради ва

покликка интилувчиларни севади”. Бу ерда тавба билан покликка интилишни бир қаторга қўйиб, тавбани покланиш йўлининг аввали сифатида қарайди ва Тангрига шунинг учун бу сифат мақбул деб ҳисоблайди. Баҳоуддин ҳам гуноҳни англаб тавба қилиш, ҳақиқий тоиб бўлиш инсоннинг покланиши учун муҳим ва жуда зарурий мақом эканлигини уқтиради.

Баҳоуддин “Умматларимнинг дўзах оловидан оладиган насибалари Иброҳимнинг Намруд оловидан оладиган насибалари кабидир” – ҳадисини келтирди. Бу билан Муҳаммад каби комил инсон бўлган, мукамал ахлоқ билан безанганлар дўзах оловидан қутулишини, қандай Иброҳим пайғамбарга Намруд олови гулистонга айланган бўлса, Муҳаммад умматлари ҳам Иброҳим каби Тангрининг дўстлари бўлганидан улар учун, дўзах олови гулистонга айланишини уқтиради. Шу билан бирга илоҳий сифатларни эгаллаш, нафсга қарши чиқиш жуда оғир жараён эканлигини таъкидлаб, “Ким мени яхши кўрса, мен уни қийнаб кўраман” деган қудсий ҳадисни келтиради.

Баҳоуддин айтадики: “Улуғларнинг мазорларини зиёрат қилишдан зиёрат қилувчи шу миқдордагина файз ола билиши мумкинким, шу бузург сифатини қай даражада билади, унга таважжуҳ қилади ва шу сифатга кира олади”. Муқаддас руҳларга узоқдан туриб юзланганда тўсиқ йўқлигини изохлашда пайғамбарнинг “Қаерда турган бўлмангиз, менга салавот юбораверинглар” ҳадисини асос қилиб олади.

Имом Бухорийнинг “Ал жомеъ ас-саҳиҳ” асарининг биринчи томидаги “Иймон” китобининг олтинчи бобида “Ўзингиз яхши кўрган нарсани биродарингизга раво кўрмагунингизга қадар ҳеч бирингиз чинакам мўъмин бўла олмайсиз”¹ деб ёзилган. Дарҳақиқат, инсонлар орасидаги муносабатда нафс бўлмаса жамият тараққий этади.

Касалликларининг охирларида дўстлар учун Баҳоуддин Нақшбанд мана бу ҳадисни ўқиган эдилар: “Я юъмину аҳадакум ҳатто такуну ҳавоҳу табъан лимо жиъту биҳи” – “Мўъмин эмас ул кишиким ўз ҳавою нафсини тобиъ қилмаган бўлса” – яъни нафсини тўла идора қилиб, уни руҳий камолот йўлида хизмат қилдирган кишигина мўъмин бўлиши мумкин. Мўъмин – қалби ила ғайб оламига ишонувчи, фароизларни бажарувчи, иймон эгасидир.

¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. “Ал Жомеъ ас-саҳиҳ.” 1-том. Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. 15-бет.

Модомики, инсон нафс илкида экан, у ҳақиқий мўъмин бўла олмайди. Бу мазмунларни очиб, Баҳоуддин куйидаги байтни ўқиган:

То насўзад барнаёяд бўйи уд,
Пухта донад, к-ин суханро хом не.

Мазмуни:

То куймагунча уднинг хиди чикмайди,
Бу сўз хом эмаслигини пухта одам билади.

Яъни уд тўла куйганидан кейин ўзидан хушбуй ҳид таратади. Худди шундай нафсининг ҳою ҳавасларини жиловлаб олган, оддий одамлардан устун бўлган, руҳи бемалол камолот сари парвоз этадиган киши мўъмин бўлади. Буни тушуниш - пухта бўлиш, ботин илмидан огоҳ бўлиш, дил аҳлидан бўлиш лозим. Бундай одам бўлганда аниқ, пишиқлигини билади.

Нақшбандия тариқати асосчиси, комил инсон, валийлик рутбасига етган шахс Шайх Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд таълиф этган “Аврод” рисоласи учун ҳадислар ғоявий манба бўлганлигини гувоҳи бўлдик. “Аврод” инсоннинг ўз руҳини камол топтириш учун Тангрига муножоти тарзида ёзилгандир. Унда ёзилади: “Сўзларимни тўғри рост қил (беҳуда сўзлардан асра)! Нафрат, ёмон кўришни юрагимдан узоқлаштиргин. Кина, фасод, ғазабни қалбимдан кеткизгин!” Имом Бухорийнинг “Ал-адаб ал муфрад” асарининг 182 бобидаги 391-ҳадисда Абу ад - Дардодан ривоят қилинади. У киши айтдилар: Расуллулоҳ: “Мен сизга намоздан, рўзадан ва садақадан ҳам даражаси ортиқроқ нарсани айтиб берайми?” - дедилар. Саҳобалар: “Айтиб беринг, ё Расуллулоҳ” – дейишди. Расуллулоҳ: “У эса кишиларнинг ораси тузук бўлишидир. Унинг бузук бўлиши ҳамма яхшиликларни тарошлагувчидир”, – дедилар.¹ Демак, кишилар ўртасидаги муносабатларни тўғри бўлиши учун қилинган амални Муҳаммад пайғамбар намоз, рўза ва садақадан афзал дейдилар. Чунки агар ибодат қилинса-ю, лекин инсонлар ўртасида нифоқ солинса, муносабатларни бузса, бу ёмонлиги барча қилган яхшиликларини ўчириб ташлайди.

“Ал-жомийъ ас-саҳиҳ” биринчи томида “Иймон” китобининг 3-боби “Бировга зарари тегмаган киши мусулмондир” деб аталади. Унда шундай ҳадис ёзилган: “Қўли билан ва тили билан ўзгаларга озор бермаган киши мусулмондир, - Оллоҳ таоло манъ этган

¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфад. Т.: 1990. 118-бет.

нарсалардан қайтган киши худо йўлида жиҳод қилган кишидир” дейилган.¹ Демак, киши кўлини тўғри ишлатиши, тилини тўғри қилиши ва муносабатларни тузук қилиши ҳақиқий мусулмонлиги белгилари экан. Шунинг учун Баҳоуддин Тангрига “Сўзларимни тўғри рост қил” деб муножот қилиб, беҳуда сўз билан бировга озор беришдан ва муносабатларга путур етказишдан уни сақлашни сўрайди.

“Аврод”да Баҳоуддин инсонлар ўртасидаги муносабатларни бузувчи, инсонни залолатга олиб борувчи нафрат, ёмон кўриш, кина, фасод, ғазабни қалбимдан кеткиз деб муножот қилади. Ҳадисларда ҳам булар ёмон сифатлар сифатида қораланган. “Ал-жомийъ ас-саҳиҳ”нинг 4 - томидаги “Адаб китоби”да бу масалага оид ҳадислар тўпланган. Унинг 57 - боби “Бир-бирига ҳасад қилмоқ ва бир-биридан аразламоқ манъ қилинганлиги ҳақида”дир ва унда шундай ҳадис келтирилган: “Бадгумон бўлманглар, бадгумонлик – энг ёлғон сўздир (яъни бадгумонлик бирлан айтилган сўз – энг ёлғон сўздир), тирноқ остидан кир қидирманглар, гап пойламанглар, бир-бирингизга ҳасад қилманглар ва нафратланманглар. Ака-ука тутиниб, Оллоҳнинг (солиҳ) бандалари бўлинглар!”² Китобнинг 76 - бобида ғазабни босмоқ ҳақида қуйидаги ҳадислар келтирилган. “Бировни (курашиб) йиқитган полвон эмас, балким ғазабланган вақтида жаҳлини ютган одам полвондир!” Шунингдек Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: “Бир одам Расулуллоҳ (с.а.в)га “Менга насихат қилинган”-деб эрди. Жаноб Расулуллоҳ ”Ғазабланмагил!” – деб бир неча бор айтдилар”.

Баҳоуддин бутун борлиқни Тангрини жамолу жалоли сифатида тан олади ва шунинг учун унга муҳаббат билан қараш лозим дейди. У шундай байтни такрорлаб туришни тариқат аҳлига вазифа қилиб берган:

Некувонро дўст дорад ҳар ки бошад дар жаҳон,
Гар бадонро дўст дори, гўй бурди аз миён.

Мазмуни:

Яхшиларни жаҳондаги ҳамма яхши кўради,
Лекин ёмонларни ҳам яхши кўрсанг, ғолиб бўласан

¹ Ал-жомеъ ас-саҳиҳ, 1-том. 14-бет.

² Шу асар. 4-том. 100-101-бет.

“Мақомот”да ёзилишича, у кишида хуфия зикр бўлса-да, кунлардан бирида унинг ёнига овоз чиқариб, куй садолари остида зикр қиладиган кишиларни келтирганлар. У гапирмасдан тинглаб ўтирган ва кейин айтган: - “Мо ин кор намекунем ва инкор намекунем” яъни “Биз бу ишни қилмаймиз ва уни инкор ҳам қилмаймиз” деб айтганлар. Чунки ҳар ким ўзига хос йўл билан Ҳаққа етади. Инкор этиш уруш, адоват, мурасасизлик келтиради. Адоват, нафрат, ғазаб, ёмон кўриш жамиятда нотинчлик, қон тўкиш, беқарорлик келтиради. Ўзаро эътибор, эътиқодларни эркинлиги ва уларнинг қарашларини ҳурмат ва уларга нисбатан сабрли ва қаноатли бўлиш жамиятни мувозанатда сақлайди ва барқарор, хавфсиз турмуш тарзини келтиради. Баҳоуддин Нақшбанднинг устози Амир Кулол бу ҳақда таъкидлаганди:

Кибру ҳасад, бахиллик, нифоқ, кина,
Булар инсон қалбига тушган кана.
Комил инсон мақомига етмассан,
Қалбинг узра алар бўлса бошпана.

Ғазаб, нафрат инсонда йиллар давомида тўпланган қувватларни бир пасда куйиб кул қилади. Шунинг учун камолотга зарарлидир. Тўпланган нурлар ғойиб бўлади. Инсон руҳи парвоз қила олмайди.

“Аврод”да Баҳоуддин “Сенинг олдингда камтарин бўлиш-хушуъни бўлиб бер!” деб муножот қилади ва гуноҳлардан паноҳ сўрайди. Шу билан бирга “Бизни бир-биримизга иттифоқ этгин. Сен бизнинг бирлашув, ягона бўлишимизнинг асосисан” деб Тангрига мурожаат этади. Баҳоуддин “риёсиз амал”ни сўрайди ва Тангрига муножот қилиб ёлворади:

Қулоқларимизни пурнур қил!
Кўзларимизни пурнур қил!
Қабрларимизни пурнур қил!
Қалбларимиз ва бутун сезги аъзоларимизни пурнур қил!

Имом Бухорий шундай ҳадис ҳақида маълумот берадилар: “Мўминларни ўзаро раҳмдиллик, дўстлик ва ҳамдардлик қилмоқликда бир аъзоси оғриси қолган барча аъзолари биргаликда уни ҳимоя қилиб дарддан халос бўлмоғига кўмаклашуви бир тана

янглиғ деб билғил”¹ “Ҳар бир эзгу амал садақадир”, “Ширин сўз садақадир”, “Ораларингизда энг яхшингиз-хулқи яхшингиздир” ҳадислари – инсон амалларини эзгу бўлишга чорлайди. Ҳадисларда ғийбат ёмон фазилат сифатида қораланади ва уни ўлган биродарини гўштини ейиш билан тенглаштирилади. “Ғийбатчи жаннатга кирмағайдир” ҳадиси бу иллатдан узоқлашишга асос бўлади.

Инсонлар ўртасидаги муносабатни бузувчи амаллар чақимчилик, сўкиш, тухмат ҳадисларда қораланади. “Кимки тухмат қилмоқ ва тухматга ишониб иш кўрмоқдин тийилмай, жоҳилликда давом этаверар экан, унинг еб-ичмоқдин тийилмоғининг (рўза тутмоғининг) Оллоҳ Таолога ҳожати йўқдир”² деб ёзилади. “Аҳли дўзах кимлар эканлигини (ҳам) айтайми? Ҳар бир кўпол, қуруқ, гердайган, беқаноат ва димоғдор одам аҳли дўзахдир.”³ Ҳадисларда инсонлар ўртасида муносабатни яхшилашга ёрдам берувчи фазилат сифатида сабр мақтанади.

Баҳоуддин Нақшбанд энг олий Гўзаллик Тангри эканлигини тан олиб, “Сен бизларни гўзал ахлоққа ҳидоят эт!” деб муножот этади. Баҳоуддин: “Бизни юзимизни ҳаётдан мунаввар эт, қалбимизни завқ ва шавқинг билан тўлдир,” деб сўрайди. Шу билан бирга “Саховатли, шариф нафс соҳиби қил! Бахил, гуноҳ билан яшовчи, мутакаббир, одамлар орасини фисқу фасод билан бузувчи, чақимчи ва ғийбатчи қилма! Ё Аллоҳ! Сендан баднафс, кўп беҳуда сўзловчи бўлиш, кибр, ҳирсу ҳавас, ҳасад, дунёга берилиш, ёмон гумонли бўлиш, тамаъ, кўполлик, май ичиш, бемаҳал марг, қаттиқ фитна ва оғир яшашдан паноҳ сўрайман”,- дейди. Ҳадисларда ҳам шунга ҳамоҳанг ҳикматлар мавжуд. Масалан “Ҳаё иймондандир” дейилган. Баҳоуддин баднафс бўлишдан паноҳ сўраб, тангридан саховатли шариф нафс тилайди. Имом Бухорий “Ал жомийъ ас-саҳиҳ”нинг “Латиф сўзлар китоби”да ёзади: “Мол-дунёси кўп одам бадавлат эмас, балки нафси тўқ одам бадавлатдир.”⁴ Нафс бойлиги ҳалол меҳнати билан топган молига қаноат қилиш, унинг баракотини тангридан сўраш одамлар қўлидаги бойликка тамаъ қилмасликдир. Ҳадисларда “Ўтаётган бахиллик имон билан ҳам, бир банданинг кўнглида ҳам жам бўлолмайди”⁵– деган ҳадис орқали бахиллик

¹ Ал-жомеъ ас-саҳиҳ. 4-том. 89-бет.

² Ўша асар. 4-том. 98-бет.

³ Ўша асар. 102-бет.

⁴ Ўша асар. 204-бет.

⁵ Ал адаб ал-муфрад. 93-бет.

сахийликка зид бўлиб, имонсизлик ва ахлоқсизлик белгиси дейилади.

Ҳадисларда хушмуомала ва яхши хулқ энг гўзал фазилат эканлиги таъкидланиб – “Мўмин киши асло лаънат этувчи бўлмаслиги лозим”, дейилади. Муҳаммад пайғамбар ўзлари айтганларки, “Мен дуои бад қилувчи, лаънат этувчи эмас, балки марҳамат қилувчи бўлиб юборилганман.”¹ У кишидан шундай ҳадис бор: “Мўмин киши одамларни таъна қилувчи, уялтирувчи, кишиларга лаънат ёғдирувчи, ёмон иборалар билан сўқинувчи ва уятсиз, тили аччиқ бўлиши мумкин эмас.”²

“Аврод”да Баҳоуддин “Эҳсон мақомида бизни гувоҳлигимизни мустаҳкам қил”, деб айтадилар. Имом Бухорий ишонарли тўпламининг “Иймон китоби”да ёзиладики, Муҳаммад пайғамбардан “Эҳсон надур?” деб сўралганда, “Оллоҳга уни кўриб турганидек ибодат қилмоғингдир. Агар сен кўрмаётган бўлсанг, у сени кўриб турибдир”, деганлар. Демак, Баҳоуддин ҳар бир амални Тангри кўриб турганидек холис амалга оширган. Бу амалларнинг замирида шунингдек Имом Бухорийдан сақланган қуйидаги ҳадис турибди: “Ҳар бир одам боласининг баданида уч юз олтмишта майда сўнгак ва бўғинлар бор. Улар шу сўнгак ва бўғинлар учун ҳар куни бир садақа қилмоқлари лозим. Ҳар бир ширин сўз бир садақа, киши биродарига ёрдам қилмоғи ҳам бир садақа, унга бир қултум сув ичириши ҳам бир садақа ва кишиларга озор берадиган йўлдаги нарсаларни четга олиб ташлаш ҳам бир садақа ҳисобланади”.

Демак, биринчидан, Баҳоуддин Нақшбанд ўз ватани Бухорони жаҳонга танитган муҳаддис Имом Бухорий меросини ўқиб, ўрганган ва шуларни назарий асос қилиб ўзининг “Аврод”ини яратган. Бу манбалар ҳозирги кунда ҳам маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва шу руҳда тарбиялаш жараёнида умуминсоний кадриятларнинг бири сифатида хизмат қилиши мумкин.

Иккинчидан, манбалар таҳлили Баҳоуддиннинг ҳаёт йўли ва камолотида ҳадис илмининг ўрни катталигини кўрсатади. Буларни хулосалаб Баҳоуддин Нақшбандни Имом Бухорийни издоши дейиш мумкин. Буюк муҳаддис ёшлигидан ҳадисни ўрганиб тадқиқ этгани каби, Баҳоуддин ҳам Хожаи Жаҳон ўғитларига амал қилиб, ҳадисларни ўрганган ва уларга тўла амал қилган. Имом Бухорий тўплаган ҳадисларга амал қилган ҳолда Нақшбандия тариқатини

¹ Ўша асар. 102-бет.

² Ўша асар. 104-бет.

ташкил этган. Бу Ҳаққ йўли ҳозиргача жаҳонда маълум ва машҳурдир.

Учинчидан, Баҳоуддин Имом Бухорийдек олим сифатида намоён бўлади. Имом Бухорий саҳиҳ ҳадисларни йиғиб ҳадисшуносликда янги илмий йўналишни бошлаганлари каби, Баҳоуддин ҳадисларнинг ботинидаги мағзини, моҳиятини чақиб уларни шарҳлаб комил инсонларни тарбиялаш йўлларини кўрсатган. Демак, Баҳоуддин, Имом Бухорий бутун умрини бағишлаб, тўғрилигини аниқлаб йиғган умуминсоний қадриятнинг муҳим дуру инжулари бўлган ҳадисларни халққа етказиб, ҳадислардаги ғояларни амалда тадбиқ этиб, уларни ўрганиш фанини янги, янада юксак босқичга кўтарган.

Умумий хулоса шуки, Баҳоуддин Нақшбандни Имом Бухорий ғояларини издоши дейиш мумкин. Чунки:

1. Баҳоуддин Хўжаи Жаҳон ўғитларига амал қилиб, ҳадисларни ўрганиб ва уларга амал қилган.

2. У асослаган Нақшбандия таълимоти ва тариқати тўла суннатга мос келади.

3. Баҳоуддиннинг “Аврод”ида ҳам Имом Бухорий йиғган саҳиҳ ҳадислардаги ғоялар ривожланади.

4. Имом Бухорий умрини бағишлаб йиғган ҳадисларни Баҳоуддин Нақшбанд ўрганиб, уларнинг ботиний моҳиятига етиб, амалиётда қўллаган.

IV. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАЪЛИМОТИ

1. БУНЁДКОР ҒОЯЛАР

Ҳазрат Баҳоуддин вафот этганларидан сўнг, халифа ва муридлари у кишининг қудсий каломларини тўплаб маноқиб ва мақомотлар ёзганлар. Айниқса, Алоуддин Аттор, Муҳаммад Порсо, Яъқуби Чархий ҳазрат хусусида қолдирган ёзма манбалар ва мақомот қимматлидир. Манбаларда ёзиладики, Хожа Баҳоуддин Нақшбандда ҳаргиз қул ва чўри бўлмас эмиш. У кишидан бу маънода сўрабдилар. Алар айтибдурлар: “Қачон бу бандалик хожалик бирлан тўғри келар!”

Бу ерда хожа Баҳоуддин ўзларини Оллоҳнинг иродасига тўла бўйсунувчи банда эканликларини таъкидлаб, ҳар бир киши ҳам Оллоҳнинг бандаси экан, қандай қилиб бошқа кишига хожалик эта олади, бандалик ва хожалик бир-бирига асло тўғри келмайди, деган фикрни таъкидлайди. Яъни ҳар бир киши маълум Хўжайинга бўйсуниб, тўғри-нотўғри йўлларга бормай, фақатгина Оллоҳга бўйсунса, Олий Ҳақиқатга эришиш учун ҳаракат қилса оламда ҳалоллик ва поклик ҳукм суришини кўрсатади ва буни ҳақиқий ҳурлик дейди.

Таъкидлаш лозимки, ҳазрат Баҳоуддин ёшликларидан ҳамма вақт Оллоҳнинг борлигидан огоҳ бўлганлар. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётларига доир ривоятлардан бирида ҳикоят қилинишича, болалик пайтларида у кишига таълим бераётган устозларига ишорат бўлганки, шогирдларидан кимдур келгусида авлиёлик даражасига етади. Буни аниқлаш мақсадида, устоз барча шогирдларига: «Эртага ҳаммаларингиз биртадан кабутарни ўлдириб келинглар, лекин бу ишни амалга оширишларингизни Оллоҳ кўрмасин» деб буюради. Эртаси куни ҳамма кўлида ўлик кабутар олиб келади, фақатгина Баҳоуддин Нақшбанднинг кўлидаги кабутар тирик ҳолатда бўлади. Бунинг сабабини сўраганларида ҳазрат жавоб берганларки, «Қаерда яшириниб кабутарни ўлдирмоқчи бўлсам ҳам Оллоҳнинг қарашларини сездим. Оллоҳ бўлмаган ва кўролмайдиган ҳеч қаер йўқ экан...»

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотини кейинги тараққиётини кузатсак, у киши ҳар бир нафасда, ҳар бир дамда Оллоҳдан - Олам Моҳиятидан огоҳ бўлишга чақирадилар. Ҳушсиз ўтилган ҳар бир дамни ғафлатда қолиш дейдилар. Доимо киши ўзининг

ҳаракатларини назорат қилиши ва тўғри ҳаракати учун «шукр» дейиши ва гуноҳ ва ғафлат ила бўлса «тавба» деб истиффор этишга чақирадилар.

Баҳоуддин Нақшбанд сулукининг Нақшбандия деган ном билан аталиши ҳам бу тариқат аҳли Оллоҳни ўз қалбларига нақшлаб қўйганларидан гувоҳлик беради. Бу тариқатда зикр этиш ва сўфиёна амалиётни ташқи томонига амал этиб бошқаларга кўрсатиш, шуҳрат учун ҳаракат этиш қаттиқ қораланади. Ҳар бир қилинган ҳаракат қалбдан чиқиши ва Оллоҳ учун бўлиши керак дейилади. Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан сўрайдилар: “Сизнинг силсилатингиз қаерга етади?” Ҳазрат жавоб бердилар: “Киши силсила бирла ҳеч ерга етмас.”

Баҳоуддин Нақшбанд айтмоқчи бўляптиларки, киши маълум ва машҳур тариқатга киргани, сўфиёна кийим кийгани ва қўлида тасбеҳ олгани билан унда ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди, яъни агар ёмон бўлса ёмон, яхши бўлса шу сифатини сақлайди. Фақатгина бу тариқат таълимотини ўзлаштириб, унга ҳам зоҳирӣ - ташқи ва ҳам ботинӣ - ички томонидан амал қилганида, у Ҳақиқатга томон юксала боради.

Абдурахмон Жомӣ Баҳоуддин Нақшбанднинг “Киши силсила билан ҳеч ерга етмас” деган ғоясини қуйидаги назмий сатрлар билан шарҳ этади:

Аз далку асо сидку сафое нарасад,
В-аз сабҳа ба жуз буи риёе нарасад.
Гўянд, кужо расад силсилат,
К-аз силсила ҳеч кас ба жое нарасад.¹

Мазмуни:

Дарвешлик кийими ва асосидан сидку сафо етмайди,
Улардан риёдан ўзга нарса етмайди.
Айтарлар сизни силсилангиз қаерга етади?
Силсиладан ҳеч ким бирор жойга етмайди.

Нақшбандия тариқатининг тасаввуф оламидаги бошқа сулуклардан афзаллиги бу тариқат аҳли «Даст ба кору, дил ба Ёр» - «Қўл ишда ва қалбда Оллоҳ» деган шиор билан фақат меҳнат билан кун кечиришга чоғланганлар. Улар таркидунё қилиш, одамлардан узоқлашиб яшаш, тиламчилик қилиш ва гўшанишинликни

¹ Абдурахмон Чоми. Баҳористон. Душанбе. Адиб, 1987. 32-с.

қоралаганлар. Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар: “Бизнинг тариқатимиз суҳбатдур.”

Ҳазрат, узлат - одамлардан ажралиш шуҳрат келтиришини қайд этиб, шуҳрат эса офат деб таъкидлайди. У киши буюрардиларки, айбсиз одам йўқ, шунинг учун агар айбсиз дўст ахтарсак дўстсиз қоламиз: “Ёрсиз қолур жаҳонда айбсиз ёр истаган.”

Ушбу мисра у киши томонидан айтилганини муридлари ёзади. У киши яхши одамлар билан ҳамсуҳбат бўлишга чорлардилар.

Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар:

- Толиб Ҳақ таолонинг дўстларидан бири билан суҳбат пайтида ўз ҳолидан воқиф бўлиши ва суҳбат вақтидаги ҳолатини ўтмиш билан таққослай олиши керак. Агар шу суҳбатлар натижасида ўзидаги нуқсонлардан қутулиб, камолотга етаётганини ҳис қилса, бундай азиз билан суҳбатни ўзи учун фарзи айн деб билсин.

Баҳоуддин Нақшбанд тариқат аҳлининг одобига алоҳида эътибор берар эдилар. Ул зоти олий буюрмишдурлар:

- Бу тариқи олияга толиб ўлғон худонинг бандаларига камоли одоб шартдур.

Бо адаб ба тариқи ишқ даро.

Тариқи ишқ кулҳо одоб аст.

Мазмуни: Ишқ тариқига адаб ила киргин. Бу тариқ одобларнинг мажмуидир.

Одоб камолотида ҳазрат, айниқса ҳалолликка катта эътибор берганлар. У киши, биринчидан, ҳалол деганда ўз меҳнати билан топилган луқмани тушунадилар. Шу билан ҳалол деб Оллоҳдан огоҳ бўлган чоғда пок, гуноҳсиз ёки тоза ният билан тайёрланган луқмани тушунганлар. Агар таом тайёрлашда бирор капкири ҳам ғазаб, кароҳат билан бўлса ул таомни емаганлар. Чунки норозилик, ғазаб, кароҳат ва ғафлат ила бўлган ишларга шайтон ва ҳавойи нафс шерик бўлади. Бу ишнинг ва луқманинг хайру баракоти бўлмайди, деб айтадилар. Ҳазрат жуда кўп таъкидлаганларки, «Яхши феъллар ва яхши амаллар ҳалол луқмадандур». Баҳоуддин Нақшбанд Ҳақиқат йўлидан борувчи кишилар, албатта, ҳалол луқмага риоят этишлари лозим деганлар.

Бухоро уламоларидан бири хожа Баҳоуддин Нақшбанддан сўрайдилар:

- Намозда ҳузури қалб недан ҳосил ўлур?

Ҳазрат хожа буюрдилар:

- Таомни ҳалол егул. Доим вукуф ва огоҳликда бўл.

Ҳазрат Баҳоуддин шахсинг нафси тийиш ва қалбни поклашига катта аҳамият берардилар. Киши бутун башарий истаклари устидан ғолиб бўлса, яъни нафсини бошқара олса, шундагина юксала олишини кўрсатадилар:

Тааллук ҳижоб асту беҳосили,
Аз ин бандҳо бигуселию восили.

Яъни, сенинг башарий истакларга тааллуқлигинг ҳижоб бўлиб, сенинг Илоҳий ҳақиқатга томон юксалишингнинг самарасизлигига сабабдир. Агар бу бандлардан қутулсанг сен шунда восил - яъни Оллоҳ висолига етиш даражасига етиб юксаласан.

Бу тариқат аҳли ўз ҳалол меҳнати билан топган нарсага қаноат этиб, нафсини бошқара оладиган кишиларни қадрлайдилар.

2."МУЛК" ВА "МАЛИК" ТУШУНЧАСИ

Бутун Шарқ оламида Нақшбандия тариқатини асослаб берган пири комил Шайх Нақшбанд таълимотини тадқиқ этиш вақтида биз у кишидан "Аврод" номли ёзма мерос сақланганини аниқлаш бахтига муяссар бўлдик. Россия Фанлар Академиясининг Санкт-Петербург бўлимида сақланаётган асарнинг икки нусхаси таржима ва таҳлили Баҳоуддин Нақшбанд таълимотларини чуқурроқ билиш имконини беради.

Шайх Муҳаммад Баҳоуддиннинг "Аврод" асарида бутун олам Оллоҳ томонидан яралган ва шунинг учун унинг тасарруфида бўлган ягона Мулк эканлиги қайд этилади. Бу билан бутун оламдаги жамики борлиқнинг ягона илоҳий асоси борлиги ва улар бу оламдаги илоҳий неъматлар эканлиги кўрсатилади.

Қўлёзмада шундай ёзилади: "Сен менинг Парвардигорим ва барча нарсаларнинг Парвардигорисан. Осмон ва ернинг яратувчиси Сенсан!". Бу билан инсонни ҳам жонли ва жонсиз жамики еру кўкдаги мавжудотни ҳам яратган Роббий ягона Оллоҳ эканлиги уқтирилади. Бошқа жойда Оллоҳга мурожаат қилиб, сен Маликул Мулксан дейилади, яъни бутун Мулк борлиқнинг ягона Малики - хожаси, эгаси, хукмрони Сенсан дейди.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотидан маълум бўладики, бутун борлиқ ягона зот – Оллоҳнинг Мулкидир. Бу Мулк ўзининг

қудратини бизга намоён этади. Шунинг учун Баҳоуддин ёзадики, доим ҳар бир шахс оламдаги ҳар бир заррага қараганда Илоҳий қудратни кўра олиши ва Оллоҳ берган неъматларни асраши ва уни эҳтиёт қилиши керак. Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзлари буларга амал қилганлар. Масалан: манбаларда ёзилишича, у киши комиллик даражасига етганларида, бир кун кўчадан бораётган эдиларки, бир одам чопиб келиб савол беради:

- Эй, шайх! Жавоб бер! Қисқа муддатда бу даражага қандай етдинг?! У киши жавоб берадилар:

- Резачинлик орқали.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд Оллоҳ томонидан яралган Мулкдаги ҳар бир заррада Маликнинг зухурини кўриб, эъзозлаган ва нон ушоғини ҳам асраб авайлаган, заррача гуноҳ қилмаганлар шунинг учун Оллоҳ унга ўз танаси ва бошқа таналарга таъсир эта олиш қудратини, валийлик рутбасини берган.

Баҳоуддин Нақшбандга оид нақлларда айтилишича, у кишининг устозлари Абдулҳолик Гиждувоний мақбараларида бўладиган зиёратига доим охирига зиёратчилар овқатларни еб бўлгандан кейин етиб борганлар. У кишига "вақтлироқ келмадингиз, барча нарса тугаб қолгандан кейин келдингиз"- деб мурожаат қилганлар. У киши Оллоҳнинг неъматларини ташлаб, оёқ ости қилмаслик, исроф қилмаслик мақсадида атайин кечроқ келганларини билдирмаганлар. Бу ривоят жаннатий бўлиш, яъни бутун оламда энг абадий, боқий неъматларга эга бўладиган даражаларга етиш учун бутун Мулкнинг ҳар заррасини асраш ва авайлаш лозимлигини кўрсатади.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти гувоҳлик берадики, унинг бундай дунёқараши шаклланишида устозларидан бири айтилган Ҳазрат Сайид Амир Кулолнинг таъсирлари бор. Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза томонидан XV асрда ёзилган "Мақомоти Амир Кулол" асарида Амир Кулол ҳаётига оид шундай нақл келтирилган: "Бир кун Амир Кулол ўртоқлари билан бирга боғда ўтиргандилар. Улар чопонларини ювадилар ва шу чопонларини дарахт шохчасига ташламоқчи бўлганларида, Амир Кулол: "Йўқ, йўқ, ташламанг"- дейдилар. Улар девор ёки ўтлар устига ташлаймиз деганларида ҳам Ҳазрат йўл қўймадилар ва қуйидагича изоҳ берадилар: Агар дарахтга ташласак, бирор шохаси озор кўриши мумкин, деворга ташласак, унда чиққан тиканлар синиши ва ўтлар устига ташласак улар пайҳон бўлиши мумкин. Агар бу боғдаги бирор нарса синса, озор чекса бу Мулк эгаси бўлган Малик (Оллоҳга) нима жавоб берамиз? Ҳар бир

кичик гуноҳ ҳам гуноҳдир. Зарра миқдорича қилинган яхшиликка мукофот берилади ва заррача қилинган ёмонликка жазо ҳам берилишини унутманг".

Кўриниб турибдики, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд устозларидан Оллоҳнинг Мулкига хиёнат қилмасликни ўрганиб, ўзлари ҳам шунга доим амал қилиб, шу даражага етганлар.

Қўлимиздаги муаллифи номаълум бир қўлёзма нусхасида Баҳоуддин Нақшбанд бомдоднинг суннат ва фарз намозлари орасида куйидаги мазмундаги байтларни такрорлашни ўғит берганлари ёзилган:

СубҳонОллоҳ ба ҳар дамам Ёр туи,
СубҳонОллоҳ кушоиши кор туи.
СубҳонОллоҳ ба иззати кун фа якун,
СубҳонОллоҳ муроди манро ҳосил бикун.

Мазмуни:

Оллоҳ сен Поксан, барча ғамларимга ёрсан,
Оллоҳ сен Поксан, ишларни олдини ўзинг оча оласан.
Оллоҳ сен Поксан, Кун фая кун иззати ҳақи,
Оллоҳ сен Поксан, муродимни ҳосил этгин!

Бу мисралар орқали Баҳоуддин Нақшбанд “Кун фа якун иззати ҳақи Оллоҳга ёрдам бергин”, деб мурожаат этилганда мурод ҳосил бўлишини уқтиради. Бу билан Оллоҳни ирода эгаси эканлиги ва унинг истаги билан тасарруфидаги Мулкдан ҳар бир кишига ризқ берилишини кўрсатади.

Баҳоуддин Нақшбанд бирор иш қилишни мўлжаллаганда Оллоҳдан мадад сўраб иш бошлаш ва Оллоҳ берган неъмат - кўз, кулоқ, қўл, оёқ, ақл-идрок ва жами қувватларни исроф қилмасдан, яъни беҳуда фикр, хаёл, гап, ухлаш, иш билан шуғулланмасдан инсоннинг ўзи Оллоҳга суянган ҳолда комил ишонч билан қилса муродига етишини айтади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг "Аврод" рисоласида: "Эй Оллоҳ! Сен Малик, Ҳай, Қайюм, Ҳаққ ва Мубинсан"¹ деган сўзлар билан бошланади. Тез-тез Оллоҳнинг Малик - яъни бутун Мулкнинг эгаси эканлиги таъкидланиб, унинг Ҳай - абадий тириклиги, фано - ўлимни билмаслиги ва боқийлиги уқтирилади. Яъни унинг Мулкани - ери,

¹ Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод. Кириш сўзи, шарҳлар муаллифи ва таржимон Наврўзова Г. Бухоро: Бухоро, 2007. 12-бет.

неъматларини бошқараётган мулкдорларга нисбатан фарқини кўрсатади. Шу билан бирга унинг Қаюм – ўз-ўзига қоим, ҳар нимани истаса ўзи ижро эта олиши, ҳеч кимсага эҳтиёж сезмовчи эканлигини таъкидлайди. Мулк эгаси бўлган Оллоҳ Ҳаққ - собит, борлиги ўзгармаслиги ва Мубин - истаган кишига ҳидоят этиб, Ҳақ йўлини кўрсата олиши ёзилгандир.

Асарда "Сен Ғайб ва Шаҳодат оламининг Олими, Олий, Буюк ва Мутаолийсан" деб Мулк эгасига айтилади. Бу билан бутун Мулк Ғайб олами, яъни бизнинг сезги органларимиздан яширин ва Шаҳодат Олами, яъни бизга намоён бўлиб турган оламга бўлиниши қайд этилади.

Инсон доимо Мулкда яшаб, унинг неъматларидан фойдаланар экан, уларни мусаввири, холиқи, раббийсини эсда тутиши ва унгагина ибодат қилиб, хизмат этиши лозим. Демак, энг олий инсоний мақом бу бандалик мақоми деб таъкидланилмоқда.

"Аврод"да Баҳоуддин Нақшбанднинг Малик - Оллоҳга мурожаат қилиб, шундай деганлари ёзилган: "Сен менинг Парвардигоримсан. Сен мени халқ қилгансан. Мен сенинг бандангман ва мен Сен билан аҳд ва ваъдададирман". Асарнинг бошқа жойида таъкидланади: "Оллоҳ, Сен пок ва Вориссан - бутун мулкнинг ҳақиқий соҳибсан. Неъматлар сеникидир. Қудрат эгаси Сенсан!"

Асарда Мулк эгаси бўлган Оллоҳ фазилатлари Аввал, Охир, Зоҳир, Ботин ва барча нарсаларни билгувчи зотлиги орқали кўрсатилган. Унинг барча мулк бошида ва охирида туриши, бутун борлиқ унинг қудратини намоён этиши ва шу билан бирга унинг салоҳияти яширин эканлиги қайд этилади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг Мулк ва Малик ҳақидаги таълимоти бизларни, биринчидан, ҳар бир Оллоҳ неъматини асраш, авайлаш, эъзозлаш, исроф этмасликка ундаса, иккинчидан, бу фоний, ўткинчи оламда бизга берилган шу мулк зарраларига мафтун бўлиб, умримизни залолатда ўтказмасликка чорлайди. Бу таълимот шу билан бирга, доимо абадий, боқий ҳаёт учун ҳаракат қилишга ҳавас уйғотади. Шунинг учун ҳам бу таълимот ҳозирги бозор иқтисодиёти асослари барқарор бўлаётган мулкий муносабатлар тартибга келаётган даврда одамларни ҳалолликка, юксак маънавий эътиқодлиликка чақиради.

3. ҚАЛБ СОҒЛИГИ - ТАН СОҒЛИГИ

Баҳоуддин Нақшбанд номи билан машҳур бўлган ориф, руҳоний илмларни тўла эгаллаган бу улуғ инсон таълимотида комиллик муаммоси катта ўрин тутди. Унинг бу борада қалб тарбиясига алоҳида эътибор бериш ҳақидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга. Баҳоуддин Нақшбанднинг қалб ҳақидаги таълимоти Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифга асосланган. Унинг устози Хожаи Жаҳон номи билан машҳур Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳам ўз асарларида салим (соғлом) қалбга алоҳида эътибор беради. У қалби соғлом бўлиши учун ҳар бир инсон қиладиган ишидан қандай фойда топай деган фикрдан кечмоғи, холисона, Оллоҳ ризолиги йўлида ҳаракат қилмоғи кераклигини айтади.

Баҳоуддин Нақшбанд устози йўлидан бориб, ҳар бир инсонга ҳар тонг куйидаги тўртликни такрорлашни тавсия этади:

Ё раб, бикушо ба дилам аз тавба даре,
Бе миннати махлуқ расон моҳо заре.
То охири умрамон чунин дор моро,
Аз мо наравад ба ҳеч кас зараре.

Мазмуни:

Ё раббим, қалбимда тавба эшигини очгин.
Яратмишларинг миннат қилмайдиган бутун ризқ бергин.
Умримиз охиригача шундай сақлагин бизни.
Токим бизлардан ҳеч кимга зарар етмасин.

Демак, қалбни поклаш учун энг аввало тавба мақомига кириш, яъни хато-камчиликни англаб, ундан қайтиш лозим экан. Тавба жисмда ёмон ҳатти-ҳаракатлар таъсирида ҳосил бўлган иллатларни фош этиб, руҳни енгиллаштиради, бунинг таъсирида эса киши жисмоний касалликлардан ҳам фориғ бўлади. Чунки ҳақиқий тавба - ёмон ҳатти-ҳаракат, ҳасад, кина, гина, таъма, ғайбат, кибр каби иллатлар туфайли келадиган азоб-уқубатлар олдини олиб, жисмоний ва руҳий қувватларнинг жамини тўғри сарфлаб, камолот учун йўл очади.

Тавба йўлини топган киши нафс балосидан қутулади. Демакки, беҳуда гапириш, беҳуда ухлаш, беҳуда ейишдан тийилади. Бу ҳам кишини жисмоний ва руҳий камолот сари бошлайди.

Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф йўлига кирган, покланишни мақсад қилган кишилар ҳақида шундай дейди:

Андар ин уммат набошад масҳи тан,
Лек масҳи дил бувад, эй зулфатан.

Мазмуни:

Бу жамоа ичида кўпроқ танни эмас,
Қалбни масҳлаш, ҳаракатда тутиш бор.

Демак, сўфийлар қалбни назорат этиб, ундаги ҳар бир ҳаракатни кузатиб, ниятни поклаб, қалбдаги кина, кудурат, кибру ҳаво сингари иллатларни олиб ташлаб, уни юмшатиб, ундан ўтадиган ҳар бир томчи қонни поклаганлар ва кишиларни шайтоний йўлдан раҳмоний йўлга бошлаганлар. Яъни, ҳақиқатга етиш учун зоҳирий покланиш билан бирга ботиний покланиш шарт.

Баҳоуддин Нақшбанднинг устози Абдулҳолиқ Гиждувоний: "Мабодо юрагинг хотиржам тортса, маънавий қарашинг тарқалиб кетмайди", деган. Демак, киши маънан устувор бўлиши учун қалбан хотиржам яшаш ҳолатига эришмоғи керак. Зеро, Абу Бакр Сиддиқ ҳазратларидан шундай ўғит қолган: "Агар тил фасод бўлса, унинг зараридан кишилар йиғлайди, агар қалб фасод бўлса, унда малоикалар кўз ёш тўкадилар".

Нақшбандия тариқатининг асосий талаби бўлган "Даст ба кору, Дил ба Ёр", яъни "Қўлинг меҳнатда бўлсину, Қалбинг Оллоҳда" деган шиор ҳам жисмоний ва маънавий камолот йўлидир. Чунки бекорчилик инсонни тошбағир қилади. Холис меҳнат эса қалбни юмшатади ва жисмни ҳаракатга келтириш орқали уни иллатлардан қутқаради.

Ҳадислардан бирида: "Тамагирлик уламоларнинг қалбидаги ҳикматни кетказади", дейилади. Зеро, қалб Оллоҳ назар қиладиган макон бўлиб, илоҳий нурларни қабул этиши ва камол топиши керак. Тама эса қалбни қора булутдек қоплайди ва унга ҳикмат нурларини ўтказмайди. Шунинг учун ҳам инсон ўз қалбининг ҳар бир ниятини, ҳаракатини назорат этиши, хатоларга тавба билан, яхшиликларга шукр билан амал қилиши лозим. Бу назорат турини Баҳоуддин Нақшбанд муҳосаба деб атайди.

Баҳоуддин Нақшбанд сўфийларнинг адаби мукамал бўлиши кераклигини таъкидлайди. Кишиларни бир-бирларига хайр-эҳсонли, меҳр-оқибатли, кечиримли бўлишга чақиради. Чунончи, "Мифтоҳ-

ул-жунун" - "Жаннат калити" асарида Баҳоуддиндан қуйидаги ўғит сақлангани қайд этилган:

Ё раб, ниҳоли умри мо паст макун,
Моро зи шароби беҳуди маст макун.
Ё раб, ту жавонзанону, жавонмардонро,
Дилтангу, парешону таги даст макун.¹

Мазмуни:

Эй парвардигор, бизнинг умримиз ниҳолини паст қилма,
Бизларни беҳудлик - ўздан кетишлик,
(яъни, такаббурлик) шароби билан маст қилма.
Эй раббим, сен ёш аёллару, ёш эркакларни,
Тор қалбли, паришон ва ўзгаларга қарам бўлишдан сақла.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида бўлган қалб икки маънода тушунилади: биринчиси, танада жойлашган, ҳайвонларда ҳам бор бир парча гўшт пораси бўлса, иккинчиси, раббоний руҳ деб аталадиган қалб. У латиф руҳ бўлиб, ҳақиқий оламини идрок этувчи, ақллар ҳайратда қоладиган нарсаларни била олиши, жисм билолмайдиган нарсалар ва сифатларни англовчи, имконияти даражасида мавжуд нарсаларни кўрувчидир. Қалб раббоний руҳ маъносида нарсалар ҳақиқатини билувчидир. Нақшбандия таълимотида раббоний руҳ деб аталувчи латиф қалб билан жисмоний гўштпора кўринишдаги қалб орасида махсус боғланиш борлиги таъкидланган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг қалб ҳақидаги қарашларини қуйидагича кузатиш мумкин.

ҚАЛБ	РАББОНИЙ РУҲ - ҲАҚИҚАТНИ БИЛУВЧИ
	Танадаги гўшт пораси юрак → Барча ҳайвонотга тааллуқли

Қалбга олти нарса хослиги таъкидланади: ҳаёт ва ўлим, соғлиқ ва касаллик, уйқу ва уйқусизлик. Буларнинг мазмуни қуйидагича изоҳланади: қалбнинг ҳаётлиги - уни ҳидоят қилувчи эканлигида бўлса, унинг ўлими йўлдан адашиб, залолатга ботишидир, қалбнинг

¹ Бу ҳақда отинойи Фозилова маълумот берганлар.

соғлиги унинг поклиги, касаллиги алоқалар, боғланишлар билан ўралашиб қолишида: уйқу ҳолати - қалбнинг ғафлатда қолиши, унинг бедорлиги - ҳушёрлигидир. Қалбнинг дақиқ, нозик, латифлиги таъкидланиб, уни гуноҳ, ёмон нарсалардан асраш лозимлиги уқтирилади. Арзимас гуноҳ ҳар нарса катта оқибатларга олиб келиши мумкинлиги айтилади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг қалб ҳақидаги фикрлари Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг бу масаладаги қарашларига мосдир. «Аз гуфтори Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний» рисоласининг тўққизинчи боби «Дилнинг саломат бўлиши ҳақида» деб номланади. Бу рисолада Хожаи Жаҳон шундай деганлар: «Билгилки дилнинг саломатлиги Ҳақ таъоло рози бўлмаган нарсалардан узоқ бўлишдир. Эртага соғлом дилдан ўзга ҳеч нарса ёрдам беролмайди.»

Хожаи Жаҳон шу рисолада бемор дилни саломат қилиш учун қуйидагича маслаҳат беради: «Унинг давоси шуким, уламолар суҳбатига интилиб, уларнинг хизматида турмоқ, уларнинг айтганини қабул қилиб, машойихлар ҳузурида бўлмоқ лозим. Шундагина дилдан дунёга бўлган муҳаббат кетади. Расулуллоҳ айтадилар: «Ўлим келмасдан аввал унга тайёргарлик кўринглар».

Баҳоуддин Нақшбанд «нафс халқ назар қиладиган жой, қалб эса Ҳақ назар қиладиган макон» эканлигини баён этди ва бир кеча-кундузда қалбга 370 бор Оллоҳнинг назари тушишини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам қалбни поклашга эътибор бериш лозим. Қалбни поклаш жараёни аъмол тушунчаси билан боғлиқлиги ва аъмол доим ахлоқда яшаши айтилган. Аъмол ёмон хислатлардан пок бўлиши керак.¹

Баҳоуддин хожагонлар таълимотини ривожлантириб вуқуфи қалби рашҳасини киритди.

Қуйида келтирилган Баҳоуддин Нақшбанд ўғитларига амал қилиш қалб тарбиясига ёрдам беради:

- Қўл ишдаю, дил Ёрда бўлсин.
- Бизнинг тариқимиз жаҳрия зикру рақс эмас, бизнинг тариқимиз анжуманда хилват (хилват дар анжуман), ватанда сафар (сафар дар ватан)дир. Хилватда шуҳрат бор, шуҳрат эса офатдир. Хайрият жамиятда бўлади, жамият эса суҳбатда бўлади. Агар бу йўл толибларидан бир гуруҳи бир-биролари билан ҳамсуҳбат бўлсалар,

¹ Баҳоуддинни қалб ҳақидаги ғоялари ҳақида батафсил қаранг: Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: Фан, 2005.

бу суҳбатда хайру барака кўп бўлади. Умид борки, бу ишга доимо амал қилинса, охири ҳақиқий иймон билан якунланади....

- Бу қавм улуғларининг сўзлариданки, бу йўлда юрувчи ўз нафсини Фиръавннинг нафсидан юз марта бадтар деб билмаса, демак, бу йўлда эмас.

- Улуғларнинг сўзлариданки, тирик мушук ўлик шердан яхшироқдир.

- Агар адабдан озгина нуқсонга йўл қўйсанг, нимаики ҳам қилсанг, беадаблик кўринади.

- Агар хоҳласам, нафсимни эллик марта сув лабига олиб бориб, яна ташна ҳолда қайтариб келаман.

- Солиқлар шайтоний ва нафсоний ҳаёлларни қувишга киришар эканлар, баъзилари шундай бўладилар, яъни ҳаёлга келаётган нарсани келмасидан аввал кўрадилар ва қайтара оладилар. Баъзилари эса ҳаёлга киргач, ҳали у маҳкам ўрнашмай туриб, қувиб юборадилар. Бу эса унчалик фойда бермайди. Агар унинг чиқаётган манбаи ва оқиб келаётган сабабини аниқласалар, фойдадан ҳоли бўлмайди.

- Ҳазрати Азизон: "Ер бу тоифа назарида бир дастурхондир", деган эканлар. Биз айтамиз: "Ер тирноқ юзи кабидирки, уларнинг назаридан ҳеч нарса пинҳон эмас. Улар (яъни Ҳазрати Азизон) нимаики айтган бўлсалар, валоят доирасининг кенглигига мувофиқ айтганлар, илло, ориф дилининг кенглигини асло шарҳлаб бўлмайди.

- Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғида бўл.

4.ҲАЛОЛ ЛУҚМА МАСАЛАСИ

«Кўл меҳнатда ва қалбда Оллоҳ ишқи билан» шиори Нақшбанд тариқатининг тасаввуф оламидаги бутун йўналишлардан фарқ қиладиган томонларини очиб беради. Тасаввуф оламида асосан дарвишлар бу дунё лаззатларидан кечиб, гўзалликлардан воз кечиб, узлатда гўшанишинлик ва таркидунёчилик билан машғул бўлиб, диний ва дунёвий билимлардан узоқда бўлиб, худо васлига етишишнинг асосий йўли шу, деган тушунча билан яшаганлар. Баҳоуддин Нақшбанд Оллоҳ васлига етишишнинг энг яқин йўли ҳалол меҳнат ила жамият ичида яшаб, Оллоҳни доимо қалбда нақшлаш, деб тушунтирдилар. Нақшбандийлик тариқатида таркидунёчилик таъқиқланган бўлиб, шахс фақат ўзининг ҳалол

меҳнати билан яшаши керак, деган ғоя сингдирилган. Узлат - жамият ўртасида «Хилват дар анжуман» деб қабул этилган. Шахс жамият орасида меҳнат жараёнидами, бозордами, қаерда бўлмасин, доим Оллоҳ овозини эшитиши ва унинг борлигидан огоҳ бўлиши керак, дейилган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг «Қўл меҳнатда ва қалбда Оллоҳ ишқи билан» яшаш шиори бутун меҳнат аҳли диққатини ўзига тортган. XV асрда теурийлар даврида Нақшбандия таълимоти ва амалиёти жуда кадрланган. Бутун ҳунармандлар, олим ва фозиллар шу тариқат ғояларини қўллаганлар. Ҳалол меҳнатда кун кечириб, Оллоҳни қалбда асраш шиори йирик мутафаккирлар Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг ҳам бу тариқатга киришларига сабабчи бўлган.

«Қўл меҳнатда ва қалбда Оллоҳ ишқи» шиори Нақшбандия тариқатининг моҳиятини ташкил этади. Манбаларда бу ҳақда шундай маълумот келтирилади. Баҳоуддин Ҳиротда бўлганида у кишидан Амир Ҳусайн сўрайдилар:

- Сизнинг тариқатингизнинг асоси нимада?

- Хилват дар анжуман, яъни ташқи томон халқ билан, ички томон Ҳақ субҳонаҳу билан бўлиш.

Нақшбандийлик тариқатининг XV аср Ҳирот жамоасида пири муршиди бўлган Абдурахмон Жомийнинг шогирди Абдулғофири Лори ўз устози ҳақида шундай ривоят келтиради: Буюрмишларким, бир касб билан шуғулланиш зарур, токим киши бошқалар ҳақида кўз тикмасун.

Нақшбандия тариқат силсиласининг бошида турган Юсуф Ҳамадоний этикдўз бўлса, Хожа Али Ромитаний тўқувчи, Саййид Амир Кулол кулолчилик билан машғул бўлганлар, Баҳоуддин Нақшбанд эса кимхоб нақшини боғламоққа машҳур бўлган ва бу тариқатнинг барча аъзоларининг маълум ҳунари бўлиб, ҳалол меҳнат билан кун кечирганлар. Баҳоуддин Нақшбанднинг бир парча ери ва чорваси бўлиб, ҳунар билан шуғулланиб ўз меҳнати билан кун кечирган. Баҳоуддин доимо ҳалол луқмага риоя этганлар ва ўз муридларини ҳам шу равишга йўналтирганлар.

Фақр - адабиётларда кўпинча қашшоқлик, йўқсиллик маъносида ишлатилади. Лекин нақшбандийлик тариқатида фақр бу ўзининг ҳалол меҳнати билан кун кечириш, ўзига Оллоҳ нимани насиб этган бўлса ўшанга қаноат этиш, ўзгалар меҳнати билан кун ўтказмаслик, ҳалол луқмага риоя этишни билдиради.

Баҳоуддин ҳаётларига оид шундай маълумот бор. Хирот подшоси Малик Ҳусайн у кишини меҳмондорчиликка даъват этган. У киши боришни истамаганлар, лекин боришга мажбур бўлганлар. Ноз-неъматга тўла дастурхон ёзилган, лекин Баҳоуддин улардан тановул этмайдилар. Сабабини сўраганларида айтадиларки, мен подшоҳлар дастурхонидан овқат емайман, чунки ундаги ноз-неъматлар ҳақсизлик билан бу ерга келтирилган, подшоҳнинг ўз меҳнати ва қўл кучи билан яратилмаган, демак улар ҳалол эмас.

Баҳоуддин Нақшбанд ўзларининг руҳий устозлари Абдулҳолиқ Ғиждувоний - Ҳожаи Жаҳон номи билан машҳур бўлган ва тасаввуфда Ҳожагон тариқатининг асосчиси сифатида танилган авлиёни тан олганлар. Нақшбандийлик тариқатида ҳалол луқмага риоя этиш ва ўз меҳнати билан кун кечириш шартлари шу буюк шайхлардан уларга ворис қолган. Ҳожагон тариқатининг силсиласида бўлган буюк авлиё Ҳожа Али Ромитанийнинг «Рисолаи ҳазрати Азизон» деган асарининг таржима ва таҳлили Ҳожагон ва Нақшбандия тариқати ўртасидаги ўхшашликка гувоҳлик беради. Ҳожа Али Ромитаний тасаввуф оламида ҳазрати Азизон номи билан машҳур бўлган шахсдир. У киши ўз рисолаларида тариқат йўлидан борувчиларга, Оллоҳ даражасига юксалиш учун зарур бўлган ўнта шартни ёзганлар. Биринчиси таҳорат бўлиб, уни таҳорати зоҳир (ташқи), таҳорати ботин (ички), таҳорати дил ва таҳорати сар, деб тўртга бўлганлар. Ички таҳоратни ҳаром луқма ва машрубот (ичимликлар)дан сақланиш деб изоҳлаганлар ва қуйидаги ҳадисни келтирганлар: «Агар ким бир луқма ҳаром еса қирқ кун унинг намоз, дуо ва Оллоҳга мурожаатларини ҳақ таоло қабул этмайди. Яъни, унинг хайру баракаси учади. Ишининг унуми бўлмайди». Ҳазрати Азизон яна шартлардан бири бўлган «луқмани сақлаш»ни қуйидагича изоҳлайдилар. «Луқма ҳалол ва пок бўлиши лозим. Оллоҳ таолога ибодат ўн қисм бўлади, деб Расул Муҳаммад пайғамбар айтганлар. Тўққиз қисми ҳалол ризқу рўз талаб этиш ва бир қисми қолган барча ибодатлар». Яъни, агар қанча намозу ниёзли бўлиб, ҳажга бориб, рўза тутса, лекин ҳалол луқмага риоят этмаса, унинг бажарган ибодатлари ҳеч нарса бўлади. Ҳалол луқманинг кучи улардан тўққиз марта кўп бўлиб, Оллоҳга шунча мақбул экан.

«Рисолаи ҳазрати Азизон»да ҳалоллик сўзининг маъносини яна изоҳлаб айтиладики, таом пиширувчи одам таҳорат ва зикр ила бўлиши лозим. Ҳазрати Хизрга таом келтирганда у киши емаганлар. Сабабини изоҳлаганларки, ҳамир қилган киши таҳоратсиз бўлган, шунинг учун бу луқма бизга лойиқ эмас, деганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳам бир таомни агар ғазаб, карохат ва душворлик ила пиширилган ва келтирилган бўлса, уни емаганлар. Манбаларда нақл келтириладики, Ғадият (Бухоро яқинидаги қишлоқ) деган жойда Баҳоуддин ва муридларига бир дарвиш таом келтиради. Баҳоуддин буюрадиларки: “Бизга бу таом егулик эмас. Ул сабабданки, ғазаб ила табақ бўлган. Агар бир капгири ғазаб ва карохат ила бўлса ул таомни дахи емаймиз. Ҳар ишки, ғазаб ва карохат ила бўлса хайру барокати йўқдур ва ҳавойи нафс ва шайтон онга йўл бўлмишдур.”

Ривоят қилишларича, бир кун Ғадиятда шайх Шодий манзилида дарвишлар тутмож (угро оши) пишираётган бўлганлар. Аммо улар воқиф ва огоҳлик талабига риоя этмасдан, уни ғафлатда пиширганлар. Натижада, бу таом сифатсиз бўлиб, тановул мумкин бўлмади. Ногоҳ, Баҳоуддин Нақшбанд Қасри Орифондан чиқиб келдилар ва айтдилар: «Овқат устини маҳкам ёп» ва дарвишларга мурожаат этиб буюрдилар: «Сизларга лойиқмикан ғафлат ила овқат пишириш?». Дарвишлар узрдан сўнг Шайх Шодийга «Боргин, қозонни очгин», - дедилар. Шайх Шодий қозонни очса, унинг ичи тўла узум экан. Қиш фасли бўлганлиги учун ҳамма хайратда қолиб, Баҳоуддинга бўлган эътиқодлари ортган. Бу мисол Баҳоуддиннинг доимо ўз муридлари билан руҳий алоқада эканлиги, улар узокда бўлсалар-да, ғафлатда бирор иш қилсалар буни сеза олиши ва уларни тўғри йўлга солиши, кароматлар қила олишини кўрсатади. Демак, бу мисол нақшбандийлик тариқатида ҳалол луқмага, огоҳлик ила истеъмол қилишга итоат этиш жуда шарт бўлганлигини кўрсатади.

Баҳоуддин Нақшбанд инсон ўз нафси устидан ҳукмрон бўлиши лозим, деб қарайдилар. У киши бу масалада буюрадилар: “Нафсни тийиш ва пок бўлиш буюк натижалар мушоҳадасига олиб келади. Киши ҳар қанча нафсига муҳолифат айласа, анга онча ҳақ таолонинг инояти улон... Ўз нафсингизга тухмат этингиз. Ҳар ким бу амалга мувофиқ ила ҳазрат Ҳақ таоло онга бу амалнинг нисбатила муомила этади ва бу сабабли касбу қурбат (Оллоҳга яқинлик) ва саодатга ноил ўлур.”

Демак, ҳозиргача бутун мусулмон оламида Баҳоуддин Балогардон, деб тан олиниб, зиёрат этиладиган шахс, бизлардан доимо ҳалол меҳнатимиз ила кун кечириш ва ҳалол луқмага риоят этиш, исроф қилмаслик ва вақтида ҳар ишимизни қилишга чорлайди.

5. ВАҚТНИНГ ҚАДРИ

Вақт қадрини билиш инсон камолоти учун муҳим ўрин тутади. Вақт моҳиятини билиш, ундан ўринли фойдаланиш - иқтисоднинг муҳим томонидир. Ҳар бир дақиқанинг қадрини билиш билан бирга иқтисодий тежаш, талаб ва таклифни ҳисобга олиш, давр руҳини сезиш жам бўлганида иқтисодий юксалиш масалаларида муҳим силжиш бўлади. Ғафур Ғулом "Вақт" номли шеърида тўғри ёзган эди:

Азиз асримизнинг азиз онлари,
Азиз инсонлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир шоҳ сатрларла,
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

Вақтга муносабат аждоларимиз таълимотида ҳам муҳим ўрин тутган. Нақшбандия тасаввуфий тариқатини асослаган ҳазрат Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ўз таълимотида учта янги умда киритди - "вуқуфи адади", "вуқуфи замони" ва "вуқуфи қалби" - яъни адад, замон ва қалбдан огоҳ бўлиш.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд киритган "вуқуфи замоний" - вақтдан, замондан, ҳар нафасдан огоҳ бўлиш, уни назорат этиш, кузатиш тушунчасининг амалиётимиз учун аҳамиятли томони шундаким, Оллоҳ берган неъматларнинг ичида энг қимматлиси, энг ноёби, қайтариб бўлмаси бу вақтдир. Баҳоуддин Нақшбанд Олий Ҳақиқатга етишнинг асосий йўлларида бирини муҳосаба - яъни ҳар бир дақиқани ҳисоб-китоб қилиб, қандай ўтганини аниқлаб, ўшанга мос ҳаракат қилиш лозим, деб айтган.

Умр, ҳаёт, вақт деган қадриятдан ташкил топган. Вақт инсонларнинг энг қимматбаҳо, қайтиб келмайдиган бойлигидир, уни беҳуда ўтказиш умрнинг талон-тарож қилинишидир. Баъзида пулни, моддий бойликни йўқотган киши хафа бўлади, ҳолбуки, инсон бошига тушиши мумкин бўлган энг оғир йўқотиш - вақтни бой беришдир. Халқимиз «Вақтинг кетди - нақднинг кетди» деб бежиз айтмаган.

Буюк алломалар умрнинг ҳар бир дақиқасини қадрлаш ва эъзозлаш тўғрисида жуда кўп дурдона фикрлар билдиришган. Хожагон тариқатининг асосчиси, Хожаи Жаҳон номи билан машҳур Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний таълимотида ҳам бу масалага асосий

эътибор қаратилган. Унинг меросида «умр» мавзуи жуда катта ўрин эгаллайди. Бировларга узоқ умр кўриш, бошқаларга эса тақдир тақозоси билан қисқа умр кўриш насиб этади. Узоқ умри давомида бирор фойда келтирмай, ғанимат дамларни беҳуда, маъносиз ўтказиб кетадиган инсонлар ҳам бор ва шунингдек, жуда қисқа умри давомида улуғ ва эзгу ишларни қилган инсонлар ҳам борки, уларнинг амаллари асрларга тенгдир. Шунинг учун Хожай Жаҳон ўзининг тасаввуфий таълимотида улуғ неъмат бўлган умрни «сармоя» деб атайди. «Сар» - бош, «моя» - асос деган маънони англатар экан, демак, барча ишларнинг бош асоси умрдир. Ҳамма нарсанинг бош асоси яхши бўлса, унинг охири ҳам яхши бўлади. Шундай экан, умрнинг ҳар нафасини асраш лозим. Хожагон тариқатида умр кенг маънода тушунилади, инсониятнинг бу дунё ва охиратдаги ҳаёти яхлит деб қаралади. Шу боис бу дунёдаги умрининг ҳар нафасини мангуликка боғлаш инсонни абадий чексизликка пайванд этади. Чекли - маълум муддатда яшайдиган умрини беҳуда ўтказган одамни ҳеч ким тилга олмайди ва эсламайди ҳам, умри тугайди, яъни чекли бўлади. Агар умрини мазмунли ўтказса, унинг иши ва номи абадий қолади. Улуғ ориф Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний шундай дейди: «Тириклик одам фарзандига берилган сармоядирким, бу сармоя билан ҳайрат ва саодат касб қилғай».

Шу «сармоя» бўлмиш умрни беҳуда сарфламасдан, ўзни неъматдан маҳрум қилмасдан яшаш, «даражотлар», яъни маънавий мартабаларга етишимизга, хайрли ишларга олиб келади.

Абдулҳолиқ Ғиждувоний буюрадиларки: «Зое кетган вақтларни тавба билан тадорик қилиш, яъни иложини қилиш чорасини кўриш керак ва бўш қолган вақтни азиз деб билиш керак. Уни муҳофаза этишга ҳаракат қилингики, барча футуҳотлар (очишлар, олдинга кетишлар, муваффақиятлар) вақтни сақлашга боғлиқдир. Бу йўлдагилар (соликлар) вақтнинг риоятига жуда катта ғайрат қилганлар. Чунки Тангри ҳар бир нафасни эҳтиёт қилгувчини севади».

Вақтнинг жуда ғаниматлигини, қўлдан кетган вақтни орқага қайтариб бўлмаслигини Хожай Жаҳон қуйидагича тасвирлайди: «Вақт - қилич каби кескирдир. Ҳар бандаки ҳар бир соатини ҳаётдан кесади, уни қайтиб қўлга кирита олмайди. Вақтни азиз деб сақланг ва унинг одобини жойига қўйинг. Вақтни азиз тутиш сўфийлар учун лозим бўлган ишлардандир». Улуғ суфий Хожай Жаҳон «доим дунёни охиратнинг зироати эканлигини унутмаслик

керак», дейди. Хожаи Жаҳон умрни - уруғга, ерни - одамга ўхшатади. Одам умрини қандай ўтказса, уруғни шундай эккан бўлади. Ҳар бир айтадиган сўзимизни, қиладиган амалимизнинг оқибатини ўйлашимиз лозим. Оқибатни Хожаи Жаҳон «маъно», «моҳият» деб қарайди. Бу ҳақда мўътабар суфийнинг куйидаги рубойиси ибратдир:

Дилнинг шодлиги жондин яхшироқдир десанг,
Оқибатни андеша қилишинг ундан яхшироқдир.
Оқибат - бу, ақлнинг моҳият ҳақидаги ўйловидир,
Нафас олар экансан, оқибат ҳақида сабоқ олгин.

Агар инсон охиратни тўла андиша қилиб англаса, демак, руҳий жиҳатдан юксак бўлган мартабаларга етади, чунки оқибатни Хожаи Жаҳон абадий моҳият ҳақидаги ўйлов, дейди. Яъни оқибатни андиша қилиш бутун сабабларнинг асл сабаби, бутун оламларнинг жавҳарини англашга олиб келади. Шунинг учун ҳам нафас олар эканмиз, оқибат ҳақида андиша қилишимиз, поклик даражасига эришиш йўллариини ўрганишимиз, буюк шайх ва валийларнинг бу ҳақдаги фикрларидан сабоқ олишимиз лозим.

Абдулҳолик Ғиждувонийдан сўрадиларки: «Муҳосаба нима?» У киши жавоб бердилар: «Муҳосаба - нафасни сақлашдир. Тоқим у беҳуда ўтмасин. Муҳосаба вақтга ва ҳолатга қараб бўлинади. Вақт муҳосабасида солиқнинг кўзи вақтда бўлади. Ҳолат муҳосабасида солиқнинг назари оқибатда бўлади. Муҳосабадан мақсад охирги нафасдир. Муҳоқабадан мақсад - руҳнинг нафс ҳижобидан халос бўлишидир. Муҳосаба нафасни нигоҳдошт, яъни сақлаш билан изоҳланади. Тоқи ғафлат билан бекор ўтмасин».

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд руҳий устози Абдулҳолик Ғиждувонийнинг вақт тўғрисидаги ғояларини давом эттириб, «вуқуфи замоний» - вақтдан, замондан, ҳар нафасдан огоҳ бўлиш, уни назорат этиш, кузатиш тушунчасини ўз таълимоти ва тариқатига киритган.

Мавлоно Яъқуби Чархийнинг айтишича, «Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд менга, оғир ҳолатимга истиғфор этишга, тавба қилишга ва яхши, хуш аҳволимдан шукр этишга амр қилар ва шу икки ҳолатга риоя этиш вуқуфи замоний эканлигини айтар эдилар». Бу сўзларга диққат қилинса, иқтисодий муаммолар билан банд бўлган ҳар бир кишининг ўз руҳий аҳволини мувозанатга келтириб туриши руҳий-психологик маслаҳат сифатида айтилаётганини кўрамиз. Кераксиз

меҳнат, фақат кунни ўтказиш учун қилинган ҳаракатлар ёки моддий бойликни кўпайтириш учунгина уринишлар, фоний олам ғамида ўтказилган дақиқалар бу, вақтни ўлдиришдир. Бундай одам умрини ғафлатда ўтказган бўлади. Абу Ҳамид Муҳаммад ал-Ғаззолий «Эй фарзанд» асарида ўғлига шундай васият қилади: «Ул кишиким, бир соатни беҳудагарчиликка сарф этса, бас, шунинг ўзи пушаймон емоқлик учун кифоядир».

Юқоридаги сўзлардан кўринадики, сўфий ва дарвишларни Баҳоуддин Нақшбанд ҳар бир аниқ, нақд вақтга эътибор бериш, уни ғанимат билишга чақиради. Ўтган вақт ўтди, янгиси келадими-келмайдими, унда бизга яшашга имконни Оллоҳ берадими-йўқми - ноаниқ, аниғи, нақди - бу, ҳозирги вақтдир, шунинг учун ҳам уни ушлаш, абадиятга боғлаш лозим. «Бугунги қила оладиган, имкони бор бўлган ишни эртага қўйма» деган ҳикмат бу фикрлар узра қизил чизик бўлиб ўтади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг "вуқуфи адади" тушунчасини изоҳлашда муҳим манба - XV асрнинг ёзма ёдгорлиги Али Сафийнинг "Рашаҳот айн ул ҳаёт" асарида бу ҳақда шундай ёзилган: "Бу қоидага асосан банда ҳамиша ўз аҳволидан воқиф бўлмоғи лозим, токи ҳар бир сифат ўзгаришида (замонида) банданинг холи нечук кечади, мавжиби шукр бўладими, ёки мавжиби узрми. Бу деган гап, солиқ (Ҳақ йўлидан бораётган киши) ўз умридаги ҳар бир дақиқани, яхшилик (хайр) билан ўтдими ёки ёмонлик (шарр) билан ўтдими, буни доимо ҳисоб-китоб қилиб яшамоғи даркор". Демак, "вуқуфи замоний"га асосан Ҳақ йўлидан бораётган шахс доимо ўз аҳволини назорат қилиши, тўғри иш қилган бўлса шукр қилиши, гуноҳ қилган бўлса истиғфор айтиб, Оллоҳдан мағфират сўраши лозим. Баҳоуддин Нақшбанд бу Ҳақда шундай деганларким: "Муҳосаба (ҳисоб) удирки, ҳар соатда қанча нуқсон бўлса, бозгашт этармиз ва амални янгитдан бошлаймиз".

Ҳазрат Баҳоуддиннинг вақтнинг қадрини билишга оид қуйидаги қудсий каломлари сақлангандир: "Айтар эдилар: "Дарвишлар нақд аҳллари дир, уларга берадиган нарсани нася қилиб бўлмайди".

Байт:

Имруз бин ба дийдаи ботин жамоли дўст,
Эй беҳабар ҳавола ба фардо чи мекуни?¹

¹ Баҳоуддин Балогардон. 97-бет.

Мазмуни:

Бугун ёр жамолини кўнгил кўзи билан кўргин,
Эй беҳабар, буни эртага қолдириб нима қиласан?

"Ас-суфий ибну-л-вақт" сўзи шунга ишорадир. Яъни сўфий вақт ўғлидир.

Байт:

Хирадмандон аз он кас табарро кунад,
Ки у кори имрузаро фардо кунад.¹

Мазмуни:

Ақлли кишилар бугунги ишни эртага кўядиган кишилардан узоқда бўладилар.

Туркияда чиққан "Тасаввуфий ахлоқ" асарида Нақшбандий тариқатида мавжуд бўлган умр муҳосабасини вақтида ишни қилиш деб таърифлаб, қуйидаги назмий парчани келтиради:

Нақди умрни йуқ ерга сарф этма, ғафлат айлайиб,
Ҳар замон тоатда бўл, ғафлатда бахтсиз бўлмагил.
Вақтингга олим бўлиб, тарк айла дурру, нафъини,
Бўлма жоҳил вақтингга, хусрони мазҳар бўлмагил.

Баҳоуддин Нақшбанд шундай деганлар: "Мусибатлар жуда кўпдир, фақат энг буюк мусибат эса, вақтни фойдасиз ва бўш ерга кеткизишдир". Чунки умрнинг ҳар они бирор нарса билан айирбошлаб бўлмайдиган бир жавоҳирдир.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг "вуқуфи замоний" тушунчаси Юсуф Ҳамадоний, Абдулҳолик Ғиждувонийлар томонидан тариқатга киритилган "хуш дар дам" талабининг юксакроқ чўққисидир.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд "хуш дар дам" талабига оид фикрларида вақт, замон, дақиқага оид фикрини билдирган. У киши шундай деган: "Бу ишда (яъни Ҳақиқатга эришиш учун қилинган амалиётда) асос нафасдадур. Ҳар қандай замон (вақт) ва ҳолатда ўтмишни тафаккур этишдан то келажакни фикрлашгача нафаснинг зое кетишига, яъни беҳуда сарфланишига йўл қўймаслик керак. Нафасни олиш ва чиқариш вақтида нафаслар орасидаги вақтни

¹ Ўша асар.

ҳимоя этишга саъй қилсинлар, токим ғафлат билан кириб чиқмасин."¹

Манбадан келтирилган бу парчадан кўринмоқдаки, Баҳоуддин ҳар бир нафаснинг кириши ва чиқиши ва нафаслар орасидаги вақтни ҳимоя этишга чақиради. У нафасни йўқотишни тариқатни йўқотиш, йўлдан адашиш билан тенглаштиради. Бир нафас ҳам ғафлат билан ўтмаслигига ундайди.

Демак, вақтнинг қадрини билиш бизни ҳар томонлама юксалтиради.

6.ЛАДУНИЙ ИЛМ САБОҚЛАРИ

Баҳоуддин Нақшбанд эътибор берган масалалардан бири ладуний илмидир. Л а д у н арабча сўз бўлиб - «олдидан, ёнидан» деган маънони англатади. Қуръони Каримда бу сўз тез – тез такрорланиб туради. Ладуний, асосан, Оллоҳнинг олдидаги, ёнидаги маънони англатади. Ладуний илм деганда Оллоҳдагина бор бўлган ва унинг ёнида бўлган, у истаган кишисига, истаган жой ва вақтда берадиган илм тушунилади.

Баҳоуддин ладуний илм боши вуқуфи ададий дейди. Вуқуфи ададий ладуний илмнинг бошланғич поғонаси экан, унинг ўзи нима? деган савол туғилади. Вуқуфи ададий - «вуқуф» - огоҳлик ва «адад» - сон сўзларидан олинган бўлиб, сондан огоҳлик маъносини билдиради. Бу талабнинг моҳияти оламнинг асли ягона Оллоҳ эканини англаш, тавҳид моҳиятига етишишдир. «Рашаҳот» асарида вуқуфи ададий ҳақида изоҳ берилганда солиқ калимаи таййиба «Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ»ни 1,3,5,7...21 гача тоқ миқдорда такрорласа, қалбида унинг асарини сезади, дейилади. Агар 21 дан кейин асар қилмаса, амаллари ботил деб айтилади. Бу тоқ рақамга риоя қилиш, биринчидан, Оллоҳнинг тоқлигига ишорат бўлса, иккинчидан, санокқа эътибор орқали шахсни меъёрда сақлаш, огоҳлик, хузур билан бу амални бажаришига, ғафлатга юз тутмаслигига эришишдир. Баҳоуддин Нақшбанд мақсад зикрнинг адади (сони) эмас, унинг қалбга бориб етишидир деб уқтиради.

Манбада ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд илми ладуний ҳақида таълим берганда руҳоний устоз, Хожаи Жаҳон номи билан машҳур бўлган Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳаётига оид қуйидагиларни айтган:

¹ “Ҳуш дар дам” ҳақида батафсил маълумот учун қаранг: Наврўзова Г.Нақшбандия таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: Фан, 2005. 185-202-бетлар.

«Бир куни Хожаи Бузург, яъни Хожа Абдулхолик Гиждувоний ўз устозлари билан тафсир ўқир эдилар. Шунда: «Роббингиздан зорланиб, хуфия ҳолда тилак тила, чунки у ҳаддан ошгувчиларни ёқтирмайди» деган Қуръони каримнинг оятига етдилар. Устозлари Мавлоно имом Садриддиндан: «Ҳақ Субҳонаҳу буюрган хуфия қайси ва қандай ҳолда бўлади? Агар зикр айтувчи зикрни овоз чиқариб айтса ёки зикр айтаётганда бирорта аъзосини қимирлатса, бошқалар ундан хабар топиб қолади ва хуфия ошкор бўлади. Агар дилида айтса, «Шайтон одам фарзандлари ичида қон билан оқиб юради» ҳадиси ҳукми бўйича шайтон воқиф бўлади» деб сўрадилар. Устозлари айтди: «Бу илми ладунийдир, «Ва алламнаҳу мин ладунна илман» - «Ва биз унга ўз ҳузуримиздаги илмдан ўргатамиз», Қуръони карим ояти шунга ишоратдир. Агар Ҳақ Субҳонаҳу Таоло хоҳласа, ўз дўстларидан бирортасини етказди ва сенга таълим беради». Ҳазрат Хожа Абдулхолик Гиждувоний мана шу иноятга доимо мунтазир эдилар:

Бутун вужудингни қулоққа айлантириб кутиб ўтир,

Бу интизорликқа назарингни тўла тобеъ қил

(яъни назаринг фақат Оллоҳ томон бўлсин).

Охири, интизор бўлиб кутишлари натижа берди. Хожа Хизр (р.а.) у кишига етдилар ва у кишига вуқуфи ададийни ўргатдилар».

Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаси Муҳаммад Порсо «Фасл ал-хитоб»да бу таълимни қуйидагича баён этади: «Хизр (р.а.) буюрдилар: «Сув ҳавзасига киргин ва сув остига шўнғигин ва қалбингда «Ла илаҳа иллОллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ» дегин». Хожа шундай қилдилар ва бу таълимни олдилар ва уни амалига машғул бўлдилар ва у кишига очилишлар бўлди. Хожа Абдулхолик Гиждувоний шу даражага етдиларки, бир намоз вақтида Маккага бориб келдилар».

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бу таълимотнинг моҳияти ҳақида шундай деганлар: «Ла илаҳа» - илоҳ йўқ дейиш табиат илоҳини инкор этиш, яъни бу, моддий оламдаги ҳеч бир нарсани илоҳ - сажда қиладиган, ундан ёрдам сўрайдиган даражага кўтармасликка етишиш. «ИллОллоҳ» - Оллоҳдан ўзгани деганда эса Маъбуд-Оллоҳнинг ҳақ эканини исботлашдир. Яъни фақат Оллоҳгина ҳақиқий Маъбуд - сажда қилишга, ибодат қилишга, мадад сўрашга муносиблигини билиш ва шунинг англаб етишдир. Ҳазрат Баҳоуддин

такрорлардиларки, зикрдан мақсад зикр айтувчининг калимаи тавҳид («Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ») ҳақиқатига етишишидир, зикрни кўп айтиш шарт эмас».

Демак, ҳазратнинг фикрича, вукуфи ададийдан мақсад зикрнинг қалбга етиши ва бутун оламдаги мавжудотларнинг фоний, ўзгарувчанлиги, фақатгина Оллоҳ боқий, азалий ва абадий эканлигини англашидир. Бу жараёнда зикр, яъни қалбда Оллоҳни такрорлаб туришнинг аҳамияти катта эканлиги ҳақида ҳазрат Баҳоуддин шундай деганлар:

Зикр кун зикр то туро жон аст,
Покиш дил зи зикри Раҳмон аст.
Гар ту фориг шави аз зикр ба зикр,
Зикри хуфия, ки гуфтаанд он аст.

Мазмуни:

Зикр қил, зикр, то танангда жонинг бор,
Чунки қалбингнинг поклиги раҳмоннинг зикридандир.
Сен зикрдан зикрга фориг бўлсанг,
Хуфия деган зикр шудир.

Бир донишманд ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддан: «Калимаи тавҳиднинг ҳақиқати нима?» деб сўрайди. У киши жавоб берган эканлар: «Калимаи тавҳидни айтишдан мақсад Оллоҳ азда ва жалладан бошқа бор нарсани (кўнгилдан) бутунлай кеткизишдир». Ўзлари бутун ҳаётлари давомида доимо қалбни поклаб, унга Оллоҳдан ўзга бирор нарса бўлишига қарши курашганлар. Бу ҳақда у кишидан яна шундай мисра сақланган:

Зи ғайрат хонаи дилро зи ғайрат кардам холи,
Ки ғайратро намешояд дар ин хилват саро будан.

Мазмуни:

Ғайрдан (Оллоҳдан ўзгадан) ғайрат қилиб
қалб уйимни бўшатдим,
Чунки бу хилват саройига ғайр
(Оллоҳдан ўзга)ни бўлиши муносиб эмас.»

Хўш, ладуний илмнинг ўзи нима? Буни ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қуйидагича таърифлаганлар: «Ладуний илм шундай илмдурким, қурб аҳлини (Оллоҳга яқин бўлган кишиларни) илоҳий таълим (яъни Оллоҳнинг ўз инояти билан таълим бериши) ва

раббоний тавҳим (уни ўзи тушунишини ҳам тарбиялаши) ила маълум ва мафҳум (фаҳмлаш) қилади. Бу иш ақлнинг далилисиз ва нақлнинг шоҳидисиз амалга ошади».

Тасаввуфга доир асарларда билиш ҳақида гап кетганда ЯҚИН - тўғри билим, ҳақиқат даражасидаги билим Оллоҳ инояти билан берилади, дейилади. Йирик файласуф олим Франц Роузенталь ҳам «Торжество знания. Концепция знания в средневековом исламе» (Инглизчадан таржима. М., «Наука», 1978.) китобида ИЛМ ва ЯҚИН тушунчаларини таққослайди. Олим яқин илоҳий томонидан берилади деган тушунчани илгари суради. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида бу нуқтаи назар бошқачароқ изоҳланади. Унинг фикрича, ладуний илм билан яқин илми ўртасида фарқ мавжуд: «Ладуний ва яқин илмлар ўртасида фарқ шуки, яқин илми асл зотнинг нури ва илоҳий сифатларини идрок этишдан иборатдир, ладуний илм эса илҳом орқали унинг маъносини ва Ҳаққнинг каломларини фаҳмлай олишдир».

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадикки, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг фикрига кўра, инсон илми яқин орқали Оллоҳнинг зоти ва сифатлари нурини идрок қилади. Ладуний илмда эса у Оллоҳ илҳоми орқали улар маъносини ва Ҳаққнинг каломларини фаҳмлай олади. Баҳоуддин Нақшбанд ладуний илмни яқин илмдан кўра юқори даражада ва бутун оламдаги илмларнинг энг юксаги деб қарайди. Чунки гап бу нурларни кўришда эмас, асл мақсад - уларнинг маъносини англашдир.

Қуръони каримга кўра, Оллоҳнинг одамни яратишдан мақсади унинг устунлигини бутун фаришталари олдида кўрсатишдир, бунинг далили унинг Оллоҳ каломи - сўзларини билишидир. Тасаввуф аҳлининг ботиний илм аҳли деб ҳам айтилишига сабаб уларнинг Қуръони карим, ҳадиси шарифлардаги илоҳий пок қудсий каломларнинг ботиний (яширин) моҳиятини кўра билганликларида.

Нақшбандийликка оид манбаларда ладуний илм қуйидаги уч йўл билан берилиши кўрсатилган:

1. Ваҳий орқали пайғамбарларга;
2. Илҳом орқали муқаддас шахслар - валийларга;
3. Интуиция (фаросат) орқали - сўфийларга.

Қуръонда зикри келтирилган 25 пайғамбар ҳақидаги «Пайғамбарлар қиссаси» китобида пайғамбарларга илму маърифат қалбга солиш, инсон қиёфасига кирган фариштадан бевосита эшитиш, уйқусида аниқ тушлар кўриш ва бошқа руҳий воситалар орқали берилиши ва бу таълим ваҳий деб аталиши таъкидланган.

Пайғамбарларга асосан фаришта Жаброил орқали ваҳий тушган. Мусо пайғамбар Тур тоғида бевосита Оллоҳ каломини эшитгани учун «Қисас-ул анбиё» да унга калимуллоҳ деган сифат берилган.

Валийлар ҳаётига доир маноқиб ва мақомотларда таъкидланишича, Оллоҳ ладуний илмини Хизр - доимий тирик бўлган, илми ниҳоятда баланд, абадий барҳаёт зот орқали беради. «Фарҳанги забони форсий»да ладуний илм ҳақида шундай дейилган: «Ладуний - табиат ва зехннинг иштирокисиз, жидду жаҳд қилмасдан, Оллоҳ томонидан ато этиладиган, Оллоҳ берган дегани. Ладуний илм - Оллоҳ берган билим бўлиб, устоз таълимотисиз ва ўзининг ҳаракатисиз ғайбдан ҳосил бўлади».

Тасаввуфда илм турлича гуруҳланади. Буни шартли равишда қуйидагича кўрсатиш мумкин:

1. Соликнинг даражаси билан боғлиқ бўлган илми шариат, илми тариқат, илми маърифат, илми ҳақиқат.

2. Илмнинг хусусияти билан боғлиқ бўлган илми назар - экзотеризм, илми ботин - эзотеризм.

3. Соликнинг илми эгаллаш ҳолатига боғлиқ бўлган илми қол ва илми ҳол.

4. Сўфийлар ҳаётидаги воқеалар билан боғлиқ бўлган илми каромат, туш таъбири, қалб таълими.

5. Бу илмнинг етишиш усуллари билан боғлиқ бўлган илми яқин, илми фаросат ва илми ладуний.

Баҳоуддин Нақшбанд мана шу илмларнинг олийси - илми ладунийни илоҳий файз билан қабул этиш учун Оллоҳ берган бутун неъматлар - тана ва руҳ қувватларини фақат унинг ризолиги учун хизмат қилдириш, «Даст ба кору, дил ба Ёр» даражасида бўлиши лозимлигини айтганлар. Бу йўлда қилинган ҳар бир ҳаракатни мукамал ҳаракат деб номлаганлар:

Изловчи эмас, агар сени изламаса,
Изловчидир, у гар сени изламоқда.

Бу сўзлар орқали инсон ҳар бир ҳаракати билан сабабларнинг сабаби бўлган асл нарсани излаши, уни кўриш, моҳиятига етишиш учун ҳаракатда бўлмоғи кераклиги уқтирилмоқда.

Демак, ладуний илм илмларнинг энг юксаги бўлиб, уни Оллоҳнинг ўзи қалби пок, амаллари холис кишига беради. Таваккал ва ризо мақомлари эса кишини бу даражага тайёрлар экан.

7. “ВАЛИЙ” ТУШУНЧАСИ

Сирли оламнинг кишиларни ҳайратга солган ва солаётган муаммолардан бири ғайриоддий қобилиятга эга бўлган одамларнинг фаолияти билан боғлиқ воқеа ва ҳодисалардир. Ғоят қобилиятли кишиларнинг олий даражаси анбиё-набийлар, Оллоҳнинг пайғомини халққа етказувчи пайғамбарлар ва авлиё-валийлар деган номлар билан аталган. Бундай одамларнинг каромат ва мўъжизалари хусусида кўпгина асарлар ёзиб қолдирилган. Шўролар даврида булар ҳақида айтилган фикрларга «афсона» деб қараларди. Оқибатда фанимизнинг бу соҳаси махсус ўрганилмай келинди. Шунинг учун ҳам анбиё ва авлиёлар ҳақида илмий тасаввуримиз анча саёздир.

Тасаввуф фалсафасида «комил инсон» тушунчаси талқинида анбиё ва авлиёларга ҳам махсус тўхталиб ўтилган. Одамнинг моҳиятини тўғри англашда бу даражага етган зотларнинг алоҳида фазилятлари баён этилган.

Баҳоуддин Нақшбанд номи билан асосланган Нақшбандия сулуки ҳам валоят ва валий тушунчасига доир ўз таълимотини яратган. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт-фаолиятларига тааллуқли муҳим манба саналган XIV асрнинг нодир ёзма манбаларидан бири Салоҳиддин Ибн Муборак ал-Бухорийнинг «Анис ат-толибин ва уддат-ус-соликин» («Толиблар - ҳақиқат йўлидан борувчиларнинг дўсти ва солиқ - сулук йўлидан борувчиларнинг ғамламаси, жамғармаси») асарининг биринчи қисми «Дар маърифати валоят ва валий» («Валий ва валийлик маърифатига доир») деб номланади. Бу бобда Нақшбандия таълимотининг валийликка оид тушунчалари назарий жиҳатдан очиқ берилади. Шу асар таҳлили асосида биз зикр этилган сулукнинг валийликка муносабатини очиқ беришга уриниб кўрамиз. Албатта, бу Нақшбандия каби жуда кенг ёйилган таълимотнинг, хусусан ана шу соҳадаги қарашларининг бир қирраси бўлади, холос. Лекин муҳими шуки, Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан сўнг «Анис ут-толибин» биринчи бўлиб бу таълимот ва унинг асосчиси ҳаётига доир ёзилган.

Асарда таъкидланишича, «валоят н у р д а н иборатдир». Бу нур Оллоҳ инояти ила и б о д нинг қ а л б ини тўлдиради ва натижада исломининг ҳ а қ и қ и й нури яқинда жамол кўрсатади. Асарда таъкидланмоқдаки, валоят даражасига етишда Оллоҳнинг инояти шарт. Илоҳий нур - нури яқин - аниқ, тўғри нур бўлгани ила бошқа нурлардан фарқ қилади ва шу нур ила тўлган қалб - валий қалби

бўлади. Унга ислом ўзининг ҳ а қ и қ и й кўринишида намоён бўлади.

«Анис ут-толибин» ва бошқа Нақшбандия тариқатига оид манбалар таҳлили кўрсатадики, кўп назарий масалаларни ечишда бу сулук Хожа Муҳаммад бин Али Ҳаким Термизий (IX асрнинг охирида вафот этган) асарларидан ғоявий манба сифатида фойдаланган. Валийликка дахлдор масалаларда ҳам бу аллома асарларидан иқтибослар келтирилган.

Ал - Ҳаким Абу Абдулло Муҳаммад бин Али Ўрта Осиёда тасаввуфнинг энг йирик намояндаларидан бўлган ва ҳозиргача чуқур ўрганилмаган мутасаввифдир. У Термизда туғилган, саккиз ёшдан диний билимларни чуқур ўрганган, йигирма саккиз ёшида Маккага бориб ҳаж қилган. Ҳаждан сўнг у сўфийлик йўлига кирган. Унинг валийлик масалаларига бағишланган «Хатм ул-авлиё» асари жуда машҳур бўлган. Асарда Ҳаким Термизий авлиё ва пайғамбарларни таққослайди, улар ўртасидаги ўхшашликлар ва фарқларни баён этади. Унинг фикрича, авлиёларнинг ҳам хатми ва муҳри бўлади. М у х р авлиёнинг мукамаллигидан далолат беради. Лекин ҳамма авлиё ҳам бу даражага етган эмас. Валийларнинг ўзлари ҳам маълум поғоналарда туришлари билан фарқланадилар. Уларнинг олийсини Ҳаким Термизий қ у т б деган ном билан юритади. Ана шу кутб даражасига авлиёларнинг хатми ўтказилиши ва муҳри бўлганлиги таъкидланади. Дарҳақиқат, Бухоро шаҳрида ҳозирги кунгача қодирия тариқатининг асосчиси Ғавсул Аъзам, яъни Пири Дастгир номлари билан машҳур Абдулқодир Гилонийга бағишлаб «Хатми ёздаҳ» ёки «Хатми Пири Дастгир» ўтказилади ва Пири Дастгирнинг муҳри ҳам мавжуд.

Валий ва валоят даражаларини тўлиқроқ англаш учун маърифат тушунчасини тушуниб етмоқ лозим. Ат-Термизий маърифатни инсонга муяссар бўладиган билимларнинг энг юксаги, деб таъриф беради. Уни илоҳий нур билан тенглаштиради. Бу илоҳий нурни инсон ўз қалбидагина сақлашини айтади. Бошқа оддий и л млардан фарқли ҳолда маърифат илми ғайб, илми илоҳий, илми ладунийни англаб, оламнинг асл моҳиятига етишга ёрдам беради. Агар илмни ўқиш жараёнида ҳар бир оддий киши ҳам эгаллай олса, маърифатни фақат барча башарий истаклардан покланган қалб эгасига Оллоҳ инояти ила берилади. Авлиёлар ана шу маърифатга эга бўлган илми ғайбни, олам сир-асрорини тушунган кишилар бўлиб, бошқа диндорлардан ана шу зикр этилган хусусиятлари ила фарқ қиладилар. Авлиёлар илоҳий илҳом ила ғайбни кашф этадилар.

Адабиётларда авлиёларнинг асосий хусусиятлари бу - каромат қила олишдир, деб кўрсатилади. Анбиёга мўъжиза кўрсатиш хос бўлса, валийларда каромат хосдир, деб айтилади. Ўзи валий дегани “вов”-в, “лам”-л, “ий”-й илдизидан келиб чиққан арабча сўздан олинган бўлиб, Оллоҳга яқин, унинг дўсти ва ҳатто севишгани деган маънони англатади. Авлиё - валий сўзининг кўплигидир. Валий Оллоҳга яқин бўлганидан унинг қудратини маълум миқдорда эгаллаган. Валийдан кароматларнинг зоҳир бўлиши, ундаги ғайриоддий ҳаракатларнинг ҳаммаси «шарафи қурбат, муҳаббати Ҳақ ила мушарраф ва махсус ўлур». Авлиёлардан зухур этиладиган барча ҳолатлар ул Оллоҳ нурининг партавиндандир.

Адабиётларда валийлардан қуйидаги кароматлар зухур этилиши кўрсатилади: сув устида юриш, катта масофани тез босиб ўтиш, душман, очлик, ташналик ва ёввойи ҳайвонларнинг хавфидан қутқариш ва улар дуосининг маълум кучга эга бўлиши ва ҳоказолар.

Нақшбандия таълимотида валийликнинг белгиси кўпинча каромат деб ёзилса-да, лекин унга хос кўпгина бошқа фазилатларнинг ҳам борлигини адабиётларда қайд этиб ўтилади.

Бу таълимотга кўра, валийни кўрган киши Оллоҳга зикр этади, унинг яратган бу ноёб зотига қараб ҳайратга тушади, «Қалби валий маъдани анвори жалолдир. Валий юзидаги нур ва латофат валий қалбидаги ана шу анвордандур. Ул нурнинг акси валийнинг сиймосидан зоҳир ўлур ва ҳар ким унинг юзига назар айласа ул киши Ҳақ таолони ёд этар ва унинг зикрига машғул ўлур».

Шунингдек, валийларга муносиб хусусиятлардан яна бири сифатида, бу таълимот ва валийлар суҳбатига мушарраф шахснинг ўзидаги башарий истаклардан воз кечиб, малакий даражали сифатларга эга бўлиши ҳам иншо этилган.

Валий суҳбатига мушарраф шахс ўзидаги гил-тупроқ ва сувдан тузилган тана истакларидан воз кечади ва юксалади, деган фикрни Нақшбандия тариқати ғояларини шакллантиришда сарчашма бўлган, хожагон тариқатининг йирик мутасаввифи Хожа Али Рометаний - Ҳазрати Азизон қуйидагича баён этади:

Бо ҳар ки нишастию нашуд жамъ дилат,
Аз ту нараמיד захмати обу гилат.
Зинҳор аз он қавм гурезон мебош,
Варна накунад руҳи Азизон биҳилат.

Мазмуни:

Суҳбатдошинг ила қалбинг ноҷам,
Йўқолмади сендан сув-гил захмати ҳам.

Демак, ундайлардан узоқлашмасанг,
Азизон руҳи ҳам бўлмас хотиржам.

Ҳазрати Азизоннинг фикрича, ҳақиқий валий суҳбатига етишган шахс қалби сокин, соф, пок бўлиб, ўзидаги сув-гил заҳматидан қутулиб юксалади ва т а в ҳ и дни англай боради. Лекин сохта авлиёлар билан суҳбатлашиб, сенда башарий истаклардан қутулиш каби сифатий ўзгариш бўлмаса, ундай кишилардан тезроқ қочиш керак, деган фикрни уқтиради.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд валийликнинг учта хусусияти бор, деб қуйидаги фикрни баён этади:

Се нишон бувад валиро, зи нахуст он бамаъни,
Ки чу рӯи ў бубини, дили ту бар ў гарояд.
Дуввум он, ки дар мажолис, чун сухан кунад зи маъни,
Ҳаммаро зи ҳастий худ б-ҳадис мерабояд.
Севвум, он бувад б-маъни вали аҳаси олам,
Ки зи ҳеч узв ўро ҳаракоти бад наёяд.

Мазмуни:

Уч белги бор валийда, биринчиси у бамаъни,
Унинг юзини кўрган заҳоти дилингни ром этади,
Иккинчиси, агар мажлисдаги маъноли сўзини эшитсанг,
У бутун борлиғи ва сўзи билан ҳаммани ўзига мафтун этади.
Учинчидан, валий маъно жиҳатидан оламдаги махсус кишидир,
Унинг бирор узвидан ҳам ёмонлик келмайди.

«Мақомоти Ҳазрати Хожа Нақшбанд» деган асарда валийликнинг юксак поғоналаридан бирида турган абдол ҳақида шундай ёзилган:

Кист абдол? Дон ки ў мубаддал шавад,
Ҳамираш аз таҳлили Яздон ҳал шавад.

Мазмуни:

Абдол кимдур? Унинг вужудга келишида,
Ҳамири Оллоҳ таҳлили ила ҳосил ўлур.

Яъни, валийлар катта куч ва қудратга эга бўлсалар-да, улар томонидан бирор ёмон ҳаракат зоҳир бўлмайди, чунки уларнинг ҳамирлари Оллоҳ таҳлилидан ўтказиб қорилган. Улар табиатан ҳамма узвлари яхши «ҳамир» билан қорилган бандалардирлар. Бу

борада буюк Абу Али ибн Синонинг ҳам қуйидаги фикри тўғридир: авлиёлардан зоҳир бўладиган ғайриоддий ҳаракатларнинг ҳаммаси уларнинг тана тузилиши ва табиий хусусиятлари билан муштаракдир. Уларнинг ўз қалбларини поклаши, ўзларини риёзат ила Оллоҳ даражасига юксалтириши бу хусусиятларни янада оширади.

Манбаларда кўрсатилишича, Нақшбандия таълимотида валийлар «Мардони Худо» - Оллоҳнинг Эранлари, деган ном билан юритилиб, қуйидагича таъриф берилган:

Мардони Худо Худо набошанд,
Лекин зи Худо жудо набошад.

Мазмуни:

Авлиёлар (Худонинг эранлари) Худо эмас,
Лекин улар ҳеч қачон Худодан ҳам жудо эмас.

Яъни: валийлар Худо кишиларидирлар. Улар Оллоҳ бўлмасалар-да, лекин ундан ҳеч қачон йироқда бўлмаганлар ва айри эмаслар. Валийлар Оллоҳга энг яқин кишилардирлар. Нақшбандия тариқатида валийлардаги кўп хусусиятлар илоҳий куч инояти ила зуҳур бўлиши айтилади ва шунинг учун ҳам уни инкор этиш қаттиқ қораланади.

Эй, авлиёи Ҳақро аз Ҳақ жудо шуморид,
Гар зан ник дори бо авлиё чи боши?

Мазмуни:

Эй авлиё Оллоҳни Оллоҳдан узоқ деяётган,
Ниятинг яхши бўлса, авлиё билан нима ишинг бор?

Валий Ҳақ кўнглига тўлдирган нур ила сўзласа, шу нур ила кўрса ва эшитса, албатта, унинг кўрганлари, сўзлари ва эшитганлари ғоят гўзал бўларди, чунки Оллоҳ мутлақ Гўзалликдир. Валийни кўрган кишилар, унинг сўзларини эшитганлар бу Олий Гўзаллик тажаллиётидан хабар топганларидан унинг жамолига ошиқ бўлиб, камолотига ҳайрону лол қоладилар. Баҳоуддин Нақшбанд бу ҳақда шундай деган эди:

Девона шавад касе ки бинад руҳи мо,
Кам гард ба гирди мо чун девонаи.

Мазмуни:

Бизнинг юзимизни кўрган киши ақлидан айрилур,
Камроқ атрофимизда айлангин, сен ҳали ақлсизсан.

Баҳоуддин Нақшбанд бу мисралар орқали, бир томондан, валийлар гўзаллиги киши ақлини лол этишини таъкидласа, иккинчидан, валийлар билан ҳамсухбат бўлиш, уларнинг сўзларини ва тутган йўлларини тушуниш учун махсус тайёргарлик кераклигини айтади. Валий билан муомалада истеъдодсиз, ақлсиз кишиларга қарата «камроқ валий атрофида бўлиш»ни, чунки улар билан муомала қилиш учун ҳали ақл даражалари камроқ эканини маслаҳат бериб айтади.

Нақшбандия таълимотида валийларни б о т и н и й к ў з г а эга бўлганлар, з и н д а д и л о н - тирик қалб эгалари, деган номлар билан ҳам юритадилар. Улар ҳ а қ в а б о т и л орасидаги фарқни кўра оладилар, чунки Ҳақ Субҳонаҳу ва Таоло валийларнинг ақлларини оддий одамларникидан зиёда айлаган. Натижада з о ҳ и р илмга эга кишилар фаҳми етмайдиган ва идроки ожиз бўлган нарсаларни улар англаш ва фаҳмлашга қодирдирлар. Чунки уларда қалб кўзи очикдир.

Мункир чи шуди зи ҳолати зиндадилон?

Эй ҳар чи туро нест касеро набувад!

Мазмуни:

Нега қалб кўзи борлар ҳолатини инкор этасан?

Сенда бўлмаган нарсани ўзгаларга ҳам йўқ деювчи!

Дарҳақиқат, зоҳирий билимга эга одамлар қалб кўзига эга бўлган зиндадиллар ҳолатини тушунолмайдилар ва шунинг учун ҳам инкор этадилар. Бу ҳолатни тушуниш учун тасаввуфда «қол» ва «ҳол» илми ҳақида гап кетади. Қ о л - бу сўз илми, яъни ташқи томонини кўриб сўз ила муҳокамалаб етилган даража бўлса, ҳ о л – Оллоҳ билан яқинлашиб, шу даражада юксалиб, илоҳий, ғайб илми ёки илми ладунийни эгаллаган ва оламнинг асл моҳиятини англай олиш даражасига етган кишилар тушунилади. Қ о л илми ҳ о л илмига нисбатан жуда паст ва саёз, қ о л илмига эга кишиларга нисбатан ҳ о л илмига эга зотлар жуда юксак бўлганлар. Бу ҳақда қуйидаги сатрлар диққатга сазовордир:

Гарна илме ҳол фавқе қол буди, кай шудй,

Банда аёни Бухоро хожаи Нассочро!

Мазмуни:

Ҳол илми қай даражада қол илмидан юксак бўлганидек,
Хожаи Нассожга Бухоронинг аъёнлари тенг бўла олмайдилар.

Нассож - тўқувчи дегани бўлиб, бу байт Хожа Али Рометанийга нисбатан айтилган, чунки у тўқувчилик касби билан шуғулланиб, ҳол даражасига етишган орифлардан ҳисобланади.

«Анис ут-толибин» асарида авлиёларни даражалаш масалаларига доир Боязид Бистомийнинг фикрлари ҳам келтирилади. Мўминлик даражасининг ниҳояси авлиёлик даражаси деб, ундан сўнг шуҳадо, сиддиқо, анбиё расул, авлиё ул-аъзам ва охири - ниҳояси бўлмаган даража мустафо деб айтилади. Мўмин шариатнинг ташқи томонларини қабул қилибгина қолмай, унга қалбан амал этган иймонли мусулмондир. Қалбини поклаш орқали валийлик даражасида юксалса, Оллоҳ нурини кўрган ҳолда шоҳид-гувоҳ бўлганлар шуҳадо даражасига етишадилар. Шуҳадоликдан сўнг Оллоҳга сидқ билан боғланиб, сиддиқлар даражасига кўтариладилар. Ундан кейин эса юксаклик даражаси набий ва расул ҳисобланади. Лекин мустафодан олдин, расул ва мустафо орасида авлиёи аъзам, яъни қ у т б даражасига етган авлиёлар борлиги кўрсатиб ўтилмоқда. Булар мустафо даражасига яқин турганлар.

Нақшбандия таълимотига кўра, уларда валийлик даражасига етганлар иккига бўлинади. Биринчиси, муршид раҳбарлигида риёзат чекиб, қалбини софлаган ҳолда шу даражага етганлар. Лекин бунда ўз башарий истакларини ўлдириш жуда қийин ва иккинчидан, Оллоҳнинг ўзи уларни тарбия қиладиган кишилар. «Анис ут-толибин» асарида бундай валийларни мажзуб - жазб қилинган, тортилган, деган сўзлар билан таърифланган. Валийларнинг бу тури и л ҳ о м тариқи ила қалб ва лисонларидан каломи ҳикмат иншо этилиши таъкидланади. Яъни Оллоҳнинг нури уларнинг қалбига илҳом ила кирган ва улар бу илоҳий нур орқали шундай сифатга эга бўлган зотлардир. Ҳозирги илмий тадқиқотлар тили билан айтганимизда, валийлар бу даражасининг латиф қувват - био-энергия майдони бемалол олам қувват-аҳбор қатлами билан алоқа қилишга қодир бўлади, шунинг учун ҳам улар ўзгалардан ажралиб турадилар.

Манбаларда кўрсатилишича, Баҳоуддин Нақшбанддан: «Сизнинг сулукинги бу йўлни касб этганми ёки сизлар аҳли жузбами?» - деб сўраганларида: «Бизларни Оллоҳнинг ўзи парвариш этган», - деб жавоб берган. Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзи у в а й с и

й бўлганлиги ва бу тариқатнинг аҳли жузбалиги ўша зотларнинг файзлари чексиз эканидан далолат беради.

Нақшбандия тариқатида авлиё муҳаббатига сазовор бўлиш чексиз саодат экани кўрсатиларкан, ёзилади:

Гар ту моро дўст дори бардавом,
Зуд аз дунё бароремат тамом.

Мазмуни:

Агарда сен бизни чиндан севсанг,
Сени тезда бу дунёдан қутқазамиз.

Авлиёларга чексиз муҳаббат қўйиб, уларнинг илтифотига сазовор бўлганлар, улар назарига тушиб, суҳбатига эришганлар тезда ўзларининг башарий истакларида ўлиб, рухий - малакий оламда тирилиб, бақолик ҳолатига етишлари мумкин.

Валийлар илҳом орқали илоҳий нурни кашф этсалар, анбиё ваҳий орқали Оллоҳ сўзларидан баҳраманд бўладилар. Ибн Арабий ҳам валий дегани ҳали пайғамбар дегани эмас, деб таъкидлайди.

Муҳаммад Порсо валийлар ўз иродаларини тўла Оллоҳ иродасига тобеъ қилганлари ва улардаги барча хусусиятлар илоҳий фазилятга эга деб, шундай баён этади:

Авлиёро ҳаст қудрат аз Худо,
Тири жаста боз гардонад зи роҳ.

Мазмуни:

Авлиёларнинг қудрати Илоҳдандир.
Учаётган ўқни улар қайтара оладилар.

Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзи ҳам бу ҳақда шундай ёзади:

Мо ихтиёри хеш ҳам аз даст додаем,
Ки он ихтиёри дўст ҳамаи ихтиёри мост.

Мазмуни:

Биз ўз ихтиёримизни тўла Оллоҳга берганмиз,
Дўстимиз - Оллоҳ ихтиёри бизнинг, ихтиёримиз.

Демак, Нақшбандия таълимотида валийлик ва валоят даражаси хусусидаги масалага катта эътибор берилган. Шунинг учун ҳам бу таълимотга оид биринчи ёзма манба айнан валийлик ва валоят маърифати хусусидаги боб билан бошланади. Асарда Баҳоуддин Нақшбанддан зоҳир бўлган кароматларга махсус фасл ҳам ажратилгандир.

V. МАНБАЛАР ТИЛГА КИРГАНДА...

1. “АНИСАТ - ТОЛИБИН” АСАРИНИНГ БУХОРО НУСХАСИ

Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд номи билан машҳур бўлмиш Муҳаммад ал-Бухорий ҳаёти ва таълимоти ҳақида асосий ёзма манбаларнинг энг муҳимларидан бири “Анис ат-толибин” асаридир.

Бухоро давлат музейи ҳузурида ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар Академияси Абурайхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Бухоро бўлимида бу асарнинг қўлёзма нусхаси 27772/11 тартиб рақами билан Салоҳ бинни Муборак ал-Бухорийнинг “Мақомоти Нақшбандия” асари сифатида қайд этиб сақланмоқда. Бу манбани таржима ва таҳлил этиш жараёнида асарнинг муаллифи, номи, таркиби ва хусусияти ҳақида аниқланган масалалар юзасидан фикримизни билдирмоқчимиз.

Асарнинг муаллифи ҳақида манбалар, тадқиқотларда икки хил қараш мавжуд. Шарқшунос олим А.Т.Тагиржанов Санкт-Петербургда сақланган тожик ва форс тилидаги қўлёзмалар каталогини тузиб, “Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин”¹ асари ҳақида батафсил тўхталган. У қатор мантикий мулоҳазалар асосида бу асарнинг муаллифини Муҳаммад Порсо деб исбот этишга уринади.² “Ислом” қомусий луғатида Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги мақоланинг адабиётлар рўйхатида ҳам бу асарнинг муаллифи сифатида Муҳаммад Порсо кўрсатилган.³ Нақшбандийлик мафкурасига доир чоп этилган охириги илмий асарлардан бирида ҳам Муҳаммад Порсо асари сифатида “Анис ат-толибин” тилга олиниб, тавсиф этилади.⁴

Бу асарнинг муаллифи Муҳаммад Порсо эмас, балки Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорий деган фикрни А.А.Семёнов,⁵ айтади. Бу ғоя Туркияда чоп этилган “Ислом” қомусида ҳам қайд этилган.⁶

¹ Тагиржанов А.Т. Описание таджикских и персидских рукописей Ленинградского государственного университета. –Л.: Изд-во ЛГУ, 1962, -с. 132-134, 286-310.

² Қаранг: Ўша асар. – 287-288-бетлар.

³ Акимовский О.Ф. Нақшбанд//Ислам. Энциклопедический словарь.-М: Наука, 1991-с. 186.

⁴ Муҳаммадходжаев А. Идеология нақшбандизма – Душанбе; Дониш, 1991 – с. 77.

⁵ Семёнов А.А. Бухарский шейх Баҳоуддин//Восточный сборник в честь А.Н.Веселовского. –М., 1914. - с. 294.

⁶ Ислом энциклопедияси. – Истамбул, 1914. –Т. 9. -54-бет (турк тилида).

“Анис ат-толибин”нинг Бухоро музейи нусхасида муаллиф ўзини “заиф банда Салох бин Муборак ал-Бухорий”¹ деб айтади. У ҳижрий 785 йили валийлар муршиди хожа Алоуддин Аттор хизматига кирганлигини ёзади. Шу кишининг воситаси билан “орифларнинг кудратлиси, мукаммалларнинг кутби” бўлган ҳазрат шайх Баҳоуддин Нақшбанд жанобларининг назари қабулига мушарраф бўлганлигини ёзади. Салох бин Муборак ўзи бевосита Ҳазрат Хожани кўрганини айтиб, у кишига шундай тавсиф беради:

Гар бигуем васфи шарҳаш, бардавом,
Бигузарад умр ва нагардад у тамом.²

Мазмуни:

Унинг сифатлари шарҳини батафсил айтсак,
Умр ўтадию, у тугамайди.

Асарнинг муаллифи Ҳазрат Хожани кўриб, у киши суҳбатларидан шарафёб бўлганидан кейин, унда у киши тариқати ҳақидаги маълумотларни жамлашнинг кучли истаги туғилган. Бу тўғрида у шундай ёзади:

Гар маро аз ҳоли мардон нест бахр,
Зикри он беҳтар, ки андар ком захр.

Мазмуни:

Агарки менда сўфийларга хос ҳол сифати йўқ экан,
Унинг зикри – томоқдаги захрдан яхшироқ.

Бу мисралар Салоҳ ибн Муборакни Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг тариқатини ёритиш билан келгуси авлодларни баҳраманд этишни олдига мақсад қилиб қўйганлигидан далолат беради.

Бухоро музейида сақланаётган китобнинг ўзи асарнинг муаллифи Салоҳиддин Муборак эканлигидан гувоҳлик берувчи асосий далилдир. “Анис ат-толибин”нинг бу қўлёзма нусхаси билан тош босма нусхаларини, асл форсий тилда ёзгани билан турк тилидаги таржимасини таққослаш ва таҳлил этиш асосида ҳам асарнинг муаллифи Салоҳиддин Муборак ал-Бухорий эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

¹ Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорий. Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин. 1267 ҳижрий йилда кўчирилган. Бухоро музейида 27772/11 рақам билан сақланаётган қўлёзма нусхаси, 36 варақ.

² Ўша асар. 36 ва 4а варақлар.

Асарнинг Бухоро музейи нусхасининг 1506 варакида бу нусха ҳижрий 1267 милодий 1850/51 йилларда кўчирилганлиги қайд этилган. Душанбе шаҳридаги Фирдавсий номли Давлат кутубхонасининг қўлёзмалар бўлими 445-сонли нусхаси билан танишдик. У ҳижрий 1226 милодий 1811/12 йилда Сулаймон Иззий томонидан турк тилига таржима қилинган. Али Каррий бу таржима қўлёзмасини турк тилидаги нусхалар билан таққослаб, ҳижрий 1328 милодий 1910/11 йилда тош босмада нашр этган. Демак, турк тилидаги таржима нусхаси 40 йил олдин ёзилган. Унда ҳам асарнинг муаллифи Салоҳ ибн Муборак эканлиги қайд этилган.

“Анис ат-толибин” асарининг муаллифи Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорий эканлигига бошқа муҳим далиллардан бири ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва таълимотига оид асосий манбалардан бўлмиш Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти ҳазрати хожа Нақшбанд” асарида келтирилган фикрдир. Бу манбада нақл этилишича, бир кишининг ўн фарзанди вафот этади. Баҳоуддин Нақшбанд ёрдами билан у қайта бир қиз ва икки ўғилли бўлади. “Мақомот”да таъкидланади: “Мавлоно Салоҳ ад-дин, соҳиби “Анис ат-толибин” навишта ки дар он вақте, ки ин асар ва алтофи илоҳи дар калам маоварда, он дарвиш бо он ду писар дар он мажлис зоҳир буданд”.¹ Мазмуни: “Анис ат-толибин” асарининг муаллифи бўлган Салоҳ ад-дин Муборак ёзадики, бу илоҳий лутф ва осорни қаламга олаётган вақтда ўша дарвиш икки ўғли билан, ўша мажлисда кўринди”.

Муҳаммад Боқир томонидан келтирилган бу нақл, биринчидан, “Анис ат-толибин” асарининг муаллифи Салоҳ ад-дин Муборак эканлигини кўрсатса, иккинчидан, “Мақомот”ни ёзишда бу асар манба бўлганлигидан далолат беради. Диққатга сазовор далил шуки, “Мақомот”да келтирилган шу нақл “Анис ат-толибин” асарида ҳам келтирилади ва муаллиф бу воқеани қаламда олаётганимда “бу дарвиш икки ўғли билан шу мажлисда бор эди” деб ёзади. Демак, икки асарда келтирилган маълумот бир-бирига мос келади.

“Анис ат-толибин” асарининг муаллифи Салоҳ аддин ибн Муборак эканлигини исботловчи ҳужжатлардан яна бири шарқшунос олим О.Ф.Акимовнинг Санкт Петербургдан 10 апрель, 1992 йилда Бухорога Б.А.Казаковга ёзган мактубидир. Унда бу масала қуйидагича ёзилгандир:

¹ Абул-Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Ҳазрати Хожа Нақшбанд. Бухоро. Бухорои Шариф матбааси, 1327 ҳижрий, 150 бет.

“. . .”Анис”. . . дошло до нас в 2-х редакциях; не версиях, а редакция! Первая не имеет в тексте имени автора, хотя он говорит, что пользовался советом и воспоминаниями ходжи Аттара-халифы, приводит дату 791 г.х.-год смерти Нақшбанда и полное название «Анис». Но ко всему сочинению имеется отдельное со своей басмалой предисловие, написанное в третьем лице; в нем указывается, что труд был осуществлен стараниями Ходжи Парса, там же дается описательное название «Макамат», которое впоследствии стало широко распространенным.

Вторая: Там указаны две даты: 785 г.х.-автор Салах б.Муборак приступил к работе, помощ Аттара; 791 г.х.-смерть Нақшбанда, полное название «Анис». . . Отличие второй редакции: нет предисловия от имени Парса, сильно расширено авторское предисловие (раза в 4), добавлены новые рассказы о Нақшбанде.

Вывод: автор обеих редакций Салах б.Муборак ал Бухорий. Но в первой он по каким-то своим соображениям (возможно чисто этически) себя не указал. Дело в том, что его труд прошел редакторскую обработку Мухаммада Парсы, который по современным меркам мог стать либо редактором – соавтором как шеф братсва и патрон автора. Эта знаем мы, что традиция считала Парсу автором первой редакции. Отсюда и его имя в литографированных изданиях».¹

Мактубнинг матнидан маълум бўладики, «Анис ат-толибин» асарининг икки редакцияси мавжуд бўлиб, ҳар иккисининг ҳам муаллифи бир киши – Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорийдир. Шарқшунос олим О.Ф.Акимушкин шу мактубида “Исломи қомусий луғатининг Нақшбандга оид адабиётлар рўйхатида Мухаммад Парсонини бу асар муаллифи сифатида хато қайд этилганини айтади: в библиографии допущены две ошибки в наборе. Идет: «Рисолайи кудсия»; Парса. Анис ат-толибин. Должно быть: Парса, «Рисолайи кудсия»; «Анис ат-толибин». Обратите внимание, в тексте обеих статей я не дал указаний на авторство Мухаммада Парсы. Для меня он редактор первой редакции труда Салах ал-Бухари, который есть автор обеих редакций”.

“Анис ат-толибин”нинг Бухоро музейи нусхаси орқали бу манбанинг ёзилиш тарихини билиш мумкин. Муаллиф кириш сўзида

¹ Акимушкин Ф.нинг Санкт-Петербургда 10 апрель, 1992 йилда Б.А.Казаковга ёзган мактубининг асл нусхаси – Б.А.Казаковнинг шахсий архивида сақланмоқда. У киши лутф билан кўрсатган ёрдамларидан мактубнинг нусхаси асар муаллифининг шахсий архивида ҳам мавжуд.

ёзадики, бундай асар ёзиш истагини Баҳоуддин Нақшбандга билдирилганда, у тириклик вақтида розилик бермаган. Ҳижрий 791 йил рабиул аввал ойининг учинчисида душанбе кечаси Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бу фоний оламдан боқий оламга томон рихлат қилади.¹ Шундан сўнг муаллиф асарни ёзишни бошлаган ва шу йили тугатган.

“Анис ат-толибин” асари манбаларда турли номлар билан қайд этилган. Уни “Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин”,² “Мақомоти Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд”³ номлари билан тилга оладилар. Асарнинг Бухоро музейи нусхасида муаллиф асарни ёзиб тугатгани ва унинг номи “Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин” деб қўйганини ёзади.

Бу манба барча қўлёзма ва тошбосма асарлар рўйхатида “Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин”⁴ деб киритилган. Шуларга асосан биз ҳам асарнинг номини “Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин”, яъни “Толиблар – ҳақиқат йўлини изловчиларнинг дўсти ва солиқлар-тариқатга кирганларнинг жамғармаси” шаклида қабул қилдик. Бу асар “Мақомоти Баҳоуддин Нақшбанд” номи билан маълум бўлганидан, “Ислом” қомусий луғати “Анис ат-толибин” номи ёнида қавсда “Мақомот” ҳам ёзилган.⁵

“Анис ат-толибин” асарини “Мақомот”, яъни Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳий камолот даражалари ва босиб ўтган руҳий манзиллари ҳақида асар дейиш билан бирга, “Маноқиб” деб аташ ҳоллари ҳам мавжуддир. Асарнинг Бухоро музейи нусхасининг охирида келтирилган сўзлар бунга далил бўла олади: “Ин китоб маноқоби (таъкид бизники – Г.Н.) шайх ал-орифин, қутб ал-восилин ҳазрати Шоҳ-и Нақшбанд (к.с.а.)”.⁶ Мазмуни: “Бу китоб орифларнинг шайхи, Аллоҳ васлига етганларнинг қутби бўлган Шоҳ-Нақшбанднинг маноқоби”. Маноқиб араб тилидан олинган бўлиб, бу сўз шайхларнинг фазл ва мартабаси, яхши сифат ва гўзал ахлоқлари ҳақидаги асарни ифода этади. “Анис ат-толибин” асарининг мазмуни бизга котиб томонидан бунга маноқиб деб баҳо берилишига асос бор деб хулоса қилишга имкон беради.

¹ Семёнов А.А. Бухарский шейх Бахауддин. – с.204.

² “Анис ат-толибин”нинг турк тилидаги нусхаси шу ном билан аталади.

³ Анис ат-толибин. Бухоро музейи нусхаси. . . 4б варак.

⁴ Собрание восточных рукописей АН Уз ССР.-Т.: Изд-во АН Узб., 1965,-Т.3.-№2402-2408.

⁵ Акимушкин О.Ф. Нақшбанд – с.186.

⁶ Анис ат-толибин. Бухоро музейи нусхаси. . . 150б варак.

“Анис ат-толибин”нинг Бухоро музейи нусхасининг таркиби муқаддима ва тўрт қисмдан иборат. Муқаддимада асарнинг ёзилиш мақсади, муаллифи, асарнинг номи ҳақида маълумот бор. Биринчи қисм 5а варақдан бошланиб, “Вали ва валоят таърифида” деб номланади. Шунини таъкид этиш лозимки, “Анис ат-толибин” асари Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти ҳазрат хожа Нақшбанд” асаридан бирта қисм ортиқлиги, айнан, шу биринчи қисми борлиги билан фарқ қилади. Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти ҳазрати Хожа Нақшбанд” асари уч қисмдан иборат бўлиб, унда валийлик ҳақидаги масала алоҳида ажратилмаган.¹

Асарнинг иккинчи қисми 8а варақдан бошланиб, унда Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳолларининг ибтидоси ва хожагон тариқатининг силсиласи зикр этилган.

Манбанинг учинчи қисми 27а варақдан бошланади. Унда Баҳоуддин Нақшбанднинг сифатлари, феъллари, ахлоқлари масаласи ёритилади.

Асарнинг асосий қисмини тўртинчи қисм ташкил этади. У 47а варақдан бошланиб, 150б варақгача давом этади. Унда Ҳазрат Хожанинг кароматлари батафсил, нақллар асосида ёритилгандир.

Манба қисқа хулоса ва котибнинг якуний сўзи билан тугайди.

Манбанинг Бухоро музейи нусхасининг таҳлили ва у билан бошқа нусхаларни қиёслаш асосида “Анис ат-толибин” асарининг ўзига хос қуйидаги хусусиятлари мавжуд деган хулосага келдик:

1. “Анис ат-толибин” Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, таълимот ва тариқатига доир ёзилган биринчи манбадир.

2. Бу асар ўзидан кейинги ёзилган Баҳоуддин ҳақидаги барча маноқиб ва тазкиралар учун манба бўлиб хизмат этган.

3. Асарнинг муаллифи Салоҳиддин Муборак ал-Бухорий бўлиб, у Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга доир бошқа маноқиб, мақомот ва тазкираларнинг муаллифларидан фарқли, Ҳазрат Хожани олти йил бевосита кўрган ва суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, бу асарни ёзган. Шунинг учун бу асарда ёритилган нақл ва далилларнинг илмий аҳамияти бошқа асарларга нисбатан қимматлидир.

4. “Анис ат-толибин”нинг Бухоро музейи нусхаси, қўлёзма ҳолатига асл форсий тилидагидан кўчирма бўлганлиги учун, нодир манбалар қаторига киради.

¹ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Наврўзова Г.Н., Қосимова З.И. Нақшбандия тасаввуф тариқати тўпламининг Бухоро музейи нусхаси//Памятники истории и культуры Бухары. Сб.статей.-Бухара, 1194.-Выл.3.-с.65-69.

2.«МАҚОМОТИ ҲАЗРАТ ХОЖА НАҚШБАНД»

Маънавий меросимизнинг қимматли нусхаларидан бири «Мақомоти ҳазрати Хожа Нақшбанд» асари бўлиб, унда XIV асрда ўтган машҳур валий Баҳоуддин Нақшбанд номи билан маълум Муҳаммад ибн Муҳаммаднинг (1318-1389) ҳаёт йўли ва таълимоти ёритилгандир.

«Мақомоти ҳазрати хожа Нақшбанд» асарини бизлар Бухоро давлат бадий-меъморчилик музейи фондида 12545-11 сонли тўплам ичидан топдик. Асарнинг муаллифи Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир бин Муҳаммад Алидир.

Манба 192 бетдан иборат ва тош босма кўринишда сақланган. У «Бухоройи шариф» матбаасида ҳижрий 1327, милодий 1909 йилнинг жумодилаввал ойининг иккинчисида чоп этилгандир. Асар араб ёзуви билан форс тилида ёзилган.

Муҳаммад Алининг ўғли Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир «Мақо-моти Ҳазрат Хожа Нақшбанд» асарини ҳижрий 804, милодий 1401-1402 йилда ёзиб тугаллаган. Бу асар шарқшунос олимлар А.А.Семёнов, В.А.Гордлевский томонидан қисман таҳлил этилган. О.Ф.Акимускин, А.Муҳаммадхўжаевлар ўз тадқиқотларида бу асарга таянганлар. Лекин бу ёзма манба ҳозирги кунгача махсус ўрганиш объекти бўлмаган.

Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига бағишлаб, 1993 йили шарқшунос олим Маҳмудхон Маҳдум Ҳасанхон Маҳдум ўғли бу асарни ўзбек тилига ўгириб “Баҳоуддин Балогардон” номи билан ёзувчи нашриётида чоп этилди. Асарнинг таржимаси ва таҳлили устидаги илмий изланишларимиз бу асарнинг ҳозирги кун учун ниҳоятда қимматли манба эканлигини кўрсатди. Чунки Муҳаммад Боқирнинг «Мақомот» асари Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан 12 йил ўтгач, ёзилган ва ҳақиқатга яқиндир.

Асарда Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамзанинг «Мақомоти Амир Кулол» асари, Баҳоуддин Нақшбанд халифалари Алоуддин Аттор (вафоти 20 ражаб 802-22 IV-1400) ва Муҳаммад Порсо (24 ражаб 746-20 ноябрь 1345, Бухоро - 24 зулҳижжа 832-11 январь 1420) нақллари асос қилиб олинган. Бу шахслар Баҳоуддин Нақшбанддан бевосита таълим олиб, унинг халифаси бўлиш бахтига

сазovor бўлганлиги учун асардаги маълумотлар илмий факт сифатида ғоят қимматлидир.

«Мақомот» асари муқаддима, уч мақсад ва хотимадан таркиб топган. Муқаддима (3-5-бетлар) қисмида Баҳоуддин Нақшбанднинг туғилиш вақи ва нақшбандийлик силсиласи ҳақида маълумот ёзилган. Асарда кўрсатилишича, Баҳоуддин Нақшбанд ҳижрий 1318 йил муҳаррам ойида туғилган. Шарқшунос олим А. А. Семёнов бу сана 1318 йил 5 мартдан 3 апрель орасидаги муддатга тўғри келишини аниқлаган.

Мақсади аввалда (5-36-бетлар) Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг дастлабки аҳволи, таълим олиши ва устозлари ҳақида маълумот берилган.

Истиқлол мафкурасини яратишнинг муҳим манбаи сифатида бу асарнинг учинчи қисми хизмат қилиши мумкин, чунки унда (36-78-бетлар) Баҳоуддин Нақшбанднинг айтган пок сўзлари, ўғит ва йўл-йўриқлари келтирилган. Улардан маълум бўладики, бу тариқат ҳалоллик, поклик, холислик ва меҳнат асосида кун кўришни ҳаётий қоида қилиб олган.

Баҳоуддин Нақшбанд томонидан айтилган қуйидаги сўз манбада келтирилади: «Агар адабдан озгина нуқсонга йўл қўйсанг ҳам нимаики қилсанг беадаблиқдир» Ҳазрат тўла, мукамал одобли бўлиш лозимлигини таъкидлаб: «Тариқат кулли одобдир» дейдилар ва ҳақиқатга эришмоқчи бўлган кишининг йўли мукамал одоб йўли эканлигини кўрсатган.

Баҳоуддин асослаган тариқат Нақшбандия деб аталиши бир томондан, у кишининг ўзлари кимҳоб матоларига нақш босиш касби билан шуғулланиб «Нақшбанд» номи билан машҳурликларидан киргандир. Бу тариқат аҳли барчаси ҳалол меҳнат билан ўз луқмасини топиб Оллоҳдан огоҳлик билан уни истеъмол қилган. Манбада бу тариқатга ҳунарсиз кишини, яъни ўз қўли ва қувватларини ўз меҳнати билан ризқ топишга сарфламайдиган кишиларни қабул этмасликлари кўрсатилган. Бу жуда ибратли ҳол бўлиб унинг аҳамияти ҳозирги кунгача сақлангандир.

Халқимиз эъзоз билан тилга олаётган Амир Темур ўғитларида шундай нарса келтирилган: «Пири комил шайх Баҳоуддин Нақшбанднинг «Кам егин, кам ухла, кам гапир» деган панду насиҳатларига амал қилдим. Аркону давлатга, барча мулозимларга ҳам айтар сўзим шу бўлди: «Кам енглар - очарчилик кўрмасдан бойбадавлат яшайсизлар, кам ухланглар - мукамалликка эришасизлар, кам гапиринглар - доно бўласизлар.» Амир Темур ўз давлат

сиёсатларини олиб боришда Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг ўғитларига амал қилган ва у кишининг барча эришган муваффақиятларида бу таълимотнинг хизматлари бор экан.

XVI асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё мафкурасини шакллантиришда катта ҳисса қўшган Нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси Маҳдуми Аъзам Даҳбедий ўз асарларида Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга шундай таъриф берадилар: «Ҳожа Баҳо-ул Ҳақ ва Дин қуддиса сирраҳу лукмада андоғ эҳтиёт қилур эрдиларким, таом пишурмоққа ҳеч ким ҳеч нимарсага бетаҳорат қўл урмас эрди. Агар киши ғафлат бирла жамини қозонга урса андин ёронларга едурмас эдилар ва ўзлари ҳам емас эдилар. Айтур эрдиларким, агар таом ғафлат билан пишса, натижаси ғафлат бўлгай. Шунинг учун уларнинг изларидан борувчиларнинг ҳаммаси ҳузур ва огоҳликка мушарраф эдилар». «Мақомот» асарида Маҳдуми Аъзам сифатлаётган Баҳоуддин Нақшбанд хислатлари батафсил ёритилган. Дарҳақиқат, у киши ҳар бир кишидан доимо хушёр, огоҳ бўлиши ва ҳар бир дақиқада қилаётган ишларини сарҳисоб қилиб туриш ва хато камчиликларга йўл қўймасликни талаб этардилар.

«Мақомот» асари кўрсатадики, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд вақтни жуда қадрлаганлар ва ҳар бир он, лаҳзани ҳақиқат учун сарфлаганлар. Агар ҳозирги вақтдаги мустақил жумҳуриятимизда аҳволни таҳлил қилсак, биз жуда кўп ҳолда қанча вақтлар беҳудага учиб кетаётганига гувоҳ бўламиз. Ҳолбуки Нақшбандия таълимоти «Дунёда жуда кўп мусибат бор, лекин уларнинг ичида энг буюги бу вақтни зое ўтказишдир», деб кўрсатади.

Бу асарни чуқур таҳлил этиш ва ундаги ғояларни халққа етказиб, уларнинг қалбига нақшлаш туфайли биз жамиятимизда ҳалоллик, поклик, эзгулик, хушёрлик, вақтни қадрлай олиш, қаноатлилик, меҳнатсеварлик, нафс балосига қарши тура олиш, ўзини ўзи бошқара олиш каби ажойиб фазилатларни тантана қилишига эришамиз. Бундай фазилатли кишилари бўлган жамият, албатта, мустаҳкам ва устувор бўлади.

3.«РИСОЛАИ ҚУДСИЯ» - БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАЪЛИМОТИГА ОИД МАНБА

Ҳожа Муҳаммад Порсо (1345-1420) теурийлар даврида яшаб ижод этган йирик мутасаввифдир. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд

вафотидан кейин у Бухородаги нақшбандийлик жамоасининг пири муршиди бўлган. Али Сафийнинг «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» асарида Улуғбек даврида Муҳаммад Порсонин Самарқандга чақириб, имтиҳон қилганлари ва у ўзининг рухий камолоти билан барча кишиларни лол қолдиргани ва Улуғбекнинг ўзи ҳам унга тан берганлиги кайд этилган.

Муҳаммад Порсонинг «Фасл-ал-хитоб» («Хитоб фасли»), «Рисолаи маҳбубия», «Таҳқиқот», «Рисола дар баёни ниятҳо» - «Ниятлар баён этилган рисола», «Рисолаи кашфия» («Кашф этиш рисоласи»), «Анфоси қудсияи машойихи тариқат» («Тариқат шайхларининг муқаддас нафаслари»), «Силсилаи тариқаи хожагон», («Хожагонлар йўлининг занжири»), «Рисола дар одоби мурид» («Мурид одоби ҳақида рисола»), «Мақомоти Хожа Алоуддин Аттор» («Хўжа Алоуддин Аттор даражаси») каби асарлари каторида «Рисолаи қудсия» ҳам темурийлар замонида яратилган нодир, қимматли ёзма манбадир.

Баҳоуддин Нақшбанд номи билан маълум ва маъруф бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318—1389) ҳаёт ва таълимотига доир «Маноқиб», «Мақомот», «Газкира» ва «Рисола»лар мавжуд. Буларнинг ичида Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» асари алоҳида ўринга эга.

Рисоланинг бошида унинг мазмуни ва муаллифи кўрсатилган. У шундай сўзлар билан бошланади: «Рисолаи қудсийа» аз калимаи дурарбори Хожай хожагон, яъни Ҳазрат Хожа Баҳо ул-Ҳаққ ва-д-Дин Нақшбандки, Ҳазрат хожа Муҳаммад Порсо бо фармудаи жаноб Ҳазрат Хожа Алоуддин Аттор навиштаанд».¹ Мазмуни: «Рисолаи қудсийа» хожалар хожаси Баҳо-ул Ҳаққ ва Дин Нақшбанднинг дур ёғиб турувчи сўзларидан бўлиб, Алоуддин Аттор фармойиши билан Муҳаммад Порсо томонидан ёзилган». Бу манбанинг Техронда «Қудсийа» («Қаломоти Баҳоуддин Нақшбанд») ² номи билан нашр этилиши унинг асл мазмунини очиқ беради.

Муҳаммад Порсо ражаб ойининг 24 ҳижрий 746 йили якшанба кунда милодий 20 ноябрь, 1345 йили милодий Бухорода таваллуд топган, зулҳижжанинг 24 ҳижрий 822 милодий 11 январь 1420 йили пайшанбада вафот этган. Қабрлари Мадинада. У Ҳазрат Баҳоуддин

¹ Муҳаммад Порсо. Рисолаи қудсийа. Бухоро, 1327/1909. Бухоро музейи, №12545, 11-37 арақлар.

² Хожа Муҳаммад ибн Муҳаммад Порсои Бухорой. Қудсия (Қаломоти Баҳоуддин Нақшбанд. Бо муқаддима, тасбеҳ ва таълиқ аз Муҳаммад Тоҳири Ироқий). – Техрон, 1354. (Қаранг: Муҳаммадхўжаев А. Идеология нақшбандизма. Душанбе. Дониш, 1991. С.8.)

Нақшбанднинг иккинчи халифаси. У киши билан иккинчи ҳаж сафарида бирга бўлган мутасаввифдир.¹ Муҳаммад Порсо жуда бой мерос қолдирган мутафаккир бўлиб ҳисобланади. Баҳоуддин Нақшбанд Муҳаммад Порсога юксак баҳо берган. Хожанинг Порсога қарата айтган қуйидаги сўзи манбаларда бор: “Нимаики бизда бор эди, ҳаммасини тўла олдинг”. Баҳоуддин Нақшбанд Муҳаммад Порсога айтганлар: «Хожагон тариқатида ҳар бир ҳаққ ва амонатеки, бизга етган бўлса ва бу йўлда нимагаки эришган бўлсак, ўша омонатни сенга топширдим».

Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзлари Муҳаммад Порсо у кишини таълимоти ва тариқатини мукаммал биладиган шахс эканлигини таъкидлашлари «Рисолаи қудсийа» асаридаги фикрларнинг қимматли эканлигини кўрсатади.

Муҳаммад Порсо бу манбада шундай ёзадилар: Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак тилларидан мажлисларда суҳбат вақтида маърифатнинг латифликлари ҳақида айтган сўзларидан бир қисм бўлиб, бу қудсий – пок калималарнинг баъзиларини мубораклик ниятида ёзиб борардим ва энди ишорат билан уни китобат қиляпман».² Булардан билинишича, «Рисолайи қудсия» Баҳоуддин Нақшбанд ўзлари айтган маърифатнинг нозик иборалари, пурмазмун сўзлари, нодир фикрларини Муҳаммад Порсо томонидан ёзиб олганидан жамланган асар экан. Шунинг учун ҳам буни Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий таълимотига доир асосий манба бўла олади, деб ўйлаймиз. Чунки маърифат энг муҳим тасаввуфий тушунча бўлиб, инсон руҳий камолотини олий ҳадга юксалиши масалалари ҳақида мулоҳазаларни билдиради.

Муҳаммад Порсо бу рисоласини 796/1393-94 йилларда Баҳоуддин Нақшбанднинг вафотидан бир неча йил ўтгандан кейин ёзган.³

«Рисолаи қудсийа»нинг қўлёзма нусхалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида №2517/VI, 2520/III, 503/VII, 543/I, 84/IX рақамли қўлёзмаларда сақланмоқда.⁴ Асарнинг бош босма нусхалари ҳам

¹ Фахриддин Али Сафий. Рашахот айн-ул-ҳаёт. Тошкент. Гуломия матбааси, 1329/191, - Бухоро вилояти Ибн Сино кутубхонаси. №1164. 13-64 б.

² Абул Мухсин Муҳаммад Боқир. Мақомоти ҳазрат хожа Нақшбанд. Бухоро. Бухорои Шариф матбааси, 1327/1909. Бухоро музейи, №12545. 26-бет.

³ Тагиржанов А.Т. Описание таджикских и персидских рукописей Ленинградского Государственного Университета. Часть 1. Ленинград. Издательство Ленинградского Университета. 1962. С.302.

⁴ СВР. Т.Ш.Тошкент. “Фан” нашриёти, 1965. №2394-98.

бор,¹ Бухоро шахрида Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Бухоро Марказида № 12545/II билан «Нақшбандия тасаввуф тўплами» қайд этилган.² Бу тўпланинг ҳошиясида «Рисолаи қудсийа» учинчи асар бўлиб 100 варақда (37—137) берилган. Шу нусха асосида биз ўз тадқиқот ишларимизни олиб бордик.

“Рисолаи қудсийа” бу тўпланда Абул Муҳсин Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти ҳазрат хожа Нақшбанд», Убайдулло Аҳрорнинг «Анфоси нафийса» («Нозик нафаслар»), Хожа Али Ромитанийнинг «Рисолаи ҳазрат Азизон», ва «Рисолаи ҳазрат Мавлави Жомий» билан бир жойда китобат қилиниши унинг бу тариқат таълимоти ва амалиёти учун ниҳоятда муҳимлигини яна бир бор кўрсатади.

«Рисолаи қудсийа»нинг Бухоро нусхаси форс тилида ёзилган. У 2-чи жумод-ул-аввал ҳижрий 1327 йили, милодий 1909 йилда Бухоронинг «Бухорои Шариф» матбаасида чоп этилган. Китоб кейинги давр муқоваси билан қопланган ва сифати ҳам яхши сақланган.

Муҳаммад Порсо бу асарнинг ёзишдан мақсадини шундай баён этади: “Содиқ толиблар ва ҳақиқий дўстлар бу калималарни эшитишдан фойда олсинлар ва улар Баҳоуддин Нақшбанд суҳбатлари шарафига эришиб сўзларини тинглаётгандай бўлсинлар”.

Рисола бошида Аллоҳга ҳамд, Муҳаммад пайғамбарнинг оила ва асҳобларига салавоатлар айтилган. Кейин Баҳоуддин Нақшбандни ҳақ йўлини кўрсатувчиларнинг олийси, ҳақиқат ва маърифат аҳли, орифларнинг пешвоси, ҳақиқатга етган киши, анбиёи мурсалинларнинг вориси, шайх, Саййид, раббоний лутфларни зуҳур этиш маҳалли, субҳоний ахлоқнинг кўриниши деб тавсифланган ва таъкидланган:

Гашт бе кибру, риёю, кина,
Нури қудсиरो рухаш оина.
В-он лиқои ў жавоби ҳар савол,
Мушкил аз вай ҳал шавад бе қилу қол. (39 бет).

Мазмуни:

Кибру, риё, кинасиз бўлди,
Юзи пок нурнинг оинасига айланди.

¹ Щеглова О.П. Каталог литографированных книг на персидском языке в собрании Ленинградского Отдела Института Востоковедения. М.Наука,.1975. Ч.1. №483. Рп.405.

² Наврўзова Г., Қосимова З. “Нақшбандийа тасаввуф тариқати” тўпланининг Бухоро музейи нусхаси. /Памятники истории и культуры Бухары. Сб. Вып. 3. Бухара. 1994. С. 65-77.

Унинг бу кўриниши ҳар саволга жавоб,
Мушкул ундан ҳал бўлар ҳеч сўзсиз.

Баҳоуддин Нақшбандга берилган тавсифлардан кейин «Зикри аҳвол, мақомот, каромоти шарифа ва осори ажиба» деган ном билан асосий қисм бошланади. Унда бу тоифа, яъни ҳақиқат даражасида юксалган маърифатли орифларнинг сўзлари ҳол даражасида, варосат олаmidан, завқ ва ишорат билан айтилган бўлиб, илоҳий каломнинг тажаллийси эканлиги таъкидланди (33-б.).

«Рисола»дан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг асосида Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний ғоялари турган. Баҳоуддин увайсий бўлиб, у кишининг руҳларидан таълим олган. Абдулхолиқ Гиждувоний шундай деган: “Қадамни азиматда ургин, рухсатлардан узокда бўл, суннатга тобеълик қил, бидъатлардан узокда бўл”. Шу билан бирга сулукнинг боши, ўртаси ва охирига зарур бўлган ўғитларни берганлар. Баҳоуддин Нақшбанд шуларга тўла амал қилиб, шу буюк даражага етганликларини айтадилар.

Манбада Баҳоуддиннинг иродат силсиласи берилади. Силсилаи шарифдаги машойихларнинг кўплари увайсийлардан эканлиги учун Баҳоуддин Нақшбанд увайсийлар тариқатидан эдилар, деб таъкид этилади. Бу манбанинг қимматли томони яна шундаки, увайсий деган сўзга изоҳ бериб шарҳ этилади: «Уларнинг зоҳир томондан пирга мухтожликлари бўлмайди. Чунки уларни Ҳазрат рисолат ўз иноят хужраларида Увайсни тарбиялагандек ўзгалар воситасисиз тарбия берадилар. Бу мақом азим ва олийдир». Демак, увайсийлик номи, бир томондан, бориб Увайс Қаранийга тақалса, иккинчидан, пирсиз камолотга етиш йўлини кўрсатади. Баҳоуддин Нақшбанд ана шундай азим ва олий мақомга эришган тариқат аҳли эканликларини бу манба исботламоқда.

Манбада жамол ва жалол сифати, тамкин, фано, бақо, авлиё ва унинг хосиятлари ёритиб берилган. Муҳаммад Порсоннинг «Рисолаи қудсийа» асарини ҳар томонлама чуқур ўрганиш Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий таълимотини ўзлаштиришга ва ундан инсон руҳий камолотини такомиллаштириш йўллариини ўрганишга имкон беради.

4. “КАНЗ АЛ ИБОД ФИ ШАРҲ АЛ АВРОД”

АСАРИДА ТАВБА ТУШУНЧАСИ

Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод» асари мазмун ва моҳиятини чуқурроқ билишда биз Али бин Аҳмад ал Ғурийнинг «Канз ал ибод фи шарҳ ал Аврод» (“Ал Аврод” асарини шарҳлашда ибодат аҳли хазинаси) асарига таянамиз.¹

Асар «Бу шарҳи кабир шайх, суннатни тирилтирувчи, Оллоҳнинг дўсти, кашф ул ҳақоик, хужжат ал Ҳаққ алал ҳалқ Баҳо ул Ҳаққ ва дин Нақшбанднинг олам илмининг энг юқориси бўлган Авродига ёзилган» деган сўзлар билан бошланади. Муаллиф бу шарҳни ёзишдан мақсади китобдаги сўзларнинг луғавий маъноси, ҳукмларнинг қийин томонларини араб бўлмаганлар учун тушунтириб оммалаштириш эканлигини қайд этади.

«Канз ал ибод»нинг мундарижасидан асарнинг мазмунини англаш мумкин. Унда тавба (2 варақда), руҳ, нафс ва қалб (3) истиқомат алал аҳвол вал ахлоқ вал хилват ваш шариат фи қироат (12), нафс фазилати, фазлил қалб (34), ихлос (46), истиғфор (47), илм ул яқин, айн ул яқин, ҳаққ ул яқин (104), мизон (107), лавҳ (111), истиғфор баъд аз салавот (113), сураи Залзала (133), вал Адиёт, «Вал Қориа», «Вал Такасур», «Қиссаи Асҳобил Қахф» (217), зиёрати қабр (294), Лайлатул қадр (337), олим ва жоҳил (373) тушунчалар билан бирга васл, салом, салавот, қироат ал фажр, фи вирд, сирот, қиёмат, таҳорат, илмул нужум, имон, мадор ал қалб, калимати радди куфр, фи салавот би ҳузурул қалб, савоб ва хатоларга шарҳлар берилган.

«Канз ал ибод»нинг бошида «Аврод» вазифа бўлиб, улар Оллоҳ томонидан буюрилган топшириқлар эканлиги қайд этилган. Шарҳловчи Оллоҳ олдидаги вазифаларимизни изоҳламоқчи эканлигини айтади. Биринчи таҳоратли бўлишга эътиборни қаратиб, тавба тушунчасига изоҳ беради.

Бу шарҳдан маълум бўладики, ҳазрат Нақшбанд инсон руҳий камолотининг биринчи мақомини тавба деб тушунган. Тавба тушунчаси «қайтмоқ» маъносини англашиб, киши илоҳий даражага юксалиш йўлига кираркан, унга элтадиган узоқ йўлдан яқин йўлга қайтади.

¹ Батафсилроқ бу манба ҳақида қаранг: Наврўзова Г. Нақшбандия таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: Фан, 2005. 2-Боб.

Баҳоуддин тавбани турли босқичларни ўз ичига олган ягона руҳий камолот жараёни деб билган. У тавбани тўрт гуруҳга бўлади.

1. Авомнинг тавбаси - зоҳирий гуноҳлардан қайтиш.
2. Солиҳнинг тавбаси - ахлоқи замимадан қайтиш.
3. Тавбаи ботиния - қалбни поклаш учун қайтиш.
4. Муҳибларнинг тавбаси - ғафлатдан қайтиш.

Асарда чин қалбдан истиффор айтишнинг аҳамияти кўрсатилган. Баҳоуддин томонидан тавбани гуруҳлаши киши руҳий камолот босқичларини кўрсатади. Ҳақиқатга томон юз бурган киши аввало ўзининг зоҳирий гуноҳларини кўриб, ундан қайта бошлайди. Зоҳирий томондан поклана бошлаган киши ўзини назорат қила оладиган бўлади ва ахлоқидаги замима-номақбул томонларни кўриб, улардан ҳамида ахлоққа қайтади. Ахлоқий жиҳатдан поклана бошлаган киши қалб ҳаракати устидан назорат қила оладиган бўлади ва уни тўла поклаш йўлига киради. Зоҳиран ва ботинан покланиб, қалби мусаффо бўлган шахс доимо хушёр бўлиб, ғафлатда қолмасликка уринади.

Зоҳирий гуноҳлардан қайтишни тавба мақомининг ибтидоси десак, ғафлатдан қайтиш даражасига етишни тавба мақомининг интиҳоси дейиш мумкин. Баҳоуддин таълимотидаги бу қарашларга асосланиб, тавба мақомини қуйидагича англаш мумкин:

ТАВБА МАҚОМИ

4. Муҳиблар тавбаси	интиҳо	ғафлатдан қайтиш
3. Тавбаи ботиния		қалбни поклаш учун қайтиш
2. Солиҳлар тавбаси		қалбни поклаш учун қайтиш
1. Авом тавбаси	ибтидо	зоҳирий гуноҳлардан қайтиш

Демак, тасаввуф йўлига кира бошлаган солиқ тавба мақомига киради ва залолатдан камолотга томон қайтиб, ғафлатдан хушёрликка томон юзланади.

Тавба мақомининг интиҳосига етиш кишининг руҳий камолоти юксалиб, тасаввуф остонасига қадам қўйгани ва илоҳий файз эшигига кира оладиган ҳолатга тайёрлигини кўрсатади. Шунинг

учун ҳам тавбани «Боб ул абвоб» - «эшикларнинг эшиги» деб айтганлар. Лекин, тавба мақомининг интиҳосига етолмаганлар қуйи босқичда турганлар. Агар киши фақат зоҳири гуноҳлардан қайтса, у авом даражасида қолади. Замима ахлоқдан қайтган киши солиҳ бўлади.

Тавба жараёнлари бир-бирлари билан боғлиқдир. Қуйи босқичларини ўтмаган киши юқори даражаси, интиҳосига ета олмайди. Юқори босқичга етмаган киши эса кейинги мақомларни ўтишга тайёр бўлмайди. Чунки илоҳий файзни қабул этиш йўлида ғов бўлган барча нарсалардан қайтиш учун тавба зарурдир. Бу мақомга етган киши бутун интилиши, таважжухини Оллоҳга қаратади ва ўз-ўзини назорат қила оладиган, бошқара биладиган бўлади.

Киши ўз хатоларини кўриб, ҳис қилиб, уларни тан олиши билан руҳи ва виждони орасида келишув пайдо бўлади, совун қандай кирларни кеткизса, тавба билан маънавий кирлардан тозаланиб, мусаффолашиб боради.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуф сарчашмасини тавба деб билиши ва бу мақомга қарашлари руҳий устози Абдулҳолиқ Ғиждувоний ва муршиди Ҳазрат Саййид Амир Кулолнинг фикрларига мос келади.

«Аз гуфтори хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний» рисоласида Хожаи Жаҳоннинг тасаввуфга доир айтган сўзлари келтирилган. Бу асарнинг биринчи боби «Тавба ва унинг шароитлари ҳақида» деб аталади. Абдулҳолиқ Ғиждувоний шундай деганлар: «Билгинки, йўлнинг боши тавбадир. Тавбанинг маъноси Худои таъолонинг ризолигига хилоф бўлган ҳар қандай сўз ва феълдан қайтишдир». Хожаи Жаҳон сўзларининг исботи учун Қуръони Каримнинг «Таҳрим» сураси 8-оятдаги «Оллоҳга тавбаи насух билан тавба қилинлар» фармонини келтиради. Кейин «тавбаи насух» сўзини қуйидагича изоҳлайди: «Тавбаи насухнинг уч белгиси бор: биринчиси шуки, нимаики Оллоҳнинг ризолигига хилоф бўлса, ундан қайтишдир. Иккинчиси шуки, ғафлат билан, бефармонлик билан ўтган ва беҳуда зоеъ бўлган вақтларига пушаймон бўлишдир. Учинчиси шуки, гуноҳ қилмасликка азм ва жазм қилишдир».

Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамзанинг «Мақомоти Амир Кулол» асарида Баҳоуддиннинг устозлари баён этган тавбага оид фикрлари келтирилади. Амир Кулол айтганлар: «Мебояд, ки тоиб бошед, ки тавба сари ҳама тоат ҳаст» Мазмуни: «Сиз тавба қилувчи бўлишингиз лозимдир, чунки тавба барча тоатларнинг бошидир».

Амир Кулол тавбани шундай таърифлайдилар: «Тавба ин аст, ки дар дил пушаймон шавед аз гуноҳҳои карда ва ният он кунед, ки дигар бар сари он гуноҳ наравед ва доим аз худо тарсон бошед, ки ғами охиратро хуред». Мазмуни: «Тавба улдирким, ўз гуноҳидан дилда пушаймон бўлиш, бу гуноҳнинг бошига бошқа келмасликни ният қилиш, бошқа гуноҳ қилмаслик учун қўрқиб туриш ва доимо охиратни ғамида бўлиш». Бу таърифдан Амир Кулолнинг тавба ўз гуноҳини англашдан бошланиб, охиратнинг моҳиятини тушунадиган бўлгунча яхлит жараён деб тушунишлари маълум бўлади. Амир Кулол шундай ўғит берганлар: «Гуноҳҳои худро омурзиш хоҳед ва хасмони худро хушнуд гардонед, ва нолаю зори кунед чандонеки, асари тавбаро бар худ мушоҳада кунед то номи тоиби бар шумо рост шавад. Бояд, ки ғами рўзи аз дили худ бардоред, ғами охиратро бихўред ва дар адои бандаги бикӯшед, ки асл дар хама корҳо ин аст». Мазмуни: «Ўз гуноҳларингиздан Оллоҳ олдида узр сўранг, ўз душманларингизни шод айланг. Шунчалик нолаю зори қилингим, тавбанинг асарини ўзингизда мушоҳада этинг ва ҳақиқий тавба қилувчи - тоиб деган ном сизга тўғри келсин. Ризқ-рўзининг ғамини кўнглингиздан чиқаришингиз керак ва охиратнинг ғамини ейиш лозим. Бандаликни адоида бўлингим, барча ишнинг асли шудир».

Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Ҳазрат Саййид Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳаммалари тавбани йўлнинг боши, деб билганлар ва инсон руҳий камолотининг зарурий даражаси деб тушунганлар. Улар тавбани ўз аслини йўқотиб адашиб юришдан Оллоҳга томон қайтиш деб баҳо берганлар.

ХУЛОСА

Нақшбанд Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий – (ҳижрий 718 йилнинг муҳаррам ойи, яъни милодий 1318 йилнинг 5 мартдан 3 апрелигача бўлган вақтда Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувон ҳозирги Қасри Орифон - вафотлари душанба кечаси робиъул аввалининг учинчиси 791 ҳижрий йилда, яъни милодий 1389 йил 2 мартда Қасри Ҳиндувон ҳозирги Қасри Орифон) Ҳазрат Хожаи Бузург, Шохи Нақшбанд ва Баҳоуддин Балогардон номлари билан маълум ва машхур, нақшбандия таълимоти ва тариқатининг асосчиси.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт ва таълимотлари XIV асрнинг охири, XV, XVI асрларда ёзилган манбалар – Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорийнинг “Анис ут-толибин ва уддат ус-соликин” (“Толибларнинг дўсти ва солик – ҳақиқат изловчиларнинг жамғармаси”), Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг “Мақомоти ҳазрат хожа Нақшбанд”, Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия”, Яъқуби Чархийнинг “Рисолаи унсия”, Шаҳобиддин бинти Амир Хамзанинг “Мақомоти Амир Кулол”, Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул унс” ва Алишер Навоийнинг “Насойим ул муҳаббат” асарларида ёритилган.

Баҳоуддинга тарбия берган устозларни - Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Халил Ота, Амир Кулол, Ориф Деггароний, Қусам Шайх. У увайсий бўлиб Абдулхолиқ Гиждувоний ва бошқа машойихлар руҳониятидан тарбия олган.

Баҳоуддин Нақшбанд нақшбандия таълимоти асосчиси сифатида хожагон тариқатининг орифлик ақидалари мажмуъи-таълимотини акс эттирувчи 8 та “Калимаи-қудсия”га яна учтани қўшиб, ниҳоясига ва такомилга етказган: 1.Вуқуфи замони – инсон, замон қандай кечаётганлигидан огоҳ, уларга умр, ҳаёт бир марта берилиши, хайрия ва эзгу ишлар қилишлари лозимлиги, умрнинг бирор дақиқасини бўлса ҳам бекорга ўтказмай касб-ҳунар ўрганишлари, фойдали ишлар билан шуғулланишлари, ҳар дақиқасониядаги амалларида ҳисоб беришлари, ғафлат ва лоқайдликда бўлмасликлари. 2.Вуқуфи адади – бутун борлиқ ягона илоҳий моҳиятга эга эканлигини англаб, бутун борлиқ унинг инъикоси бўлганлиги учун улар бир-бири билан боғлиқ, ҳар бири илоҳий ҳикмат билан яралганлигини англаш ва уларга муҳаббат билан қараш. 3.Вуқуфи қалби – инсон ўз қалбидан воқиф бўлиши, доимий

уни поклаши зарурлиги. Зикри хафийни тасаввуфдаги зикрнинг асосий шаклларида бири сифатида қарор топтирган. Табиатга, барча тирик жонзотлару-ўсимликларга, ҳайвонлару инсонларга бирдек мутлақ эзгулик, меҳр-шафқат кўрсатишдек орифий талабни илк бор бани башарият ва Коинот, борлиқнинг умумий ва бирдан-бир фундаментал принципи даражасига кўтарган.

Баҳоуддин Нақшбанддан “Аврод” асари сақланган. Бу асарга XV асрда яшаган Али бин Аҳмад ал-Ғурий “Канз ал-ибод фи шарҳ ал-Аврод” номи билан шарҳ ёзган. Шунингдек бу асарга Маъмун бин Аҳмад бин Иброҳим Турнавий ва Муҳаммад бин Мустафо Ходимий ва Шайх Муҳаммад Амин Курди Ирбилийлар ҳам шарҳ ёзган. Баҳоуддин Нақшбанднинг маърифатга оид фикрларини жамлаб Муҳаммад Порсо “Рисолаи қудсия” асарини ёзган. Шу икки манба Баҳоуддин Нақшбанд дунёқарашини акс эттиради.

Баҳоуддин Нақшбанд маърифатни кенг маънода тушунади. У руҳий камолотнинг асосий мақсадини маърифатли бўлишдир, деб билади. Маърифатни — ижмолий (қисқа) ва тафсилий (тўлиқ), деб иккига ажратади. Баҳоуддиндан сўрайдилар: «Сайру сулукдан мақсад нима?». У жавоб беради: — «То ижмолий маърифат тафсилийга айлансин», яъни солиқ хабарчидан қисқагина қабул қилинган нарсани, тафсил йўли билан тўла таниб олсин. Баҳоуддин ижмолий маърифат босқичида далилу ҳужжат воситаси билан, яъни ақлу тафаккур ила амал қилиш мумкинлигини айтади. Тафсилий маърифат мартабаси эса кашф ва аёнлик ила, яъни Тангри инояти орқали (яқин) ҳосил бўлади, дейди. У яна таъкидлайдики, илм ва ақлнинг йўли то фано соҳилигачадир, яъни бу моддий олам билан боғланган нарсаларни ўрганишда илм ва ақл кўмаклашади. Фано ҳолатига етиб йўқлик оламига киргандан кейин ҳайрат ва бенишонлик бошланади. Яъни тафсилий билиш жараёнида далил ва исбот эмас, нораціонал билиш усуллари зарурлигини айтмоқчи бўлади. Бу жараёни Нақшбанд шундай таърифлайди: «Таниш шухуддан вужудга келади. Шухуд вужуддан эмас, унга зиддир». Яъни бу ирфоний жараёнда ақл эмас, руҳий билиш, қалб кўзи асосий ўринни эгаллайди. Бу «кўз» билан ғайб олами сирларини кўриб бўлади. Далилу бурҳондан сўнг кашфу аён мартабасига ўтилишини таъкидлайди, у. Бу жараёнда ҳосил бўлган илмга эса у я қ и н — шаку шубҳа бартараф бўлган ҳақиқий илм, деб таъриф беради. Баҳоуддин Нақшбанднинг ирфоний таълимотида вужуд билан шухуд тушунчаси қарама-қарши туради. Ақл ва илм вужуд билан боғланган ва далил ҳужжат босқичи, дейилса, ш у х у д кашфу аёнлик

даражаси бўлиб руҳият билан боғлангандир. Баҳоуддин Нақшбанд лодуний илм масаласига эътибор берган ва уни қуйидагича таърифлаган: «Л а д у н и й и л м ш у н д а й и л м д у р к и м, қ у р б а ҳ л и г а и л о ҳ и й т а ь л и м в а р а б б о н и й т а ф ҳ и м и л а м а ь л у м в а м а ф ҳ у м бўлади. Бу иш ақлнинг далили ва нақлнинг шоҳидисиз амалга ошади». Баҳоуддин маърифатли бўлиш жараёнида ҳ а л о л л у к м а в а ҳ у ш ё р л и к к а а л о ҳ и д а эътибор бериб, ўзи ф а қ р йўлини ихтиёр этган.

Баҳоуддин Нақшбанд Муҳосибийни ўз-ўзини, нафсини назорат этиш, вақтни қадрлаш ғояларини, Жунайд Бағдодий асослаган ҳушёрлик йўлини, Ҳаким Термизийнинг валийлик таълимотини ривожлантирган. Баҳоуддиннинг бесифатлик, бенишонлик ҳақидаги ва ризо мақомининг мураса фалсафасининг асоси эканлиги ҳақидаги ғоялари ҳам диққатга сазовордир.

Нақшбандийлик таълимоти бунёдкорлик руҳи билан суғорилган. Зероки, бу таълимот “Даст ба кору, дил ба Ёр” шиорини ўзига қоида қилиб олган. Маънавиятимизни юксалтиришда нақшбандийликда илгари сурилган ҳалоллик, меҳнатсеварлик, тўғрилиқ, софдиллик, ўзгаларга ёрдам бериш, саҳийлик, имонли ва эътиқодли бўлиш, меҳр-шафқат каби хулқ-одоб қоидалари катта аҳамиятга эга. Шунинг учун юксак маънавиятли инсонни тарбиялашда Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўли ва маънавий меросидан фойдаланиш яхши самара беради.

ИЛОВАЛАР

Илова 1

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташқил этиш тўғрисида

Ислом оламининг беназир намояндаси Баҳоуддин Нақшбанднинг жаҳон тафаккур хазинасига ва муқаддас динимиз ривожига қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб, унинг меросини чуқур ўрганиш кенг тарғиб қилиш, эзгулик, маънавий комилликка чорловчи ғояларини ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш ҳамда буюк алломалар ёдгорлик мажмуаларини асраб авайлаш ва янада ободонлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Бухоро вилоятида мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташқил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Қайд этилсинки, ушбу марказ таркибига Абдулхолиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуаси ҳам киритилади.

Марказ фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш, белгиланган вазифаларнинг самарали ижросини назорат қилиш мақсадида ташқил этилган Бошқарув кенгаши таркиби маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилангани маълумот учун қабул қилинсин:

- ноёб меъморий иншоот ҳисобланган Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдулхолиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуаларини талаб даражасида сақлаш, асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмаларини ривожлантириш;

- ушбу муқаддас қадамжоларнинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу ерга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг кенг қўламдаги зиёратларини уюштириш, зиёратчилар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш;

- Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг устоз-шогирдларининг илмий-назарий мероси, ибратли ҳаётини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг

асарларида тарғиб этилган инсонпарварлик, ҳалоллик, поклик, маънавий баркамоллик каби азалий қадриятларни халқимизга етказиш;

- диний-маърифий ишларни ташкил этишда, айниқса, ёшларни меҳнатсеварлик, бунёдкорлик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда уларнинг ҳаётбахш ўғитларидан самарали фойдаланишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Ўзбекистон мусулмонлари идорасига бир ой муддатда Марказ Низомини тасдиқлаш, уни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш ҳамда бошқа ташкилий масалалар ҳал қилиш тавсия этилсин.

4. Марказнинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Бухоро вилоят бўлимида очиладиган ҳисоб рақами Ўзбекистондаги юридик ва жисмоний шахслар, халқаро ташкилотлар ва хорижий фуқароларнинг хайрия маблағлари учун очиқ экани қайд этилсин.

Мазкур маблағлар Марказ фаолиятини ташкил этиш ва доимий такомиллаштириб бориш, ёдгорлик мажмуаларини талаб даражасида сақлаш асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмаларини ривожлантириш учун йўналтирилиши кўзда тутилсин.

5. Бухоро вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдулхолик Ғиждувоний ёдгорлик мажмуаларини асраб-авайлаш, жорий таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлантириш ишларини амалга оширишда Марказга тегишли ёрдам кўрсатсинлар.

6. Ташқи ишлар вазирлиги, “Ўзбектуризм” миллий компанияси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси, Дин ишлари бўйича кўмита ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларнинг Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасига зиёратларини ташкил этиш бўйича нуфузли халқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш ва ҳамкорлик қилишда марказга ҳар томонлама кўмаклашсин.

7. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, “Ўзтелерадио” компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Жаҳон” ахборот агентлигига республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларида Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг устоз-шогирдлари маънавий меросининг аҳамияти ва моҳиятини очиқ бериш, бу улуғ зотларнинг ҳаётини ўрганиш, номларини улуғлаш, эзгу ўғитларини

тарғиб қилиш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишларни янада кенгроқ ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳусниддинов ва Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.Каримов.
Тошкент шаҳри. 2004 йил 27 май.

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ “НАФОҲАТУЛ УНС МИН ҲАЗАРОТУЛ ҚУДС”

Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг (қаддаса сирруҳу) исмлари Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорийдир. У кишига фарзандликка (маънавий) қабул назари Хожа Муҳаммад Бобо Самосийдан ва зоҳир (ташқи) томондан тариқат одобининг таълими Саййид Амир Кулолдандир. Лекин, ҳақиқатда у киши увайсий бўлиб, Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний руҳиятидан тарбият топганлар. Баҳоуддин Нақшбанд (қаддаса сирруҳу) дейдиларки: “Бир кеча, ҳол даражасига тушишимнинг дастлабки пайтларида, жазабот ғалаба қилганида Бухоронинг табаррук зотлари ётган мозорлардан бирига етдим. Ҳар бир мозорда чироқ кўрдим. Чироқлар ёндирилган, ичида ёғи тўла ва пиликлар ёғ ичинда. Пиликлар ёғдан чиқиб, равшанроқ ёниши учун уларни озгина ҳаракатга келтириш керак эди. Охириги мозорда қибла томонга мутаважжих бўлиб (юзланиб) ўтирдим. Шунда ғойибдан бир ҳол зоҳир бўлди. Мушоҳада қилдим ва кўрдимки, қибла девори очилиб, буюк тахт пайдо бўлди. Тахт олдига яшил парда тортилган, атрофида жамоат ўтирибди. Уларнинг орасидан Хожа Муҳаммад Бобони танидим ва билдимки, улар марҳумлар эканлар. Жамоат ичидан бири менга деди:

- Тахтда Хожа Абдулхолиқдирлар ва бу жамоат у кишининг хулафолари (ўринбосарлари).

Кейин у жамоатнинг ҳар бирига ишорат қилиб деди:

- Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Авлиёи Калон, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний (қадасаллоҳу таоло арвоҳаҳум).

Хожа Муҳаммад Бобога етганидан сўнг деди:

- У кишини сен ҳаётлик чоғларида кўргансан, сенинг шайхингдирлар, сенга бўрк (қалпоқ) берганлар ва каромат қилганларки, келадиган балолар сенинг баракотинг ила йўқолур.

Шу пайт жамоат деди:

- Кулоқ тутиб, тугал тинглагин, улуғ Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний сенга сўзлайдилар. Ҳақ таоло сулуки йўлида улардан сенга чора йўқдир.

Жамоатдан ўтиниб дедим:

- Ҳазрат Хожага салом берсам, у зотнинг муборак жамолларига мушарраф бўлсам.

Пардани менинг олдимдан олдилар. Нуруний Пирни кўрдим. Салом бердим, жавоб бердилар. Шу вақт Хожа Абдулхолик Гиждувоний (сулук) ҳақиқат йўлининг боши, ўртаси ва охирига тааллуқли сўзларни баён этдилар:

- Бунда сенга кўринган чироқлар сендаги истъод ва қобилиятга ишорат, башоратидир. Аммо пиликлар равшанроқ ёниши ва сирлар намоён қилиши учун бу истъод пиликларини ҳаракатга келтириш керакдир.

Яна Абдулхолик Гиждувоний айтдилар ва муболаға қилдилар:

- Барча аҳволда қадамни амру наҳйи қондасига қўйгил, азимат бирла амал қил, суннатни бажо келтиргил, рухсат ва бидъатлардан йироқ бўлгин. Муҳаммад Мустафо (саллоллоҳу алайҳи васаллам) ҳадисларини ўзинга пешво қил ва у кишининг муқаддас асҳобларидан (розиаллоҳу анҳум) бўл!

Бу сўзлардан сўнг жамоат менга айтдики, сенинг ҳолингни сидқан эканлигига гувоҳ шу бўладики эртага тонг отиши билан фалон жойга борасан ва фалон ишни қиласан. Буларнинг тафсили у кишининг (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.)"Мақомот"ларида баён қилинган. Улар яна дедилар:

Сўнг Насафга юз тутгин, Амир Кулол хизматларида бўлгин.

- Уларнинг айтганларича Насафга, Амир Кулол хизматларига етдим. Амир Кулол илтифотлар қилдилар ва лутфлар кўргуздилар. Менга зикр талқин қилдилар, йўқлик ва исбот тариқати ила хуфия йўли билан машғул этдилар. Мен ҳақиқатда маъмур бўлганлигим учун амал ва азиматда алония зикри билан шуғулланмадим.

Бир киши ҳазратдан (Баҳоуддин Нақшбанд қ. с.дан) сўради:

- Дарвишлик сизга меросми ёки касб қолганми?

У киши дедилар:

- Ҳақ таоло жазаботи ила бу саодатга мушарраф бўлдик.

Яна у кишидан (Баҳоуддин Нақшбанддан қ. с.) сўрадилар:

- Сизнинг тариқатингизда зикри жаҳр, хилват ва самоъ бўлурми?

Дедилар:

- Бўлмас.

Ҳазратдан (Баҳоуддин Нақшбанддан қ. с.) сўрадилар:

- Тариқатингизнинг асоси нимада?

Айтдилар:

- Жамоат ичида хилватда бўлиш: Зоҳиран халқ билан ва ботинан Ҳақ таоло билан.

Аз дарун шав ошнову, аз берун бегонаваш,
Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон,
Мазмуни:
Бўл ошно ичдану тошдан бегона,
Бу равишча равиш бўлмас яна.

Шахслар борки, тижорат пайтида ҳам Тангри ёдидан фориғ бўлмайдилар. Бу шу мақомга ишоратдур.

Айтадиларки, у кишида (Баҳоуддир Нақшбанд қ. с. да) қул ва чўри бўлмас эмиш. У кишига бу борада савол берибдилар. Дебдилар:

- Бандалик хожалик билан тўғри келмайди.

Бир киши ҳазратдан (Баҳоуддин Нақшбанддан қ. с.) сўради:

- Сизнинг силсилангиз қаерга етади?

Дебдилар:

- Киши силсила билан ҳеч ерга етмайди.

Яна дедилар:

- Ўз нафсларингизга тўхмат этингиз ва муттаҳам қилингиз. Ҳар кимки, Ҳақ таолонинг инояти ила ўз нафсини ёмонлик билан таниган бўлса ва унинг макру ҳийлаларини билган бўлса, унинг олдида бу амал саҳлдур. Бу йўл билан борувчиларнинг кўпи бошқалар гуноҳини оладилар ва унинг юкини кўтарадилар.

Баҳоуддин Нақшбанд (қ. с.) дейдилар.

- Ҳар доим табиий вужуд нафйи ва ҳақиқий маъбуд исботини қилиш керак. Шайх Жунайд дердиларки, вужуднинг нафйи ва исботи тариқатнинг, бизнинг назаримизда, Аллоҳга яқинлаштирувчи воситадур. Лекин бу амал ихтиёрни тарк этиш ва ўз амалларининг қусурини кўришдан ташқари ҳосил бўлмайди.

Ҳақиқат аҳли иймонга бундай таъриф берганлар:

- Иймон қалб ақидасидир. У Аллоҳ ризолигидан ўзга барча масалаларни қалбдан йўқ қилади.

Баҳоуддин Нақшбанд (қ. с.) деганлар:

- Бизнинг тариқатимиз суҳбат, хилватда шуҳрат, шуҳратда офат. Хайрият жамиятда ва жамият суҳбатдадир. Шарти шуки, бир-бирларига нафълари тегса. Бу йўл толибларининг жамъи бир-бири билан суҳбат курса, унда жуда кўп хайр ва баракот бўлар. Умидимиз борки, мулозимат ва мудовимат ила ҳақиқий иймон бўлгай.

Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) дерлар:

- Солик (тариқат йўлидан борувчи) қай вақтки, Аллоҳ дўстларининг бири билан суҳбат қилса, ўз ҳолидан огоҳ бўлсин ва суҳбат вақтини ўтган суҳбат билан мувозанатга келтирсин

(таққосласин). Агар тафовут, фарқ яхшиликка томон топса, бу азизнинг суҳбатини ғанимат билсин.

Яна дейдилар:

- "Ла илаҳа" олий табиат нафйидур. "Иллаллоҳ" Ҳақ таоло маъбудлигининг исботидир. "Муҳаммадур расулуллоҳ" ўзни "фатабаъуни" мақомига киритиш. Зикр этишдан мақсад тавҳид калимасининг ҳақиқатига етишишдур. Бу калиманинг ҳақиқати ўзга калималарни айтишдан тўла озод бўлмоқ. Кўп айтиш шарт эмас. Ҳазрат Азизон айтардиларки, ер бизнинг назаримизда суфра (дастурхон) кабудур. Биз, тирноқ юзи кабудур, деймиз. Ҳеч нарса бизнинг назаримиздан ғойиб эмас...

- Тавҳиднинг сиррига етиш мумкин, лекин маърифатга етиш қийиндур.

Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ. с.) муборак Ҳаж сафарига боришларида Хуросоннинг улуғ кишиларидан бирига зикр таълимини берган эдилар. Хожага мурожаат қилиб дедиларки, "фалон киши зикрнинг такрори билан кам шуғулланади".

Баҳоуддин Нақшбанд (қ. с.) дедилар:

- Зарари йўқ.

Кейин ундан сўрадилар:

- Бизни уйқуда кўрдингми?

Деди:

- Ҳа, кўрдим,

Дедилар:

- Шунинг ўзи етарлидир.

Бир киши ҳазрати Баҳоуддин Нақшбандга (қ.с.) деди:

- Фалон киши ранжурдир, хоотири шарифингизга талабгордир.

Айтдилар:

- Аввал хасталигини йўқотсин, сўнг шикаста хоотири билан бўлсин.

У кишидан (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.) каромат талаб қилдилар, (у киши) дедилар:

- Бизнинг кароматимиз зоҳирдир. Шунча гуноҳлар юки билан ер юзида юра олурмиз.

Айтурларки, шайх Абу Сайид Абул Хайрдан сўрабдилар:

- Сизнинг жанозангиз олдидан қайси оятни ўқисинлар?

Жавоб берибдилар:

- Оят ўқиш буюк ишдур. Бу байтни ўқинглар:

Оламда бундан яхшироқ не бор,

Етса дўстига дўсту ёрига ёр.

Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.) айтибдурлар:
- Бизнинг жанозамиз, олдида бу байтни ўқингиз:

"Ожизлармиз, сенинг куйингга келдик,
Юзинг жамолидан шайъан-лиллоҳмиз
(яъни Аллоҳники бўлиб қолганмиз).

Мавлоно Холидийдан сўрабдилар:

- Хожа Баҳоуддин (қ.с.) тариқининг мутаоххирин (охирги) машойихлар тариқининг қай бири билан муносабати бор.

Дебдурлар:

- Қадимроқдан гап очмоқ керак: охирги ўтган машойихлардан икки юз минг йилдан ортиқроқ. Ҳазрат Хожада (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с. да) Тангри таоло инояти ила зухур этган осори валоят ҳеч кимда йўқдир.

Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.) асҳобидан шайх Қутбиддин исмли пир Хуросонга келган эди. У деди. Мен ёш эдим. Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.) менга фалон кабутар хонасига бориб, неча кабутар боласин келтиргин, дедилар. Мен бир нечта кабутар болаларини олдим. Хаёлимдан уларнинг бирини тирик ўзимга сақлаш фикри ўтди. Қолганини Хожа хузурларига келтирдим. Кабутарларни пишириб ҳаммага тақсимлаганларидан сўнг, менга бермадилар ва дедилар:

- Фалончи ўз насибасини тирик ҳолатда олган...

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.)нинг вафотлари душанба кечаси, Раббиул-аввал ойининг учинчиси, етти юзу тўқсон биринчи йилдир (милодий 1389 йилнинг 2 март). Ул зотни Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло раҳмат қилган бўлсин.

**Форс тилидан Гулчеҳра НАВРЎЗОВА ва
Зевара ҚОСИМОВА таржимаси.**

**ФАХРИДДИН АЛИ САФИЙ
“РАШАХОТ АЙН-АЛ ҲАЁТ”
НАҚШБАНД НОМИ БИЛАН МАШҲУР
ҲАЗРАТ ХОЖА БАҲОУЛ ҲАҚ ВАД-ДИН
МУҲАММАД (Қ.С.) ЗИКРИ**

Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с) муҳаррам ойи, етти юз ўн саккизинчи² йилда туғилди. У зот туғилган ва дафн этилган жой Бухоро шаҳридан бир фарсанг наридаги Орифон Қасридир³.

Ҳали болалик вақтидан у кишида каромат ва ҳидоят⁴ нурлари намоён бўлган. Ҳазрат Хожанинг волидалари: "Фарзандим Баҳоуддин тўрт яшар вақтида сигиримизга қараб: "Бу яқинда оқ пешонали бузоқ беради", - деган ва ҳақиқатда сигиримиз бир неча ойдан сўнг шундай сифатли бузоқ туғди".

Ҳазрат Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.) гўдак чоғларида Хожа Муҳаммад Бобо Самосидан⁵ фарзандликка қабул назари тушган. Тариқат одобининг таълимоти Хожа Муҳаммад Бобо ишорати билан зоҳиран Амир Кулолдан⁶ бўлган. Аммо ҳақиқат юзасидан Хожа увайсий⁷ бўлганлар ва ҳазрат Хожа Абдулҳолиқ Гиждувонийдан (қ.с.) тарбият топганлар. Бу маълумот "Мақомот"ларида⁸ ҳам ўз тасдиғини топган.

Маълум бўлсинки, Хожагон силсиласида Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий⁹ замонидан то Амир Кулол давригача хуфия зикрини алония зикри билан қўшиб олиб борардилар¹⁰. Уларнинг шариф силсилаларини алонияхонон-алония тарзида зикр этувчилар деб атардилар.

Ҳазрат Хожа Баҳоуддин (қ.с.) зухур этиш вақтларидан бошлаб ҳазрат Хожа Абдулҳолиқ Гиждувонийдан (қ.с.) маъмур бўлганларидан сўнг, хуфия зикрни ихтиёр этганлар ва алониядан узоқда бўлганлар.

Амир Кулол ўз асҳоблари билан алония зикрига машғул бўлган вақтда, Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.) туриб у ердан кетганлар. Бу (ҳаракат) асҳобнинг хотирига оғир ботса-да, Хожа парво қилмас, бу мақомда уларга тақлид қилмас эканлар¹¹. Аммо Амир Кулол хизмат ва мулозиматларидан бирор дақиқа ҳам қолмас, ҳамиша у кишининг ирода остоналарида таслим бошини эгиб, у зотдек бўлишга ҳаракат қилар эканлар¹².

Амир (Сайид Амир Кулол)нинг ҳазрат Хожага (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.) бўлган илтифотлари кундан кунга ошиб борган. Бир кун Амирнинг асҳоблари хилватда ҳазрат Хожа (Баҳоуддин Нақшбанднинг қ.с.) қусур ва нуқсонларини очдилар. Амир Кулол бу хилватда то бутун асҳоб - каттадан кичигигача беш юздан ортиқ киши Сухорий масжидига йиғилмагунча ҳеч нарса демадилар. Ҳар ким (масжид қурилишида) бир иш билан шуғулланарди. Лой ишини тугатгандан сўнг, асҳоб Амирнинг (Сайид Амир Кулолнинг) олдига келдилар. Шу вақтда Амир уларга юзланиб деди:

- Сизлар фарзандим Баҳоуддин ҳақида ёмон гумонлар қилиб, хато қилгансизлар. Унинг баъзи ҳолатларини қусурли амал деб, билгансизлар. Ҳақ субҳонаҳу назари унинг бутун борлигини қамраб олгандир¹³. Ҳақ таоло бандаларининг назари Ҳақ субҳонаҳу назарига тобеъдир ва назар қилиш даражасида ундан мақбули ва ихтиёрлиси йўқдир.

Кейин ғишт ташиш билан банд бўлган ҳазрат Хожани Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.)ни талаб этиб, йиғилганлар олдида у кишига юзланиб дедилар:

- Фарзандим Баҳоуддин, сизнинг нафасингиз ўрнига Хожа Муҳаммад Бобо нафасларини қўйдим. У киши айтган эдиларки, "Тарбиятда сенинг ҳаққингга ниманики ўрнига келтирган бўлсам, сен ҳаммасини хато қилмасдан фарзандим Баҳоуддин ҳаққига қўй". Мен шундай қилдим.

(Амир Кулол) ўзларининг муборак кўкракларига ишорат қилиб айтдилар:

- Сиз учун бўстонни қуритдик. Сизнинг руҳингиз қуши башарият байзасидан оламга чиқди¹⁴. Аммо сизнинг ҳиммат қушингиз баландга парвоз этгувсидир. Энди сизга ижозат. Ҳар ердаки машомингизга бир бўй етса, туркданми, тожикданми, уни талаб этинг. Талабгорликда ҳимматингизга йўл очинг.

Ҳазрат Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с) айтдиларки, ҳазрат Амир Кулолдан бу нафас зоҳир бўлганидан сўнг, бизнинг ибтидомиз бошланди. Билдикки, агар шу тарзда тобеълик қилсак балолардан йироқ ва саломатликка яқинроқ бўлурмиз.

Шундан сўнг, ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) етти йил Мавлоно Ориф¹⁵ билан суҳбатда бўлдилар. Сўнг Қусам Шайх¹⁶ ва Халил Ота¹⁷ га етдилар. Халил Ота билан ўн икки йил бирга бўлдилар.

(Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.) икки бор Ҳаж сафарига чиқдилар. Иккинчи гал Хожа Муҳаммад Порсо¹⁸ билан ҳамроҳ бўлдилар.

Хуросонга етгач, Хожа Порсони Нишопурга томон юбориб, ўзлари Мавлоно Зайниддин Абу Бакр Тойибодий билан учрашиш учун Ҳиротга келдилар ва уч кун мобайнида Тойибодда у киши билан ҳамсухбат бўлдилар. Кейин Ҳижозга томон юзландилар ва Нишопурда асҳоб билан кўришдилар. Кейин Марвда неча вақт муқим турдилар, сўнг Бухорога келдилар ва умрларининг охиригача шу ерда қолдилар.

У кишининг (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.)) аҳволларининг тафсили "Мақомот"¹⁹ асарида бордир.

Ҳазрат Амир Кулол сўнгги бетоблик чоғларида асҳобларини Ҳожага (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) итоатга чақирдилар. Асҳоб Амир Кулолга савол берди:

- Ҳазрат, Хожа Баҳоуддин алония зикрида сизга тобеълик қилмадику?

Амир буюрдилар:

- У кишидан ўтган ҳар бир амал қандай тарзда бўлса илоҳий ҳикмат билан бўлур ва у кишининг ихтиёри орада йўқдир²⁰.

(Амир Кулол (қ.с.) ушбу фардни айтдилар:

Сендаги бор нарсаларнинг олдида мен кимман?²¹

Хожагон хулафосининг сўзлари будир:

Сени сенсиз ўзингдан чиқарсалар кўркмагил.

Агар сен ўзингдан ўзинг чиқсанг кўркгил²².

Замон акобирларидан ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Мискин айтадилар:

- Шайх Нуриддин Хилватий Бухорода вафот этганларида, унинг таъзия йиғинида ҳазрат Хожа Баҳоуддин (қ.с) ҳозир эдилар. Таъзияда заифалар ва асҳоблар баланд овоз билан наъралар тортиб, фарёд чекардилар. Бу ҳолдан ҳозир бўлганларга оғир бўлди ва улар манъ этдилар. Шу пайт Ҳазрат Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) дедилар:

- Менинг охирги дамим етганда дарвишларга қандай ўлиш лозимлигини кўрсатаман.

Ҳазрат Муҳаммад Мискин айтадилар:

- Бу сўзлар мудом менинг ёдимда эди. Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) бетоб бўлдилар. Бу сўнггиси эди. карвонсаройдаги ҳужраларидан бирида ётардилар. Асҳоби хослари яхши мулозамат қилардилар. У киши (Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) ҳар бир кишига ўзига хос ва мос шафқат ва илтифот кўрсатардилар. Охирги нафасларида икки муборак қўлларини дуога кўтардилар, шундан сўнг оламдан ўтдилар.

Ҳазрат Алоуддин Ғиждувоний²³ айтардиларки: "Мен Хожанинг (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) охири касаллик лаҳзаларида ҳозир эдим. Менга дедилар:

- Ало, суфрани (дастурхонни) олдингга ол, таом егин!

Мени у зот (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) доим Ало дердилар. Мен буюрганларига амал қилдим, икки-уч лўқмадан сўнг ортиқ ея олмадим. Суфрани йиғиштириб қўйдим. (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) кўзларини очдилар ва кўрдиларки, мен суфрани йиғиштирганман. Дедилар:

- Ало, суфрани келтир ва таом егин!

Мен яна бир неча лўқма едим ва суфрани йиғиштириб қўйдим. (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) кўрдиларки, яна суфрани йиғиштириб қўйибман. Дедилар:

- Суфрани келтир ва таом егин. Таомни яхши ейиш ва ишни яхши қилиш керак! - деб тўрт марта такрорладилар.

Бу пайтда мулозим ва асҳобларининг хотирида "Ҳазрат Хожа қайсимизга иршод²⁴ ижозатини берадилар ва фуқаро тарбиясини кимга топширадилар?" деган уй чарх урарди. Ҳазрат Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) бундан огоҳ бўлдилар ва дедилар:

- Мени нега шу вақтда ташвишга соласизлар? Бу амр менинг ихтиёримда эмас. Қачонки Ҳақ субҳонаҳу сизни бунга мушарраф этса, бу ҳолат ҳукм бўлади ва сизга буюрилади.

Хожанинг (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) ходимларидан бири ҳазрат Али Домод шундай дейди:

- Ҳазрат Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) охири касаллик пайтларида қабрларини таъмирлашни амр қилдилар. Бу ул зотнинг муборак мазорлари эди. Ишни тугатиб, олдиларига келдим. Хотиримга келдики, "Бу кишидан кейин иршод кимга амр бўлади?". (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) бирдан муборак бошларини кўтардиларда, айтдилар

- Ҳижоз йўлида тугатилган ўша сўзлар бўлади²⁵. Кимнинг мени кўриш орзуси бўлса Хожа Муҳаммад Порсога назар қилсин.

Шу сўзлардан сўнг, эртаси кун руҳлари Ҳақ субҳонаҳу сари парвоз этди.

Нақл бордирки, Алоуддин Аттор²⁶ (қ.с) деганлар:

- Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) бу оламдан илоҳий оламга кўчиш вақтларида "Ёсин" сурасини ўқир эдим. Ярмига етганимда анвор ҳосил бўла бошлади. Калима айтиш билан машғул бўлдик, шундан кейин Хожа сўнги нафасларини олдилар.

У кишининг (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.) ёшлари етмиш учга тўлиб, етмиш тўртга томон қадам қўйган эдилар (Қамарий йил билан). Нақл қиладилар-ки, у кишининг вафотлари душанба кечаси робиъул аввалнинг учинчиси, етти юз тўқсон биринчи йил²⁷ бўлган.

Ҳазрат Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) вафотлари тарихи ҳақида дебдурлар:

Рафт Шоҳи Нақшбанд²⁸, он хожаи дунёю дин,
Он ки, будй Шоҳи роҳи дину давлатмиллаташ.
Маскану маъвои ў чун буд Қасри Орифон,
Қасри Ирфон²⁹ з-ин сабаб омад ҳисоб реҳлаташ

ИЗОҲ ВА ШАРҲЛАР

1. Баҳо ул Ҳақ ва Дин - Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с)га берилган таърифлардан бири бўлиб, мазмуни Ҳақиқат ва Динни ёритувчи равшан этувчи, демакдир. Яъни, Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с)нинг ўзлари Ҳақиқат ва Диннинг кўзгуси, акси, меъёри, мезонидирлар. "Нақшбанд" деган таҳаллус, бир томондан, оталари билан матога нақш босиш билан шуғулланганликлари учун берилган бўлса, иккинчи ва асосийси, шу касб билан шуғулланиш асносида у киши Энг Буюк ва Гўзал Нақш - Аллоҳнинг нақши эканлигини англаганликлари ва барча издошларига "Аллоҳни қалбга нақшлаб қўйиш лозим" деганлари сабабидан берилган. Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) Аллоҳ таоло инсонни яратар экан, унинг танасидаги ҳар бир узвини маълум неъмат сифатида беради, ана шу неъматдан тўғри фойдаланиш лозим, қўл меҳнат ва ҳунар ўрганиш учун керак бўлса, қалб Аллоҳ нурларини жойлаш, унинг муҳаббатини асраш учун зарур деб билган. Шунинг учун ҳам бу тариқат "Нақшбандия", яъни қалбларига Аллоҳни нақшлаганлар, номи ила машҳур бўлган. Уларнинг асосий шиори "Даст ба кору, дил ба Ёр" яъни, қўл иш, ҳунар ва меҳнат учун, қалб Аллоҳ ишқи учун - ҳунарманд, меҳнаткаш, олиму фозилларни ўзига ром этган. Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) ҳалол меҳнат билан яшаганлари ва Аллоҳни қалбларига нақшлаганликлари Ҳақиқат ва Дин моҳиятининг ўзидир.

2. Етти юз ўн саккизинчи (718) хижрий йил, муҳаррам ойи - Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) ҳаётини форс қўлёзмалар асосида тадқиқ этган академик А.А.Семёнов (1873-1958) Вюстенфельд жадвали

асосида ҳисоблашича, милодий 1318 йилнинг 5 мартдан 3 апрелигача бўлган вақтга тўғри келар экан.

3. Орифон Қасри - Орифлар (Ҳақиқат мақомига етиб, Аллоҳ ҳақидаги билимларни эгаллаган кишилар)нинг қасри. Бу жой Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) таваллудларидан бурун Қасри Ҳиндувон - Ҳиндулар яшайдиган қаср номи билан юритилган. Шаркшунос, туркий тиллар бўйича мутахассис В.А.Гордлевский (1876-1956) тадқиқотлари асосида айтиш мумкинки, бу ерда аввал будда динига сиғинган ҳиндулар яшашган. Муҳаммад Бобо Самосий (қ.с) бу ерда улуг эр дунёга келади, деб башорат қилганлар.

Бу ер ҳозиргача Қасри Орифон номи билан маълум ва машҳур.

4. Каромат ва ҳидоятлар - Каромат авлиёлар содир этадиган ғайри оддий ҳолатлар, ҳаракатлар. Ҳидоят - одамларга тўғри йўл кўрсатиш. Каромат ва ҳидоятлар Аллоҳ нури ила буюк кишилар қалбига жо қилингандур. Булар Илоҳий Моҳиятнинг чексиз имкониятларидан гувоҳлик берувчи далиллар.

5. Муҳаммад Бобо Самосий (вафотлари 1340) - Хожагон тариқатидан Хожа Али Ромитанийнинг халифалари (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) таваллудларидан олдин башорат қилганлар. Муҳаммад Бобо Самосийнинг муборак қабрлари Бухорода.

6. Амир Кулол - Сайид Амир Кулол (вафотлари 1370) - Хожа Муҳаммад Бобо Самосий халифалари, хожагон тариқатининг йирик намояндаларидан бири. Бу зот муршидлари Хожа Муҳаммад Бобо Самосий васиятларига кўра тариқат одобини зоҳирий томондан Баҳоуддин Нақшбандга (қ.с.) таълим бердилар. Амир Кулолнинг муборак қабрлари Бухородадир.

7. Увайсий - ўзидан олдин ўтган пир, авлиё ва буюк кишилар руҳидан тарбият топиб, камолотга етган ва тасаввуф йўлига кирган киши. Баҳоуддин Нақшбанднинг "Ҳақиқат юзидан увайсий" эканликларининг таъкидланиши, руҳий камолотлари Хожагон тариқатининг асосчиси, Хожаи Жаҳон - Абдулхолик Ғиждувоний (қ.с.) руҳий тарбиятлари орқали бўлганлигидир.

8. "Мақомот" - Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) ҳаёт ва таълимотларини жамъ этган манба. Бу манбалар Баҳоуддин Нақшбанднинг (қ.с) муридлари ва халифалари Муҳаммад Порсо, Алоуддин Аттор, Яъқуб Чархий шаҳодатлари асосида ёзилган. Бизнинг фикримизча, бу ўринда Муҳаммад Боқирнинг "Мақомоти ҳазрат Хожа Нақшбанд" асарлари ҳақида сўз бормокда.

9. Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий (вафоти 1306-1321) - Хожагон тариқатининг намояндаси, Хожа Ориф Ревгарийнинг халифаси. Тариқатда алония - ошкора зикр этиш билан шуғулланган.

10. Алония ва хуфия зикрини қўшиб олиб бориш - тасаввуфда, умуман, зикр - Аллоҳни ёд этиш алония - ошкора овоз билан ва хуфия - яширин, ҳеч кимга билдирмасдан, қалбда амалга ошрилади. Хожагон тариқатида Абдулҳолиқ Ғиждувоний (қ.с.) издошлари Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийдан то Сайид Амир Кулолгача зикри алонияга амал қилган. Шунинг учун хожагон тариқатида Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) хуфия зикри билан шуғуллана бошлангунгача алония зикри хуфия зикри билан қўшиб олиб борилган, деган фикр мавжуд.

11. Мақомда уларга тақлид қилмас эканлар. Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) Сайид Амир Кулол асҳобларидан ҳисоблансалар-да, фақатгина хуфия зикри билан машғул бўлганлар. Қолган асҳоблар алония зикр билан шуғулланишган. Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) учун Аллоҳ қалбига солган нарса муҳим бўлган ва Аллоҳ иродасидан ўзга нарсага парво қилмаганлар. Шунинг учун Сайид Амир Кулол асҳобининг ранжишига эътибор бермаганлар ва уларга тақлид қилмаганлар.

12. Бу ерда Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) Сайид Амир Кулолдан фарқли хуфия зикр билан шуғулланганлигига қарамай, бошқа ҳамма жиҳатлардан пирига тўла итоат қилганликлари таъкидланмоқда.

13. Ҳамиша Ҳақ субҳонанинг назари унинг бутун ҳолатини қамраб олган. Бу жумла Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) каломлари, феъллари, амаллари ҳаммаси Аллоҳ иродаси ила амалга ошиши ва юзага келишини англатади.

14. "Сизнинг руҳиятингиз башарият байзасидан оламга чиқди" - Сайид Амир Кулолнинг Баҳоуддин Нақшбандга, барча башарий истаклар устидан ғолиб чиқиб, руҳий камолот билан Аллоҳга яқинлашганини таъкидлаш учун айтган сўзларидир.

15. Мавлоно Ориф - Мавлоно Ориф Диггароний Хожагон тариқатининг машҳур сўфийларидан Сайид Амир Кулолнинг иккинчи халифаси. Сайид Амир Кулол таъкидлаганларки, менинг асҳобимда Ориф Диггароний ва Баҳоуддин Нақшбандга (қ.с) тенг келадиган кишилар йўқ. Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.) етти йил у кишининг суҳбатларида бўлганлар.

16. Қусам Шайх - турк машойихларидан бўлиб, Хожа Аҳмад Яссавийнинг (қ.с.) хонадонидандир. Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) Мавлоно Ориф Диггаронийдан сўнг Қусам Шайх хизматига бориб, у ерда уч ойга яқин бўлдилар. Шу муддат ичида талабгорликда

ўзларини шу даражада намоён қилдилар-ки, Қусам шайх: "Тўққиз ўғлим бор эди. Сен барчасидан улуғроқ ва муқаддамроқсен", деганлар. Қусам Шайх Нахшбанд Бухорога келиб, шу ерда вафот этдилар. Муборак қабрлари Қаршида, Косонга яқин ерда.

17. Халил Ота - турк машойихларидан, Аҳмад Яссавий хонадонидан бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) билан мулоқотда бўлишлари уйқуларидан аён бўлган. Хожа билан танишганларидан сўнг, ўн икки йил хизматларида бўлганлар. Халил Ота 1340 йилдан 1347 йилгача султонлик қилдилар. Султон Халил салтанати таназзулини кўрган Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) бу оламдаги моддий нарсаларга боғланишдан кечади ва ўзини Ҳақиқат йўлига, Аллоҳга хизмат этишга тўла бағишлайди.

18. Хожа Муҳаммад Порсо - Баҳоуддин Нақшбанднинг (қ.с.) иккинчи халифаси. У зот вафотларидан сўнг Бухорода Нақшбандия тариқатига муршид бўлганлар. Кўплаб асарларнинг муаллифи, зукко мутасаввуф. Муҳаммад ибн Маҳмуд ал Ҳофиз ал-Бухорий-Муҳаммад Порсо 1345 йилнинг 20 ноябрида Бухорода туғилиб, 1420 йилда Мадинада вафот этганлар. Муборак қабрлари Мадинаи Мунавварададир.

19. "Мақомот" - 8 – изоҳга қаранг.

20. "У кишининг ихтиёрлари орада йўқ" - ибораси орқали Сайид Амир Кулол Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) тўла Аллоҳ иродасига бўйсинишлари ва у кишидан зухур этадиган барча ҳодиса Аллоҳнинг иродаси эканлигини тушунтириб, хуфия зикрига амал қилишлари ҳам Аллоҳ томонидан ҳукм бўлганлигини асҳоб аҳлига англашмоқдалар.

21. "Сендаги бор нарсаларнинг олдида мен кимман" - Сайид Амир Кулолнинг Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) илоҳий қобилиятларига берган баҳолари.

22. "Сени Сенсиз ўзингдан чиқарсалар кўркмагил" - Аллоҳ иродаси ила сенга йўл-йўриқ кўрсатилса кўркмагил, "Агар сен ўзингдан ўзинг чиқсанг кўркқил" - сен тананг ва руҳиятингни бошқаролмасанг ва улар сени ўзлигингдан жудо этсалар кўркиш керак. Бу маънолар илоҳий йўлнинг ҳақлиги, ҳақ йўлидан борувчиларнинг амалиётлари ҳам тўғри ва яхшилик келтирувчилигини англашмоқда. Бу байт хожагон тариқатида энг машҳур иборадир.

23. Алоуддин Ғиждувоний - Баҳоуддин Нақшбанднинг учинчи халифаси, Нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси. Муборак қабрлари Бухорода.

24. Иршод - тўғри йўлни кўрсатиш, хидоят килиш.

25. Ҳижоз йўлида айтилган сўзлар - бу Баҳоуддин Нақшбанднинг (қ.с.) иккинчи маротиба Ҳажга бориш пайтларида Ориф Диггароний билан ўз асҳобига ўзидан сўнг, иршод ва хидоятни Муҳаммад Порсо томонидан берилиши ва у Нақшбандия тариқатига пир бўлиши таъкидланмоқда.

26. Алоуддин Аттор - Баҳоуддин Нақшбанднинг биринчи халифаси. Нақшбандия тариқатининг энг машҳур ва буюк намояндаларидан. Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) авлодларининг давомчиси. Алоуддин Аттор 1400 йилда вафот этганлар. У кишининг муборак мозорлари Ҳисордаги Чағониён мавзеида.

27. Роббиул аввалнинг учинчиси, етти юз тўқсон биринчи йил ҳижрий ҳисоб бўлиб, милодий 1389 йил 2 мартга тўғри келади.

28. Шоҳ Нақшбанд - Баҳоуддин Нақшбанднинг (қ.с.) адабиётларда улуғланиб айтиладиган сифат. Маъноси энг Олий Нақш - Аллоҳ нақшини қалбларига нақш этишни мукамал биладиган зот, демак.

29. Қасри Ирфон - абжад ҳисоби билан 791 - сана. "Қасри Ирфон 3-ин сабаб омад ҳисоби реҳлаташ" - етти юз тўқсон биринчи йил Баҳоуддин Нақшбанднинг реҳлат этиш йиллари эканини билдиради.

30. Шеърнинг мазмуни.

Дунё ва диннинг хожаси бўлган Шоҳ Нақшбанд кетди,

У давлати, миллати ва динининг йўл кўрсатувчи Шоҳи эди.

Туғилган ва ўлган маскани Орифон Қасри бўлгани учун

Қасри Ирфон унинг реҳлати ҳисобига айланди.

Номаълум шоир томонидан ёзилган бу сатрлар, бир томондан, Хожа Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанднинг (қ.с.) йўл кўрсатувчиларнинг Шоҳи эканини англатса, иккинчи томондан, унинг 791 йилда оламдан ўтганини билдиради.

**Форс тилидан таржимон,
изоҳ ва шарҳлар муаллифи
Гулчеҳра Наврўзова.**

ТАҲСИН ЁЗУВЧИ “НАҚШБАНД”

Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318-1389), Нақшбандия тариқатининг илк шайхи бўлиб, ҳижрий 718 (март-апрель 1318) йили Бухоро атрофидаги Қасри Орифон (Ундан авваллари Қасри Ҳиндувон) деган бир қишлоқда туғилган. Бу кишининг буюк шуҳрат қозонишига қарамасдан таржимаи холи ҳақида маълумот оз, у ҳақда баён қилинадиган манба ҳам бизгача кам етиб келган. Ўзини кўриб таниган шахслардан бўлган Салоҳиддин ибн Муборакнинг энг қимматли асари саналган “Анис ат-толибийн ва уддат ас-соликин” (“Толиблар дўсти ва йўловчи дастаги” унинг туркчага таржимасини Сулаймон Иззий бажарган, Истанбул, 1328) отли асарида берган маълумотлар ҳам жуда шубҳалидир. Шундайки, бу асарда Нақшбанднинг отасининг касби-кори нима, ўзи нима билан шуғулланганлиги ҳақида, шу билан бирга асл исмини олган Нақшбанд ном унга нима сабабдан берилганлиги ҳақида бирор маълумот ҳам йўқ. Ота-боболари орасида шуҳратли бирор кимса бўлмаганлигига қарамай, кейинги муаллифлар томонидан унинг насабини ал-Имом Жаъфар ал-Содиқ деб ҳам битганлар. Шундайки, ўзини кўриб таниганлар томонидан ёзилган асарларда фахр билан қайд этилган ҳолда насабини бунчалик бир исбот этилмаганлиги ва бунинг сўнгида уларга яқинлаштириш эҳтимолини қувватлаганлар ҳам бор. Нақшбанд лақаби эса бу тариқат-йўлнинг баъзи асосларига таяниб, бошқалар тарафидан берилган бўлиши эҳтимолидан холи эмас. Негаки, “нақшчи” маъносига тўғри келадиган бу сўз “нақш” ва “банд” (нақш ва боғлаш) маъносига таяниб, уни зикр этишдан ҳосил бўлган таъсир – нақш, нақша ҳамда бунинг таъсири (яъни нақши) боғлашга ўхшатиш сўзнинг бу маъноси шу тариқатнинг асосларидан бири бўлиб, муриднинг шайхга нисбатан доимо бир руҳий боғлиқлигини ўзида сақлаган қандайдир робита билан алоқадорлиги эҳтимоли бордек туюлади. Ўзидан олдин яшаган бир шайхнинг руҳониятдан файз ўларок, унга нисбатан берилишини илгари сурган ва ўзини ҳам бу хилдаги ҳатти-ҳаракатлари сабабли унга айни чоқда Увайсий нисбати берилиши ҳам ажаб эмас.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳали уч кунлик чақалоқлик чоғида Қасри Ҳиндувонга келган Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий тарафидан маънавий авлодлигига қабул этилди. Шунга Хожа Муҳаммад болани

доимий тасаввуф йўлида тарбиялаб бориш ишини у пайтда доимо ёнида бўлиб юрган Саййид Амир Кулолга ҳавола этди. Бундан сўнгра то 18 ёшга қадар Нақшбанднинг тарбия ва тарзига доир манбаларда бирор бир маълумот йўқ. Шунда отасининг турли-туман тасаввуф аҳли ва унинг арбоблари билан Нақшбандни таништириш ва уларнинг суҳбатларидан фойдаланиш мақсади билан Самарқандга қадар олиб келганлигини назарга олса, унинг таълим ва тарбияси билан шуғулланганлиги аён бўлади. Баҳоуддин Самарқанддан қайтган замон у ҳали 18 ёшда бўлган чоғидаёқ уйлантиришади. Бу орада Хожа Азизонга (вафоти 715/1315-16) илашган одамлар кийган кулоҳдан унга ҳам юборилиши муносабати билан тасаввуф фикрларига майли ортиб, унинг мизожида катта бир ўзгариш юз берди. Кўп ўтмай Хожа Амир Кулол Қасри Орифонга келди ва Самосийнинг васиятини эслаб, уни тасаввуфий тарбиялаш учун қабул қилди. Бу воқеадан сўнгра Амир Кулол Насаф (ҳозирги Қарши)га қайтади. Кўп ўтмай Нақшбанд Мир Кулол хазматида бориб, 7 йил ораси унинг хизматида бўлади. Шунда у зикр талқинини ва сулук адабини Амир Кулолдан ўрганади. Шуниси ҳам борки, у ўзининг бу йўлга киришига фақат Абдулхолик Ғиждувонийнинг руҳониятига бурчли эканлигини таъкидларди. Худди шундай, ўзини Амир Кулолга қарши қўйиб, Абдулхолик ал-Ғиждувонийга эргашиб, яширин зикр этишни устун кўриш фикрини қувватлайди. Асосан ўзининг Увайсий нисбаси берилишига сабаб ҳам яна аввал ўтган шайхнинг руҳониятидан бир шаклда файз-қувват олганлиги бўлди. Яширинча зикр этиб юриш уни мудофаа этар деган умидда бўлган Нақшбанднинг бу ҳаракат тарзи Амир Кулол муридлари учун шикоят этишга баҳона бўлди. Шуниси ҳам бор эдики, Амир Кулол ҳар турли йўл билан Нақшбанднинг бу ҳатти-ҳаракатини тақдирлар, уни қўллаб-қувватлаб ҳам юрарди. Ниҳоят бир кун, Суҳорда масжид қурилаётган пайтда уни қуришга келган беш юз чоғлиқ дарвишлар орасида Амир Кулол Баҳоуддин Нақшбандга унинг бундан кейинги ҳатти-ҳаракатида озод эканнини, хоҳ турк бўлсин, хоҳ тожик бўлсин фойдали бўлган ҳар шайхдан файз олиши мумкинлигини сўзлади. “Рашаҳот”га кўра, Нақшбанд бундан кейин етти йил давомида Ориф Диггароний суҳбатида бўлади. Ундан сўнгра ҳам вақт келиб яссавия тариқати шайхларидан бўлган Қусам Шайх ва Ҳалил Ота билан танишди. Бир қанча вақт ҳукмдор ҳам бўлган Халил Ота хизматида, бир ривоятга кўра олти, бошқа ривоятга кўра 11 йил қолди. Бу ҳукмдор шайхни 747 (1347)ичи йилда йўқ қилиш борасида қилган қилғиликлардан анча

руҳан эзилган Нақшбанд дунё ишларидан қўл ювиб барча ҳатти-ҳаракатларидан ҳафсаласи пир бўлиб, ниҳоят Бухоро қишлоқларидан бўлган Ревартунга келиб жойлашди. Ҳатто у шайхлардан ташқари Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқий деган зотдан ҳам ҳадис ўқигани маълум. Нақшбанднинг бундан кейинги ҳаёти ҳақида маълумот ҳам йўқ, шу билан бирга қайси вақтдан буён мустақил равишда тарикат фаолиятини бошлагани ҳам маълум эмас. Шундайки Амир Кулолнинг 772(1370) йилда юз берган вафотидан бир оз аввал ўз муридларига, бундан кейин Нақшбандга бўйсуниб кераклиги тўғрисидаги васиятида ҳамда Нақшбанднинг бу вақтдан анча илгари ундан айрилгани назарга олинса, унинг бу вақтга келиб анча-мунча тарафдорлар гуруҳи тўплай олгани маълум бўлади. Нақшбанд камолотга эришгандан сўнг икки марта ҳаж қилди. У икки бор Ҳаж қилишида ўзининг ўринбосарларидан Муҳаммад Порсони муридлари билан бирга Нишопурга жўнатади, ўзи эса Зайнуддин Абу Бакр ал-Тойибодий (вафоти 791/1388-89)ни зиёрат этиш учун Ҳиротга бориб, уч кун давомида бу шайх билан суҳбатлашгандан сўнг Нишопурга ўтиб, уни кутиб турган дўстларига қўшилди. Ҳаждан қайтишда Бағдодга борди, ундан Марв тарафга йўл олди. Бу ерларда бир қанча вақт қолиб, Бухорога жўнади. Балки ўз тарафини ёйиш мақсадида қисқа вақтга ён тарафларга сафар қилиб турган бўлса-да, лекин Бухородан айрилмади. Шундай саёҳатларининг бирида Сараҳсда бўлган чоғида Ҳирот хукмдори Муиззуддин Ҳусайн (1331-1370) уни Ҳиротга даъват қилди. Бу хукмдор ва унинг оиласи тарафидан юборилган ҳадялар қабул қилинмаганлиги ва ҳозирланган турли-туман таомлардан емагани ва Ҳирот чўлларида ниҳоят даражада пажмурдахол бир қиёфада кезиши халқ орасида унинг шуҳратини яна ҳам ошириб юборди. Бухорода хоҳ тасаввуф, хоҳ бошқа соҳалардаги йирик одамларнинг унинг теварак-атрофига тўпланиши бир қур дин аҳлларининг ғашига тегса ҳам, булар Нақшбанднинг дин ва тасаввуф соҳасидаги кенг билими қаршисида мажбуран жим қолдилар.

Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан бир кун олдин муридларига васият қилиб, ўринбосари бўлган Муҳаммад Порсога бўйсунибларини таъкидлаган. Шу билан у учинчи рабби ул аввал 791 (2 март 1389 й.) душанба куни 73 ёшида вафот этди ва ҳозир кўпчилик томонидан зиёрат этиладиган турбасига дафн этилди.

Кўпми озми бир ҳаёт кечирган Баҳоуддин Нақшбанд ҳаром нарсадан ўзини ўта даражада тияр, ҳадя келтирганларга ҳадя билан жавоб беради, аммо бу борада пайғамбар каби ҳатти-ҳаракатда

бўлишни ўзига эп кўрмасди. Меҳмонга кўп ҳурмат-эҳтиром кўрсатар, унинг кўнглига қараб, ҳатто зарур бўлса тутаётган рўзасини ҳам бузишга тайёр бўлиб турар ва шуни сўзлар эди, ҳайвонларни ҳам жуда севарди.

Яна табиатидаги ижобий бўлган кўп хусусиятларидан ташқари Баҳоуддин Нақшбанд ўз фикр-мулоҳазасида Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳусайн ат-Термизий (вафоти 320/932) ва унинг асарларидан миннатдор эканини сўзлайдилар. Шундайки, унинг ўзи ҳам 789(1387) йилда 22 йилдан бери Ҳаким Термизий тариқатига боғлиқ бўлганини сўзлайдилар.

Баҳоуддин Нақшбанд яқинлари ва унинг ўринбосари Порсо тарафидан ва айрича баъзи таржимаи ҳолни баён этган манбаларда қайд этилган сўзлардан бошқа унинг бирор асарига ҳавола қиладиган маълумотлар учрамайди. Маъмун ибн Аҳмад ибн Иброҳим ал-Турнавий билан Муҳаммад ибн Мустафо ал-Ҳомидий тарафидан бажо келтирилган “Ал-Аврод ал-Баҳойя” деб танилган манбанинг икки шарҳи мавжуд.

Нақшбандга ҳавола этиладиган ва ё ҳеч бўлмаса ундан сўнгра бу от билан шуҳрат топган тариқат излари ундан ҳам олдин Ғазнавийлар даврида (357-579/962-1183) учрайди. Баъзи асослари очик бўлган тариқат чинаккамига ўз шахсиятини Хожа Юсуф ал-Ҳамадоний (ваф. 535/1140)дан сўнг олди. Аҳли суннат ақидаларига боғлиқ бўлгани учунми одамларни халифалик борасида бир овоздан қўллаб-қувватлаши натижасида суннат ҳукмдорларининг рағбат ва ёрдамига манба бўлди. Шу билан бирга (Нақшбанд) Юсуф ал-Ҳамадонийнинг халифаларидан бўлиб, Аҳмад Яссавий тариқатини Мовароуннаҳрда, Абдулҳолик Ғиждувоний эса Хоразм ва Хуросонда ёйилишига ёрдам берди. Ал-Ғиждувонийнинг зикри хуфийи-яширин эслаши Аҳмад Яссавийнинг зикри жаҳрийи-очик эслашидан устун қўйиш сабаби билан тариқат мисоли икки қўл ҳолига келди ва бу қўллар келишган муҳитнинг урф ва ишонувчиларининг таъсири билан ҳам бир-биридан фарқли бўлган бир моҳият касб этди.

Бу орада бир қадар заифлашган Ғиждувоний асослари Баҳоуддин Нақшбанд тарафидан яна қайтадан жонлантирилди. Ҳақиқатда ҳам, Баҳоуддин Нақшбандга нисбатан бериладиган тариқатнинг маълум ва машҳур асосларидан бўлган ва шайхдан олинган зикри қалб ва ёки дил билан давомли бўлиб такрорламоқ маъносида келадиган “Ёдқард” иборасида Тангридан бошқа нарсани тушунмаслик мақсади ила қалб эшигига кўз-қулоқ бўлиш маъносига тўғри келадиган “Нигоҳдошт”, ожизлик ва паст табиатлилик билан

Тангрига қаратилган маъносига йўйиладиган “Ёддошт”, Тангридан хабардор ўлароқ нафсининг кириб-чиқишига нисбатан диққат қилиш маъносига тўғри келадиган “Хуш дар дам”, ажралишдан эҳтиёткорлик маъносига тўғри келадиган “назар бар қадам”, жамиятда инсон ўзини Тангри билан ҳис этишини ифода этадиган “Хилват дар анжуман”, бериладиган сифатларга қараб илоҳий тавсифлар билан буюккламоқ маъносига тўғри келадиган “сафар дар ватан”, ҳар бир оқшом чоғи кунлик аъмолларни ҳисоблаш маъносига тўғри келадиган “вуқуфи замоний” ва қалб билан бажо келтириладиган эсланишларга эътибор бермоқ, яъни зикр тушган одам ич-ичдан ҳамда дарҳол 3,7,15 ва ёки 21 даъфа ва доимий равишда такрорлашдан иборат бўлган “вуқуфи ададий” каби таъбир ва усуллар тамомила ал-Ғиждувонийга оиддир.

Кўринишича, ал-Ғиждувоний асосларига содиқ қолган Баҳоуддин Нақшбанд ўз тариқатини увайсийлик ва робита каби икки асос билан кучайтирди. Бошқа тариқатлар аксига юриб, тариқат силсиласига Алининг ўрнига Абу Бакрни қўйиш ҳамда бошқаларда озгина бўлса-да, шиалик таъсирига берилмади.

Шу каби бир озгина бўлган фарқлар етилган замон ва муҳитнинг таъсирини ҳисобга олмаган. Айтиш мумкинки, Баҳоуддин Нақшбандга нисбат бериладиган тариқат йўли, Ғиждувонийдан (ваф. 575 ва ё 585/1179 ва ёки 1189) эътиборан Хожагон номини олган бир тариқатнинг давомидан иборатдир. Бу орада унга нисбат бериладиган Яссавий тариқатининг ҳам нақшбандийлик борасига таъсири бўлган.

Яна шуниси ҳам борки, Баҳоуддин Нақшбанд номи билан шуҳрат топган ва катта бир куч-қувватга эга бўлган бу тариқатнинг Ўрта Осиё, Хуросон ва унинг теваараклари аҳолисининг сунний мазҳабига ўтишига ҳам катта таъсири бўлди. Орадан кўп ўтмай Убайдуллоҳ Хожа Ахрор (806-895/1403-1490)нинг ўринбосарлари бўлган ҳамда мулла Илоҳий Симовий номи билан шуҳрат топган Шайх Абдуллоҳ Илоҳий Симовий (ваф. 896/1490-91) воситаси билан Анатолийда (Туркия), Боқий Биллоҳ Кобулий (ваф. 1014/1605-6) тарафидан эса Ҳиндистонда кенг кўламда ёйилиши имконини ҳам олди.

Ҳиндистонда Мужаддия деган от билан, ундан Ҳижоз, Ироқ ва Сурия тарафларига ёйилди, кейинчалик Сурияда унинг Холидия деган тармоғи ташкил бўлиб, элга ёйилиб кетди.

(Турк тилидаги Ислом энциклопедиясидан марҳум шарқшунос олим Абдусодиқ Ирисов таржимаси)

ҲАЗРАТИ ХОЖАЙИ БУЗУРГХОЖА БАҲОВУДДИН ШОҲИ НАҚШБАНД, ҚУДДУСА СИРРУҲУ ВАФОТИ ТАРИХИ ЗИКРИ

Ферузаранг тўққиз фалакнинг яғонаси, муқарнас анжом хожа Баҳоулҳақ вад-Дин Ҳазрати Шоҳ Нақшбанд, қуддуса сирраҳу. Ул ҳазратнинг номи Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорийдир. Ул зот фарзандлик қабул назари Ҳазрати Хожа Бобойи Самосийдандир, тангри унинг сиррини муқаддас қилсин. Хожа Нақшбанд ҳар бир ғойиб борлиқ олам саҳифасида унинг ботиний назарида зоҳир ва ҳозир кўринди. Кўп мартаба бир бечоранинг мушкулини кароматли бармоқлари ишораси, одатдан ташқари бўлган нохунлари имоси билан жуда осон ҳал қиларди. Ул валийлик қутбининг фалаги, азалийсипеҳр авжининг қуёшининг қутблари орасида шундай мартабада эдики, сатҳис-само калиди деса бўларди. Камоли тарбиясини Ҳазрати қутбул-ақтоб Сайид Амир Кулолдан топган. Шундай тарбия топдики, хокий вужуди паймонасини азал қорхонасида қорғанди. “Инноллоҳу халақа билбашари мин тирабин адиман” ояти каримаси шундан ишорадир. Ул қолибни ибодат лангарида, риёзат оташида ва мужоҳидат танури оловида пиширилди, токи Илоҳий маърифат шароби булоғидан татингай. Вужуди иёри холис кумуши риёзат қурасида шундай тобландики, ҳақиқий ишлар асҳоблари наздида иқбол нақши зарби (Нақшбанд) билан маскук этилгай. Чунончи, Ҳазрати Маҳдуми Мавлоно Абдурахмон Жомий буюрадилар. Назм:

Сикка, ки дар Ясрибу Батҳо заданд,

Навбати охир ба Бухоро заданд.

Аз ҳатти он сикка нашуд баҳраманд,

Жуз дили бенақши шаҳи Нақшбанд.

Он гуҳари пок на ҳар жо бувад,

Маъдани ў хоки Бухоро бувад.

Мазмуни:

Ясрибу Батҳода сўқилган тангани,

Охирги навбатда Бухорода зарб этдилар.

Ул танга хаттидан баҳраманд бўлмади,

Шоҳи Нақшбанднинг бенақш дилидан ўзга.

Ул пок гавҳар ҳар ерда бўлавермайди,

Унинг маъдани Бухоро тупроғидадир.

Санайи 791 ҳижрий (милодий 1389) йил эдики, ул фалаклар олами анжуманининг шамъи, хужраи хилват истовчиларининг чироғи тупроққа айланди. Оқибати маҳмуд бўлган ул зотнинг туғилган масканлари Қасри Орифон эди. Дафн этилган жойлари ҳам шу ерда бўлди. Замон бандаларидан бири ул зот вафотига ушбу тарихни айтган. Тарих:

Рафт шоҳи Нақшбандон хожаи дунёву дин,
Он, ки буди шахроҳи мулку миллат миллаташ.
Маскану маъвои ў чун Қасри Орифон,
“Қасри урфон” (791) з-он сабаб гардид соли рихлаташ.

Мазмуни:

Кетти ул шоҳи Нақшбанд, дунё ва дин хожаси,
Ул мулку миллат шохроҳи эди, миллати.
Маскану маъвоси Қасри Орифон бўлгани учун,
“Қасри урфон” бўлди унинг вафоти санаси.

Шаҳардан бир милга яқин масофада жойлашгани сабабдан уни Қаъбайи муаззамдек зиёрат қиладилар. Илоҳо, ҳаммага бу равза тавофини насиб этгин!

Шарафиддин Роқимий. Тарихи Томм.
(Тошкент. “Маънавият”, 1998. 15-17-бетлар.)

БАҲО–АД–ДИН НАҚШБАНД (Когон ноҳияси, XIV аср)

Баҳо-ал-ҳаққ-ва-д-дин ҳазратлари зикрида. (Ҳазратларининг исми шарифи) – Муҳаммад ибн Муҳаммад Нақшбанд – Оллоҳ Таъоло унинг руҳини муқаддас қилсин.

(Хўжа Баҳо-ад-дин) ҳазратларининг шарафли насаби “Тўҳфат ал-ансоб” (китобида) бундай берилган: ҳазрат Баҳо-ал-Ҳаққ-ва-д-дин саййид Муҳаммад ибн саййид Муҳаммад Жалол-ад-дин Бухорий ибн саййид Бурҳон ад-дин Холдор ибн саййид Абд-Оллоҳ ибн саййид Зайн-ал-обидин ибн саййид Шаъбон ибн саййид Бурҳон ибн саййид Маҳмуд Румий ибн саййид Исҳоқ, лақаби Илоқ ибн саййид Таки ибн саййид Ҳалватий ибн саййид Фаҳр-ад-дин ибн саййид Маҳмуд Жоме ибн саййид Али Акбар ибн ҳазрат имом Али Таки ибн имом Муҳаммад Таки ибн ҳазрат имом Али Мусо ар-Ризо ва (х.к.) насабининг охиригача.

Улуғ хўжа (Баҳо-ад-дин Нақшбанд) ҳазратлари – Оллоҳ унинг азиз сиррини муқаддас қилсин-волида (она) томонидан Сиддиқийдир.

Улуғ хўжа (Баҳо-ад-дин Нақшбанд) ҳазратлари болалик пайтида Бобо-йи Саммосий томонидан маънавий фарзандликка қабул қилинган.

У киши (хўжа Баҳо-ад-дин Нақшбанд) ҳазратларининг пири – саййид Амир Кулол (ҳазратларидирлар) – Оллоҳ унинг сиррини муқаддас қилсин. Аммо (хўжа Баҳо-ад-дин) ҳақиқий насаби бўйича увайсий бўлганлар. (Маънавий) тарбияни (у киши) Хўжа-йи (Жаҳон) Абд-ал-Холиқ Ғиждувоний – Оллоҳ раҳмати унинг устида бўлсин – руҳиятидан олганлар ва шунингдек турк шайхларидан суҳбатлар таъсири ва файзларини топганлар.

У (киши – хўжа Баҳо-ад-дин Нақшбанд)нинг бу (Хўжагон ва Нақшбандия) тариқатида Хўжа-йи Бузург (Улуғ Хўжа) ва Нақшбанд лақаби (бор)дир.

Ҳикоят бор, хўжа Ало-ад-дин Аттор (сўзи)дан – унинг сирри муқаддас бўлсин, қайсиким, ўз ҳолининг аввал даврида Улуғ Хўжа (Баҳо-ад-дин Нақшбанд) ҳазратларининг мулозимати (хизмати)да бўлганлар, (ҳикоят қилганларки, бир вақт) хўжа Муҳаммад Дар-Оханин сўради: “Сизнинг юрагингиз қандай кайфиятга мойилдир?”. (Хўжа Аттор) айтдилар: “Бу менга маълум эмас”. У (Хўжа Дар-

Оханин) деди: Кўнгил менга икки-уч кунлик ойдек сезилади. Мен (ўз) кайфиятимни Хўжа (Баҳо-ад-дин)га арз (изҳор) қилдим; у киши менга буюрдиларки, дарвиш (ўз ҳаёт тарзи билан) ўз кўнглининг кайфиятини баён қилганлар; хўжа (Баҳо-ад-дин) ўша пайтда тик туриб, тўхтаган эдилар, менинг қадамимга қараб қадам кўйдилар; (шу пайт) менда улуғ кайфият пайдо бўлди: мен ўз вужудимнинг ҳамма зарраларини яққол кўрдим; у ҳолда мен ўзимга келгач, Хўжа (Баҳо-ад-дин) буюрдилар: “(Мана) бу – кўнгил кайфияти, (у бошқа ҳол-кайфият) эмас”.

У киши (хўжа Баҳо-ад-дин)нинг туғилган ва дафн этилган жойи – Орифон даҳаси (қишлоғи), қайсики, Бухоро (шаҳри)дан бир тош узоқликдаги йўлдир, шарқ томонда.

У киши (хўжа Баҳо-ад-дин)нинг вафоти етти юз тўқсон биринчи (ҳижрий 791-милодий 1389) йилда (содир) бўлган – Оллоҳ унинг сиррини муқаддас қилсин.

Носир-ад-Дин Тўра ибн Амир Музаффар ал-Ҳанафий
ал-Бухорий. Хўжа Баҳо-ад-дин Нақшбанд ва у киши
ҳазратларининг устозлари ҳамда муридлари.
(Бухоро, 1993. 17-18-бетлар.)
Б.Қазоқов таржимаси.

Сайид Аҳмад Васлий
НАЗМ УС-СИЛСИЛА

У жанобдан жаноб Хожа Баҳоуддин Нақшбанд
қаддаса сирраҳуга

Унга Нақшбанд мурид бўлгандан сўнг унинг мартабаси гардун (осмон)дан ошди.

У Баҳо-ул-ҳақ вад-дин валининг олдида ҳар бир махфий иш ошкора эрди.

Унинг мартабаси осмонлардан ҳам юқори,
Камтарин яшаш манзили хулди барин (биҳишт) эди.

Нозик жисмига жон киргани каби,
Нури нисбат унинг қалбига ўтди.

Замирига нур жилвагар бўлгандан кейин, ботини Илм-ул-яқин марказига айланди.

Бир қараш билан еру кўкнинг (сирларини) кўрди, у денгиз остидан ойгача етди.

Ҳама пасту баланддан воқиф бўлиб,
Хуллас, маъориф тахтига шоҳ бўлди.

Шоҳлик шуҳрати оламгир бўлди,
Унинг кўйига ёшу қари парвона бўлди. (Унинг ишқи-кўчасида ёшу қари айланар эрди).

Ориф кишилар ҳар тарафдан шунчалик чунон йиғилиб келдиларким, унинг қасрининг номи Қасри Орифон бўлди.

Дин мамлакатада у подшоҳ бўлгандан сўнг, унинг фармонлари "балогардон" бўлди.

Ҳазрати Хожаи Жаҳонни пок руҳи унинг сулукини пинҳона таълим берди.

Хизри Набидан олган барча нарсани Нақшбанднинг замирига ўткарди (қўшди).

Унинг файзи билан Ер осмоннинг рашкини келтирди,

Хонақохи эса авлиёларнинг паноҳгоҳи бўлди.

Жаҳонда Султони Машойих бўлди, баланд файзли нуридан жаҳон мунаввар бўлди.

Хожаи Мушкулкушо деб нек ном олди, унинг эшигида шоху гадо бош урар эди.

Кўпдан кўп кишилар унинг-хайрхоҳи бўлиб, жону дил унинг ғуломига айланди.

Тошкент. Янги аср авлоди, 2001. 70-71-бетлар.

Бадиа Муҳиддинова таржимаси.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Юксак малакали мутахасислар – тараққиёт омили. Т.: Ўзбекистон, 1995.

2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий - ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза, 1995 йил 23 февраль. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Т.3.- Б. 3-54.

3. Каримов И.А. Юксак маънавиятсиз келажак йўқ: “Маънавият ва маърифат” республика жамоатчилик маркази раҳбарияти ҳамда бошқаруви аъзолари билан учрашувида сўзлаган нутқ, 1996 йил 4 сентябрь.- Т.: Ўзбекистон, 1997 - Т.5 - Б. 147-150.

4. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси !X сессиясида сўзланган нутқи, 1997 йил 29 август. // Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т.: Шарқ, 1997.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997. - 327 б.

6. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.Т.: Шарқ, 1998.

7. Каримов И. А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т.:Ўзбекистон.1999.

8. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард маъсадимиз.Т.: Ўзбекистон, 2000.

9. Каримов И. А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.,”Ўзбекистон”, 2000.

10. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., “Ўзбекистон”, 2000.

11. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.

12. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али Баҳоуддин Балогардон. Т.: Ёзувчи, 1993.

13. Азизиддин Насафий. Зубдат ул-хакойик – (Хакикатлар каймоги). Н.Комилов тарж. Т.: «Камалак», 1996.

14. Аликулов Х. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти. Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2006. 59 б.

15. Алишер Навоий. Насоимул муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. 17 том. Т.: Фан, 2001.

16. Баркамол авлод орзуси// Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Ҳ.Саидов, Р.Аҳлиддинов. – Тўлдирилган 2-нашри. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2000. 248-б.
17. Бухорий С.С. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд (Дилда Ёр). Тошкент: Бухоро, 2007. 117 бет.
18. Бухорий С.С. Икки юз етмиш етти пир. Бухоро: Бухоро, 2006.
19. Дурдона. Мир Кулол ва Шохи Нақшбанд мақомотларидан. // Таржимон. Садриддин Салим Бухорий, Исроил Субҳоний Т.: “Шарқ” 1993. 75 бет.
20. Зикри қалб султони (Бадиий, тарихий тўплам) 1-қисм. /тўпловчи ва таржимон Ибодат Ражабова. “Бухоро” нашриёти – 2003. 187 Б.
21. Имом Абу Абдурахмон ас-Суллами. Табақоти суфиййа. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2004. 91 Б.
22. Ислом. Энциклопедия:. А-Ҳ / З.Ҳусниддинов таҳрири остида – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2003.
23. Комил инсон хақида турт рисола. Фаридиддин Аттор, Султон Валад, Азизиддин Насафий, Хусайн Воиз Кошифий ижодидан намуналар. /Форс-тожик тилидан Н.Комилов тарж. Т.: “Маънавият” 1997.
24. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи.К.1.Т.: “Ёзувчи”,1996.
25. Комилов Н. Тавҳид асрори. Иккинчи китоб. Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
26. Махмуд Асъад Жўшон. Ислом, тасаввуф ва ахлоқ. /таржимон ва сўнгсўз муаллифи Сайфиддин Сайфуллоҳ. Т.: Истиклол. 238 Б.
27. Маҳдуми Аъзам. Рисолаи вужудия (Вужуд хақида рисола) /Таржимон, тўпловчи ва мақолалар муаллифи Наврўзова Г.Н., Зоиров Э.Х. Бухоро: Бухоро, 2006. 99 бет.
28. Мудрость суфиев /Пер. с персид. О.М.Ястребовой, Ю.А.Иоаннесяна, Б.М.Бабаджанова. – СПб.: Азбука; Петербургское Востоковедение, 2001. – 448 с.
29. Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: Фан, 2005. 232 б.
30. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – камолот йўли. Т.: Фан, 2007. 189 бет.

31. Наврӯзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг ёшлар тариясидаги аҳамияти. Бухоро: Бухоро, 2008. 40 бет.
32. Наврӯзова Г.Н., Зоиров Э.Х., Юнусова Г.С. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006. 133 бет.
33. Наврӯз-зода Б.Н. “Инсонни иқтисодий камолоти босқичлари, даражалари ва мақоми” Бухоро Давлат Университети “Илмий ахборотномаси”. 2005-2.
34. Сафо Очил. Мустақллик маънавияти ва тарбия асослари.Т.: Ўқитувчи,1997.
35. Тримингем Ж.С. Суфийские ордены в исламе // Перевод с англ. А.А.Ставиской, под редакцией с предисл. О.Ф.Акимугкина. Москва. Наука Глав.ред.вост.лит-ры, 1989.
36. Фалсафа: қомусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров) – Т.: “Шарқ” нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси. Бош таҳририяти, 2004.
37. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт.// Таржимон ва нашрга тайёрловчи Иброҳим Ҳаққул, Азиза Бектош. Т.: Моворауннаҳр, 2004 й 263 бет.
38. Шарипова О. Абдухлолик Ғиждувоний ҳаёти ва тасаввуфий мероси. Т.: Фан, 2008. 118 бет.
39. Фахриддин Али Сафий. Рашаҳот (Оби ҳаёт томчилари)Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. 535 бет.
40. Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий. Орифнома. //Таржимон Садриддин Салим Бухорий, Исроил Субҳоний. Т.: Наврӯз, 1994. 16 бет.
41. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Инсон ва коинот ҳақида рисола. Абдухлолик Ғиждувоний – мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т.:2003.
42. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. (Рутбат ул-ҳаёт) /Таржимон ва сўзбоши муаллифлари Сайфидин Сайфуллоҳ, Нодирхон Ҳасан. Т.: Янги аср авлоди. 2003. 64 бет.
43. Холмўминов Ж. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. 235 бет.
44. Ғаззолий, Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад. Ихёу улумид-дин. Биринчи китоб. Т.: Мовароуннаҳр, 2003.
45. Ғиждувоний Абдухлолик. Васиятнома. // Зикри Қалб Султони (Бадиий, тарихий тўплам) /Тўпловчи ва таржимон Ибодат Ражабова. 1-қисм. Бухоро: “Бухоро”, 2003. 151-153 – бетлар.
46. Хамиджон Хомидий. Тасаввуф алломалари. – Т.: «Шарқ», 2004. – 208 б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I.БАҲОУДДИН НАҚШБАНДНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ	24
1.БАҲОУДДИННИНГ ЗУҲУРГА КЕЛИШИГА ОИД БАШОРАТЛАР	24
2.ТАВАЛЛУД ТОПИШИ ҲАҚИДА	27
3.БАҲОУДДИН НАҚШБАНД НАСАБИ	28
4.БАҲОУДДИНГА ТАРБИЯ БЕРГАН УСТОЗЛАР	29
5.БАҲОУДДИН НАҚШБАНДНИНГ УВАЙСИЙ ЭКАНЛИГИ ҲАҚИДА	35
6.НАҚШБАНД ВАФОТИ ҲАҚИДА	39
II.БАҲОУДДИН НАҚШБАНД – КОМИЛ ИНСОН.	44
1.БАҲОУДДИН НАҚШБАНДНИНГ РУҲИЙ КАМОЛОТ ЙЎЛЛАРИ	44
2.БАҲОУДДИННИНГ КАМОЛОТ ДАРАЖАСИ	52
3.ШОҲ НАҚШБАНД: МАЗМУН МОҲИЯТ	55
4.БАҲОУДДИН БАЛОГАРДОН	61
5.МАШРАБ БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ХУСУСИДА	70
III.БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ИМОМ БУХОРИЙ ИЗДОШИ СИФАТИДА	74
IV.БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАЪЛИМОТИ	89
1.БУНЁДКОР ҒОЯЛАР	89
2."МУЛК" ВА "МАЛИК" ТУШУНЧАСИ	92
3.ҚАЛБ СОҒЛИГИ - ТАН СОҒЛИГИ	96
4.ҲАЛОЛ ЛУҚМА МАСАЛАСИ	100
5.ВАҚТНИНГ ҚАДРИ	104
6.ЛАДУНИЙ ИЛМ САБОҚЛАРИ	109
7. "ВАЛИЙ" ТУШУНЧАСИ	114
V. МАНБАЛАР ТИЛГА КИРГАНДА	122
1 "А Н И С А Т - Т О Л И Б И Н" АСАРИНИНГ БУХОРО НУСХАСИ	122
2.«МАҚОМОТИ ҲАЗРАТ ХОЖА НАҚШБАНД»	128
3.«РИСОЛАИ ҚУДСИЯ» - БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАЪЛИМОТИГА ОИД МАНБА	130
4. "КАНЗ АЛ ИБОД ФИ ШАРҲ АЛ АВРОД" АСАРИДА ТАВБА ТУШУНЧАСИ	135
Х У Л О С А	139
ИЛОВАЛАР	142
ҒОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:	170

Наврўзова Гулчехра Неъматовна

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

**Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси
институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия
этилган.**

МУҲАРРИР: **К.Норматов**

КОМПЬЮТЕРЧИ: **Р.Джумаев**

МУСАХХИХ: **Р.Джумаев**

Мазкур рисола Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
хузуридаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриётида
чоп этиш учун тайёрланди

Босишга рухсат этилди: 11.02.2009. Буюртма №138
Бичими 84/108. Ҳажми 10 босма табоқ. Адади 300

«Techno-tasvir» босмахонасида чоп этилди.

